

# УМРДАН УЗУН ЌЕЧА

ОЗАРБОЙЖОН ЁЗУВЧИЛАРИ  
ЏИКОЯЛАРИ



21. 512 ..162-3

4 51

# УМРДАН УЗУН КЕЧА

*Озарбойжон ёзувчилари ҳикоялари*



ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS» НМУ  
2014

Адабиёт миллат танламайди. Яхши асар китобхонлар қалбидан жой олса, бу унинг мулкидир. Озар адабиёти ҳам ўзбек адабиёти сингари бой тарихга эга. Бугунги кунда самарали ижод қилаётган озар адибларининг энг сара асарларини ўзбек тилига ўгириб, китобхонларга тақдим этмоқдамиз. Тўпламга киритилган асарлар ёзувчи, адабиётшунос ва китобхонлар томонидан эътироф этилган.

“Умрдан узун кеча” тўплами барчага манзур бўлади деган умиддамиз.

**Таржимон Рустам ЖАББОРОВ**

*Мазкур китоб Озарбойжон Республикасининг  
Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги  
Ҳайдар Алиев номидаги  
Озарбойжон маданият маркази билан  
ҳамкорликда чоп этилди.*

*Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.*

*“DAVR PRESS” нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатсиз ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик курунишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.*

ISBN 978-9943-4285-3-9

Abdulla Qodiriy nomidagi  
viloyat AQM  
INV № 2023/32-14



© “DAVR PRESS” НМУ, 2014



---

## АНОР

Анор Ризаев 1938 йил 14 мартда Боку шаҳрида Озарбойжоннинг машҳур шоирлари Расул Ризо ва Нигор Рафибейли оиласида дунёда келган. Озарбойжон Давлат университетининг филология факультетини битирган. “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати”, “Меҳмонхона”, “Оқ қучқор, қора қучқор”, “Дантенинг юбилейи” сингари асарлари билан Озарбойжон адабиётига беқиёс ҳисса қушган. 1991 йилдан Озарбойжон Ёзувчилар уюшмаси раҳбари, Озарбойжон халқ ёзувчиси. Унинг бир қатор асарлари ўзбек тилига ўтирилган.



---

## ВАҲИМА

Ўруч дўхтир ҳаётидан нолимасди. Соғлиғи жойида, қирқ бешни қоралаган бўлса ҳам, ҳозиргача лоақал тумов билан қаттиқроқ огриганини эслолмасди. Оиласидан ҳам кўнгли туқ. Ўзидан олти ёш катта хотини Покиза рўзғорида куйманиб юрадиган аёллардан. Уй-жойини саранжом-саришта сақлайди, ош-нонға ҳам уста, ўзи эса хокисор, камсуқум, огир-босиқ хотин. Бирор марта “Қаёққа кетувдингиз, қаердан келяпсиз, эрта ёки кеч қайтингиз”, дея эрига иддао қилмаган.

У ҳар кун эрталаб уйғонганида ошхонада янги дамланган аччиққина чой, қайнатилган тухум ёхуд қуймоқ, пишлоқ, сариёғ, иссиқ нонлар тайёр турарди. Кийимлари дазмолланган, пойабзали артиб тозаланган, бир кун аввал сал бушаб қолган тутмалари, эрталаб қараса бошқатдан қадалган буларди.

Ўғли ҳам қобилгина чиқди — ўрта мактабни олтин медаль билан битириб, ўқишга ҳам деярли ўз кучи билан кирган. Иккинчи курсга ўтиши билан ўқишини Масковдаги Иккинчи Тиббиёт олийгоҳига бир огиз илтимос билан кўчиртирди. Ҳар ҳафта ота-онаси билан қўнғироқлашиб туради, байрамларда табрикномалар юборади. Ўруч ҳам ҳар ойнинг бошида ўғлига отнинг калласидек пул юбориб туришни канда қилмайди.

Айниқса, иши узига жуда ёқарди. Шаҳарнинг таниқли руҳшуносларидан эди. Ҳатто тез-тез қабулига кириб турадиган ажабтовур хасталар, улар билан боғлиқ турфа ҳангомалар ҳам ҳаётининг бир булагига айланиб бўлганди. Кимгадир ёрдами тегса қувонар, тузалмайдиган, умидсиз беморлар учун ортиқча қайгуриб утирмасди. Ахир, кимнингдир бундай бедаво дардга йулиқишига Ўруч айбдор эмас-ку?

Албатта, масаланинг моддий томони ҳам бор. Ўруч дўхтир ўз фаровон ҳаёти ўзгаларнинг фожиалари устига қурилганидан виждон азобида юрадиганлар тоифасига кирмасди. Ҳа, у соҳасининг етук мутахассиси эди. Кимнингдир дардига шифо топиб, нажот бағишлаб, ҳаётини сақлаб қолишга сабабчи бўлса, чин кунгилдан бир нима ташлаб кетишади-ку, бу унинг ҳаққи эмасми? Гарчи ўзича ҳалол санаган ана шу “бир нима” расмий маошидан анча кўп бўлса-да, буни адолатли деб биларди. Чунки у эришган мартаба, туплаган тажриба ва билим ўз касбдошлариникидан бир неча бор юқори эди. Беморлар... йўқ, шу ери сал хато бўлди, беморларнинг яқинлари бошқани эмас, айнан Ўруч дўхтирни сарсон излаши, унинг қабулига кириш учун йиққан-терганини тукишга тайёр туриши ҳам муқаррар ҳақиқат эди. У касалхонада ишлашидан ташқари, ҳафтада икки кун беморларни ўз уйида ҳам қабул қиларди. Хуллас, кейинги ун-ун беш йилда Ўруч дўхтир ҳамма кам-кўстини бутлаб олганди. Деразалари денгизга қараган кооператив уйдан тўрт хонали квартира сотиб олган ва уни тамомила қайтадан таъмирлаган, қиммат, гулдор паркет ётқизиб, эшик-деразаларини каштан ёғочидан ясаптирганди, тахмон ва деворларга бўртма нақшлар солдириб, ҳар битта хона, ҳатто ошхона ва балкон учун алоҳида мебеллар келтириб ўрнатган эди. Хоналар ва даҳлизни биллур қандиллар ёритиб турарди. Учта телевизор, иккита ҳар хил системали видеомагнитофони (биттаси дала ҳовлисида эди), лазер-диск ўқийдиган қурилмалари ҳам бор эди. Чет эл сафарларига, албатта, видеокамера билан чиқарди. Ўзи ҳайдайдиган магнитофонли, стереодинамикли “Волга”си ва Мардакonda дала ҳовлиси бор.

Ҳамма можаро ана шу боғдан бошланди. Аслини олганда, ҳаммаси бир маромда бораётган эди-я... Боғни беш йил илгари олган. Ўручдан олдин бу боғ 88-йил воқеаларидан кейин Боқудан Масковга кўчиб кетган армани дўхтирга қарашли бўлган. Арманидан қолиб кетган бу уйнинг иккинчи қаватини Ўручнинг ўзи тиклади. Ҳаммомни кенгайтириб, сауна қурди. Янги мебеллар олди. Июль-август ойлари боққа Покиза билан бирга келиб дам олишарди. Ёзги таътилда Масковдан келган ўғли ҳам бир икки ҳафтани боғда утказарди. Йилнинг қолган ойларида эса, Ўруч боққа ҳар ҳафтанинг охирида бир ўзи келиб кетарди. Аслида бир ўзи эмас... ”

Жума куни эди. Ўруч кечга яқин охириг беморни қабул қилиб, уйига қайтар, кийимларини алмаштириб, “Волга”сида боққа йўл оларди. Кейинги уч йилнинг ичида Офелия билан алоқалар йўлга қўйилганидан бери — икки ҳафтада бир марта олдиндан келишиб шанба куни боққа, Ўручнинг ёнига келарди. Кун бўйи шу ерда бўлишарди. Офелия ўзи билан бирга яшайдиган ота-онасига “навбатчиман” деб, кечани Ўруч билан бирга утказарди. Бошида Покиза пишириб берган гушт бийрон, дулма, хилма-хил газаклар ва бошқа лаззатли емакларни коньяк журлигида Офелия билан бирга паққос туширганда, гоҳ-гоҳида виждонида оғриқ уйғонарди. Кейинчалик бундай ишлар анъанага айланди, виждон қургур санчмай ҳам қўйди. Якшанба куни эрталаб Офелия ундан олдинроқ уйғониб, чой қуяр, бирга нонушта қилишарди. Кейин Офелия уйига йўл оларди. Ўруч эса белкуракни олиб, ток кундалари атрофига ишлов беришга тушар ёки ичак билан гулларни сугорарди.

Тушга яқин оғайнилари келишарди. Меҳдининг ҳайдовчиси янги сўйилган қўчқорнинг гуштини

сихга тизиб, қурага ут қалаётган пайти Ўруч ул-фатлар билан саунада пивоҳурлик қилар, кейин чиқиб нарда ташлашарди. Кейин эса қовурга кабобларни гажиганча бир-бирлари шарафига қадаҳ кўтаришарди. Кечга яқин қадаҳсўзлар тугаб, ул-фатларнинг кайфи ошиб қолар, кейин Меҳдининг машинасида шаҳарга қайтишарди. Ўруч эса видеони қўшиб, Америка детективларини томоша қилишга утирарди. Шаҳвоний фильмларни эса (боғда бунақа томошаларнинг бир талайи сақланар, Покизанинг бундай беҳаё нарсаларга кузи тушишини асло истамасди) шанба куни Офелия билан бирга курарди. Экрандаги беҳаёликлар уларни ётоқда жуширар эди.

Ўруч душанба куни эрталабдан шаҳарга отланди. Бу икки ярим кун ичида хуморидан чиққунча дам олди, бутун ғам-ташвишлари узоқлашиб, турфа гавғоларга тўла янги ҳафтани қарши олишга тайёр эканини ҳис этарди. Уйда кийим алмаштириб, ишга борар ва янги ҳафта ҳам ўзгармас жадвал бўйича ўтиб борарди. Кундузлари иш, душанба, сешанба оқшомлари уйда касалларни қабул қилиш, чоршанба куни Меҳдининг уйида преферанс... Гоҳида ютар, гоҳида ютқизарди. Унчалик катта пул тикилмасди. Бу унинг учун бир эрмакка ўхшаган нарса эди-да! Пайшанба куни узоқ-яқин танишларининг уйига фотиҳахонликка утарди. Одамзотнинг охири шу-да! Буям қарзи қиёмат дегандай...

Чиндан ҳам танишлари куп-у, дўстлари оз эди. Икки-уч биродари билан сиёсат ҳақида камдан-кам баҳслашишарди. Суҳбат мавзуси асосан, касбкорлари ҳамда аёллар хусусида бўларди. Албатта, уларнинг бари айни куч-қувватга тўлган эркаклар бўлгани учун маишат, кайф-сафога иштиёқлари баланд эди.



Хуллас, ҳаёт Ҷручдан бор неъматларини аямаган эди. Ҳозирга қадар йиққан-тергани умрининг охиригача етиб-ортарди. Ҳаёт шавқини, лаззатини тотмоқ учун унинг сув парисидек сулув 25 ёшли гўзал Офелияси бор эди.

Офелия Ҷручнинг касалхонасида ҳамшира бўлиб ишларди. Беш йил аввал эрга тегиб, юлдузлари туғри келмагани учун ажрашган эди. Омадсиз никоҳ бир йилга ҳам бормапти.

Ҷруч анчадан бери Офелияни кўз остига олиб юрарди. Аслини олганда, Офелиядан ҳам гўзалроқ, ёшроқ қизларни қўлга олиш учун имконияти етарли эди — қад-қомати, савлати, юриш-туриши, тажрибаси, маҳорати, пули, дала-ҳовлиси, машинаси... Айнан Офелияни танлашига сабаб бу ёшгина жувон Шуволанда — Ҷручнинг боғига нисбатан яқин ерда яшаши сабаб бўлди.

Кунларнинг бирида боғдан шаҳарга қайтаётганида Офелиянинг электричка станциясига томон кетаётганини куриб қолди, машинасини тўхтатди ва шундагина Офелиянинг шу ерда яшашини пайқади. Ҷручнинг боғи Офелия ота-онаси билан яшаётган ҳовли билан электричкалар бекати, бозор, дукончаларнинг орасида эди. Бинобарин, ёш жувоннинг айнан шу йўналишда бориб-келиши ҳеч кимда шубҳа уйғотмасди. Боғ эшигига олиб борувчи йўл тор кўчанинг охирида бўлгани учун бу тарафга бурилгач ёки бу ердан чиққач, биронинг назарига тушиш қийин эди. Ҷруч тан олмаса ҳам, Офелияга боғланиб қолишида бу мулоҳазаларнинг ўрни бор эди. Ҳар қалай, алоқалари уч йилдан бери давом этаётган булса-да, ишда куришиб турсалар-да, севги оқшомлари ойда икки-уч марта бўлиб тургани учун ҳали бир-бирларидан безиб қолишмаган эди.

Ўруч битга нарсадан хавотирда эдики, унга оддийгина кунгилхушлик бўлиб туюлган нарса Офелия учун жуда кагга аҳамият касб этиши, энг инжа ҳисларини ҳам жунбишга келтириш мумкин эди. Аммо, афтидан Офелия ақли-ҳушли аёл бўлганидан унга жушқин эҳтиросга тула шанба учрашувлари, Ўручнинг қимматбаҳо совға-саломлари етиб-ортарди. Бошқа нарсанинг бу аёлга кераги ҳам йўқ эди.

Текширув ва муолажа, моддий имкониятлар, оила тинчлиги ва фаровонлиги, ўғлининг порлоқ истиқболи, боғнинг тоза ҳавоси, боғ ишлари, Офелия оғушидаги шанба оқшомлари, дўстлар давраси, преферанс, нарда, видеофильмлар — аниқ ҳаёт жадвали Ўручни мустаҳкам ихота ичига олган, бу ихота ташқарисидаги турли ғалвалар, гам-кулфатлар, қон ва кўз ёшларига қоришган дунёнинг гўёки унга мутлақо дахли йўқ эди. Балки шунинг узгинаси дунёнинг турфа савдоларидан ҳимояланишнинг энг самарали усулидир? Ўзимиз билмаган ҳолда келиб қолганимиз — бу беш кунлик дунёнинг беш кунини ҳам қора бўёқларда кўрмаслик, дарду бало ичида яшамаслик жаҳди эди.

Ўруч наинки соғлигидан, уйқусидан ҳам нолимасди. Одатда ун бир-ун бир яримларда ухлаб, тонгги етти-саккизларда уйғонар, бадантарбия қилар, иссиқ-совуқ душ қабул қиларди. Аммо кейинги пайтларда уйқуси қочадиган бўлиб қолди. Хусусан, ярим тунда уйғониб кетар, кейин саҳаргача ухлолмай ётар, уйқусизликдан тушақда тўлганиб чиқарди. Баъзан ёши ўтиб бораётганини ўйлаб, юрагини ваҳима босарди. Эликка қараб кетяпти. Эликдан кейинги ҳаёт ҳаётми? Турли касалликлар, эшик қоқаётган кексаликнинг совуқ нафаси, ўлим таҳликаси... Нима қолди, ҳеч нима? Ундан кейин нима булади? Ҳеч нарса...

Ўруч Худони тан олса-да, охират, жаннат, дўзах деган гапларга ишонқирамасди. Шифокор сифатида инсоннинг қандай моддалардан ташкил топганини, мия фаолияти тўхтаганидан кейин бу моддалар қай тарзда чириб битишини тасаввур қиларди, холос. Руҳ шифокори бўлса-да, руҳнинг ҳам айнан муайян моддий вазифалари миянинг ўнг ва чап яримшарлари фаолияти билан боғланганини биларди. Мия тўхтаса, руҳдан асар қолмайди, деб ўйларди у. Унинг наздида бу борадаги баҳс-мунозаралар шунчаки афсоналар, хом хаёллар, хурофотлар йигиндиси эди. Фақат яшаб турган ҳаётимиз бор, биз кўриб, эшитиб, ҳис этган дунё бор, холос. У ҳам бўлса беш кундан иборат ва бу беш куннинг бари қоронғи. Бу қора кунларни исталган рангга бўйаш ва уша рангда яшамоқ — санъат деб тушунарди қаҳрамонимиз. Чамаси, Ўруч бу санъатни пухта эгаллаган эди. Аммо, дунё талотумлари уни ихота этиб турган мустаҳкам деворни ошиб утмоққа-да ошиқарди.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, митинглар, Қорабоғ уруши, ҳокимиятдаги нотинчликлар Ўручнинг касбига ҳам таъсир ўткази бошлади. Руҳий хасталиклар, мия чайқалиши ҳолатлари кўпайган, янги хилдаги васвос ва савдойилар юзага келганди. Қариндошлари, оила аъзолари турли баҳоналар билан Ўручнинг қабулига олиб келган беморларнинг ярим хасталиги Қорабоғ муаммолари билан боғлиқ эди. Баъзилари “Икки соат муҳлат беринг, Тоғли Қорабоғ муаммосини икки соатда ҳал қилиб бераман”, деб келгувчи ҳовлиқмалар ҳам учраб турарди. Бу масалани йигирма дақиқада ёхуд икки кунда ечиб берадиганлар ҳам топиларди. Ана шундай савдойилардан бирининг даъво қилишича, яқинда Мингачевир сув омбори ёрилиб, мамлакатнинг ярмини сув босармиш, кейин Боқудаги қўлёмалар фондида ёнгин булармиш, бутун

бошли халқнинг на утмишидан, на бутунидан номнишон қолмасмиш... Яна биттаси ваҳима кутариб келибди: қайси гурдандир Ўручнинг боғи илгари бир арманига тегишли бўлгани эшитган бўлса керак-да! Топган гапини қаранг, нима эмиш — уша армани дала ҳовлининг деворларига, дарахт шохларига, тоқларнинг танасига махсус кимёвий моддалар билан ишлов берганмиш, бу моддаларнинг ранги ҳам, ҳиди ҳам йуқ эмиш. Лекин, бу моддалар боғда яшаганлар ва меҳмонларни аста-секин заҳарлаб бораркан. Ниҳоят, икки уч ойда улар бедаво дардга йулиқиб, улиб кетишаркан. Ўруч боғда беш йилдан бери яшашини айтганда қабулига келган савдойи мум тишлаб қолмади. Айтдики, нима қипти, одамларнинг организми ҳар хил бўлади, бировларда бу бедаво касаллик тўрт-беш йил давомида юзага чиқиши мумкин. Аммо, эртами-кечми бу касалликка, албатта, чалинасиз, тезроқ бу боғни, ундаги дарахтлар, тоқларни ёқиб, куйдириб ташланг.

Боламини биринчи бор курганида, туғрироғи келишининг сабабини билган заҳоти Ўруч буям боягидақа томи кетганларнинг биттаси-да, деб уйловди. Болами Ўручнинг қабул соатларида касалхонага келиб, қабулига ёзилган экан. Навбати келганида хонага калта буйли, кенг елкали, тор пешонали қоп-қора, урта ёшли бир одам кириб келди. Қалин, усиқ қошлари қонталаш кузлари устига жарлик четидаги икки туп шувоқдек осилиб турарди. Қарашлари жуда бежо. Ўруч бир қарашда бу “олигофремия” деган тухтамга келди. Шунини ҳам билардики, тор пешонали, кузлари бежо ва қонталаш касаллар қотиллар тоифасига кирарди.

— Марҳамат, нимадан шикоят қиласиз? — суради Ўруч.

— Сиздан...

— Нима?

– Сиздан шикоятим бор!

Бундай гаплар билан Ўручни ҳайратлантириб бўлмасди. Чунки кутилмаганда унинг ўзига қарши ҳужумга ўтиб қоладиган беморларга ҳам дуч келганди. Суҳбатни бошқа тарафга буриш учун:

– Исми шарифингиз, – деди, ҳолбуки олдида турган қоғозга унинг оти ёзилган бўлса-да.

– Отим Болами, памийлам Дадашев. Сизнинг ёнингизга касалимни даволатишга келганим йўқ. Соппа-соғман. Шикоятим бор. Сиз ҳозир менинг боғимни эгаллаб олгансиз.

Ўручнинг кўз унгида боғнинг аввалги эгаси — армани дўхтир гавдаланди:

– Адашяпсиз, – деди у, – боғ бир армани дўхтирники бўлган. Беш йил олдин Масковга кўчиб кетди. Боғни менга дала ҳовли учун беришди.

– Мен эмас, сиз адашяпсиз, арманидан олдин уша боғ мани отамники бўлган. Унга бобомдан мерос қолган. Боғ ота-бобомники. Эшитгандирсиз, Машади Дадаш менинг бобом булади. Сиздан ҳалол ҳаққимни талаб қилиб келдим. Худога шукурки, ҳозир ҳамма эски мол-мулкани талаб қилиб оляпти. Сиз ҳам яхшилик билан, ортиқча гап-сўз қилиб ўтирмай менинг боғимни қайтариб беринг. Сизга бошқа ҳеч қанақа гап-сузим йўқ.

Ўруч бир мuddат талмовсираб қолди. Қарши-сидаги одамнинг зоҳирида хасталик аломатлари сезилса-да, у касалга ўхшамасди. Балки гапи тўғридир? Ким билсин, ростдан ҳам арманидан аввал бу боғ унинг бобосига қарашли булгандир. Аммо, айна пайтда суҳбатнинг бу маромда бориши Ўручга умуман ёқмасди.

– Аввал боғ кимники бўлганини билмайман. Аммо, уни менга дала-ҳовлилар бошқармасидан хатлаб беришган. Сиз ушаларга бориб мурожаат қилинг.

– Мен ҳеч кимга мурожаат қилмайман. Биринчидан, гапимни тасдиқлайдиган бирорта қоғоз, далил-исботим йўқ. Иккинчидан, сиз жуда “извесни” одамсиз. Боғни сиздан олиб, менга беришмайди.

– Хуш, мендан нима истайсиз унақада?

– Қулоғингизга танбур чертдимми, духтир? Ўзингиз яхшиликча боғимни беринг.

Ўруч “Нима бало, жинни-пиннимасмисан” демоқчи бўлди-ю, уйланиб қолди: бу иборани ҳамма одам ишлатиши мумкин, аммо психиатр докторга ярашмайди.

– Майлику-я, – деди, – лекин мен беш йилдан бери шу боғдаман. Иккинчи қаватини ўзим тиклаганман, қайта таъмирдан чиқардим. Беш йил қаерларда юргандингиз. Нега мен шунча иш қилиб бўлганимдан кейин бошимга келдингиз?

Болами:

– Бунинг бошқа сабаби бор, – деди. – Харажат қилган бўлсангиз, тўлайман. Лекин боғни бари бир қайтарасиз. Отамнинг катта ўғлиман. Боғ менинг тегишим. Тўғри гапирдимми, аканг айлангур.

– Нотўғри гапирдингиз, – соатига қаради Ўруч. – Ҳозир сиз билан беҳуда лақиллашиб утиришга вақтим йўқ. Касаллар кутиб қолди. Сизниям касал урнида қабул қилдим, деб ҳисоблайверинг. Хуш кўрдик.

– Демак, боғни қайтармайсиз?

– Йўқ.

– Нимага?

– Бу масалада тортишишнинг ҳожати йўқ. Боғни менга расман хатлаб беришган, меники, у ерда мен яшайман, тамом-вассалом.

– Мен сизни у ерда яшагани қўярканман-да? Билиб қўйинг, бугундан бошлаб боғда бир кун ҳам яшамайсиз.

- Нега?
- Буниси менинг ишим.
- Нима қилардинг, дафъатан сенсирашга ўтди дўхтир. – Ўт қўясанми, дарвозамга танк туғрилайсанми?
- Айтдим-ку, нима қилишни ўзим биламан.
- Хуп, сени товламачи сифатида мелисага тутиб берсам-чи?

– Ўзи шуни кутяпман-да, аканг айлангур. Майли, мени мелисага беринг, авахтага тиқтиринг! Сизни бутун мамлакат билади. Энди замон бошқача, худога шукур, сўз эркинлиги бор. Газеталарда уриб чиқишади. Фалончи олим, жинниларнинг энг катта дўхтири бир камбағал деҳқоннинг боғини тортиб олиб, ўзини қаматворибди, болалари чирқираб қолибди, деб овозаи жаҳон қилишади.

Энди Ўручнинг сабр косаси лиммо-лим тўлганди:

– Ўв, менга қара, ҳали сенга қўл ҳам теккизганим йўқ, агар жонимга тегаверсанг, ҳозироқ кўзимдан йўқотаман, қулогингдан тутиб, ташқарига иргитаман, тушундингми? Қулингдан келганини қил, аммо яна бир марта бу ёққа қадам боссанг, ўзингдан кўр!

Болами бамайлихотир ўрнидан турди. Юзлари яна аввалгидек тиришди, кузлари уйнади.

– Майли-да, – деди. – Икки болам бор, каттаси Ҳусанога — йигирма бирга кирган, кичиги Ҳасанога — ун туққизда. Боғни мен ололмасам, болаларим олади. Аммо, бир мазлумнинг ҳақидан қурқинг, аканг айлангур. Худогаям хуш келмайди бу.

Жума куни эди. Ўруч оҳиста туриб, эшик тарафга одимлади. Эртасига боғда Офелия билан учрашуви бор эди. Ўруч ҳамшира қизни ёнига чақирди.

– Эртага шошилинич ишим чиқиб қолди. Боққа боролмасам керак. Кейинги ҳафта... майлими, асалим?

Офелия индамади.

\* \* \*

Кейинги ҳафта ҳам баҳона топиб Офелияни хабардор қилди. Боққа боролмаслигин айтди. Бормадиям. Найнки шанба кунги муҳаббат оқшоми, якшанбадаги улфатлар даврасининг баҳридан утганди. Бундан ажабланган оғайниларига:

– Боғда газниям, чироқниям узиб қўйишибди. Бу совуқда газсиз, чироқсиз ўтиришдан нима маъни?

– Шуям муаммоми? – деди Меҳди. – Ҳозироқ Сайидоғага телефон қиламан, одам юбориб, чироқниям, газингниям улаб беради.

– Қўй, керакмас, – деди Ўруч. – Бир уста билан гаплашганман. Келгуси ҳафтада келиб тузатиб бераркан.

Меҳди айтди:

– Булмасам, биратўла анув “високоволтни” симниям гаплаш, ёмон бежо турибди, богнинг тепасидан олишсин. – Ўручнинг боғи устидан утган юқори кучланишли электр симларни айтаётган эди, – Худо кўрсатмасин, шамол-памолда узилиб тушса, бир касофат булмасин тагин.

Бирорта монтер чақириб, симни боғдан ташқарига чиқартириш Ўручнинг ҳам хаёлида бор эди. Аммо, шу режани амалга оширишга ҳафсала қилмасдан юрувди.

Боққа бормаё юрганинг боиси — қурқув эмасди. Боламидан қўрқадиган жойи ҳам йўқ. Фақат, боғда Болами уни Офелия билан бирга тутиб олишдан қўрқарди, қизнинг ота-онасига етказгудек булса, гап-сўз кўпайиши, Ўруч ҳам,



Офелия ҳам шарманда бўлиши мумкин эди. Шанбани “қисқартириб”, якшанбада оғайнилари билан улфатчиликни давом эттираверай деса, буни Офелия эшитиб, қаттиқ ранжишини уйлади. Ҳурч мендан безор булгани учун алоқаларни узиш фикрида юргандир, деган хаёлга бориши мумкин-да!

Ҳар қалай, икки ҳафта боққа қадам қуймади. Фурсат топиб Офелиядан:

– Сизлар томонда турадиган Болами деган одамни танийсанми? Бир-икки ҳафта олдин келиб, шу билан йўқолиб кетди, тинчмикин? – деб сўраб курди.

– Албатта, танийман, – деди Офелия. – Беш йилдан бери турмада ётувди. Яқинда чиқиб келди.

– Нимага қамалган экан?

– Қотиллик сабаб қамалган чамамда. Бир буфетчини ўлдириб кетишганди. Ҳақиқий қотилни аниқлашолмади. Аввалига буфетчини роса уришган. Гап шундаки, буфетчи ўша ернинг ўзида ўлмаган. Уйига қайтган кеча юраги хуруж қилиб ўлган. Уни дуппослаган Огагул экан, Болами икки-уч марта калла қўйган. Ишқилиб... беш йилга кесилиб кетди! Турт йил ётиб чиқди. Ўша пайтда бутун қишлоққа гап булганди.

Орадан икки ҳафта ўтди. Ҳурч узича уйланиб қолди: балки бу Болами деган одам ҳаётда умуман йўқдир? Туш-пуш курган булса-чи? Ваҳимага тушиб, боғда кечиши лозим булган қанчадан қанча масъуд соатларни беҳуда ўтказган булса-я? Эртага жума, тош ёғсаям Офелия билан гаплашади. Боғда шанба кунини учрашишади. Якшанба кунини дўстларини кабобхурликка чақиради.

Ҳурч ана шу ёқимли истаклар билан ётоғига эндигина кирган пайти телефони жиринглаб қолди. Каравот ёнидаги телефон дастагини кутарди:

– Алло!

– Ассаломалейкум, мен, Боламиман.

– Кимнинг боласисан? – сўради аввалига тушунмай.

– Болами, дедим-ку, бир ой аввал олдингизга борувдим. Отамнинг боғи масаласида. Бирор қарорга келдингизми?

Ўруч аввалига дастакни илиб қўймоқчи бўлди. Кейин нимагадир бундай қилмади.

– Уй телефонимни ким берди сизга?

– Бе, шуюм иш буптими, аканг айлангур. Уйингизниям биламан. Хў-ўп, нима дейсиз энди бу ёғига?

– Ўша гапим, гап. Бошимни қотириб нима қиласиз? Бошқа бу рақамга телефон қилманг.

– Бупти, аканг айлангур. Фақат битта илтимосим бор, сиздан.

– Қанақа илтимос?

– Қоғоз қалам олинг-да, ёзинг!

– Нима деб ёзай?

Болами олтига рақамни айтди, Ўруч эса елка қисганча, рақамларни ёзиб олди.

– Ёздингизми?

– Бу кимнинг рақамлари?

– Бу менинг телефоним. Қачон бир қарорга келиб қолсангиз, яъни боғни қайтариш фикрини билдирмоқчи бўлсангиз, шу рақамни терасиз, бир соатда ёнингизда буламан.

Ўруч жаҳл билан қоғозни йиртиб отмоқчи бўлди. Аммо, ҳар эҳтимолга қарши буклаб, чўнтагига солиб қўйди.

Эртасига Офелиянинг ўзи гап ташлаб қўйди. Залда у ёқ-бу ёққа қараб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилса-да, инжа товушда шивирлади:

– Соғинмадингизми? – деди. – Эртага учрашамизми?

– Йўқ, эртагамас, бу ҳафта... хупми, асалим?

\* \* \*

Келаси шанба ҳам бир баҳона топиб, боққа бормади.

Кейинги пайшанба куни Офелия ишдан икки соат олдинроқ кетишга жавоб сўради.

– Онам билан таъзияга утмоқчиман.

Ўруч рухсат берди.

– Ким қазо қилди?

– Хотини онам билан таниш, мен қизини яхши танийман, – шу чоқ бирдан нимадир эсига тушди.

– Қаранг-а, эсимдан чиқай дебди. Айтганча, сизам танийсиз-ку уни?

– Кимни?

– Ўша қазо қилган кишини. Бир марта олдингизга келганини айтдингиз-ку? Мендан ҳам сўрагандингиз.

Ўруч бирдан юраги гурсиллаб кетганини ҳис қилди.

– Болами, – дея қичқириб юборди.

– Ҳа ўша, Болами... Обширний инфаркт бўпти, бечора.

\* \* \*

Бировнинг ўлиmidан севиниш гуноҳи азим. Аммо, ўша куни ишдан чиқиб, уйга кетаётган пайти ўзини қушдек енгил сезар, ич-ичдан бир сокинлик, бир хотиржамликни ҳис этиб борарди. Эртаси куни ишга келиб, Офелияга:

– Боққа бораман, – деди. – Эртага кутаман сени, асалим.

\* \* \*

– Анчадан бери боққа бормагандим, – деди Покизага. – Эртага бормоқчиман.

Покиза ўз ишини биладиган аёл эди. Шанба куни Ўруч боғда киядиган ҳаворанг жинси кост-

юмини, “Адидас” кроссовкасини кияётганида Покиза ҳам патир нонларнинг орасига котлетларни териб, алоҳида селюфан халтачаларни қовурилган картошка, турли салатлар, кукатлар, қайнатилган тухум, пишлоқ, сариёғ, хилма-хил мевалар билан тўлдириб саватга солди. Маъданли, спиртли ва яхна ичимликларни олиб бориши шарт эмас. Шундоғам боғда буларни керагича ғамлаб қўйган.

Покиза билан хушлашиб, саватни олиб ҳовлига тушди. Гараждан “Волга” сини қўзгаб, йўлга тушди. Иброҳим Татлисеснинг ҳазин қўшиқлари садоси остида икки-уч соатдан сўнг дала ҳовлисида кечадиган тотли дамларни хаёлидан ўтказиб, бутун вужудига нафис бир титроқ кирди. Таранглаша бошлаган аъзои баданида лаззат илҳақлигини туйди. Бир соат, ярим соатдан кейин қия очиқ дарвозадан ташқарига бўйланиб, интизорликнинг сўнгги лаҳзаларини яшаб ўтади. Торкўчанинг бошида Офелиянинг яшил плаши кўринадди, у эшик олдида етиб келгунча вақт шунақа секинлашадик... Ниҳоят, у ичкарига қадам қўйиши билан остонада турган Ўручнинг бағрига отилади. Ўруч қўли билан зулфинни ўтказаркан, иккинчи қўли билан жувоннинг сочлари, бўйинларини сийпалайди. Сўнг уни даст кўтариб уйга олиб киради. Кейин ўпишадилар, кейин саунага кирадилар...

Кейин коньяк ичишади. Мусиқа тинглашади, ҳушёр пайти беҳаё томошаларни кўришдан уялдиган Офелия сархушлиқда юзидаги сўнгги ҳаё пардасини ҳам олиб ташлайди.

Бир ой кечган Офелиясизлик ҳамда Шайтони лаин Ўручнинг миясига қалаштираётган бу хаёллар, истаклар, саҳналар, хотиралар ва булғуси на-

возишлар уни шу қадар ҳаяжонга солар, шоши-  
рардики, бир неча чақиримлик масофани янада  
тезроқ босиб ўтишга, вақтни янада тезлатишга  
уринарди.

Машина ичида Офелиянинг ифорини туяр,  
тулганишлари, эркаликлари, нозу карашмаларини  
кўз олдига келтирар, жонсўз ингроқларини эши-  
тар, шошар, ошиқарди. Қишлоққа кириб, Офелия-  
нинг шундоққина уйи ёнидан ўтаётганда бу  
пастқам деворлар ортида Офелиянинг учрашувга  
нечук ҳозирлик кўраётганини, ичкийимларини  
алмаштириб, атирларга бурканаётганини пайқа-  
гандек бўлди. Машинани тор кўчага бурди. Тушиб,  
дарвозанинг япалоқ қулфини очди. Машинани  
ичкарига олди.

Ичкаридан ҳам беркитиб, биринчи қаватдаги  
хона эшигини очди. Сават ичидагиларни музлат-  
кичга терди. Печкага ут қалаб, чироқларни ёқди.  
Телевизорни ёқиб, иккинчи қаватга кўтарилди.  
Ётоқхона, бар, видео тепада эди.

Апрелнинг илиқ куни. Ўруч плашини пастга ечиб  
чиққан эди. Айвонда бир оз кезинди. Атрофдаги  
боғларга, узоқдан курк бериб турган денгизга  
боқди. Кейин ётоқхона тарафга одимлади ва эшик  
қаршисида тахтадек қотди. Эшикнинг ичидан  
калит қадалган эди. Кўзларига ишонмади. Дала  
ҳовлининг дарвоза, паст ва юқори хоналарнинг  
иккита калити бор эди. Иккови ҳам унинг ўзида  
туради. Биттаси шаҳарда — сейфида, иккинчиси  
чўнтагида. Унда... эшик тирқишидан кўриниб  
турган манави калит қаёқдан келиб қолди? Ўруч  
пешонасини совуқ тер босаётганини ҳис этди.

Эшикни итариб очди ва ичкари кирди... Кириши  
билан сесканиб кетди. Ичкарида одам бор эди.

Одам эмас, антиқа, сап-сарикъ бир махлуқ. Сочи, қоши, соқол-мўйлови, киприклари ҳам малла ранг, ҳатто кўз қорачиқлари ҳам саргиш тусда эди. Гирт Альбиноснинг узи-ку. Ўруч аранг ўзини тутиб:

– Кимсан? – деб сўради.

– Ҳусаноғаман, – деди Альбинос. – Боламининг катта ўгли. Ота-бобонинг уйига келдим. Сен ни-ма қиласан бу ерда?

Ўручнинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Уни газаб отига миндирган фақатгина Ҳусаноғанинг такаббурлиги, уятсизлиги, беадаблиги эмасди. Бу бадбуруш махлуқ Офелия билан кечган масъуд онларнинг гувоҳи бўлган ва буладиган ётоқда, нафис тушаклар устида фаросатсизларча, туфлисини ҳам ечмасдан чалқанча ётарди.

– Йўқол бу ердан, кўзимга куринма, – деди Ўруч. – Асабларини жиловлай олмаётганини англаб, бир оз узидан ҳам ранжиди. Ҳусаноға эса жойидан жилмади. – Қанақасига ота-бобонинг жойи бўларкан. Буларни ўзим, ўз пулимга қурганман, эшитдингми?

Бу гал ҳам Ҳусаноға пинагини бузмади.

Куч ишлатаман деса, бу рамақижон сарикъ мошакни бир зарбада ағдаради. Ундан икки баравар ёши катта бўлса-да, аввалдан кураш билан шуғуллангани учун ҳалигача формасини сақлаб келарди. Аммо, кимсан Ўруч дўхтир келиб-келиб қайси гўрдаги бир дайди, саёқ такасалтанг билан муштлашса, шаҳарда гап бўлмайдимми?

Вақт оқиб борарди. Ҳализамон Офелия келиб қолади. Ҳусаноғани бу ерда кўриб қолса... йўқ, унданам ёмони Ҳусаноға уни бу ерда кўриб қолса, жуда ноқулай вазият юзага келарди. Офелия етиб келгунича бу чақирилмаган меҳмонни даф қилиши зарур. Мумкин қадар юмшоқлик билан гап бошлади.

– Укагинам, бу масалалар бунақа ҳал қилинмайди. Отанг ҳам ёнимга борувди. Гапирадиган гапимни айтдим унга. Бу боғни менга дала ҳовлилар бошқармаси берган. Ўша ёққа боринглар, судга беринглар, удда қилиб олинглар, лекин менинг бошимни қотирмаларинг. Шаҳар бедарвозами сенларга, хоҳлаган жойингга кириб, ялпайиб ўтириб олсанг? Ҳозир мелиса чақирсам, сени обориб тиқишади. Бировнинг боғига қандай кириб олдинг, калитни қаердан топдинг, ҳаммасига жавоб берасан ҳали.

Ҳусаноға индамайгина сариқ кузларини Ўручдан узмай, ҳаракатсиз ётарди. Ўруч гапираётиб, унинг бигиздек нигоҳларига туқнаш келганида гапидан адашиб қолаёзди:

– Ҳа энди... орзуга айб йуқ деб, бир ялпайганинг етар, қани бир жуна энди. Калитниям олиб қоламан. Яна шу томонларда кўриб қолгудек булсам... – Негадир гап оҳанги бирдан ўзгарди, – шаҳарга, ишхонамга келсанг, гаплашамиз.

Аммо, калитни эндигина олмоқчи булиб қўл узатганида Ҳусаноғанинг туси ўзгарди. Совуқ кузларида ваҳший учқун чақнади, лаб-лунжи эгилиб, қўлини каравот тагига узатди.

Шундагина Ўруч тоқларнинг тагини юмшатишда ишлатиладиган белкурак бу ерга келиб қолганини курди. Уни бу ёққа ким олиб келди? Каравотнинг тагига ким беркитиб қўйдийкин? Ким бўларди? Манави сариқ мошак-да! Аммо, нима мақсадда?

Мақсади энди ойдинлашди. Ҳусаноға белкуракни каравотнинг тагидан чиқариб, дастасидан тутди. Четлари кавшарланган, қиличдек уткир учини Ўручнинг пешонасига тўғрилади.

Кейинги воқеалар Ўручга худди уйқудек, ёхуд кадрлари ҳаддан ташқари тез ўтаётган фильм манзараларига ўхшаб туюлди. Вазият ўта кескин тус олган эди. Ҳусаноғанинг ҳамласини кутмай,

ўзини олдинга отди. Рақибининг билагига ёпишди. Иккинчи қўли билан белкуракнинг дастасини ушлади. Ўнг тиззаси билан сариқ мошакнинг чотига зарба берди. Ҳусанога оғриқдан бўкириб, қўлидаги белкуракни ташлаб юборди. Кўз очиб юмгунча белкурак Ўручнинг қўлига ўтди. Шу аснода Ҳусанога бор кучи билан Ўручнинг елкасига бир мушт туширди. Дунёи дун Ўручнинг кўзига қоронгилашди, рўй бераётган ҳодисаларнинг маъно ва мантиқдан йироқлиги, беҳудалигидан қони қайнади ва ноҳақ еган муштнинг заҳри уни ҳақиқий далли-девонага айлантирди. У энди ўзини назорат қилолмасди — қўлидаги белкурак қай тарзда Ҳусанонинг бошига санчилганини ҳам сезмади.

Шу лаҳза худди фильмдаги каби тез утаётган кадрлар яна ўз маромига қайтди. Ҳусанога ҳолсизланиб ерга чуққалади. Куз қорачиқлари бир нуқтага қадалиб, ҳаракатсиз қотди. Ўруч дўхтир бўлгани учун бу ҳолатнинг маъносини англади. Ҳусанога ўлган эди. Уни Ўруч ўлдирди. Яна ўз уйида, яъни Ўручнинг уйида. Ҳар ҳолда бу боғ, ҳеч бўлмаганда иккинчи қаватдаги бу хона Ҳусанонинг эмас, Ўручнинг уйи-ку? Ўручнинг ўзи қурган уй. Ва энди бу уйда ўлик ётибди. Наридан борса, йигирма бир ёшли йигитнинг ўлиги. Қони палос узра ёйила бошлаган, ётоқ деворларига ҳам сачраган эди. Белкуракнинг уч қисмида ҳам қон доғлари, дастасида эса Ўручнинг бармоқ излари бор эди.

Ўруч охириги йилларда фақат детектив асарлар мутолаа қиларди. Видеодан ҳам кўплаб детектив фильмларни курганди. Шу боис, эс-ҳушини тўплаб олганидан кейин биринчи қилган иши даструмолини чиқариб белкурак дастасидаги бар-



моқ изларини қайта-қайта артиш бўлди. Детектив асарларда бу ҳолат тез-тез такрорланарди. Белкурак учидаги қон доғларини ҳам артмоқчи бўлди, аммо дастасида бармоқ излари бўлмагач, учидаги қон доғларининг нима аҳамияти бор? Шусиз ҳам Ҳусаноғанинг шу белкурак билан ўлдирилганини билишади. Лекин ким ўлдирган? Бу ҳақда у эмас, бошқалар бош қотиради. Аввалига бошқа бир саволга жавоб топиши керак. Ҳусанога бу ерга нима мақсадда келди? Бировнинг боғига қай йўл билан кирган? Хонага қандай кирган? Калитни қаердан топган? Ўгирлаганми? Бу мумкин эмас. Ҳар иккала калит Уручнинг қулида туради. Қолипини олиб, ясаттирганмикин? Ундай бўлса, бу ерга киришдан мақсади нима бўлган? Бировнинг уйига суқилиб кириш, ялпайиб ётиш билан бу уйга эга чиқиш мумкинми? Ахир дунёда қонун-қоида деган нарсалар бор...

Ҳамма гап ана шунда. Айни дамга қадар ўша қонун-қоидалар Уруч тарафида эди, аммо ҳозирдан эътиборан қандай сабаб, қандай шарт-шароит, вазият бўлишидан қатъи назар қонун унга қарши туради. Уруч жиноятга қўл урди. Гумондор ҳам, айбдор ҳам, жиноятчи ҳам унинг ўзи. Албатта, бунинг учун жиноят очилиши, исботланиши керак.

Қочиб қутулиш зарур. Иш ошкор бўлганида, ҳаммасидан тониши керак. “Мен ўша куни боғда бўлмаганман, ўша куни (хаёлида терговчининг саволи: “Айнан ўша куни эканини қаердан биласиз?”) ...Йўқ, ўша куни деса бўлмайди. Бир ойдан бери боғда йўқ эдим, дейиши керак. Тугрисиям шу-да, бир ойдан бери боққа келгани йўқ. Бугунни ҳисобга олмаса, албатта, “Бугун ҳам боққа келмаганман, узини ишонтиришга чоғланди

Ўруч. Боққа келганимни ким билиб ўтирибди? Покизами? Ҳозироқ уйга қайтиб, фикримдан қайтдим, боққа бормадим, кечқурун шаҳарда ишим борлиги эсимга тушди, дейман”.

Яна ким билади. Офелиями? Ё Парвардигор! Ярим соатда у етиб келади-ку! Тезроқ бу ердан кетиш керак. Келса, бир оз эшикни тақиллатиб, қайтиб кетаверади-да! Душанба куни бирор баҳона топиб кечирим сўрайди. Келгуси ҳафта кўришамиз, дейди. Лекин кейинги ҳафта куриша оладиларми? Келмаса, бу иш қандай очилади? Ўлик айнан унинг боғида, уйнинг иккинчи қаватида эканини ким билиб ўтирибди? Ҳар ҳолда шуниси аниқки, бу ердан ҳозироқ кетмасачатоқ бўлади. Белкурак сопидаги бармоқ изларини йўқотгани етар, бошқа жойларни артиб чиқиши шарт эмас, ўз уйи бўлганидан кейин ҳамма жойда унинг изи бўлмай, кимники бўлсин? Изларнинг янги ёки эски эканини топишнинг имкони йўқ. Бошқа бирор асар-аломат қолмадимикин? Боя олишган пайтида тугмасими, соч толасими, бирор нарсаси тушиб қолмадимикин? Диққат билан хонани кўздан кечириб чиқди. Ҳусанога каравотнинг ёнида, ерда чузилиб ётарди. Пешонасидаги ярдан сизаётган қоннинг бир қисми палос устида кўлмакчалар ҳосил қилган, қолгани жасаднинг сап-сарик чаккаларида, бўйин ва юзларида қота бошлаган эди. Қон каравот устидаги пушти ранг аёлни ҳам ивитиб ташлабди. Жасад ёнида қонга беланган белкурак. Хонада тўс-тўполон, олишув ва жиноятнинг бошқа нишонаси йўқ. Ҳар қалай, Ўручнинг кузи тушмади.

Хонага сўнги бор куз югуртириб, айвонга чиқди. Хона эшигини ёпиб шоша-пиша пастга тушди. Телевизорни, печкани, чироқларни учирди.

Эшикни қулфлаб, дарвоза тарафга юрди. Машинани тор кўчага чиқариб, дарвозани беркитди.

“Асосийси, узимни йўқотиб қўймасам бўлгани. Ҳозирча мени бу ерда ҳеч ким кургани йўқ, тезроқ қочиш керак, тамом-вассалом”.

Тезлик билан машинани катта кучага чиқарди. Йўл-йўлакай миясидаги фикрлар калавадек чувалашиб борди. Ишқилиб, бирорта хатога йўл қўймадимикин? Жиноятнинг бирор учи очилиб қолмасмикин? Шу ҳақда ўйларкан, ногоҳ, иккинчи қаватдаги ётоқхона эшигида турган калитни эслади. Ахир, бу калит Ўручники эмаслигини ким исботлаб беради? Иккита калити бор бўлса, учинчиси ҳам бўлиши мумкин-ку? Бориб олса, қандай бўларкан?

Йўқ, бу жуда хатарли. Қўлга тушиб қолади. Борди-ю, Офелияни учратиб қолгудек бўлса, вазият янада мураккаблашади.

Аэропортга яқинлашган пайти яна бир “илмоқ”ни унутиб қолдиргани эсига тушди. Музлаткичдаги егуликлар, мева-чевалар... Экспертиза бу егуликлар шу куни олиб келингани ва демакки, Ўручнинг бу ерга келиб-кетганини исботлай олади. Уфф, жин урсин, ўчакишгандек, хотини кўкатларни бугунги газеталарга ўраб берганди. Тамом, Ўруч айнан қайси кун боққа келиб-кетганини юз фоиз аниқ билишади.

Миясига шу фикр келиши билан машинани орқага қайтарди. Боққа қайтиши нечоғли хавфли бўлмасин, ашёвий далилларни ташлаб кетиш ундан юз чандон хатарли эди. Ишқилиб, олдидан Офелия чиқиб қолмаса бас.

Саккиз дақиқада машина бояги тор кучага етиб келди. Дарвозанинг қўштавақасини бирданига очиб ўтирмади. Машинани ташқарига қўйиб, ўзи ичкари кирди. Музлаткичдаги ҳамма егуликларни

чиқариб, саватга солди. Ўзи чиқинди челака ташлаган янги газета парчаларини йиғиб, ҳожат урага итқитди.

Энг таҳликали онлар эди бу. Офелия кўчада турган машинани кўрса, Ўручнинг шу ерда эканига шубҳаси қолмайди. Унда дарвозани очиб, Офелияга вазиятни тула-тўкис тушунтириш керак (Тушунтира олармикан?) Дарвозани очмасачи? Унда Офелия кутавериш хавотирга тушади, кейин бир кор-ҳол юз бергандир, деган хаёлда қўшниларга, ҳатто мелисага ҳам хабар қилиши мумкин. Ана унда...

Ишқилиб, Офелия келиб қолмасин-да! Ҳар доим маъшуқасининг келишини интизор кутган Ўруч бу гал унинг келмаслиги учун бутун борини беришга тайёр эди. Эҳтимол, Ўруч йўлда кетаётганида Офелия келиб кетгандир? Ўручнинг боғдан чиқиб, аэропорт ёнидан қайтиши ўн беш-йигирма дақиқани оларди. Шу вақт ичида Офелия келиб-кетиши мумкинмиди? Кошки шундай бўлса?

Ўруч саватни ташқари чиқариб, пастки хонани беркитди. Иккинчи қаватга чиқаётганда оёқлари чалишиб, зинапоядан умбалоқ ошиб тушишига оз қолди. Йиқилиб, оёғини синдириб олиши қолувди ўзи. Ётоқхонанинг эшигида тиқилган калитни суғуриб олди. Туфлисининг учи билан эшикни қия очди-да, ичкарига мўралади. Ҳамма нарса ўша ҳолатда — жасад, белкурак, каравот... фақат палос устидаги қон халқоби бир оз катталашган.

Ўруч тезгина туфлиси билан эшикни итарган эди, қарсиллаб ёпилди ва бу овоз сукунатда шу қадар қаттиқ эшитилдики, Ўручнинг ўзи ҳам сесканиб кетди. Қулида ҳамон ушлаб турган бегона — “учинчи” калитни ҳовлидаги қудуққа итқитди.

“Ҳусаноғанинг оиласи ҳали бу фожиадан беҳабар” уйлади Ўруч. Хабар топса, қанчалар қиёмат қўпиши мумкин. Отасининг етгиси ўтмай туриб, катта ўғли жувонмарг бўп турибди. Чиндан ҳам мусибат-ку бу! Бу мусибатнинг лоақал Ҳусаноғага оид қисмига ўзи сабабчи эканига Ўручнинг ишонгиси келмасди. Ахир, Ўручда нима айб? Жанжални, бемаъни иддаоларни йўқ ердан ким чиқарди? Ўручнинг уйига суқилиб кирган ҳам Ҳусаноғанинг узи бўлди-ку! Жанжални ким бошлади, ким биринчи ҳужум қилди? Ўруч белкуракнинг дастасидан тутиб қолмаганда, шу белкурак унинг бошини ёрмасмиди? Ҳозир каравот ёнида қонига галтон бўлиб ётган ҳам Ўручнинг ўзи бўларди. Ўруч жиноят қилгани йўқ, фақат узини ҳимоя қилди, холос.

Унақада нега ўз ихтиёри билан машинасини мелисахонага ҳайдамади? Ҳамма гапни бориб айтса бўларди-ку? Аммо, улар воқеа айнан шундай юз берганига ишонармиди? Майли, ишонсин ҳам дейлик, терговдан ҳам, суддан ҳам оқланиб чиқди, дейлик. Бари бир қотиллик тамғаси умр бўйи гарданида қолиб кетмайдими? Бу шунча йил мисқоллаб йиққан обрў-эътиборини бир лаҳзада йуқотмайдими?

Дарвозани қулфлаб, катта йўлдан кетиб бораётганида ҳам миясида чарх ураётган минг бир ўй-хаёлнинг мантиқий натижаси битта эди — мелисага бормай, туғри иш қилди. Жиноят... йўғ-э, ҳодиса жойида бирор из қолгани йўқ. Агар узини қаттиқ тутса, ҳеч ким Ўручнинг бўйнига ҳеч нарсани иддиролмайди. У ҳар қандай вазиятда бирор оғиз шубҳали гап айтмаслиги, узини ҳеч нарсдан беҳабардек курсатиши шарт. Бу унинг қўлидан келади. Ҳар қалай, тажрибали психиатр. Асаблари, кайфияти, юриш-туришини бошқара билади. Ҳеч

бир моҳир терговчи уни тилидан илинтира олмайди. Эртами-кечми, бари бир терговчи билан юзлашиши аниқ. Ахир жиноят... узр, ҳодиса, унинг богида юз берган. Демак, уни ҳам терговга жалб қилишади — бу аниқ. Ҳеч бўлмаса, баъзи нарсаларга аниқлик киритиш учун. Шу куни боғда ким булган? Калит яна кимда булиши мумкин эди? Марҳумни аввалдан танирмидингиз? Оилавий яқинлигингиз бормиди? Бу саволларга аввалдан тайинли жавобларни топиб қуйиши зарур эди.

Яна ўзи кўрган детектив фильмларни эсга олди — узига алиби ҳозирлаб қуйиши керак. Касалхонага ҳайдади. Таажжубда қолган қоровулга, “Қоғозларим қолиб кетибди. Эрталабдан бери ишлаётувдим. Қарасам, қоғозларимнинг ярми ишхонада экан”, — деди.

Қоровулнинг соат сўрагани ҳам, худди кунглидаги иш бўлди. Бир соат олдинги вақтни айтди. Бу вақтда Ўруч 42 чақирим олисда, эндигина белкурак билан Ҳусаноганинг бошини ёрган эди.

Касалхонадан чиқиб, дўконга кирди. Тиш пастаси олган киши бўлиб, сотувчи билан анча суҳбатлашиб қолди. Дорихонага кириб, валокардин сўради. “Йўқ” жавобини эшитгач, юзида ясама норозилик акс этди. “Ҳеч қачон сизлардан керакли дорини топиб бўлмайди, бир соат аввал, — у шундай дея девордаги соатни кўрсатди, — аспириин сураам, шуниям топиб беролмовдиларинг, аспириин-а?”

Ўручни яхши танийдиган сотувчи узрли жилмайди:

— Духтир, кечирасиз, лекин бизда аспириин ҳар доим бўлади, сизга йўқ деб ким айтди?

Ўруч ўзини йўқотиб қуймади:

— Ким билсин, битта ёш қиз ўтирган экан, бир соат олдин келувдим, йўқ деди.

У уйига келди. Эшикни узидаги калит билан очиб, сават билан ичкари кирганида, Покиза лол қолди.

– Сиз... боғда эмасмидингиз?

– Бормадим, – деди. – Индин маърузам борлиги ярим йўлда эсимга тушди. Материалларнинг ярми уйда, қолгани ишхонамда экан. Бугун эрталабгача уйда утириб ишлашим керак. Манави саватдагиларни музлаткичга қуй, бузилиб-нетиб қолмасин.

Бу саҳна жуда ишонарли чиққани учун узидан қониқиш ҳосил қилди. Аммо, вужудида бари бир қандайдир саросима ҳукм сурар, бадани енгил титраётганини сезарди. Ўзини қулга олишга қанчалик уринмасин, урдасидан чиқолмаётганди. Икки соат олдин юз берган ҳодисалар хаёлидан кетмасди.

Ҳаммомга кириб, аввал иссиқ, сунг совуқ душ қабул қилди. Ваннани сувга тулдириб, бир муддат чўзилди. Шу чоқ миясига келгани шу бўлди: ўзини ўлдиришнинг энг осон ва оғриқсиз йўли иссиқ сувга кириб, томирларини кесишдир. Кейин бу фикрни дафъатан миясига суққани учун Шайтони лаинни сукиб ҳам қўйди.

У уттиз-уттиз беш дақиқаларда ҳаммомдан чиқди. Фен билан сочларини қуритаётганда, Покиза стол устига бир стакан чойни икки тилим лимон мураббо билан келтириб қўйди.

– Телефонда сизни сурашди, – деди мутелик билан. – Ҳозир чумияптилар, кейироқ қунгироқ қилинг, дедим.

Ўруч илкис сергакланди:

– Ким экан у?

– Танимадим. Боламиман, дейди.

– Ким?

– Болами.

Ўруч юрагининг қинидан чиқаётганини ҳис қилди. Болами! Бир неча кун аввал дунёдан ўтган Болами! Уч соат олдин улдирилган Ҳусаноганинг отаси-я?

Шубҳасиз, бу қунгироқ икки-уч соат аввалги ҳодисага алоқадор бўлиши керак. Балки “Болами” эмас, “Боламининг уйдан” дейишгандир? Балки, Болами деган бошқа бир қариндошлари ҳам бордир? Ҳар қалай, ҳозир телефонда Болами деган исмининг ишлатилгани оддий тасодиф бўлиши мумкин эмас. Бояги ҳодиса билан боғлиқ эканига шак-шубҳа йўқ.

Покиза совиган чойнинг ўрнига янгисини келтириб қўйди:

– Бирор нарса ейсизми?

Покизанинг бу меҳрибонлиги, гамхурлиги, умуман унинг феъл-атвори, ҳалимлиги, садоқати Ўручнинг энг катта бахти эди. Ўруч шуни ҳам аниқ билардики, қачондир бу жиноят... ҳодисанинг усти очилиб, Ўручни жавобгарликка тортишса, ҳатто қамоққа тиқишсаям, Покиза унинг яккаю ягона паноҳи, илинжи, таянч нуқтаси бўлиб қолиши тайин эди. Бундай сидқ, фидойилик ва вафодорликни қавм-қариндошлари нари турсин, ҳатто ўғлидан ҳам кутмасди. Ҳозир у Офелия ҳақида ўйлашни ҳам истамасди. У билан боғда бугун кўришмагани яхши бўлди, уни фақат шу тарафдан эслаши мумкин эди.

– Эрталабдан бери туз тотмагандирсиз? Бирор нарса пишириб берайми?

Ростдан ҳам эрталабдан бери у ҳеч нарса емаган. Иштаҳаси ҳам йўқ эди. Бирон егуликдан татиб куришни, бирон нарса ҳақида ўйлашни ҳам истамасди. Фақат кўзларини юмиб, ҳеч кимни курмасликни, гаплашмасликни, ҳеч нарсани ҳис



этмасликни истарди. Дунёдан тамомила ажралишни, сокин, салқин бир куланкада якка-ёлғиз қолишни истарди. Овозлардан, сўзлардан, юзлардан, алмойи-алжойи фикрлардан толиққан, одамлардан чарчаган эди. Ўзини соғ кўрсатишга тиришган касаллар ва касалтабиат соғлардан ҳориганди. Ҳатто, ўз-ўзидан ҳам бешиб қолганди. Узун, чексиз бир сукутга илҳақ эди. У ўз жонига қасд қилишни асло хаёлига ҳам келтиргани йўқ. Бунга иродаси етмасди. Ҳатто, иссиқ ваннада томирини кесиб ўлишни ҳам истамасди. Аммо, уйқудаги оний бир ўлим — азиятсиз, оғриқсиз, кўрқувсиз, ваҳимасиз... қандай яхши бўларди-я! Фақатгина ётиб ухлаш ва уйғонмаслик...

Бир қултум чой ичиб, кўзларини юмди. Миясига тулган фикрларни, жонланган ўша машъум саҳналарни хаёлан сидириб ташламоқни истади. Бошқа, яхшироқ нарсаларни ўйлашга тиришди. Ҳатто Офелия билан кечган дамлардаги шаҳвоний уйинларни хотирлади — кўнгли айниб, ўқчишига сал қолди. Болалигини, қалин урмонлар орасидаги мавжланган булоқни эслади. Булоқ сувининг совуқлигини оёқлари билан ҳис этди. Қайнар булоқнинг шўх кулгиси қулоқлари остида жаранглагандек бўлди. У юмшоқ оромкурсига ястанганча, кузи илинганини сезмай қолди.

Ногаҳон эшик қўнғироғи жиринглади. Қўнғироқ тугмаси босилиши билан ёқимли, ҳазин бир мусиқа янграрди. Аммо, Ўруч ҳозир поезднинг чинқириғидек ҳуштак чалиб, пишқириб келаётган овозни уйқу аралаш тинглашга мажбур эди.

Сапчиб, эшик тарафга юрди. Одатда эшик очишдан аввал митти туйнукдан қараб, кимлигини сўраб, кейин эшикни очарди. Ўруч бу гал одатига амал қилмади. Эшикни очиши билан донг қотди: остонада Болами турарди.

Кейинчалик Ұручнинг ўзи ҳам таажжубланди. Нега ўшанда юраги тухтаб қолмади? Нега йиқилиб тушмади? Ахир рўпарасидаги ўлган одам эмасмиди? Уч соат илгари улдирилган Ҳусан-оганинг отаси шу эмасми? Балки нариги дунёдан қайтиб келдимикин? Ўғли учун қасос олмоқчидир, балки?

Аmmo, Болами қасос олгани келган одамга ўхшамасди. Юзида хотиржам, тинч, сокин бир ифода бор эди. Ҳатто, озгина кулимсираб турарди. Ұруч бу галати одамни илк бор курганида, умрида кулмаган ва кулмайдиган одам булса керак деб уйлаган эди. Қандай ўйга бормасин, қаршида турган одам ўша Болами эди. Унинг юзида аввалгига қараганда иккита фарқни сезиш мумкин эди. У соқол қуйган, юзи эса анчайин мулойимлашиб қолганди.

– Боя телефон қилсам, келин чўмиляптилар, деди. Мен унақа бўлса, уйда экан, бирор жойга чиқмаса керак, дедим. Ҳавонинг авзойи бузилганини қаранг, бирданига ташлади-я! Шабадани айтмай-сизми, кўз очирмайди. Чўмилиб чиқсангиз, бунақа ҳавода шамоллаб-нетиб қоласиз-да, аканг айлангур! Энди, тозалик, покизалик бари бир яхши-да, сиҳати вужуд, дегандай... Духтирдан бир хабар олай-чи, борсам эшигидан қувмас, дедим. Кирсак буладими ўзи?

– Марҳамат, киринг!

Болами даҳлизда аввал камзулини, кейин, этикларини ечди. Ұручнинг миясидан турли фикрлар яшин тезлигида чақнаб ўтарди: “Бу қанақаси энди? Бу одам ўлмаганмиди? Унинг ўлганини ўзи кимдан эшитувди? Ҳа, Офелиядан! Балки, “Буфетчининг улимида айбланиб қамалиб чиққан, деб умуман бошқа Боламини назарда тутгандир?

Инфарктдан улган ҳам уша одам булса керак! Дунёда Боламидан купи йуқ. Майли, масаланинг бу тарафи аниқ, дейлик. Ўлган бошқа одам бўла қолсин. Лекин биз билган одам типпа-тирик турибди-ку! Демак, углининг улиmidан хабари йуқ. Акс ҳолда Ўручдан шубҳаланмаган тақдирда ҳам бунақа тиржайиб юрмаган буларди. Ахир, уч соат илгари бечора бир мужаррад боласидан айрилган. Балки... ақдан озган булса-чи? Ўруч мутахассис сифатида Боламининг кўзларига тикилди, қўл ҳаракатларини кўздан кечирди. Йуқ, тентакка ўхшамайди. Ҳар ҳолда ўглининг улиmidан хабар топмагани аниқ. Унақада Ўручнинг уйига нега келдийкин? Мақсади нима?..”

Хонага ўтишди. Болами эса жимгина жилмайган кўйи хонани кўздан кечирарди. Ўруч “балки энди уйимга ҳам эга чиқмоқчидир” деган хаёлга борди. Балки бу бировнинг уй-жойини даъво қилишга мойиллик, рухий хасталикнинг янги бир туридир?

Покиза чой келтириб, Боламининг олдига қўйди. Болами бошини кўтариб, Покизага қарамасдан:

– Раҳмат, келин, болаларингиз ҳузурини кўринг, – деди. – Туйларингизга келиб хизматда бўлай. – Чойдан бир ҳўплам ичиб, хонани яна бир кўздан кечириб чиқди.

– Ҳа, Ўруч дўхтир, – деди. – Аканг айлангур, шу десангиз, бу дунё хуб қизиқ дунё, бошқача дунё экан. Аканг айлангур, икки ҳафтадан бери бу ерда эмасдим. Эронга бориб келдим. Парвардигор сизга ҳам насиб қилсин. Машҳадга бориб, Имом Ризонинг (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин) қабрларини зиёрат қилиб қайтдим. Параход минан келдим. Уша ерда Худо дилимга солдики, болаларимнинг ёнига боришдан аввал сизни бир кўриб ўтишим керак. Ҳазратнинг қабрлари тепасида, аканг айлангур, сизни бошқа безовта қилмасам, деб ният қилдим.

деб. Ўша боғни қайтиб даъво қилмаганим бўлсин, дедим. Шу йигитнинг ҳаққи ҳалоли бўлсин дедим. Сиздан ҳеч қанақа даъвойим ҳам, иддаойим ҳам йўқ. Ўша ҳазрати имомнинг хоки-пойларини кўзимга сурганимда дилимга бир нури илоҳий тушди. Худдики, ҳазратнинг ўзлари қулоғимга пичирлагандай бўлдилар: “Ҳай барака топкур, Худонинг бандаси, Болами! Неча йилки, бир ар-мани боғингда макон тутди, индамадинг. Энди ўз биродаринг, диндошингни қувиб чиқарайин дейсанми? Қўй, бечора умрининг охиригача шу ерда умргузаронлик қилсин, сен ҳам кўчада қолганинг йўқ, уй-жойинг, бола-чақанг бор, нима қиласан беш қўлингни оғзингга тиқиб? Ҳай дедим, майли дедим, ўтган ишга салавот дедим. Аканг айлангур, мана, олдингизга келиб турган жойим. Ўша боғда униб-ўсинг, мингдан минг розиман.

Раҳматли Воҳид айтганидек:

*Воҳид, жаҳонда жовидони ишқ мулкидир,*

*Қолган нима бўлса, бари вайронадир манга.*

Ўруч айни пайтда бошқа нарсани ўйларди. Болами ҳозир туғри қишлоққа бориб, ўгли йўқолиб қолганини пайқайди. Эртами-кеч ўликни ҳам топади. Ана шунда қиёмат бошланади.

Болами чойини ичиб, ўрнидан турди. Ўручнинг тилидан кўчган манзират ўзига ҳам ғалати туюлиб кетди:

– Ўтиринг, қаёққа шошиласиз? Хотинга айтай, овқат-повқат қилсин...

– Йўқ, аканг айлангур, Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Уйга бормасам бўлмайди. Болаларимни соғиндим, кузи тўрт бўлиб утиргандир.

– Болалардан нечта? – бу саволни шунчаки бермади. Шу тариқа Ҳусаноғанинг улимига дахли йўқлигини яна бир бор курсатмоқчи эди.

– Айтувдим-ку, сизга, икки уғлим бор, боши омон бўлсин. Каттаси Ҳусаноға, Кичкиnasi Ҳасаноға.

“Ҳусаноға... эди” хаёлидан кечирди Ўруч. “Энди каттаси йўқ, фақат кичиги қолган”.

Болами ҳали буни билмасди. Негадир кулим-сиради. Ўруч ҳам унинг табассумига жавобан илжайиб қўйди.

Болами хайр-хушлашиб уйдан чиқди. Ўша кечаси Ўруч саҳаргача ётолмай чиқди. Эртаси — якшанба кунини худди игна устида утиргандай азоб билан утказди. Ҳар гал телефон жиринглаганда, бир қат учиб тушарди. Ҳар дақиқада эшик очилиб, қуроли соқчиларнинг кириб келишини, унинг қул-оёғига кишан солиб олиб кетишларини кутарди. Аммо, кун бўйи ҳеч ким эшикни қоқмади. Тайинли қўнғироқ ҳам бўлмади. Фақат қўшниси сув келган-келмаганини сўраб сим қоқди. Кейин бир-икки танишлари... Биттаси бегона, рақамни нотўғри терган чамаси. Кечгача Ўручнинг булари бўлди. Ётоғида чўзилиб, бир оз мизғиди. Кейин уйғонди-ю, саҳаргача ухлолмади.

Эрталаб соат олтида туриб, душга тушди. Соқолини олди, томоғидан бир тишлам нон ҳам утмади. Бир стакан чой ичди, пиёда ишга жунади.

Касалхона қаршисида Офелия билан юзлашди. Офелия атрофда одам йўқлигига ишонч ҳосил қилгач:

– Мени кечиринг, – деди ярим овозда. – Ўша кунни боролмадим. Онаминг қон босими ошган эди, укол қилдим, ташлаб кетишга кўнглим бўлмади. Жаҳлингиз чиқмадимми?

– Албатта йўқ, – деди Ўруч ич-ичидан севиhib, чиндан ҳам яхши бўпти, акс ҳолда янги нохушликлар пайдо бўларди. Энди у Офелияга ҳаёуз айбини айтиб қўйиши керак эди. – Ўзим сенда

узр сўрамоқчийдим. Зарур ишим чиқиб қолди, шу сабабдан мен ҳам боққа боролмадим. Икки кун сени ўйладим, боғнинг эшигида кутиб-кутиб кетдимикан, деб. Келмаганинг зўр бупти, – кейин бир оз ўйланиб, гапига тузатиш киритди, – лекин онангнинг қон босими ошгани чатоқ бупти-да! Ҳозир яхшими, ишқилиб?

– Эрталаб ўлчаб кўрсам, жойига тушибди, – деди ва бир оз қизариб давом этди. – Демак, сизам келмабсиз-да, мен бўлсам... сизни анча куттириб қўйибман деб...

– Сени ҳар доим кутаман, – беухшов илтифот билан шивирлади Уруч. Уларнинг суҳбатлари чўзилгани сари утиб-қайтаётганлар бу томонга маъноли кўз ташлаб қўярдилар. Ҳар қалай, уларнинг дон олишиб юриши кўпчиликка аён эди.

Ўруч икки-учта беморни қабул қилганидан кейин анчайин паришонлигини ҳис этди. Фикрини бир жойга жамлашга қийналаётганини англади. Ассистентига:

– Нимагадир бошим қаттиқ оғрияпти, – деди, – уйга кетмасам бўлмайди.

Уйга кириши билан бу ерда аҳволи аввалгидан яхшиланмаслигини англади. Касалхонада-ку одам куп, беморларнинг шикоятлари, иш, ташвишлар... бир оз бўлсаям чалғийди. Уйда эса тилсиз-забонсиз Покизадан булак ҳеч ким йуқ, ёлғизликда турфа қўрқинчли хаёллар исканжасида ёрилиб ўлай дейди. Назарида ҳар дақиқада мудҳиш бир воқеа юз берадигандай эди.

Боғдаги воқеанинг учинчи куни эди. Нега Болами ҳалигача жим юрганидан таажжубланди. Наҳотки ўғлининг тақдири билан сира қизиқиб кўрмаган бўлса? Агар ваҳима кутариб, мелисага хабар берган бўлса, орган ходимлари эртами-кечми унинг изига тушиб, боққача боришарди.

Ҳусаноға шубҳасиз отасининг боғ даъвосидан воқиф бўлган. Ўручнинг боғига ҳам шуни талаб қилиб келган. Машҳаддан қайтган отанинг фикри узгаришидан ўгли, табиийки, беҳабар эди. Болами қайтганидан бери ўглини кўргани йўқ. Унинг уйида бу мавзудаги суҳбатлар кўп бўлгандир? Болами ўгли Ўручнинг боғига бориши эҳтимолини назардан қочириши мумкин эмас. Демак, бу тахминни меласага ҳам айтиши аниқ. Унда из, албатта, Ўручга келиб туташарди ва Ўручни лоақал бир марта бўлсин сўроқ қилишарди. Буларнинг ҳаммаси бугун бўлмаса эртага, бир ҳафта, бир ой ва ундан кейин ҳам юз бериши мумкин. Бир ойдан кейин ҳам одати буйича боғидан хабар олмаса, шунинг ўзи ҳам шубҳага етарлича асос бўла олади. Қачон бўлмасин, Ўруч боққа бориши, ҳодисани биринчи бўлиб ўзи ошкор қилиши керак. Ирий бошлаган мурданинг бадбуй иси бутун боққа ёйилиб кетиши аниқ. Шунда ҳам топа олишмаса, ўзи бориб, хабар қилиши шарт. Албатта, ўзини фош этмаслиги керак. Аммо, бу бир-икки ойнинг ҳар дақиқаси даҳшат, таҳлика, саросима билан тўлиқ бўлиши аниқ. Бунга Ўручнинг иродаси етармикин? Ноаниқлик, мавҳумликдан кўра оғир нарса йўқ бу оламда. Айтишган-ку, даҳшатли ниҳоя, ниҳоясиз даҳшатдан кўра авлороқ.

Балки, телефонни олиб, ўзи Боламига қўнғироқ қилса-чи? Яхшиям, телефон рақами ёзилган қўғозни ташлаб юбормаган экан. Қидириб топди. Хуш, қўнғироқ қилди ҳам дейлик, кейин-чи? Нима дейди? Нимани сўрайди? Қанча ўйламасин, бирор жўяли баҳона тополмади. Болами билан олди-бердиси, салом-алиги бўлмаса? Эҳтимол, қўнғироқ қилиб, қўйиб қўяр. Биргина овоздан ҳам кўп нарсани аниқлаштириши мумкин.

Рақам териб, яна гўшакни илишдан бирор маъно чиқмаса-чи? Балки унинг телефони назорат остидадир?

“Ўзимам гирт васвос бўлиб қолдимми, дейман”

Гўшакни кўтариб, рақамларни тера бошлади. Бир оздан кейин эркак кишининг овози эшитилди. Боламининг товушини дарров таниди. Овоз сокин ва хотиржам эди.

– Алло, ким бу, эшитаман, гапиринг!

Ўруч жим эди. Болами бир-икки “алло-алло” деди-да, гўшакни илди. Яқинидан ажраган мотамзада кишининг овози эмасди бу. Қизиқ, наҳот ўглининг йуқолганидан хавотирланмаётган бўлса?

Кечгача уйлаб, бир баҳона топди. Боламига телефон қилиб, Эрон сафари ҳақида сўрайди. “Бир ошнам Эронга бормоқчийди, сиздан маслаҳат олмақчи экан”, дейди. Виза, сарф-харажат, бориш-келиш дегандек...

Гарчи ишонарсизроқ баҳона бўлса-да, бошқа тайинли гап миясига келмади.

У кеч соат тўққизларда сим қоқди. Яна Боламининг ўзи кўтарди. Ўруч аранг ўзини босиб:

– Салом, Болами оға, – деди. – Мен Ўруч дўхтирман.

– Ҳа, дўхтир, тинчмисиз, нима гап? Нима янгиликлар?

Овоз жуда сокин ва ҳатто бир оз қувноқ эди. Бирор бир хавотир аломати сезилмасди.

Ўруч дўстининг Эронга бориши ҳақида тўқиган уйдирмасини гапирди. Савол бериб, жавобини олди. Фақат, суҳбатнинг охирида базўр юрак ютиб сўради:

– Болалар яхши юришибдимми?

– Раҳмат, ҳаммаси яхши, – деди. – Ҳасаноға боғ ишлари билан юрибди. Ҳусаноға гул сотгани Масковга кетган.



Ўруч Болами ҳам бошқа қишлоқ одамларидек томорқасида ул-бул етиштириб, Масковга юбориб турса керак, Ҳусаногани ҳам Масковга кетган деб хотиржам юрган, деган хаёлга борди.

– Ҳусанога қачон кетди Масковга? – Ҳар қанча таҳликали булмасин, Ўруч бу саволни беришдан ўзини тутиб туролмади.

– Кеча кетди, – деди Болами. Бу жавобдан сўнг гўшак Ўричнинг қулидан тушиб кетишига сал қолди. Шоша-пиша хайрлашиб, гўшакни илди.

Ғалати аҳволда қолганди. Севинишни ҳам, се-винмасликни ҳам билмасди. Севинишга асоси бор эди. Боламининг бутун оиласи соғ-саломат экан. Уларга Ўручнинг бирор зиён-заҳмати тегмабди. Белкурак билан ўлдирилган (ҳеч ўйлаб кўрмайдими, қоп-қора одамдан қанақасига бундай маллавоё тугилиши мумкинлигини) Ҳусанога эмас экан-да! Борди-ю, уша йигит Ҳусанога бўлса, ўлмаган (ўлганига врач сифатида Ўручнинг шубҳаси йўқ эди), шунчаки яраланган бўлганида, ўзига келиб уйига қайтган, лоақал ким уни бу аҳволга солганини уйидагиларга айтган бўларди. Демак, ўлган Ҳусанога эмас. Яратганга минг қатла шукур. Унда у ўлик кимники? Нега ўзини Ҳусанога деб таништирди? Бог можаросини у қаердан эшитган? Мақсади нима бўлган?

Ҳусаноганинг саломатлиги Ўручни қанчалик севинтирмасин, бу муаммо ортидаги сир уни шу қадар безовта қиларди. Кимни ўлдирди у? Нима сабабдан, нима мақсадда Ўручнинг боғига суқилиб кирди бу одам? Нима бўлганда ҳам у одам ўлдирган. Умрида биринчи ва охирги марта одам ўлдириши уни шу қадар жиддий ваҳимага солиб қуйганди. Ҳаяжони, саросимаси, таажжуб ва қурқувларини ким билан баҳам кўриши мумкин? Ҳеч ким билан.

Уша кеча ухлолмай чиқди. Эрталаб соқолини олаётиб, унга қараб турган, қип-қизариб кетган ботик кўзлар, салқиган қовоқлар, саргайган юзларни кўриб англадики, яна бир ана шундай кечани яшамоққа на тоби, на тоқати бор. Бу ҳолатда ишга ҳам боролмасди. Покиза ҳам эртами-кечми унинг аҳволини тушуниб етади. Мабодо ҳозирга қадар тушуниб олмаган бўлса.

Уч кечалик уйқусизлик Ўручни тамоман ҳолдан тойдирган, миясини толиқтирган, асабларини бузган бўлса-да, ҳар ҳолда тушунчаларини муайян бир мантиқ асосида тизишга тиришарди. Аниқки, ўлган одам Боламининг ўғли эмас, умуман унинг оиласига дахли ҳам йўқ. Демак, шахсий адоват, гараз, душманлик мотивлари ўз-ўзидан йўқолади. Ҳусаноға ўлдирилганида Болами Ўручни айблаши, ҳар йўл билан ундан қасос олишга интилиши мумкин эди.

Албатта, бу жинойт эди ва Ўруч уни буйнига олмаслиги керак. Аммо, бу жинойтнинг очилишини ойлар давомида кута олмасди. Балки Альбинос шунчаки бир дайди, ҳеч кими йўқ бенаводир? Ҳеч кимга унинг кераги ҳам йўқдир?

Мана, ёз мавсуми яқинлашяпти, ҳаво исияпти. Тут пишигида боққа боришга тўғри келади. Умуман, қачондир боради-ку боғига? Ўшанда бу жинойт янада жирканчли куринишда юзага чиқади. Мурдани ёриб кўришганда, ўлдирилган вақти маълум бўлади. Ўручнинг икки-уч ойдан бери боққа келмаётганини ҳам билиб қолишса, тамом. Ахир, унинг ҳар ҳафта охирида боғига келиб туришини купчилик билади-ку? Офелия тугул, Покиза ҳам, танишлари ҳам билади буни. Офелия билан узоқ муддат кўришмай юргани ҳам янгича муаммоларни келтириб чиқарарди.

Ҳар қандай вазиятда ҳам масалани чўзиб бўлмайди. Шу куннинг ўзида боққа бориб,

“ўликни ошкор” қилиши, мелисага хабар бергани маъқулмикан? Сувдан қуруқ чиқиш учун эса, ўзини йуқотмаслиги, бутун иродасини туплаб, узини мусичадек бегуноҳ, тетик, бардам тутиши керак. Саросимадан бир оз довдираб қолса, буни тушуниш мумкин. Ҳамма ҳам келиб ўз уйида ўлик курса, шу аҳволга тушиши табиий-ку!

Йуқ, нима бўлса булсин, бутун бориши, бу мавҳумликни йуқотиши шарт. Покизага бирор нарса демайди. Бориб келганидан кейин ҳаммасини айтиб беради. Албатта, мелисага айтади. Нима учун айнан бутун боққа борганига ҳам баҳонани тахт қилиб қуйган. “Машинамга янги баллон олиб қуйгандим, боғдан шуни олиб келиш учун борувдим. Кассета олиш учун юқори қаватга чиқсам, хонада... фалондақа, пистондақа!..” Тўғрисиям шу эди-да ўзи.

Ҳаво совуқ, шамол эсиб турарди. Боққа яқинлашганида ёмғир шивалай бошлади. Машинани ташқарида, тор кучада қолдирди. Ҳовлига утиб, атрофга куз ташлади. Ҳеч нарса ўзгармаган. Ҳамма нарса ҳар кунгидай. Тут, анжир, тоқлар, боғ устидаги ўтган электр симлари, қудуқ, ҳовуз, гараж, сауна, икки қаватли уй.

Биринчи қаватнинг эшигини очмади. Иккинчи қаватга кутарилди, айвонга чиқди, хона эшигига яқинлашди. Хона эшигига... яна калит солинган эди. Уручнинг кузлари олайиб кетди. Ахир бу калитни ўтган сафар қудуққа отмаганмиди? Балки бу учинчимас, тўртинчи калитдир? Шу чоқ калит ўз-ўзидан бурала бошлади ва эшик қия очилди.

Шундоқ ҳам шиддат билан уриб турган юраги куксидан отилиб чиққудек бўлди. Эшикни очиб, ичкари кирганида юраги гўё таққа тўхтагандек бўлди. Уручнинг куз олди қоронғилашиб, боши айланди, йиқилиб тушишига сал қолди. Бутун иродасини туплаб, ҳушини йуқотмасликка тиришди.

Хона палослари устида на қон излари, на қонли белкурак, на Альбиноснинг жасади бор эди. Альбинос... соппа-соғ ҳолатда каравотнинг устида ястаниб ётарди. Пешонасида ҳам, чаккасида ҳам, елкасида ҳам жароҳатдан асар қолмаганди. Ўручни кўриши билан бамайлихотир ўрнидан турди.

– Сенмисан, – суради Ўруч. – Ҳалиям шу ердამисан?

– Ҳусаноғаман, – деди Альбинос. – Боламининг катта ўгли. Ота-бобомнинг уйига келдим. Сен нима қилиб юрибсан, бу ерда?

Ўруч бу гапларни эшитганди. Энди ўша сўзлар айнан қайта такрорланаётганини сезди. Агар бу ростдан ҳам Ҳусаноға бўлса, қарашлари, хатти-ҳаракатлари айнан ўша машғум кундагидек эди. Энг даҳшатлиси, Ўруч бу ҳодисанинг қандай давом этишини, нима билан тугашини биларди. Ҳозир юз беражак ҳодисаларнинг олдини олиш мутлақо мумкин эмаслигини ҳам биларди.

Гапираётган ҳам Ўруч эмасди. Гуёки кимдир унинг овози билан тўрт кун аввалги сўзларни айнан такрорларди.

– Йўқол бу ердан, кўзимга кўринма, – Ўруч ўз ихтиёри билан биргина жумлани қушимча қилди, – қўлимни қонга бўяма!

Ҳусаноға, (ростдан ўша бўлса) маъносиз кўзларини Ўручга қадаганча, сас-садо чиқармай утирарди. Ўруч эски магнитофондек, ўша кунги сўзларни такрорларди: “Ҳаммасини ўзим қурганман... Дала ҳовлилар бошқармаси... Отанг ҳам ёнимга келувди...”

Альбинос жим эди. Лом-мим демасди. Даҳшатли дақиқа, мудҳиш ҳодиса тобора яқинлашиб келарди.

Ўруч каравотнинг тагида нима борлигини биларди, шунинг учун у тарафга қарамасликка тиришди. Белкурак неча сониядан кейин қан-

дай ишни бажаришини ҳам англаб турарди. Даҳшатли ниҳояга бир лаҳза қолганида Ҳусанога белкуракни олиб, Ҷурчга ҳужум қилди. Ҷурч бу ҳужумни олдиндан кутгани учун қурқмади. Чунки у натижани яхши биларди. Билардики, Ҷурчга бу ҳужумда жин ҳам урмайди. Ва айнан натижани билгани учун ҳам қурқарди. Билардики, қаршисидаги йигитни, (у ким бўлишидан қатъи назар) ўлдириши аниқ.

Бир оз олишувдан сўнг белкурак Ҷурчнинг қўлига ўтди. Альбинос Ҷурчга мушт туширган заҳоти у белкурак билан сариқ мошакнинг бошига айлантириб солди. Альбинос ерга чузилиб қолди, Худди ўша кунгидай, қон адёл устига, деворга сачраб кетди.

Ҷурч хонадан чиқаркан, бу сафар даструмол чиқариб, бармоқ изларини артмади. Бунинг бирор маънисини йўқ эди. Бошқа бирор нарса ҳақида ўйлашга, бирор мантиқий хулосага келишга қобил эмасди. Касбий тажрибасига оид энг мураккаб, тушуниксиз руҳий жараёнларни бир-бир эслади. Аниқ ҳис этардики, ақли ҳуши жойида, мияси меъёрида ишлаб турибди. Аммо, бу изоҳсиз воқеалардан бирор маъно, мантиқ чиқара олмасди. Қачондир ўқигани — ярим фантастик бир фаразни эсга олди: баъзида инсон ўз ақли билан юз беражак ҳодисаларни олдиндан яшаши, ҳис қилиб, аён кура олиши мумкин. Бу ҳам ўшандай ҳодисаларнинг бири бўлса-чи? Бугун ҳозир рўй берган фожиани тўрт кун илгари шунчаки хаёлидан кечирган, яшаган булса-я? Демак, ўша кунги жиноят шунчаки хаёл, рўё экан-да! Ким билсин, бугунгиси ҳам ана шундай хаёл ва тасаввур инъикосидир?

Шу чоқ лоп этиб ёнига келган беморларнинг бир ваҳимали башоратини эслади: “Бу ерда аввал

яшаган армани дўхтир боғни тилсимлаб, девор ва дарахтларга заҳарли моддаларни сингдириб кетган. Балки ўшанда бир савдойининг васвасасида, деб эътибор бермай кетган бу башорат, айти ҳақиқатнинг ўзидир. Галлюциноген моддалар чиндан ҳам мавжуд ва уларнинг инсон миясига таъсири фанга яхши маълум-ку? Умуман олганда, кейинги йилларнинг суронли ҳодисалари, талотўплар ҳамманинг миясига, руҳиятига озми-кўпми таъсир утказган. Кимдир айтган эди, инсон табиатнинг барча сирларидан, афсунларидан огоҳ деб. Дунёнинг шу қадар кўп очилмаган, ошкор этилмаган сирлари, тилсимлари борки... Буям ўшаларнинг биттаси бўлса керак? Ўруч маъносиз нигоҳларини хона тарафга йуналтирди.

Зинапоялардан пастга энди. Шамол кучайган, ёмғир ҳам тезлашган эди. Бир пайт, Ўручнинг назарида боғда яна нимадир ўта муҳим бир иш булиши керакдек ва бу иш унинг ҳаётидаги энг чигал жумбоқларни ҳам еча оладигандек туюлди. Аммо, бу нима эканини, нимадан иборат булишини Ўруч тасаввурига ҳам сиғдира олмасди. Унинг тасаввур доираси ҳам шу қадар торайиб қолган, ҳар қанча уринмасин, ҳеч нарсани идрок этолмас, ҳис қилолмас, тушунолмасди.

Тушунган пайтда эса, кеч бўлганди. Шу тариқа у охири нима билан тутаганини англаёлмай қолди.

\* \* \*

Кучли шамол юқори кучланишдаги электр симини узиб ташлаган, симлар ҳовли юзига тушиб ётарди. Ёмғир ерни тамомила ивитиб юборганди. Фақат айвонга ёмғир урмаган. Ўруч биринчи қаватдаги айвондан тушиб, нам тупроққа қадам қўйиши билан ёниб, қоп-қора косовга айланди.

Ўручнинг ўлигини икки кундан кейин топишди. Муҳим йиғилиш бор эди. Ўручни ишдан ҳам, уйдан ҳам топа олишмагач, табиийки, боққа одам юборишди. Боққа Меҳдининг ҳайдовчиси етиб келди.

Ҳайдовчи эшик оғзида Ўручнинг машинасини курди. Эшикни анча вақт тақиллатди. Натижа бўлмагач, девор ошиб ҳовлига кирди ва ерда ётган қоп-қора жасадни кўриб, даҳшатдан тош қотди. Аввали, унинг Ўруч эканини хаёлига ҳам келтирмади. Нима сабабдан ўлик бу қадар қорайиб кетганини ҳам тушунмади. Ҳар қалай, дарҳол шаҳарга хабар қилди. Узилган электр симига тегиб улган Ўручнинг жасадини олиб кетишди.

Барча марказий газеталарда таъзияномалар чоп этилди. Таниқли шифокор, тажрибали психиатр билан видолашув маросими ўзи ишлаган шифохонада ўтди. Иккинчи фахрий хиёбонда дафн этилди. Дафн пайти барча оила аъзолари (ўгли ҳам Московдан учиб келди), ҳамкасабалари, қариндош-уруғлари иштирок этди. Офелия ҳам бир бурчакка биқиниб олганча ҳиқ-ҳиқ йиғларди. Болами икки ўгли — Ҳусаноға ва Ҳасаноға билан мозор бошигача боришди.

## ҚИЗИЛ ЛИМУЗИН

У бирдан тўхтади. Атрофга назар солди. Бу жойлар унга ҳам таниш бўлса-да, илк бор кўраётганга ўхшарди. Бу паст-баланд уйлар, пастқам деворлар унга нимани эслатяпти? Болалигиними?

Йўқ, болалиги бу маҳаллада утмаган. Балки қачондир, кўп йиллар бурун бу ерларга кимникигадир меҳмон бўлиб келгандир, балки бу уйларнинг бирида қариндошлари ёки дўстлари,

танишларидан бирови яшар. Эслолмади. Ишхона-сига ҳам бу кўчадан борилмасди. Шаҳарни пою пиёда сарсари кезиш одати ҳам йуқ эди. Унда нега бу жойлар унга бу қадар қадрдон кўриняпти? Ичидаги бу ташвиш, ҳаяжон, безовталиқ ҳислари қаердан пайдо бўлди? Нимадандир хавотирда эди? Нимадан? Ичида шундай бир ҳис бор эдики, баайни умр бўйи яшаган шаҳарнинг нотаниш маҳалласига эмас, мутлақо бегона бир кентнинг жуда таниш бир кучасига тушиб қолгандек эди.

Соатига қаради. Ярим кеча, ҳадемай соат ўн иккига бонг уради. Умри кечган бу шаҳарнинг ҳар тарафини, ҳар гушасини, маҳаллалар орасидаги масофаларни ҳам аниқ биларди. Бу тор, лабиринт кўчалардан тезроқ катта йўлга чиқиб олишни уйларди. Ўн иккигача. Булмаса, патруль ходимлари уни дайди гумон қилиб, эрталабгача қамаб қўйишади.

Балки ой нурида сесканаётгандир? Турли ҳажмдаги, харобадан деярли фарқ қилмайдиган бу биноларнинг, чувалашган калавага ўхшаш тор кўчаларнинг кимсасизлигида, пашша учса билинадиган жимжитликда ой шуъласи атрофни кулранг тусга бўяганди. Унга эса бу улик ранг худди бошқа бир оламдан қўйилаётганга ухшарди. У ой нурининг домига тушиб, кечалари кўзи очиқ, сарсари кезадиган ойпараст эмасди. Уйқуда ҳам эмасди. Уйгоқ эди. Вақт-соатни ҳам аниқ ҳис этар, уз ҳаракатларини ҳам назорат эта оларди. Баъзан тушларнинг сарҳадсиз оламида юргандек, оёқларини ердан енгилгина узиб ҳаракат этаётганини ҳам сезиб турарди. Лекин бу туш эмасди.

Унақада саҳари мардонда бу ерга қандай қилиб, уз-ўзидан келиб қолди? Қачон, қандай ва нима мақсадда? Қанча уринмасин, бу саволларга жавоб топа олмасди. Ичгани ҳам йўқки, ҳамма айбни



сармастликка ағдарса? Ташвиш ҳиссининг, бир оз ваҳима ва қурқувга айланиши мумкин бўлган таажжубнинг боиси ҳам ана шунда эди. Ва шу онда қалбан яқин орада недир бир машъум ишнинг юз бериши мумкинлигини ҳис этиб турарди. Ана шу нарсани ўйлаб сесканиб кетди-ёв.

Тор кучадан чиқиб чапга қайрилди. Бир неча қадам босиб, қаршисида бошқа бир деворга бақамти келди. Яна йули бекилиб қолганди. Аммо, чап тарафдаги бошқа бир эшикка кўзи тушди. Бу эшикдан ҳовлига эмас, бошқа бир кучага чиқиб қолди. Ва шу ондаёқ аллақандай шовқинни эшитиб, қурқувдан оёқларига титроқ кирди.

Овоз унга тобора яқинлашиб келарди. Бу айнан моторнинг гувиллаши эканини у энди аниқ ҳис этди: ҳа, бу ўт олдирилган, қизиган мотордан чиқаётган шовқин эди. Демак, ҳозир машина юриб кетиши керак. Қоқ ярим кечада, бундай тор кўчаларга машина қандай кириб қолди экан? Энг қизиги, ҳали кўзига кўринмаган машинадан нега мунча қурқаётир? Ўзи ҳам билмас, аммо нима булсаям бу машъум машинадан қочиб қутулмоқ фикрига тушганди.

У қадамларини тезлатди ва қадамини тезлатиши баробарида машина овози ҳам тез суръатда яқинлашаётганини ҳис этди. Оёқлари бир-бирига чалишиб, қочишга тушди ва қочаётиб, машина бу тор, уйдим-чуқур кўчалардан қандай ўта олишини тасаввурига ҳам сиғдиролмади.

Шовқин жуда яқиндан келаётганди. У орқага угирилишда ўзида зурга мажол топди. Бир зум тухтади, қайрилиб қаради. Тор кўчани бутун бўйбастии билан эгаллаб олган “Қизил Лимузин” унинг устига бостириб келарди. Орадаги масофа йигирма беш-ўттиз метр келарди. Оний, савқи табиий халос бўлиш истаги билан жон талвасасида ўзини

ёнидаги эшикка урди. Қоронги даҳлиз деворига ёпишиб, ўзини панага олди. Гўёки машинанинг тезлиги камайгандек, шовқини пасайгандек, ҳатто тўхтаб қолгандек бўлди. Аммо, “Қизил Лимузин” тўхтамаган эди, бир маромда ҳаракатланиб, у бекинган эшикка яқинлашарди.

...Ва келиб тўғри эшик қаршисида тўхтаганида у “Қизил Лимузин”нинг ичини ҳам кўрди. Машина ичида ҳеч ким кўринмасди. Ҳайдовчиси ҳам йўқ эди. Руль орқасидаги жой бум-бўш эди.

\* \* \*

Будильникни ҳар кунгидек еттига тўғрилаб қўйган эди. Аммо, қўнғироқдан аввал ўзи уйғонди. Боя кўрган тушнинг таъсиридан ҳамон қутулолмаганди. Икки-уч сониядан кейин шуури ойдинлашди. Ўй уйида, ўз ётоғида эканини англади. Ҳозиргача кўрганлари шунчаки туш, босинқираш эканини пайқади ва енгил кулимсираб бош чайқади.

Янги кун бошланаётир. Туриб ювиниши, бадан-тарбия қилиши, соқол олиши, чой ичиши ва ишга бориши керак. Бугунги ишларини бир-бир куз олдига келтирди. Ҳар кунги иш тартиби бугун ҳам узгармаслигини эслаб, сиқилди. Бошқатдан кўрпани бошига тортиб, яна бир оз мизгимоқчи бўлди. Аммо, доимий кун тартибига амал қилиб, жаҳд ила ўрнидан турди.

Ярим соатдан кейин бир ўзи яшайдиган квартиранинг эшигини қулфлаб, тўртинчи қаватдан қўйига инди. Беш дақиқадан сунг еттинчи автобус келади. Унга миниб, метро бекати ёнида тушиши, метрода учинчи станциядан кейин тушиб, ишхонасигача бўлган юз метрча масофани пиёда босиб ўтиши, керак. Ўн саккиз йилдирки, шанба-якшанбадан, бир ойлик меҳнат таътилидан булак

кунлар бир хил тартибда, айна вақтда, айна соат ва дақиқаларда, айна транспорт воситаларида, айна йуналишда кечарди.

Сигарет тутатиб, куча эшиқдан чиқиши билан таққа тўхтаб қолди. Кўчада, йўлка четида “Қизил Лимузин” турарди. Бу айнан кеча тушига кирган “Қизил Лимузин”нинг ўзгинаси эди. Буни қасам ичиб тасдиқлаши мумкин. Ичи бум-буш эди. Худди тушидагидек. Аммо, ҳозир тушидаги ой ёғдусининг кумушранг нурларидан фарқли ўлароқ, ҳозир куннинг энг ёрқин қуёшли палласи эди ва шунинг учун юрагида ҳеч қандай қўрқув, ваҳима йўқ эди. Машина эса бу ерда... Нима қипти? Тургандир-да! Тўғри, қондек қип-қизил ранги билан бошқалардан ажралиб турадиган бу лимузинни олдин бу ерда кўрмаган. Ким билсин, қаердадир кўрган бўлса-да, эътибор бермагандир? Аммо, нимагадир бу машина унинг онгига маҳкам ўрнашиб қолгандирки, ҳатто тушига ҳам киргандир.

Автобуснинг лопиллаб келаётганига кўзи тушгач, қадамни тезлатди ва алақачон куникиб улгурган тиқилинч оралаб орқа эшиқдан амаллаб чиқиб олди. Автобуснинг орқа ойнасидан ташқарига бўйлади. Нимага қизиққанини ўзи ҳам билмасди, аммо ҳар қалай уйининг эшиги тарафга кўз ташлади. “Қизил” ҳамон ўша ерда турарди.

Иккинчи бекатда кўпчилик тушиб қолди, автобуснинг ичи сийраклашди ва у бушаган ўриндиқларнинг бирига ўтирди. Ойнадан шаҳарнинг гавжум ҳаёти манзарасига боқаркан, паришон фикрларини бир ерга жамлай олмасди. Автобуснинг ҳар икки тарафидан утиб қайтаётган машиналарга ниманидир излаётгандек ҳаросон кўз ташлади. Ногаҳон миясига келган фикрдан

кулгиси қистади: балки бояги қизил машинани қидираётгандирман?

“Қизил Лимузин”ни автобусдан тушган пайти кўрди. Тўғрироғи, автобусдан тушиб, беш-ун қадам юргач, машинани метро бекати рўпарасида кўрди. Метрога кираверишда, йўлак четида турарди. Бу гал ҳам ичида одам кўринмасди.

Жетон ташлаб, эскалатордан тушиб бораркан, ўзича ўйлади, “Балки шу кунларда шаҳарга анчамунча шундай машиналарни олиб келишгандир, шунинг учун “Қизил Лимузин”ларга тез-тез кўзи тушаётгандир? Ҳатто тушларимгача кияпти булар?” – кулимсиради ва шу он миясига урилган эҳтимолдан чучиб кетди. “Балки бу бояги машина бўлса-чи, мени таъқиб этишаётгандир?” Яна ўз фаразидан кулгиси қистади. Шунақа таъқиб қилишаркан-да, борадиган жойларимга мендан олдин бориб туришса, ҳатто тушларимгача кира олишса?” Бундан кейин яна “Қизил Лимузин” кўрса, рақамини эслаб қолишга қарор қилди. Қизиқ, “Қизил Лимузин” васвасаси унинг хаёлига қай гурдан кирди ўзи? Наҳотки ҳар-ҳар ерда, ҳаттоки, тушида кўрган лимузинни ҳам битта машина деб ўтирган бўлса?

Бу антиқа, маъно ва мантиқдан йироқ тушунчалар миясини шу даражада ғорат этиб ташлаган эдики, умрида биринчи марта хаёлчанлик билан тушиши керак бўлган бекатдан ўтиб кетди. Вагон кейинги бекатда тўхтаган пайтагина буни пайқади. Тушиб, қарама-қарши тарафдан келаётган поездда ортига қайтди. Ер юзига чиқиб, ҳамишаги йуналишда кетаётиб, йулак четида яна уша “Қизил Лимузин”ни кўрди. Бу сафар унча таажжубланмади. Худди бу машинани шу ерда кўриши керакдек. Бу дафъа кимсасиз, буш машинанинг рақамига эътибор қилди: 19-91.

Ишхонаси томон кетаётиб ўйлади: қизил машина орқамдан идорамизгача борармикин? Йўқ, бу мумкин эмас. Идорага фақат мана шу йўлдан борилади. Машина эгаси уни кузатиш ниятида бўлса, фақат шу йўлдан ўтади, шунда ҳайдовчини ҳам кўриб оларман. Бу туш эмаски, машина ҳайдовчисиз ҳаракат қилса?

Ёнидан утиб-қайтаётган машиналарга эътибор қаратди. Улар орасида “Қизил Лимузин” йўқ эди. Идораларининг олдида анча-мунча машина турарди. Аммо, уларнинг ичида бояги машинани курмади.

Лифтда саккизинчи қаватдаги кабинетига кутарилди. Хона деразасидан ташқарига қаради. “Нима бало, васвос бўп қоламан чоғи, нега бу “Қизил Лимузин” миямдан кетмай қолди?”

Кун бўйи таҳрир ишлари билан банд бўлди. Эртаги газетада чиқадиган матнлар корректурасини ўқиш, мактубларни саралаш ишларига шу қадар берилиб кетдики, танаффус пайти буфетга тушиб, энгилроқ тушлик қилишни ҳам унутаязди. Соат тўртга яқин корректурани тугатиб, нафас ростлади, шундагина очиққанини ҳис этди ва олтинчи қаватдаги буфетга тушди. Шўрва, картошка ва чой пулини тулаш учун пештахтага яқинлашган пайти беихтиёр буфетнинг кўчага қараган деразасидан пастга муралади. Пастда турган машиналарнинг бири “Қизил Лимузин” эди. Уша машинамикин, ёки...

У ўзига нотаниш бўлган бир қизиқиш ва иштиёқ билан лифтдан пастга тушди. Кўчага чиққач, бўм-бўш қизил машинанинг рақамига куз ташлади: 19-91.

Ўша машина. Унинг ранг-қути уча бошлаганди. У бир муддат тараддуланиб, “Қизил Лимузин”ни кўздан кечиришга тушди. Ниманидир, тўғрироғи, кимнидир кутаётгандек бўлди. Ҳа, у машинанинг эгасини пойларди, ахир бу машинанинг ҳам эгаси бўлиши керак-ку! Қачондир ҳайдовчиси келар-да,

шундагина бу сирнинг тагига етиши мумкин. Аммо, машинанинг эгаси ҳали-бери келай демасди.

Иш вақти охирлай бошлагани учун бу ердаги машиналарнинг эгалари бирма-бир тушиб, уйга қайта бошлаган эдилар. Идора олдидаги машиналар сони тобора камайиб борарди. Ҳаммаси бўлиб беш-олтита машина қолди, холос. Шуларнинг биттаси бояги “Лимузин” эди. Шундагина У анчадан бери бекордан-бекорга вақт сарфлаб, кимнидир кутаётганини англади. Аммо, кимни? Нима учун? Ўзи ҳам билмасди. Ҳолбуки, бу кутиш қанчалик бемаъни ва абас эканини англаб турарди. Эрталаб шу ерда туриши мумкин, аммо машинанинг эгаси ёхуд ҳайдовчиси келмаслиги аниқ эди. У негадир бунга ишонарди. Яна шуни ҳам билардики, бу ердан тугри уйига қайтганида ҳам бу машинани эшиги олдида кўради. Бу қадар қатъий ишончнинг сабабини ўзи ҳам билмасди.

У уйига қайтди. Ҳозир машинадан кўра кўпроқ ўтиб-қайтаётган одамларга диққат қилди. Бирор таниш чеҳрага дуч келмади. Худди мутлақо бегона бир шаҳарга тушиб қолгандек эди. Бу, албатта, фақат бугунги кечинмаси эмасди, кейинги икки-уч йил ичида у ўз шаҳрини танимай қолганди. Назарида шаҳарни тамомила бошқа одамлар, бошқа аҳоли эгаллаб олганди. Наинки юзлар, одамлар, юриш-туриш, муомала, гап-гуфторлар ҳам узгариб қолгандек эди. Гўёки шаҳарнинг бинолари, куча ва майдонлари ҳам ўзгариб кетганди. Илгари идораси ва уйи атрофида ҳар қадамда камида беш-олтита таниш-билишига дуч келарди. Ҳозир эса, кўчаларни соатлаб кезса-да, бирор танишини учратолмасди.

Ана шу фикрлар билан бораётганида метро бекатига етганида шундоқ эшик қаршисида 19–91 рақамли “Қизил Лимузин” турганини кўрди. Тавба,

қачон, қандай етиб келди бу ёққа? Ахир идорадан бу ёққача фақат биргина йўл бор эди ва “Қизил Лимузин” ёнидан ўтиб кетаётганида куриши керак эди. Балки хаёли чалғиб кўрмай қолдимикин? Ҳар қалай, машина кўз унгида турарди. Яна ичи бўм-бўш. Кимсасиз...

Таажжуб. Бундан чиқди. Кимдир у билан, ҳа, айнан у билан ўйнашаётган бўлиши мумкин. У бу ўйиндан юз ўтirmaйди, бу жумбоқли ўйинни давом эттиришга тайёр эди. Фақат ўйин шартларини ва қоидаларини билиши, ўйинчи ҳарифларини таниб олиши керак. Ҳеч бўлмаса, юзини бир кўрса эди...

Метро вагони ичида кетиб бораркан, шуларни хаёлидан ўтказарди. Шу аснода фикрлар оқими бир нуқтада жамланди. Агар бу чиндан ҳам ўйин бўлса, эҳтиёт бўлмоқ зарур. У билан ўйнаётганлар, ким бўлишидан қатъи назар, унинг уйи, иш жойи, келиш-кетиш йўлларини аниқ билишади.

“Демак, кўзир ким булса ҳам ўшаларнинг қулида экани айти ҳақиқат. Уларнинг ўйинини бузиш эса қулимдан келади. Ўз бекатимдан, тўртинчи бекатдан чиқсам, аниқ биламанки, машина ўша ерда турган булади. Мен иккинчи бекатда чиқаман”.

Нега биринчи ёки учинчи эмас, айнан иккинчи бекатда тушиб қолишга қарор қилганини эса метродан чиққан пайти тушуниб етди. Бу савқи табиий қарорнинг сабаби ҳам бор эдики, у ҳам бўлса, бир пайтлар ҳар куни ёки кунора бориб турган, икки йилдан бери остонасига қадам босмаган уй — котибанинг уйи эди.

Котиба уларнинг таҳририятида ишларди. Бир куни, тўғрироғи бир оқшом котиба билан навбатчиликда қолди. Кечаси 12 га яқин газетани цехга топшириб, таҳририятдан бирга чиқишди. У котибани уйигача кузатиб борди. Метродан чиқиб,

котибанинг уйигача тамоман бошқа масалалар ҳақида гаплашиб кетишди: ишдан, ҳамкасблардан, об-ҳаводан... Котиба билан бир йилдан бери бир-га ишлар эдилар. Ўша оқшомгача эркак ва аёл муносабатлари ҳақида суҳбатлашишмаган эди. Аммо, йул-йулакай ҳар иккиси ич-ичидан бу кечани бирга утказишларига ишонган эдилар. (Буни кейинчалик котиба ҳам тан олди).

Котиба ёш, келишган, эҳтиросли эди. Бир ўзи яшарди. У ҳам шу пайтга қадар уйланмаган, буни хаёлига ҳам келтириб кўрмаган. Беш йил илгари, табиийки, ҳозиргидан беш ёш кичкина эди. Ўзи таклиф, ишора маъносидаги сўзларни ким олдинроқ айтди? Котибанинг ўзи уйининг олдига етганида уни бир пиёла чойга таклиф қилдими, ёки гугурт фақат уйда, ошхонада бўлишини била туриб, унинг ўзи котибадан гугурт сўрадими? Ёки ҳар икки таклиф ва ишора бир пайтда юз берган ва табиий қаршиланганмиди? Хуллас, юқорига кўтарилганларида кеч бўлгани ва метро ёпилганини таъкид этдилар.

Котибанинг уйига биринчи келиши эди. Оқшом уша ерда тунади. Бу муносабатлар уч йил чўзилгач, бир-бирларидан зерикдилар, бездилар. Котиба буни олдиндан ҳис этгани учунми, иш жойини ўзгартирди. Уйда телефони ҳам йўқ эди.

Котиба бошқа ишга утишидан аввал оралари совиган эди. Бир неча ҳафтадан бери кўришмаётган эдилар. Котиба ишдан бушаганидан кейин унинг ўзи қизнинг уйига борди. Котибанинг уйида меҳмонлар — янги дугоналари бор эди. Уни бир оз совуқ қарши олди. У бир муддат утириб кетди. Бир ҳафта ўтиб, яна келди. Котибани уйдан тополмагач, яна бир марта келиб кетди. Шу билан бошқа қайтиб келмади.



Бу айрилиқ уни ранжитмади ҳам, қайғуга ҳам солмади. Умр буйи танҳо яшамоққа урганган каби ёлғизликка кўникиб қолганди. Баъзан зерикиб қолса (шунақаси ҳам бўлиб турарди), кимгадир, эски танишларидан бирига сим қоқарди, бирор жойда ўтириб, бир-икки соат гурунг қилишар, кейин ойлаб, йиллаб кўришмай кетишарди.

Иккинчи бекатда тушиб қоларкан, кўчада ҳеч қанақа лимузин-пимузин кўринмади. Кўринмаслиги аниқ эди. Унинг бу бекатда тушиб қолиши кимнинг хаёлига келарди дейсиз?

Оёқлари уни яна котибанинг уйи томон ихтиёрсиз судраб боришарди. Ҳали ёддан кўтарилмаган зинапоялардан (учинчи зинанинг таглиги кўчиб кетгани учун эҳтиёт бўлиб қадам босиш кераклиги эсига тушди) учинчи қаватга кўтарилди. Орадаги икки йиллик танаффусни унутгандек, хотиржам тугмани босди.

Эшик ортидан қадам товушлари эшитилди:

– Ким?

Отини айтди. Эшик очилди. Котиба таажжуб билан Унга тикилди:

– Сен? Ростданам ўзингмисан? Қайси шамол учирди?

– Йўлим шу томонга тушганди, кўриб утай девдим.

Бир оз фурсат эшик оғзида туриб қолганларидан кейин котиба уни уйга таклиф қилди.

– Хонага кир, – деди, – аммо, айбга буюрмайсан, уйим йиғиштирилмаган эди. Келишингни туш кўрибманми?

Хона антиқа аҳволда эди. Бум-бўш, бирорта мебель қолмабди. Фақат деворга ўрнатилган кўзгу бор эди, холос. Гулқоғозлар устида яқиндаги юлиб олинган суратларнинг ўрни тўртбурчак бўлиб ажралиб турарди. Хонанинг бир бурчагидаги кар-

тон қутига китоблар жойланган эди. Китоб, газета ва журналларнинг бир қисми дераза тоқчасига терилган, қолгани пол устида тартибсиз сочилиб ётарди.

Девордаги кузгу унинг хотирасидаги айрим саҳналарни жонлантирди. Кузгуга бошқача қараб тургани котибанинг ҳам назаридан четда қолмади. Унинг кўз унгида қандай хотиралари гавдаланганини ҳис этди. Баъзан ана шу кузгу қаршисида бир-бирини узоқ ялаб-юлқашарди. У нигоҳларини кўзгудан олиб, хонага югуртирди. Палоснинг бир қисми бошқача рангда эди. Эслади, палоснинг шу ерида каравот турарди, Уларнинг ҳаётига энг лазиз лаҳзаларни бахш этган ўша каравот энди йўқ. Алҳол қулоғи остида ўша каравотнинг таниш гичирлаши эшитилгандек бўлди. Бечора каравот... икки вужуднинг жўшқин тўлганишларидан эзилиб, туни билан нола қилиб чиқарди, гўё.

– Хайрлашгани келдингми? – суради котиба.

– Хайрлашгани? – тушунмади. – Кучяпсанми?

Котиба бош ирғади.

– Бошқа квартирагами?

– Бошқа мамлакатга.

У бир оз жим қолиб, котибага термилди.

– Қаёққа кетяпсан?

– Узоқларга, – котиба яна кулимсиради. – Бошқа қитъага, океаннинг нариги тарафига.

Шундагина котибанинг онаси яҳудий экани эсига тушди. Америкада қариндош-уруғими, гоғаси ё холасими яшаса керак.

– Қачон кетасан?

– Индин. Ҳамма нарсамни сотдим. Бугун каравотни ҳам олиб кетишди. Бу оқшом ерда ётаман инди.

– Китобларни нима қиласан?

– Буларниям эртага олиб кетишади. – Бирдан нимадир эсига тушиб кетди. – Тўхта, ошхонада ҳали тарелка, стаканлар бор. Ҳозир сенга чой дамлаб келаман.

– Керакмас, – деди у. Аммо, котиба ошхонага утиб кетганди.

У деразадан пастга қаради. Метро бекати кўриниб турарди. Кўзгудан ўзига қаради. Сочлари сийраклашиб қолибди, аммо ҳали оқ тушмаган, балки оқармай тўкилиб кетар.

Қути тепасида турган китобларни бирма-бир варақлай бошлади. Эски қомуслар, жилд-жилд нодир асарлар, лугат ва турли соҳаларга оид адабиётлар бор эди уларнинг орасида. Деярли ҳамма китобда матн ҳошиясида қалам билан турли қайдлар, битиклар кузга ташланарди. Айрим сўз ва жумлаларнинг тагига чизиқ тортилган эди. Ора-орада сўроқ ва ундов белгилари ҳам учрарди.

Котиба ошхонадан иккита яшик олиб чиқди. Бирининг устига чой билан қанд қўйди. Иккинчисини у томонга сурди.

– Утир.

– Шунақа бой кутубхонанг бор экан, мен билмас эканман-да!

– Ота-онамдан қолган. Кейин менам анча-мунча китоб олганман. Аммо, купи эски китоблар.

– Қизиқ, шу пайтгача эътибор қилмаган эканман. Бу китобларни қаерга бекитиб қуювдинг?

Котиба истехзоли жилмайди:

– Сен нимага ҳам эътибор қилардинг? Ичкари киришинг билан ютоқиб, мени ётоққа судрардинг. Нафсинг қониши билан орқа-олдингга қарамай кетворардинг.

Котибанинг ҳақ эканини ич-ичидан тан олди. Унинг бундай совуққина эътирозларини аввал ҳам куп эшитган, балки шу туфайли оралари

совигандир? Гапни бошқа тарафга бурмоқчи бўлди:

– Манави қайдлар отангники бўлса керак? – саҳифа четидаги хира битикларни кўрсатиб ишора қилди.

– Отамники ё онамники бўлади-да, ҳар қалай, меники эмас. Китобга ёзадиган одатим йуқ.

– Отанг инглизча билармиди?

– Инглизчаниям, немисчаниям, форсчаниям биларди.

– Бу китобларни кимга ташлаб кетяпсан?

– Улар аллақачон сотилган...

– Сотдинг? Кимга?

– Ҳар хил одамларга. Ким қандай китобга қизиқса, ўшанақасини териб олган. Эртага буларниям опкетишади.

– Қандай кўзинг қияди? Ахир уларга ота-онангнинг қўли теккан, кўзи тушган, уларнинг дастхати бор...

– Нима қилиш керак? Улар улиб кетишган-ку?

– Ота-онангми?

– Ота-онам ҳам, китоблар ҳам.

– Ҳеч замонда китоб ҳам ўларканми?

– Албатта. Китобларнинг эгаси, яъни уларни сотиб олган, тўплаган, уқиган, уларга вақт сарфлаган, тушунган, тушунчаларини қайд этиб борган одамлар ўлгач, китобларни ҳам ўзлари билан опкетишади. Демак, китоблар ҳам ўлади. Янги эгаларининг қўлида эса улар бутунлай бошқа, янги китобга айланадилар. Тушуняпсанми?

У чойдан бир ҳуплаб, котибани энди кўриб тургандек термилди. Котиба:

– Мен китоб уқишни ҳам, улар ҳақида уйлашни ҳам ёқтираман. Фақат мазмуни ҳақидагина эмас, умуман китоблар ҳақида. Қара, бу китоблар элликолтмиш йилдан бери бир ерда туришибди. Бирга

яшаб келишарди. Баъзан, менинг назаримда, бу китоблар ичидаги қаҳрамонлар кечалари хонага чиқиб, ўзаро суҳбат қуришарди. Аразлашиб, ярашишарди, худди бизга ўхшаб.

– Биз аразлашиб қолганмидик?

– Йўқ, энди... айтаман-да! Ҳар қалай, бу китоблар бир оила эди. Энди улар бир-бирларидан ажрашишяпти. Эртага уларнинг ҳар бири бошқа-бошқа уйларда, бошқа китобхонларнинг қўлида бўлади. Бошқа ҳеч қачон бир-бирлари билан кўришмайдилар. Худди... сен билан мендек.

Котибани илк бора кўриб турар, унинг кимлигини энди кашф этаётган эди.

– Сен... шунақамисан ҳали? Нега бу гапларни аввал бирор марта менга айтмагансан?

– Имкон бермасдинг-ку, ичкарига киришинг билан ўзингни устимга отардинг...

– Бас, бўлди-да энди!

– Рост-да! Ишхонада кундалик расмий ишлар, уни опке, буни ол, уни бер... Бу ерда эса, доимги оҳ-воҳлар. Нафасинг бутзингга тиқилиб қоларди-ку!

Бу ёққа келаётганида тасаввурига ҳам сигдира олмаганди. Котиба ё атайин, ё билиб-билмай уйготган ширин хотиралар уни беҳос энтиктириб юборди. Шу бетартиб газеталар, китоблар устига чўкканча, у билан ўйнашгиси келди. Ўрнидан туриб, котибанинг бўйнига қўл солмоқ истади. Котиба қатъият билан узини четга тортди.

– Керакмас, – деди. – Ҳеч нарсани ортга қайтариб бўлмайди. Кейинги пайтларда сени жуда кам эслардим. Тушимга ҳам кирмай қўйгансан. Аммо, юрагимнинг қай бир пучмоғида кетиш олдидан сен билан ҳам бирров хайрлашиш истаги йўқ эмасди. Синаб курганман, нимаики кунглимдан кечса, шу иш тез орада содир бўлади. Мана, ўзинг

ўз оёғинг билан келдинг. Ўзи ростдан ҳам менинг кетишимни билмасмидинг?

– Худо ҳаққи, билмасдим. Мутлақо тасодифан келиб қолдим. Бир ишим чиқиб қолувди...

– Нима иш?

Бояги машина ҳақида гапирмоқчи бўлди-ю, дарров фикридан қайтди. Ахир қандай айтади, қандай изоҳлайди? Бугун уч-тўрт марта битта машинани кўрибди. Нима қипти шунга? Шуюм гапми?

Ҳозир назарида котиба унинг ёнида, бу хонада, бу шаҳарда ҳам эмасди. У билан бошқа бир дунёдан туриб гаплашарди. Бу хонада котибанинг фақат қуруқ савлати бор эди, холос. Руҳи эса узоқ-узоқларда эди. У бу вужуднинг ҳар қаричини, ҳар толасини, баланд-пастини яхши биларди. Аммо, бу вужудда яширинган руҳ тамомила бегона ва мавҳум эканини энди ҳис этди.

Унда тентак бир истак туғилди. Девордаги кўзгуни мушти билан чил-чил синдирмоқчи бўлди. Аммо, ойнанинг синиши бахтсизлик келтириши эсига тушди. У узига ҳам, котибага ҳам бахтсизликни раво кўрмасди. Эҳтимол, бу кўзгуни ҳам кимдир сотиб олар, кимлардир бошқа хонада шу кўзгу қаршисида муҳаббат шаробидан сипқоришар? Энди ҳувиллаб қолган бу хонадонда кечажак ҳар бир дақиқа уни қаттиқ исканжага олишини ҳис этди ва котибага видео сўзларини айтиб, ташқарига йуналди.

– Оқ йўл, сафаринг бехатар бўлсин, – деди кетаётиб, – ишларингга ривож, қаерда бўлсанг ҳам саломат булгин. Балки яна қачондир, қаердадир кўришиб қолармиз?

Охирги сузи қанчалик ҳақиқатдан узоқ эканини иккови ҳам англади. Чунки энди уларнинг бирон жойда куришмаслиги аниқ. Эшик очилган

эди. Қайрилиб, котибанинг совуқ пешонасига лаб босди-да, тез-тез юриб, зинапоядан пастга тушиб кетди. Иккинчи қаватга етганда синиқ пиллапоядан сиргалиб, оёғи бир оз лат еди. Ортига ўгирилди. Котиба ҳамон эшик олдида унга қўл силкиб турарди. Кўзларида ёш кўринмасди. Қулимсираб турарди.

Оёқлари қаттиқ оғриб, хиёл оқсоқланганича тушиб кетаётганида, котибанинг эшиги гийқиллаб ёшилди. Бу товуш унга қаравот гичирини эслатди ва шу топда котибадан абадий айрилганини бутун борлиғи билан ҳис этди. Шуни ҳам англадики, йиллаб куришмай келаётган бўлсалар-да, котиба унинг бу шаҳардаги сўнги илинжи эди. “Қизил Лимузин” ҳодисасини ҳам фақат котиба билангина баҳам кўриши мумкин эди.

Ортига қайтиб, ҳаммасини котибага очиқ-ошкор гапирмоқчи бўлди. “Кетма, кўчма, дея оёқларига йиқилгиси келди. Қол, турмуш қурайлик, бирга яшайлик, китобларни ҳам ҳеч кимга сотма, дейишни истади.

“Ҳеч бўлмаса бир оқшом, шу кеча бирга бўлайлик, китоблар ва газеталар ичида ҳамоғуш бўлайлик”, дегиси келди.

Аммо, энди бу мумкин эмаслигини унинг ўзи ҳам биларди. Ҳаммаси тутаган, ҳал этилган эди. Ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди. Тақдирдан қочиб қаёққаям борардинг?

Биринчи қават эшигидан чиқиб, йўлакда, шундоққина бурнининг тагида “Қизил Лимузин” турганини кўриб заррача ажабланмади. Худди шундоқ бўлиши керакдек, қизил машина уни бу ердан ҳам топиб олиши табиий бўлиб кўринди.

Энди ҳеч нарсадан хавфсирамас, ҳеч нарсадан қўрқмасди. Хотиржамлик билан метро тарафга одимлади. Ёмғир шигалаб турарди. Бу ёмғир узи-

ники бўлса-да, таниш шаҳар унга бегоналашгандек туюлди. Одамларни танимасди. Уйлар, кучалар — ҳаммаси ўзгарганди. Атрофига боқиб, бирор таниш нарса кўрмади. Бошини кутариб, булутларга қаради. Булутларни таниди. Таниш булутлардан таниш ёмғир ёғарди. Гуёки, ёмғир булутдан эмас, ўтмишдан ёғаётганга ухшарди. Мангуга йўқотилган ўз кечмишидан ачинган бўлди.

Метрога ҳам тушмади, автобусни ҳам кутмасдан уйига пиёда йул олди.

Ёмғир бир маромда томчилаб турарди. Бир оз юрса, уйига ҳам етади ва эшиги олдида... “Қизил Лимузин”ни кўради.

Бу аниқ.

Бир оз юрди, уйининг эшиги кўзига ташланди. Уй олдида ҳеч нарса кўринмасди, ҳеч қанақа машина йўқ. Қизилиям, яшилиям, қорасиям. Беш-олти соатдан кейин ётоғига кириб, “Қизил Лимузин”ни тушида куриши миясига урилди.

\* \* \*

Уйқусидан сакраб уйғонди. Соатга қаради. Тонгги турт ярим. Соат қўнғироғи чалинишига ҳали икки ярим соат бор. Аммо, ич-ичидан ҳозирроқ туриши, ётоғидан чиқиши кераклигини ҳис қилди.

Ўрнидан туриб, ётоғидан чиқди, деразадан тастга қаради. Шубҳаси туғри чиқди. Бўм-бўш, эдамсиз, ҳаракатсиз кучада биргина машина турарди — “Қизил Лимузин”.

У энди нима қилиши кераклигини яхши биларди. Душ қабул қилди. Ювинди, соқол олди. Оқ, ўза кўйлагини, дазмолланган костюмини кийди. Инги галстугини боғлаб, туфлисини артди.

Эшикдан чиқаётиб, хонасига бир қур кўз ашлади. Қўнғироқли соатни тўхтатиб қўймоқчи



бўлди. Яна негадир фикридан қайтди. Ишлай-версин, фақат бўш хонада жиринглайвериб, қўш-ниларни безовта қилмаса бас.

Сигарет чеккиси келди, лекин чекмади. Зина-поялардан бамайлихотир тушиб кўчага чиқди. “Қизил Лимузин”га яқинлашди. Ичида ва атрофида ҳеч ким кўринмаса ҳам, эшик очиқ эканини сезиб турарди. Эшик очиқ эди, ҳайдовчининг ўрнига ўтирди. Калит ҳам машинанинг ўзида эди. Нотаниш кучага, нотаниш уйларга-ю, нотаниш осмонга боқди. Кўқдан нотаниш булутлар чекинган эдилар.

Калитни буради.

\* \* \*

Ахборот агентлиги маълумоти:

“Бугун соат тонгги бешларда учинчи боши берк кучада бир автомобиль портлаб кетди. Тахминларга кура, моторни ўт олдириш пайтида унга ўрнатилган портловчи восита ишга тушган. Бомбанинг ким тарафидан қўйилгани, машина кимга тегишли бўлгани, рўлдаги парчаланиб кетган марҳумнинг шахсини аниқлаш бўйича тезкор тергов ишлари олиб борилмоқда”.



---

## ҲИДОЯТ

Ҳидоят Оружев 1944 йил 5 сентябрда Зангезур вилояти Муғлу туманининг Маралземи қишлоғида туғилган. Озарбойжон Давлат университетининг филология факультетини битирган. Бир қатор давлат муассасаларининг юқори лавозимларида ишлаб келган. Ҳидоят таҳаллуси билан ёзган шеърий ва насрий асарлари кўп тилларга таржима қилинган. Озарбойжонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Айти пайтда Озарбойжоннинг Қирғизистондаги элчиси лавозимида хизмат қилади.



## УМРДАН УЗУН КЕЧА

Уйдагилар уйгонмасин дея, калитни оҳиста буради. Яхшиямки, эшик ичкаридан тамбаланмаган экан. Акс ҳолда бўсағада анча кутгандан сунг хотинининг тунгиллаган садолари остида эшик очилган бўларди. Хотинининг заҳил, норози қиёфаси куз олдида дафъатан жонланди.

“Шуям ҳаётми, одамни ярим кечаси калахуш қилади. Одамлар ҳозир уч уйқуни уриб булди”.

Одатда бунақа иддаоларга эри жавоб қайтармасди. Билади: бир огиз гапирса, хотини ун огиз қилиб қайтаради. У аёли билан холаваччаси Дилоранинг тугилган кунда танишган. Танишувлари қанчалик оддий кечган бўлса, туйлари ҳам худди ўшандай ўтди. Ўрталарида нима бор эди? Севгими? Йўқ, уларнинг севишга, туғрироғи сеvgисини синовдан ўтказишга вақти булмаганди. Кейинги пайтларда ишдан кеч қайтгани учун хотинига ҳисобот бермай қуйган. Хотини ҳам мингирлаб-мингирлаб ётоғига кириб кетадиган булди. Деворда осилган соат тунги учни кўрсатиб турибди.

Ҳозир кеч қайтганининг сабабини айтганида хотини жавраши мумкин бўлган гапларни хаёлан ипга тизиб курди:

“Вой-воей! Кексаларга жон бунча ширин бўлмаса? Касал бўлса, бориб ётсин! Ана, қизи бор ёнида. “Тез ёрдам”га сим қоқсин. Сиз духтирмассиз-ку, ҳар қалай”. Шу сўзлари қулоғи остида жаранглаши билан Таваккалнинг муштлари тугилди.

Ҳамма маст уйқуда. Кийимларини алмаштирди. Негалигини ўзи ҳам ўйлаб кўрмади. Ахир одамлар “уч уйқуни уриб булди”. Бунинг устига, эртанги бюро масалаларини куриб чиқиши керак. Қаҳваранг пижамасини кийди. Бу пижамани унга Калькутта шаҳри мэри совға қилганди. Куз

олдида 35–37 ёшлардаги хушбичим, худди таниқли актрисаларга ўхшаб кетадиган ҳинд аёли жонланди. “Пижамани кийганингизда мени эслаб юрарсиз!” деганди у ўшанда.

Мэрнинг исми Рани эди, янглишмаса! Эри муҳандис экан. Агар синфдоши Салмон “запорож”га мундир кийдириб қўйса, худди ўшанинг ўзи бўлади. Эр-хотинни ёнма-ён қуриб, бувисининг бир матали эсига тушган: “Қовуннинг яхшисини ит ейди!”

Юраги ёнаётганини ҳис этди. Музлаткични очди. Араб пивосидан тортиб, фин шаробларигача териб қўйилган эди. Негадир кўнгли ҳеч нима тусамай, музлаткич эшигини ёпди.

Ётоқхонага ўтди. Даҳлизда кўзи телефонга тушди, яна симини узиб қўйишибди. Хотинининг одати шунақа, соат саккиз бўлдими, дарров телефон симини узиб қўяди. Ўзи билмаган ҳолда телефонни қайта тармоққа улади. Худди шуни кутиб тургандек, телефон “сайраб” қолди.

Нега дастани кўтармаяпти? Нега жойида қотиб қолди? Телефон эса ҳамон жирингларди. Бор кучини тушлаб, дастакни қулоғига босди:

– Лаббай...

Нариги тарафдан аввалига тушуниксиз шовқин эшитилди.

– Ака, ўзингизни қўлга олинг! Лекин... тез етиб келинг!

Яна қандайдир йиги товушлари эшитилгандек бўлди. Таваккалнинг ичида нимадир чирт этиб узилди. Икки қўли ёнига осилиб тушди. Дастак аввал маълумотлар китобига, кейин эса полга тарақлаб тушди. Юраги тўхтаб қолдими?.. Йўқ, юраги уришдан тўхтаган одамлар тикка туролмайдилар. Ў эса ҳайкалдек қотиб турибди. Орадан қанча фурсат ўтганини ўзи ҳам англамади. Балки бир қақиқа, балки бир соат, балки бутун умр...

Ҳушини йигиб олди. Ҳали ҳодисанинг туб моҳиятига етиб бормасдан, хотини ётган хона томон одимлади, кейин ўгли ва қизининг хоналарига бўйланди. Улар ҳам маст уйқуда эдилар.

Кейин Читада юрган Илғорни эслади. У томонларда ҳозир пешин бўлса керак! Илғор бобосини жуда ёқтирарди. Агар шу ерда бўлганида, Таваккалнинг ярим юкини елкалаган бўлармиди?

Куча эшикни очиб, ташқарига чиқди. Тугмани босиши билан лифт эшиги очилди. Лифт деворидаги кўзгуда аксини кўриб, уй кийимида чиққанини пайқади. Негадир эсига Калькутганинг мэри эмас, боя кийим алмаштиргани тушди.

Бу пайтда лифт биринчи қаватда тухтаганди. Яна тўққизинчи қават тугмасини босганида, лифт ҳам оғрингандек гичирлаб, юқорилай бошлади. Лифтдан чиқиб, калитни олиш учун савқи табиий ҳолатда чўнтак ковлади. Жин урсин! Калит ҳам уйда қолибди. Ишқилиб, эшик қулфланиб қолмадимикин?

Елкаси билан эшикни ичкари итарди. Хайрият, очиқ экан. Кўйлагини алмаштириб, пастга тушди.

\* \* \*

...У таниш йўллардан одимлаб борарди. Соҳил хиёбони тунги чироқлар нурига гарқ булганди. Агрофда тирик жон кўринмайди. Икки томондаги анвойи гуллар ҳам сокин мудраётгандек.

У одатда, ҳар куни эрталаб соат еттида уйдан чиқар, қирқ-қирқ беш дақиқа хиёбонни кезарди. Хизмат машинаси уни хиёбоннинг нариги тарафида кутиб турарди. Яқинда шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлигининг ялтоқлангани эсига тушди:

“Ҳар куни эрталаб сиз юрадиган йўлларга сиз сепиб қўяман. Кучаларга янги гул кўчатлари топиб эктирдим!”

Таваккалнинг эрталаблар хиёбон айланишини қандай билдийкин?

Соат саккизларда ишхонасига етиб борарди. Спорт залида бадантарбия қилар, Ҷонуштани ер, соат тўққизга яқинлашганида кабинет эшигини очарди.

Мана, ҳозир ҳам уша, икки четига гуллар экилган йўлақдан кетяпти. Хаёлида бир неча йил аввалги мулоқот кечгани учун гуё нотаниш йўлақдан кетиб бораётгандай эди. Йул-йўлакай қуйидагилар ёдига тушди:

“Таваккал, болам! Анчадан бери Зангезурга бормадим. Жуда соғиндим-да, бир обориб келсанг!”

“Ўзингиз кўрган-билган Зангезур-да, ота! Ундан кура Кисловодскка йуланма олиб берай, бориб дам олиб келинг!”

“Горус дарасидан тушаётганингда катта каштан дарахти бор. Ҳалиям турганмикин?”

“Қўйиб берса, янтоқ-шувоқларни ҳам сўрайсиз, ота!”

“Ўша дарахтни мен экканман, болам! Минглаб одамлар унинг соясида дам олиб, отамга раҳмат айтиб кетган. Ўша дарахтнинг тагида бир чашма отилиб туради”.

“Униям сиз очганмисиз?”

“Йуқ, аввалдан бор эди. Суви кўз ёшидек тиниқ, муз каби совуқ. Битта қўйни еб, устидан уша чашманинг бир қултум сувини ичсанг, яна қорнинг очқайди”.

“Э ота, сизга ухшаб, уз эрким ўзимдамидики, йулардаги чашмаю каштанларни қидириб юрсам!”

“Қидирсанг нима қипти? Тошлар, қоялар, булоқлар, дарахтлар... ҳаммаси йўлинг-да-ку? Улар шоҳу гадога баробар. Айтишларича, ҳозир йул-

ларни тузатишибди, икки-уч соатда етиб борса булармиш...”

“Ундан кўра, Кисловодскка боринг!”

Ўз овозини ўзи эшитиб, ижирганди. “Сенга ҳам, амалинга ҳам тупурдим, – деди ўзига ўзи овоз чиқариб. – Наҳотки бир кунгина вақт ажрата олмадинг, отанг учун? Дам олиш кунинг йўқмиди? Таътил кунлари-чи? Бор, ана иш куни бўлсаям, ярим кунда бориб келсанг, иш тухтаб қолармиди? Биринчи уринбосаринг бажариб турарди уша “оламшумул” ишларингни? Лоақал хизмат машинангни жунатсанг, ҳайдовчининг ўзи ҳам эплардику! Тупурдим сенгаям, ишинггаям!”

Одимлари тезлаша бошлади. Отаси унинг ишхонаси тарафга тез-тез ўтиб туришини хотирлади. Лекин, бинонинг ичига кирмасди. Эшик олдидаги посбонлар темир панжара иҳотасида қад ростлаган чиройли бино атрофидаги парқда ишлайдиган қариялар таниш бўлиб қолган, улар билан тез-тез гурунглашарди. Кейин гап орасида углини сурриштирар, аммо отаси эканини айтмасди.

– У ўзи яхши одамми? Феъли қанақа? Одамлар билан муомаласи қанақа?

Гарчи узини хотиржам тутишга интилса-да, хоҳ яхши гап эшитсин, хоҳ ёмон, бари бир қизариб оларди.

Бир гал ёшгина, қоракўз сержант йигит қариядан суради:

– Амаки, уртоқ Каримлини жуда кўп сурайсиз-да, қариндошингизми дейман?

– Йўқ, ҳамюртим бўлади, – деганди ўшанде қария.

– Ҳа, ишқилиб ҳозир шу юртошингиз сизни курса, салом берармикин?

– Салом дейсиз-а, – гапга қўшилганди фарроп аёл. – Сизни танирмикин денг! Бир куни ҳузуриг

кирувдим. “Ўртоқ бошлиқ”, дедим. “Эллик йилдан бери қўлимдан шу супурги тушмайди. Ўзим бир ертўлада яшайман. Белим шамоллаганига ўттиз йилдан ошди. Ўғлимнинг юраги касал. Бир хонали бўлсаям, битта уй олишга ёрдам берсангиз, ҳеч бўлмаса, невараларим тузукроқ уйда униб-ўссин”, дедим. “Хола, уй масаласи билан биз эмас, шаҳар кенгаши шугулланади”, деди. Кошки билмасам экан, бунақа ишлар унинг битта имзоси билан ҳал бўлишини.

Қариянинг ранги ўзгарди. Индамай ортига, ўглининг уйига қайтди. Ўзи кейинги пайтларда ўғлиникига камқатнов бўлиб қолганди. Ўғлини кутиб утирди. Таваккал, ярим кечаси кириб келди. Отаси ҳамма гапни бир бошдан айтиб берди.

– Ота, нималар қилиб юрибсиз? Кимлардан мен ҳақимда суриштирасиз? Нима кераги бор эди? Мен эртага уларнинг кузига қандай қарайман?

– Рост гапни ана ушалар айтишади, болам. Қадимги подшоҳлар ҳам қаландар либосида юриб, халқдан узлари ҳақидаги фикрларни сўраб юришган.

“Ўша фаррош хотин уй олдимикин?”

Айни чоғда Таваккалнинг хаёлидан ана шундай ўй кечди.

Ўша ҳодисадан кейин ота ўглининг ишхонасига қинлашмади. Ўғил ҳам йилда бир-икки марта ота қовлисидан хабар олар, беш-ўн дақиқа отаси ва инглизси Салби билан ҳамсуҳбат булар, кейин эртига қайтарди. Охирги олти ойда отасининг йилдан бошқа ҳамма жойда бўлиб қайтди. Ҳар қар замонда телефонда йўқларди:

“Ота, Ҳиндистонга кетяпман! Қайтишим билан ўдингизга бораман!”, “Ота, Италияга кетадиган бўлиб қолдим!”, “Ота, эртага Индонезияга учпман. Ундан Австралияга утаман...”



Қайтиши билан яна аллақандай мажлислар, кенгашлар, расмий учрашувларнинг кети узилмас, улар тугаши билан самолёти бошқа тарафга қараб учарди.

“Ўғлим, дунёнинг ҳар бурчагига боришга вақт топяпсан, фақат бобо юртинг Зангезурдан бошқа!” Бу отаси айтиши керак бўлган, аммо айтмаган гап...

Бугун эрталаб Салби телефон қилганди. Овози ҳаяжонли эди.

– Ака, отамнинг товлари қочиб қолди.

– Доктор юборайми?

– Йўқ, шарт эмас, ишдан кейин вақтингиз бўлса, келиб кетинг.

– Нега? Докторнинг кераги йўқми?

– Маҳалламизнинг дўхтири бор-ку, ўшани чақирдик.

– Э, улар нимани билишарди... Ҳа, майли, бо-раман!

Кейин соғлиқни сақлаш вазирига сим қоқди. Консилиум ўтказишди. Пешин пайтида вазирнинг узи телефон қилиб, умид йўқлигини айтди.

“Шу пайтгача яшаганининг ўзи муъжиза. Юрак шунча касалликни бошдан кечириб, яна уриб турганига ҳайронман!”

Вазирнинг айтишича, уч-тўрт ой илгари му-рожаат қилинса, асраб қолишнинг иложи буларкан. Демак, отаси уч-тўрт ойдан бери оғир касал экан-да? Нега бир оғиз айтишмади?

Ишдан яна кеч чиқди. Ҳайдовчисига борар манзилни айтди. Бу сафар машинани отасининг уйидан анча берида тухтатмади, дарвозанинг ол-дигача ҳайдаттирди. Уни Гаффор амаки қарши олди. Юзини тук босиб кетганига қарамай, ҳушёр эди. Хотини Сона холанинг айтишича, қариянинг

тоби қочганидан бери ичмаётган эмиш, беморнинг бошида ўтириб, қизиқ-қизиқ ҳангомалар билан уни овутиб ўтирганмиш. Икки кундан бери тараддуд кўра бошлабди...

Тараддуд?... Шундагина ҳовлининг усти брезент билан ёпилгани, темир харрақлар келтириб қўйилганини курди. Тўй-маъракада ишлатиладиган қозон-учоқларни ҳам келтириб қўйишибди.

Отаси ётган хонага кирди. Уй икки хонадан иборат бўлиб, икковининг эшиги ҳам ошхона томонга очиларди. Отасига “Юринг шаҳарга олиб кетай, истасангиз мен билан яшанг, истанг бошқа шарт-шароит, яхши бир уй олиб берай”, деди. Отаси унамади. “Бу уйда мен ота-онам, ойингнинг исини туяман, шулар мени одам қилиб турибди” дерди.

Отаси узини бардам тутишга тиришарди:

– Э ўғлим, бу ёруғ оламда анчагина яшаб қўйдим. Сулаймон пайғамбарга вафо қилмаган дунёга биз устун булармидик? Сен купам узингни олдириб қўйма. Бир-иккита илтимосим бор, шуларни эсингдан чиқармасанг бас!

Отаси шу ерда ҳам ўглини аяди. “Қил” демадимми, “эсингдан чиқарма” деди, холос. Бажариш-бажармасликни ўзинг биласан, демоқчи-да!

Отаси унгланишга уринди, аммо кучи етмади. Салби ва Сонанинг ёрдами билан хиёл унгланиб олди.

Қариянинг кузлари шифтга термилди, оғир бир гапни айтмоқчи бўлгандек, чуқур нафас олди:

– Мени... онангни ёнига қўй, болам. Ўша ердан жой ажратиб қўйганман. Биласан...

Сийрак киприклари орасидан ёш сизди. Салби унинг ёноқларини артиб қўйди.

– Мен-ку ёшимни яшаб бўлдим, – деди қария хирқираб. – Онанг шўрлик тушди эсимга! – бир

оз нафасини ростлаб, қизига юзланди. — Салби, чой дамлаб кел, болам!

Қизи отасининг ниятини тушунди. Демак, ўғлига айтадиган бирор гапи бўлса керак. Қизининг қадам товушлари узоқлашгач, ота гап бошлади:

— Таваккал, ўғлим! Салбидан хабар олиб тур! Фақат шундан кўнглим тулмаяпти. Бечора қизим... Мени деб... Мен унинг бахтига зомин бўлдим.

Албатта, биларди Таваккал. Ҳаммасидан хабари бор эди.

Салби отасини ўйлаб турмуш қурмади. Онаси вафот этгач, гоҳ илмий ишини баҳона қилди, гоҳ юрагини... Совчи юборганлар кўп бўлди. Ҳаммасига рад жавобини берди. Энди эса ёши қирққа қараб кетяпти.

— Қорнини тўйғиз, кийим олиб бер демайман. Худога шукурки, уз юкини ўзи уддалайди. Маоши ҳам ўзига етиб ортади. Фақат келиб-кетиб, қунгироқлашиб турсанг, бас. Мендан кейин яккаланиб қолмасин, дейман.

“Яккаланиб қолмасин!” Таваккал синглисининг келгуси ҳаётини кўз олдига келтириб, бироқ ёруғлик топа олмасди. Оила қуриб, бола-чақали бўлармикин... Салбинини оламан дегувчилар ҳозир ҳам топилади. Ақлли, самимий, чиройли қиз. Ёшлик тароватини йўқотганича йўқ. Аммо, унга уй ланадиган эркакнинг узи қанақа чиқади? Салбиг муносиб бўлармикин? Агар унга лойиғи учрамаса Таваккал бир умр виждон азобида яшаши тайин. Негаки, оилада катта фарзанд бўлишига қарамай шу оиланинг асосий ташвишини, кекса отанинг заҳматини, бевақт бу оламни тарк этган онаизорнинг маърака-маросимларини ҳам Салбининг ўз елкасига олганди. Йўқ, у Таваккал учун сингиз эмас, опа ўрнини босди.

Таваккал институтда ўқиб юрганида ҳам Салби ундан кўмагини аямади. У ўқишдан ташқари пайтларда уйда тикувчилик билан шуғулланарди. Таваккал Москвага академияга кетганида, Салби институтга ишга кирди. Шунда ҳам тикув машинаси тўхтамади. Шу тариқа акасига пул, совға-салом юбориб турди. Таваккал юқори лавозимларни эгаллаганидан кейин ҳам Салбининг совға-саломлари узилмади. Бир қараса, Эрон пайпоғи, бир қараса, фин совуни... “Салби, буларни қаердан топасан?” деб сураганида, у индамай бош ирғаб қўя қолар, ўша пайтларда ўта камёб саналган бу молларни сотиб олиш учун соатлаб магазинларда навбатда турганини айтиб утирмасди.

Хўш, энди Салбининг қисмати не кечади? Таваккални бу огир лаҳзаларда ҳаммадан кўра шу савол қийнади.

Отаси эса хириллаб, тўхтаб-тўхтаб сўзида давом этарди.

– Иложи борича, – ҳансиради ота, – эртага... юқоридагиларга хабар қилиб ўтирма. – Кейин бир оз жим қолиб, бунинг иложи йўқлигини тўшундим, илова қилди. – Агар жуда имкони бўлмаса, жума оқшоми ҳаммаси бир бўлиб, фотиҳага кела қолсин. Отамнинг васияти шунақа эди, дея қоласан...

Яна сукут...

– Менга уч кун аза тутсанг, етар. Пайгамбаримиз ҳам шундай деб марҳамат қилган эканлар. Майда-чуйда ишларга аралашма. Ҳамма нарсани Гаффорга топширганман.

“Топширганман!” Отаси бу сўз ортида яна бир сирни яширганди: маърака харажатлари ҳам олдиндан тайёрлаб қўйилган!

– Салби, аканга чой дамлаб кел. Ишдан чарчаб келган.

Бу отанинг охирги сўзлари эди. Салби чой олиб келди. Ота жим. Уғил жим. Чой совиб бўлди. Салби яна иссиқ чой келтирди. Кейин яна... Яна...

Ҳеч ким гапирмас, ҳамма сукутнинг чинқиригидан бошқа нарсани эшитмасди.

Оқшом шу тариқа эриб борарди.

– Таваккал укам, бир дақиқага мумкинми?

Гаффор аканинг таклифи билан Таваккал ташқарига чиқди.

– Сиз ишингизга бораверинг! Қайтишда кириб ўтарсиз. Жуда зарур бўлиб қолсангиз, узимиз телефон қиламиз. Таваккал бир оз жим қолди, кейин эса машинасига ўтирди. Соатига қаради. Ўн олтита кам икки...

\* \* \*

Хиёбоннинг нариги бошига етиб келди. Одатдагидек атрофига аланглади. Жин урсин! Машина чақиргани йўқ, бунинг устига эрталаб эмас, ярим кечаси бўлса. Кеча бўлганда ҳам аввалгиларига ўхшамайдиган, умуман бошқача кеча. Машина ушлашга тўғри келади. Қўлини чўнтагига суқди. Пул олиб чиқмабди. Ўзи одатда унга пул керак бўлмасди. Телефон қилиб, ишхона гаражидан машина чақирмоқчи бўлди. Автомат телефон учун ёнида икки тийинлик тангаси ҳам йўқ эди. Пиёда кетиш эса... камида бир ярим соат вақтни олади. Кейин мажоли ҳам қолмаган, бадани совуқдан жунжика бошлади. Сигарет чеккиси келди. Сигарети йўқ. Нима қилишни, қаёққа боришни билмасди. Беихтиёр отасининг бир неча бор айтган сўзларини хотирлади:

– Ўғлим, эркак кишининг ёнида ҳар доим пули бўлиши керак. Камбағалми, бойми, фарқи йўқ. Асло пулсиз юрмаслик керак. Бир кун пулга шундай эҳтиёж сезасанки, бошингдаги телпагингни ҳам сотишга мажбур бўласан, агар харидор тополсанг...

Отаси ҳар доим ёнида пул олиб юрарди. Ҳатто уруш пайтида, қаттол очарчилик йилларида ҳам чўнтагидан пул чиқараркан. Қаердан, қандай топишини ҳеч ким билмас экан.

Биттагина сигарет топилса эди... Қанақасидан бўлса ҳам фарқи йўқ.

Машина сигнали эшитилди.

– Ҳа, оғайни, бирор ёрдам керак эмасми?

Таваккал ҳайдовчига ўтирилди.

– Ие, Таваккалмисан? Танимадим, бой буларкансан.

– Салмон!

Бу уша Салмон “запорож” эди. Ўн йил бирга ўқишганди. Шаҳар атрофидаги қишлоқларда қудуқ қазиш билан шугулланарди. Бир марта Таваккалнинг қабулхонасига ҳам борганди.

– Шаҳарда қудуқ қазимоқчиман. Шаҳар кенгаши қўймаяпти. Анави Валиев деганини бир қулогидан чўзиб қўй, – деганди.

Валиев шаҳар ҳокимлигида бўлим бошлиғи бўлиб ишларди.

– Ие, шаҳарда қудуқнинг нима кераги бор?

– Оғайни, қудуқдан қандай сув чиқаришимни билсанг эди. Шаҳримизнинг таги бус-бутун сув экан, яқинда уқиб қолдим.

– Қизиқ одамсан-да, нималарни ўйлаб юрасан, – кейин соатига қараганди. – Нариги хонада мажлисим бор. Бўпти, Салмон!

Шундай деб чиқиб кетганди.

Салмон бир-икки дақиқа хонада ёлғиз қолганди. Телефонларга тикилиб, узича хаёлга толганди: “Уша мажлисини шу ерда қилса бўлмасмикан? Хонанинг катталигини қаранглар! Таваккал битта ўзи бу ерда зерикиб кетмасмикин?”

Бир куни Салмон Таваккалнинг уйига қидириб келди.

– Машина олдим. Ұртоқ! Шанба бирор ёққа борайлик. Машинани ювамиз.

– Қанақа машина? – сўради Таваккалнинг хотини истеҳзо билан.

– Запорожец! Зўр машина экан.

Ўшанда Таваккалнинг хотини узини кулгидан тўхтатолмаганди. Салмон “запорож” деган лақаби ҳам уша кундан қолган.

Кейин Таваккалнинг уйига, ишхонасига кўч марталаб телефон қилди. Топа олмади.

“Таваккал, болаларинг билан бир келмайсанми? Хашни жа ёқтирардинг. Бир маза қилиб хаш ичардик”.

“Таваккал, қатиқли мантини роса туширардинг, эсингдами? Ойим бунақа овқатларга жа уста. Якшанба куни келишнинг иложи борми?”

Йуқ, Таваккал хаш ичишга ҳам, манти ейишга ҳам бормади. Ундан-да муҳим ишлари бор эди. Ҳар гал телефон қилганида, ё мажлисга тайёрланаётган, ё сафар тадоригини кўраётган буларди...

– Ҳа, огайни, ярим кечада қаёққа?

– Отамникига.

– Бўлди, юр кетдик.

“Запорож”нинг торгина салонидан жой олди.

– Ахийри шаҳарда ҳам қудуқ қазидим, – деди у машинани ўт олдиранган. – Бутун Сартепа маҳалласи яшнаб кетди. Куз ёшидан ҳам тиниқ сув чиқди. Ичиб туймайсан. Экин-тикинга ҳам етиб ортади. Бу дейман, Валиевни роса таъзирини берибсан-да?

– Мен Валиевга ҳеч нарса демагандим.

– Унақада нега рози бўлди?

– Сендан қутулолмаслигини билгандир-да!

– Қуйсанг-чи? Димоғидан қурт ёғаётганди. Ёнингга борганимни билган-да! Яна бир-икки жойдан қудуқ очсам деб юрибман. Ариза бериб қуйдим.

Таваккал жим эди.

– Ярим кечаси қаердан келяпсан, деб сўрамайсан ҳам.

– Сен сўрадингми?

– Сен ишли одамсан. Бир шаҳарнинг ташвиши бошингда. Кечаси ўн иккида телефон қилсам ҳам уйда бўлмайсан. Кўпинча ишда ҳам бўлмайсан. Қаерларда бўласан?

– Кўчаларда! Салмон, сигаретинг борми?

Салмон аввал “Космос” чиқарди. Кейин бир оз ўйлаб, чунтагига солди. Анави ерни кур, “Кент” бўлиши керак.

– Йўқ, беравер ўшани.

Машина салони тутунга тўлди.

– Онамнинг мазаси йўқ, Таваккал, – деди Салмон овози титраб. – Касалхонадан келяпман. Ҳозиргина уйқуга кетди. Болалардан хабар олай, деб кетяпман. Кундузлари Фарангиз қараб утиради. Кечалари мен.

Фарангиз Салмоннинг хотини эди.

– Қайси касалхонада? Телефон қилиб бир оғиз...

– Раҳмат, шарт эмас. Фаррух бор-ку, синфдошимиз. Ҳозир уша ерда бош шифокор экан.

Фаррухни биринчи курс пайтида бир-икки марта курганди. Ўшандан бери алоқалари узилган.

– Ҳа, Фаррух юрибдими? Қалай?

– Кайфияти аъло! Димоғи чоғ! Яхши ҳурмат қозонганга ўхшайди. Сени куп гапиради. Тунов куни сени телевизорда курибди. Роса қулогингни қизитдик. Биласанми, нимани эсладик. Ушанда саккизинчи синфда ўқирдик. Соҳилда Гулар сенинг кўйлагингни бекитиб қўйганди. Ўғирлаб кетишибди, деб ўйладик. Пул йигдик, сенга шаҳардан янги кўйлак олиб келмоқчи бўлдик. Мен автобус бекатига кетаётганимда, Гулар сумкасидан кўйла-



гингни чиқариб, байроқдек ҳилпиратди. “Пулни энди менга беринглар!” деб қичқирди. Кейин уша пулга дўкондан майда-чуйда олдик. Маза қилган-миз ушанда. Эсингдами? Гулар сени ёқтирарди. Нега унга уйланмадинг?

Гулар билан севги можаролари ёдида эди. Аммо, кўйлак воқеасини унутган экан.

– Гуларни кеча касалхонада кўрдим. Қайнанаси онам билан бир палатада ётган экан. У Гуларни оғзидан бол томиб мақтайди.

Чамаси Таваккал ҳеч нарсани эшитмади. Яна битта сигарет ёқди. Машина кенг йўлдан чапга, тор, илонизи кучага бурилди. Таажжуб, Салмон ҳалиям уларнинг кўчасини унутмабди-да! Ахир бу кўчаларни ҳали тез-тез бузиб, таъмирлашади.

Салмон машинасини уларнинг ҳовлиси олдида тўхтатди.

– Мен ҳам тушаман, – деди таклифни кутиб ўтирмай калитни чўнтагига соларкан. – Онам касалланганидан бери отангдан хабар олмагандим. Сен келдинг, энди уйғониб қолса керак.

Демак, Салмон бу ерга келиб-кетаркан-да! Таваккал жойида қотиб қолганди. Салмон Таваккал ўтирган тарафдан келиб, эшикни очди.

– Туш, кимни кутяпсан?

Таваккал жим эди.

\* \* \*

Дарвоза очиқ эди. Гаффор амаки билан таксичи Волод ҳовлида стол-стулларни жойлаштириш билан банд эдилар.

– Вой отам, – деди Салмон бошини чангаллаб. – Вой отам, нега менга бир оғиз айтиб қўймадинглар?

– Раҳматлининг жони ҳозиргина узилди, – деди таксичи Волод оҳиста.

– Салбига айтувди, – пичирлади Гаффор амаки. – Бир фаррош хотинга уй тўғрилаб берар экансан. Исми эсимдан чиқиб қолди. Ким билсин, жон талвасасида алаҳсирадими?

Йўқ, бу алаҳсираш эмас, кекса отанинг бутун умри давомида уғлидан ягона илтимоси эди.



Таваккал ўзини тутолмасдан ҳўнграб юборди. Ўзини ичкарига урди. Ҳамма жим, ичкаридан фақат Таваккалнинг бўғиқ йигиси эшитиларди, холос.

Тонг отай демасди. Умрдан ҳам узун эди, бу кеча...



## СОБИР РУСТАМХОНЛИ

Собир Худу угли Рустамхонли 1946 йил 20 майда Ярдимли туманидаги Хамеркент қишлоғида туғилган. 1963 йилда Озарбойжон Давлат университети-нинг филология факультетини тугатган. Бугунги Озарбойжон адабиётининг етакчи вакиллари-дан бири. Озарбойжон Фуқаролар бирдамлиги партиясининг раҳбари. 1991–1995 йилларда мамлакат Матбуот ва ахборот вазири бўлган. “Танимоқ истасанг”, “Хабар кутаман”, “Умр китоби”, “Отамнинг руҳи”, “Улим чўққиси” сингари асарлари чоп этилган. Унинг “Кўк тангри” романи ўзбек тилига угирилган. Озарбойжон халқ шоири, Миллий Мажлис депутати.



## ТОШ РАНГИ

Вокзалда уч аёлдан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Уларни чўл ўртасидаги шаҳарнинг кўчаларига, кутиш залининг бир бурчагига чанг-тўзон тиқиб қуйганди. Темир уларга яқинлашиб, кассаларнинг қачон очилишини сўради.

Атрофда саф тортган қайрағочлар давра қуриб, жим утирган одамларни эслатарди. Ортга чекинган сари дарахтзор қалинлашиб, яқин-орадаги ўрмон билан тутлашиб кетарди. Крандан шариллаб оқаётган сув уриндиқлар яқинида катта кўлмак ҳосил қилганди.

Темир қайрағочлар панасидаги ошхона тарафга ўтди. Ҳар гал йўлга тушишдан аввал унинг анча бўш вақти булар, шу боис бу ерларни айланиб, пухта ўрганиб олганди. Саргардонликда кечган геологларга хос ҳаёт тарзи сабаб бу ерларни жуда ёқтириб қолган. Бу ерга иссиқдан толиққан одамлардан икки-уч киши келиб, соя-салқинда давра қуришарди.

Бу гал Темирнинг юраги алланечук ишонч ва алланечук самимият билан тепмоқда эди. Ёзда эртадан кечгача ранг-баранг қояларда минг хил иффор уфуриб турган адирларда, қидирув ва изланишлардан ҳориб чарчаган кезлари бу ерларга тез-тез келиб турарди. Аммо, айнаи дамдаги руҳий сокинлик ва вазминлик сабабини била олмади. Бунини ўзича лоқайдлик дейишга-да тили бормади...

Ошхонадан бир бокал муздек пиво ичди. Кейин йўл бўйи ҳамроҳлик қилиб келаётган каттакон сафархалтасини елкасига осиб, қўзгалди. Эшик олдида шарқираб турган сувга ювиниб олди.

Боя кутиш залида кўринган аёллар ҳам энди дарахтлар соясидан паноҳ топишганди. Йигит ҳам уларнинг ёнидан жой олди. Чипта муаммоси

дилини гаш қилди. Баланд бўйли, хушбичим аёл анча киришимли экан, йигитни гапга солди:

– Геологман, – ўзини таништирди йигит. – Кунимиз тоғ-тошларда кечади.

Аёл кулимсиради. Ёрқин, мулойим бир тебраниш Темирнинг юрагини қалқитиб юборди. Йуқ, бу тебранишга аёлнинг табассуми сабабчи эмасди. Унинг елкаси оша бир жуфт шахло кўз унга қадалиб турарди. Темир буни сезганида кўзлар ҳам уялиб, ўзини четга олди.

Орага сукут инди. Темир сафархалтасини тиззалари устига қўйди. Унинг устидан қўлларини қовуштириб, пешонасини тиради ва чўлнинг бўз тупроғига маъносиз термилиб қолди. Қарама-қарши турган ўриндиқлар орасида вақт ана шундай сас-сабарсиз кечарди. Кечки губор кунгилдаги гурунг истагини қувиб қолганга ўхшарди. Йўл устидан ҳар куни юзлаб одам утиб қайтади. У ёқ-бу ёқдан гап-гурунг кетади. Кимдир чипта етишмаслигидан, вақтдан, иссиқдан нолийди. Бу ерда маълум масофа қадар танишлик, бир-бирининг сафари, иши, лавозими ҳақидаги қизиқишлар ҳаммага табиийдек туюлади. Умидсиз, мақсадсиз одамлар ўз ҳаётидан, бутун мажлисларда кўп марталаб муҳокама қилинган ҳодисалардан сўз очарди.

Темир бошини қуйи солиб, ўйга чўмди. Юрагининг дахлсиз нуқтасига нимадир тегиб ўтгандек бўлди. Фақат, бу шу қадар ожиз, тушуниб бўлмайдиган бир ҳис эдики, маъносини ўзи ҳам билмасди.

У ёш жувон ёнидан утаркан, учинчи ҳамроҳи – қорачадан келган, ёши каттароқ хотиннинг паст овоздаги пичир-пичирига қизиқиш билан қулоқ тутди. Қизга тикилиб қолганидан хижолат бўлиб, ўзини тамомила четга олди. Қизнинг қўнғиртоб сочлари елкасидан пастга интилган, бир тарафдан юзни пардадек тўсиб олганди.

Темир яна бир маротаба қизнинг қарашини истади. Унинг юзига диққат билан тикилгиси келди. Қиз ҳам худди унинг истагини сезиб тургандек, унга мамнуният билан қараб олди-ю, тиззаси устида турган мовий сумкасидан китоб чиқарди.

Темир зерикдими, сумкасини уларнинг ёнига қўйиб, автобус бекатига чиқди. Баланд дарахтларнинг, икки қаватли уйларнинг орасидан куринган самони уфққа ботишга чоғланган Қуёшнинг баркашдек юзи эгаллаб олганди.

Дашт бўйлаб кеч кира бошлаганди. Ҳавода чивинлар қанот қоқа бошлади. Қимт этган шабада эсмайди. Темир тоғларда сокин оқшомларнинг ранг-баранглигига ўрганиб қолганди. Табиат сезилар-сезилмас навозишлари ила уни ўзгартириб қўйганди. Гоҳида иш билан шаҳарга келганида гавжум оқшомларда кучаларнинг алвон нурлари остида кезаркан, тоғ бағрида тикилган чодирларни, тоғларда, қояларда минг хил рангда жилоланувчи оқшомлар тароватини, дараларни буркаган сирли қоронгиликни соғинарди.

Айни пайтда тоғда қолган ҳамроҳлари чодирларга кириб олишган бўлса керак. У ана шу эркин, қайғусиз оламга маҳлиё эди. Янги жойга ўтиб, чодирларни майсазорга, бошқа гуллар орасига ўрнатган чоғида ҳам атроф унга алақандай қадрдон туюларди.

Бари бир борар манзили тайин — ишхонасидан берилган бир хонали уй эди. Шунда яна ўша кенгликлар қайғуси уни исканжасига олар, яна муъжаз қароргоҳига қулф уриб, хушчақчақ, ҳаётсевар ҳамроҳлари сафига, ўзи севган олам қучоғига ошиқарди. Ўз келажагини ҳам бошқача тасаввур қилолмасди.

Ким билсин, уни Зарифадан совитган, ораларига нифоқ солган нарса ҳам ана шу хусусияти бўлгандир? Талабалик йилларининг тотли севгиси ҳам уларнинг йўллари айрилган жойда якун топди. Ҳа, ҳаммаси институт сарҳадларида қолиб кетганди. Ҳа, у ерда, аудиторияда ёнма-ён ўтириб сирлашиш, коридорларда ёнма-ён юриш қанчалар осон, нақадар гўзал. У ана шу гўзалликни тоғлар қуйнига кучирмоқчи эди. Ўртоқлари унга баъзан ҳазил қилишарди:

“Бу хоним геологга хотин була олармикин? Борди-ю, булоқдан сув ташишга тўғри келса, чеклакнинг дастаси нозик бармоқларга азият бермасмикин?”

Темир бу гаплар ҳазил эканига, Зарифанинг қалбига, ақлига ишонарди. Фақат узи институтни тамомлаганидан икки йил ўтиб, ишга тайинланганида, гап фақат Зарифанинг розилигига келиб тухтаганда, ана шу умидлар бирдан лойқаланди:

– Мен ун беш йил тоғ-тошларда сарсон-саргардон бўлиш учун уқидимми? Одамларга кулги бўлишни истамайман.

– Туманда ҳам ишласанг бўлади-ку?

– Йўқ, шаҳарда илдиз отмасак бўлмайди, сен ҳам бу фикрингдан қайт.

– Бизнинг аспирантурамиз бу — тупроқ-ку?

– Мен умримни тоғ-тошларда чиритишни истамайман. Ота-онам нима дейди? Мен у ёқда, улар бу ёқда!

Ўшанда йигит хиёл асабийлашди:

– Мен-чи? Менда ота-она йўқми? Уларга фарзанд керакмасми?

Хуллас, келишолмадилар. Темир бахтни бошқача тасаввур қилганди. Тонг пайтлари сумкасини елкасига осиб, шабнамга беланган утлоқларни

кезаркан, беихтиёр кафтлари Зарифанинг майин бармоқларини соғинарди. Унинг назарида, агар қиз бир мартагина бу ерга келиб, бу бахмал кенгликларни ўз кўзи билан кўрса, сахар кезлари чодирлар ортида ястанган, оламга ёйилган оппоқ туман, денгизни томоша қилса, сирли ороллар каби унда-бунда бош кўтариб турган қояларга кўзи тушса, ҳар тунда юлдузлар сингари чор атрофдан таралаётган шаҳар чироқларига кўз ташласа ва бу ерда олиб борилаётган изланишлар, тадқиқотлар аҳамиятини англаб етса, ортга қайтмайдигандек, Темирнинг ёнидан жилмайдигандек туюларди.

Зарифанинг иддаоси эса бўлакча эди:

– Шаҳарда қолган дугоналарим уйли-жойли бўлиб, кам-кўстини битирган пайтда мен дарвешга ўхшаб кун кечиришни истамайман.

– Сен тезроқ эс-ҳушингни йиғ, – деганди Темир.

Энди ўртага инган совуқликни олиб ташлаш, Зарифа билан очиқчасига гаплашиб олиш қарорига келганди.

– Сумкангиз бунча оғир?

Бу овозни илк марта эшитиб турарди. Ўгирилди.

– Чарчаб қолмадингизми?

Сумкасини олиб келган қизнинг юзига қаролмади. Ёш жувон тарафга ўтирилди.

– Тез туриб кетибсизлар, ҳали вақт бор эди!

– Сув ичмоқчи эдик!

Йигит ҳам уларнинг фикрига қушилди.

– Синглимнинг айтишича, сумкангиз жа оғир экан, – кулимсиради бояги аёл. – Ичига нима солгансиз?

Улар бир-бирига жуда ўхшашини Темир энди пайқади. “Опа-сингил экан-да” дея хаёлидан утказди ва жилмайди.



– Олтин-кумушга тўлдирганман. Геологларнинг бойлиги шу!

Темир қизнинг кўзларида алақандай бегуборлик, бокираликни кўрди. Унинг юзи ҳам худди сутга чайилгандек оппоқ, бегубор эди. Беихтиёр ўзининг офтобда қорайган, қўпол қиёфаси билан униқини солиштирди ва дарҳол бу муқоясадан воз кечди. Унинг миясида бошқа фикр тугилганди: қизни Зарифа билан ёнма-ён қўйди.

Назарида бу аёллар унга анчадан бери танишдек туюлди. Бунинг бошқа сабаби ҳам булиши мумкин. Эҳтимол, бу кимсасиз вокзалда уларнинг ўзи бир эркак паноҳига киришни истагандирлар?

Шу фикрни тугатмаган ҳам эдики, елкасига бир қўл келиб тушди. Ортида эски ҳайдовчи таниши турарди. Бир пайтлар уларнинг бригадаси учун у-бу нарса ташиб юрарди. Қучоқ очиб кўришишди.

– Темир, қачондан бери сени курмоқчи булиб юрардим. Қарасам, ёнингда аёллар бор экан, чақирсамми-йўқми деб иккиланиб турувдим.

Улар ҳол-аҳвол сўрашгунча аёллар четда қараб туришарди.

– Уйим яқин, олиб борайми?

– Йўқ, раҳмат, вақт оз қоляпти. Ҳали чипта олганим йўқ.

Майдоннинг бир четига чекиндилар.

\* \* \*

Поезд станциядан чиқди. Йўловчилар купеларга жойлашди. Ҳайдовчи “Бу ердагилар ҳаммаси танишим бўлади”, деб уларга битта купедан жой ҳозирлаб берганди. Бундан Темир ҳам хурсанд бўлди. Чамаси ёш жувон ҳам бундан рози эди:

– Қандоқ яхши бўлди-я? Ўзимизам тузукроқ жой тегармикин, деб турувдик!

Темир офтобда қорайган қулларини поезд дарчасидан ташқарига чиқарди. Кечанинг салқин ҳавоси совуқ сувдек қулига ёқимли тегар ва бутун бадани буйлаб ёйиларди.

Қиз ҳам ойнага суянганча хаёлга толганди. У ойнадан ташқарига тикилиб турганмиди ё хаёли Темирдамиди, билиб бўлмасди.

Шунда бояги ёш жувон уларнинг коридорга чиқиб туришини сўраб, икковидан узр сўради. Ҳар қалай, икки хотиннинг махфий гапи борга ухшайди.

– Тасодифни қаранг, ўзингиз геолог, исмингиз Темир?

Қизнинг кутилмаган бу гапи йигитга ёқиб тушди.

– Олдиндан билишган экан-да!

Қиз жиддийликни йўқотмади.

– Ўзингизнинг исмингиз нима? – сўради Темир.

– Нурдон, – қизнинг тараддудсиз жавоби йигитга ёқиб тушди.

– Ҳа, одамнинг исми жисмига монанд бўлади, – бу сузларни у беихтиёр айтиб юборди.

Йўл таассуротлари, касб-кор мавзусидан четга чиқмаган суҳбатнинг қиз билан боғлиқ тарафга огиши енгилгина ҳаяжон уйғотганди. Темир ҳам аланечук бошқача бўлиб қолганди. Гилдираклар устида, адоги кўринмайдиган бу йўлда бир кечанинг айрича жозибаси юз кўрсатарди. Темир бу доирадан чиқмас, чиқишни ҳам истамасди. У одатда йўлда якка-ёлғиз кетишни, шу аснода ўтган-кетган ҳодисаларни таҳлил қилиб боришни ёқтирарди. Аммо, ҳозир ёнида турган қиз унинг ёлғизлигига халал бермаса керак.

Фарқи шундаки, айти пайтда ўйлаётганларини тилига кучирар, Нурдон эса унга қулоқ осарди.

Бу баланд буйли, бугдойранг йигит Нурдонга бошқа бир дунёнинг одамидек куринарди. Ундан тупроқ таровати, тупроқ тафти келарди.

– Демак, уша тоғларга темирйул ҳам боради, дедингизми?

– Ҳали гўзал бир шаҳар бунёд этилади, нақ ўрмон бағрида!

– Қанчалик бахтлисиз, шундай жойда яшайсиз!

– Истасангиз, сизам меҳмонга келинг.

– Меҳмонга борсам, савол беравериб, тинкангизни қуритаман-да?

– Масалан?

– Масалан, ўрмонларга, улардаги жонзотларга раҳмингиз келмайдими, дейман?

Темир бу сўзни жиддий қабул қилди:

– Маъданларнинг захираси қанчалигини биласизми?

– Ўрмон ва ундаги жонзотлар захирасини-чи? Машиналар шовқини, портлашлар ноёб жониворларни ҳам тум-тарақай қилади-ку?

– Жуда ичингиз ачиса, бориб, ўзингиз қўриқланг!

Қиз аввалига жимиб қолди, кейин сўз бошлади:

– Мен жиддий гапирдим!

Шу пайт унинг опаси купедан чиқиб қолди:

– Сизларни куттириб қўйдикми? – Кейин купе эшигини ёпди. – Бу аёл мени роса ҳайрон қолдирди. Бугунги одамларга ухшамайди. Айтишича, кечалари ухламаскан, сирли мавжудотлар унинг ёнига келиб, бутун дунёнинг сирларини ўргатармиш.

– Ким ўзи бу аёл? – қизиқсинди Темир.

– Қўшни қишлоқдан, шаҳарга қизининг олдига кетаётган экан, бизга қўшилиб қолди.

Купе оғзида бояги аёлнинг юмалоқ юзи, ёниб турган кўзлари кўринди. Кўзлари чақнар, озгин юзида уятчан, шубҳали табассум порларди. Қў-

лидаги стаканни худди яширмоқчи бўлгандек кук-сига сиқиб турарди. Стакан сут билан тула эди. У катта опага юзланиб пичирлади:

– Чақалоқни уйга ташлаб келувдим, энди азобини тортяпман.

У вагоннинг бошига қараб кетди.

Нурдон Темирнинг юзига боқишга ҳам уяларди.

\* \* \*

– Сизлар биздан кура ёшроқсизлар, – дея уларни тепа қаватга чиқариб юборишди. Аёл Темирдан уялиб, оқ чойшабга бурканиб олганди. Ухлаяптими-йўқми, билиб бўлмасди. Қизнинг опаси эса юзтубан ётарди. Сочлари сунгги модага мувофиқ япроқсимон қилиб ўрилганди. Осмонга қараб ётолмасди. Ниманидир уйлаб, аста кўзгалди. Боятдан бери бир гапириб ўн кулса-да, кўзларида алланечук сокинлик бор эди.

30–32 ёшли бу аёлнинг малоҳатли юзида қайғу кўланка ташлаганди. Унда Нурдонга нисбатан меҳрдан кура дустона самимият барқ уриб турарди. Опа-сингил орасида сўзсиз, қарашсиз бир ўхшашлик бор эди. Ҳаракатларида бир-бирига ишонч, эркинликни илғаш мумкин. Ҳали эрта эди. Опа сукунатни бузди:

– Бизнинг даврамизда зерикиб қолмадингизми?

Темир авваллари бундай сафарни хаёлига келтирса ҳам, юраги сиқилгувчи эди. Ҳозир эса...

– Йўқ, ахир ҳаминша йулда юракка яқин инсонлар билан ҳамроҳ бўлавермайди одам. Нурдон билан ҳам танишиб олдик.

– Сиз у чизган суратларни бир курганингизда эди... Ҳозир у рассомлик билим юртида уқийди.

Бу гап-сўзлар Нурдонни галати аҳволга солди. У оиладаги кенжа қиз эди. Жуда уйчан, огир-

вазмин қиз эди. Опаси уни она ўрнида устириб, вояга етказганди.

Бир гал, болалик йилларида уйларининг орқасидаги тепаликка чиққанди. Шу чоқ момоқалди роқ гумбураб, чақмоқ осмонни қоқ иккига булиб юборди. Икки дарё уртасидаги бу тепалик осмоннинг қорнида осилиб турарди, гуё! Нурдон ана шу манзарани аслидагидек чизишни истаганди. Хаёлидаги ҳамма нарса чизиши лозим булган суратга боғланарди. Кузи ранглардан тўймасди. Онаси унинг хаёлида тупроқ рангида, нон рангида эди. Унинг бугдойранг юзида кун ботар пайтда тандир ё ўчоқдан чиқаётган шуъла акс этарди.

Опа гапида давом этди:

– Нурдон ҳар доим нимага бизнинг ерларнинг суратини ҳеч ким ўхшатиб чизолмаган, деб юрарди.

Темир индамади: “Биласанми, онам нима деяпти? Нега ўшанга бунча ёпишиб олгансан, дейди!” Бу Зарифанинг овози эди.

– Олтин-кумуш йиққанман, десам, ишонмадингиз-а? Қаранг, қулида ранг-баранг тошлар чиқарди. – Купенинг хира ёруғида уларнинг ҳар бири айрича кўринарди. Темир учун бу тошларнинг ҳар бири бир олам. Улар тупроқ остидан хабар узатар, юз хил фикр тугдирарди.

– Қаранг, табиат буларга қандай шакл ва ранг берган? Манави тошни “Везувийнинг кўз ёшлари” деб атаймиз. – У сумкасида оппоқ тош чиқариб кўрсатди.

Нурдон болаларча ҳайрат билан тошни қулига олди, ҳар томонини айлантириб томоша қилди.

– Оппоқлигини қаранг, худди қорга ўхшайди.

Темир эса турли куринишдаги тошларни кўрсатиб, мақташдан чарчамасди:

– Қаранг, минг йиллар ўтса-да, минг куйларга тушса-да, тош уз рангини узгартирмайди, гуллар,

япроқлар, майсалардан ранг кетади, тошлардан кетмайди. – У кулимсираб қушиб қўйди. – Биз ҳам шунақамиз, ҳар хил ҳолатга кирсак ҳам, рангимиз ўзгармай қолади.

Нурдон эшитиб турарди. Унинг назарида бу йигитнинг қалби худди сумкасидаги тошлар сингари ранг-баранг орзуларга тула эди. Бу тошлар гулдек пок, опшоқ...

Опаси гамхўрлик билан деди:

– Юқори совуқ бўлади, ойнани ёпинглар!

Тевадагилар кўнишмади: салқин булиб тургани яхши!

...Иккови ҳам юзтубан узаниб, атрофга ёйилган кечанинг қуюқ нафосатини томоша қилишарди. Ҳар-ҳар замонда йул четидаги чироқлар уларнинг юзларини ёритиб ўтарди.

Ойнадан юлдузли осмоннинг этаклари, ҳар замонда қишлоқларнинг чироқлари кўриниб қоларди. Бу нурлар эса ёз кечасининг қоронғилигини янада қуюқлаштирарди. Пастда ҳалиги хотиннинг қутида олиб кетаётган товуқлари қақақлади. Темир гилдиракларнинг товуши сукунатни бир текисда бузиб турарди.

Купе ойнаси пастга туширилганди. Купега ёв-шанларнинг ёқимли ҳиди оқиб кирди. Сал утиб, Нурдон қуниша бошлади: сарин ҳаво ўзини кўрсатганди. Темирнинг фикр-ёди унда эди. Қизнинг уйғоқлигини ҳис этиб турар, ҳар замонда ичкарига тушиб турадиган чироқ шуъласи унинг шаҳло кўзларини ошкор этиб қўярди. Темирнинг хаёлида уларнинг бояги суҳбати қоронғилик ва сукунат тилида давом этарди.

Қулини узатиб, ойнани кўтармоқчи булди. Булмади. Бунинг учун пастга тушиш керак экан. Аммо, пастдагилар безовта бўлишади. Қалин парданинг Нурдон тарафдаги қисмини тортиб, ўзи

тарафидаги билан бирлаштирди ва шу тахлит тутиб турди. Қўйиб юборса, совуқ шабада пардаларни икки тарафга суриб, купега оқаверади. Шу тахлит қанча турганини билмайди. Аммо, Нурдоннинг ҳам қўли шу яқин орада эканини сезиб турарди. Қиз билан ўртасидаги бу қадар яқин масофа қандайдир бир сеҳрли сирдек эди.

Бу шуурий суҳбатда, ўзи сездиришни истамаган гамхўрликда тасалли ва саодат туйғуларини ҳис этарди. Балки бу туйғулар Нурдонга ҳам бегона эмасдир, деб ўйларди йигит.

\* \* \*

Эрталаб вокзалга тушиб, платформадан кета бошладилар. Аёл ортига ўтирилиб, хайрлашар пайти “Эрталабгача ухлолмай чиқдим”, деди. Темирнинг кулгиси қистади. “Бугун ҳам унга бирор бир сирни ўргатиб кетишгандир-да!” дея хаёлидан ўтказди.

Аслида чиндан ҳам туни билан мижжа қоқмай, ҳаяжон ва изоҳсиз яқинлик ила тонгни қарши олганлар бошқалар эди. Улар жим эдилар. Нурдоннинг кўзларида қандайдир илинж порларди. Ортада қолган тун қайтарилмас, тотли ва олис бир тушга айланганди. Бу туш қизга қандай таъсир кўрсатгани маълум эмасди. Трамвай йўлига келиб тўхташди. Опа катта сумкани Темирнинг қулидан олди.

– Саломат булинг, ука, сизни анча овора қилдик!

У розилик кутмаётганди, кутилмаганда бошланган ва туташган бу йўлдошлик кутилмаганда жуда оддий якун топиши унга ёқмаётганди. Қизга қаради, Нурдон нимагадир андармон булган каби бошқа тарафга назар соларди.

Темир хиёбон тарафга бурилди. Осмонга интилаётган фавворалар ёнидан жим утди. Хиёбон

йулакларида ҳеч ким куринмасди. Зарифа билан кўришишлари керак. Аммо, ўзи учун аллақачон маълум бўлган масалалар устида янгитдан бош қотиришни истамасди. Қаршисида турган куннинг интиҳоси ҳам мана йулакнинг охири сингари бум-бўш куринди.

Йулак четига терилган гишталарнинг сарғиш рангини илк бора кўраётгандек эди. Беихтиёр жойида тўхтаб қолди. Кейин илкис ортига қайтди. Фавворани айланиб ўтиб, хиёбондан чиқди. Кенг кучага, майдонга кўз ташлади. Тунги ҳамроҳлар буюк шоирнинг ҳайкали қаршисидаги бекатда туришарди. Уни куриб қолишди. Темир секин чақирди:

– Нурдон!

Қиз тараддулланиб, у тарафга бир-икки қадам босди.

– Эсимдан чиқарибман, буни сизга совға қилмоқчи эдим. – Темир сумкасидан оппоқ товланиб турган тошни чиқарди. – Сизга ёқиб қолганди...

## ҚОЯЛАР ОРАСИДАГИ ҚАСАМ

Ҳусанали ота айвонга чиқиши билан ҳавода ўзгача мусаффоликни, қор босган дунёда ажиб бир тароватни кўрдик, эртароқ уйғонмагани учун уз-ўзини койиб ҳам қўйди. Бундай пайтда бошни ёстиққа буркаб ётиш ярамайди. Қишлоқ теграсини қуршаб олган, субҳи содиқда оппоқ шуъла сочиб, кўз қамаштираётган тоғларга боқди. Тунгиб қолган қорни гирчиллатиб, ҳовлига тушди. Бир ҳафта тиним билмай ёққан қор икки кун илгари тўхтаган.

Қор юкидан бели майишиб, шохлари ерга қадар эгилган беҳилар оппоқ чодирларга ўхшаб турарди...



...Ҳусанали ота ён-атрофга кўз ташлаб, қорни-гача қорга ботиб, оналарининг кетидан эргашганча кичкина тумшуклари билан совуқдан сарғайган ўтларни чимдиётган қўзиларни кўз олдига келтирди. Қўранинг очиқ эшигидан кираётиб, ҳали уйқуда ётганида угли Музаффар қуйларни сугориш учун сойга олиб борганини тушунди ва ичидан углини алқаб қўйди.

Кеча кечқурун охурга боғлаб қуйилган ток-пилла дасталари аллақачон қуруқ чивикқа айланиб улгурганди. Қуйларнинг емиши тутагани қариянинг ёдига тушди. Урмондан емиш келтириш учун бундан қулай пайт бўлмайди.

Ҳовлининг нариги бурчагидан ўглининг овози келди.

– Чой-пойингни ичиб бўлдингми, болам? Тур, уловларнинг эгар-туқимини туғрила. Эрув бошланса, урмонга кириб бўлмайди.

Музаффар майда-чуйда егулик тугилган тугунчани эгар бошига боғлаётганида, айвонда юпқа кўйлак кийиб олган, оёқяланг болакай пешонасидаги сочларини тутамлаб, кузлари қуёшдан қамаша-қамаша қичқирди:

– Амати, менга қуёнча услаб келашиж-а?

Музаффар кулимсираб, бош чайқади:

– Ана, Буздорга айт, у мендан кўра чаққонроқ, сенинг гапингга ҳам киради, – деди отнинг атрофида думини ликиллашиб юрган кўппакни кўрсатиб.

Хуржунни елкасига ташлаб, отни етаклади. Орқасидан Буздор эргашди. Ҳусанали ота эса ҳовлидаёқ, тунканинг устидан бир сапчиб, эшакнинг белига утирди.

Нишаблиқдан жимгина энишди. Сойдан ўтилгач, йўл яна тепага урлайди. Ҳали олдинда қанча даралар бор, тепаликлар бор. Иккинчи сойдан

кейин урмон бошланади. Йўлак бирдан тоғлар бағридаги метин эшикка ухшаган қатор қоялар ичига суқилади.

Музаффар оти билан олдинроқда кетарди. Гоҳида зора ён-атрофдан қорга ботиб қолган какликми, тустовуқми чиқиб қолар деган умидда, олдинда чопқиллаб бораётган Бўздорга “олакиш” деб қўярди. Орқадан келаётган Ҳусанали отанинг оёқлари эшакнинг икки ёнидан осилиб, тизза бўйи ёққан қорда қушалоқ из қолдириб борарди.

Музаффар ҳозир отаси эски гапни қўзғашини ўйлаб, кўнгли гашланди. Отаси ҳам қайсар ўглини ўйлаб солиш учун қулай фурсат келганини аллақачон пайқаган, уларнинг суҳбатини ўзларидан бўлак ҳеч ким эшитмаслиги айни муддао эди.

Қариянинг эски яраси янгиланаётган эди. Гапирмаса бўлмайди. Лекин, бу мавзуда оғиз очилиши билан Музаффарнинг фиғони фалакка чиқади. Музаффар ҳам ҳозир бошланажак дилгир суҳбатдан қутулиш йўларини ўйлаб борарди. Ўзи шу гап чиққанидан бери отаси билан оралари бузилган. Отаси юз карралаб бу хусусда сўз очди, ҳар гал ўзи айтгандек, “терслиги тоғаларига тортган” ўгли битта гапида туриб олди: “Бўладиган гап эмас бу. Мен жувонмарг кетган акамнинг бевасига ўйланомайман”.

Қишлоқда ҳамма Ҳусанали отанинг иши чаппасига кетгани ҳақида гапирарди. Шурликка Яратганинг нима ёзгани бор экан-а?

Қайси гуноҳлари учун бечора бунча азоб кўрдийкин?

Фарзанд доғи ҳазил эмас. Ун гулидан бир гули очилмаган йигит эди. Самандар уйланганига эндигина уч-тўрт ой булганди. Хужаликнинг сурувини ҳайдовдан қайтариб келаётганида селга йулиқди.

Подани ўзанига сигмай оқаётган сойдан олиб ўтиш бир киши учун оғир эди. Қўй-эчкиларни битталаб етаклаб ўтказса бошлади. Бир гал энди оёғини нариги қиргоққа қўйганида кучлироқ оқим белига келиб урилди. Асов тўлқинлар тошми, кесакми, тўнками — йулидан нима чиқса, барчасини хас-хашакдек чирпирак қилиб борарди.

Самандар узини унглаб олишга роса уринди, аммо қутурган пуртана ўз кучини кўрсатди. Эртаси кунни бир неча қишлоқ нарида, сув сатҳи пасайган жойдан унинг жасадини буталар орасидан топиб келишди.

Музаффар аскарликдан қайтганида акасини уйда кўрмади. Мотам янгиланди. Йигит уй-эшикка сигмай қолди. Нега унга шу пайтга қадар акасининг ўлимини айтмадилар экан? Нега хат ёзишганда бир четига қистириб ўтишмади? Акаси ҳақида лом-мим дейишмаган бўлсалар-да, жиянли булганини ёзишган эди-ку.

Эрталаб, амакисига қуён тутиб келишни буюрган ҳам Самандарнинг Ёдгори эди. Эҳтимол, ўтган уч йил ичида ота-онанинг дарди совиши мумкин эди. Аммо, ёш келинчакнинг ҳар бир гапи, болакайнинг юриш-туриши катта ўғилни эсга солаверади.

Бир тарафдан қуда томоннинг ҳаракатлари, бирга ўтириб қолишса, гапни айлантириб қизларига буришлари, келинчак уларникига борадиган бўлса, ҳафталаб олиб қолишлари — ҳаммаси Ҳусанали отага оғир ботаверарди.

Хотини Саври холанинг йиглайвериби битиб қолган овози бошқатдан очилгандек гўё. Шомдан тонггача кўксини қиблага очиб, йиглаб чиқади. Қани овутиб бўлса? Унинг овозини қўшниси Аваз ота ҳам эшитибди. “Бу аёлнинг эси оғиб қолган-ов! — деди кечки пайт дастурхон бошида. —

Кечалари бўридек увиллаб чиқади. Айб ўзларида. Шу қўй деб, сурув деб, болаларини эсини танисмай туриб тоққа юборишади. Умри қўй-қўзининг кетидан югуриш билан утади. Болаларни мактабдан, тенгдошларидан айирадилар. Мана оқибати”.

Аммо, Самандардан кейин Ҳусанали ота чўпонлик таёгини бир четга иргитди. Баҳору ёзда сувини ичиб, тоза ҳавосидан симирган яйловларидан бир умр юз бурди. Чўлқуварлик, қишни қишлоқда, ёзни яйловда ўтказавериб, болаларидан ҳам анча узоқлашиб кетибди.

Кўрганлар уларни ота-бола демайди. Муносабатлари қуруқ ва совуқ. Шунинг учун Ҳусанали ота ҳозир гапни қандай бошлашни ҳам билмай турибди.

Юрагининг туб-тубидаги бир ҳис унга кечаю кундуз тинчлик бермайди. “Айб ўзингда. Тенгдошлари мактабга борганида, шаҳарга кетганида сен уларнинг йулини тусдинг. Чўпонликка маҳкум этдинг. Мен ўқиганим йуқ, мана, ўлмадим-ку, деддинг. Сенинг умринг утиб булган, буларнинг ҳаёти энди бошланаётганини ўйлаб кўрмадинг”.

Энг ёмони, Ҳусаналининг наздида олдинда от устида хаёл суриб бораётган ўгли ҳам бор айбни ундан кураётганга ўхшарди.

– Ота-боболаримиз билиб иш тутган. Ўз учоғимизни ўзимиз бузмайлик.

– Тақдир шуни раво кўрибди, ота...

– Сиртинга сув юқтирмайсан-а? Ўртада бола бўлмаса, менга ҳам зарил келибдими? Ўз жигарининг боласи-я? Кимнинг қулига тушади? Кимларнинг миннатли нонини еб катта булади бола бечора? Сен нимани ҳам тушунардинг? Ота-онаси боламизни опкетамиз, деб икки оёгини бир этикка тиқиб олган бўлса!

– Опкетса опкетаверсин, болани бермаймиз, ўзимиз катта қиламиз.

– Онаси кўнади дейсанми? Нақ ўзини осади-ку! Онанинг қарғиши ёмон бўлади. Уволи тутмасин бизни, дейман.

– Боласи қаерда бўлсаям катта бўлаверади.

– Ўжарлигинг жонга тегди.

– Ота, бунақа бўлмагур гапни йиғиштиринг, деб неча марта айтдим. Одамлар нима дейди? Шарманда бўламиз-ку!

– Эсингни йиғиб ол, бола!

– Эсим жойида. Ўл, десангиз ўламан, лекин гапнингизга кўнмайман. Сиз айтган замонлар ўтиб кетган.

– Замон билан неча пулик ишим бор? Мен сенга ўз дардимни айтяпман. Боболаримиз ҳам икки пушт айланишмаган. Тул қолган янгаларини бегона қўлларга бериб қўйишни ор билишган. Энди сен ўзингча доно бўп қолдингми? Ота-буваларнинг расму русуми сизга ботмай қолдимми? Шариатда ҳам, ҳукуматда ҳам бу ишга қаршилиқ йўқ.

– Мен бу қишлоқда қололмайман, шаҳарга кетаман. Армияда бирга хизмат қилган оғайниларим бор, ёрдам қилишади, заводда ишлайман.

– Қаерга борсанг боравер, лекин акангнинг аёлини ҳам олиб кетасан.

Тортиша-тортиша тепалиқдан ҳам ошиб бўлишди. Музаффар гапга кўнадиганга ўхшамасди. Отаси нимадир дейишга чоғланганида, гапни Музаффар илиб кетди.

– Дада, Худо ҳаққи, бунақа бемаъни гапларни йиғиштиринг. Сизга итоатсизлик қилишга мажбурламанг.

– Айб ўзимдан ўтди, – деди қария бир оз жимликдан кейин ўзига-ўзи гапиргандай, – ҳали

шошма, сен билан бошқача гаплашаман, ит. Энди нима қилишни ўзим биламан.

Музаффар беихтиёр ортига ўтирилди. Қорамағиз юзларини чақнаиб турган ўткир нигоҳини отасига қадади. Лекин, отаси ерга қараб борарди.

Тўқайзорга кичик бир йўлак орқали кириларди. Тажрибасиз одам бу сирли йўлакни бир ой қидирса ҳам топа олмасди. Икки тарафда самога буй чўзган метин қоялар девор сингари бир текисда саф тортган, уларнинг бирлашиб кетишига оз қолган эди. Тепага қараганда осмон узун ва ингичка оралиқдан мовий йўлакчадек куриниб туради. Йўлакнинг ён тарафида, чуқур жарлик тубида ҳали соҳилига инсон оёғи тегмаган, гувиллаб оқаётган сой кўзга ташланади. Йўлак бошига бирор харсанг думалаб тушса, унинг оғзи беркилиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу ерларда маҳаллий чўпонлар куч деб атайдиган қанча-қанча горлар борки, уларнинг ҳар бирида битта сурувни сақлаш мумкин. Қояларнинг этагини чангалзорлар, ям-яшил арчазорлар, қўл етмаган ўтлоқлар ураб олган.

Қизилча энг кўп ўсадиган жойни Ҳусанали ота ўтган сафар кўз остига олиб кетганди. Қишда қизилчани қўйларга ивитиб берса, яхши емиш бўлади-да.

Ялангликка чиқиб олишгач, от ва эшакнинг белини яланғочлаб, қўйиб юборишди. Музаффар аскарлик шинелини ечиб, қўлига уроқни олди. Қоялар бағридаги урмон йўлаги, худди камардек узаниб кетган, бу “камарга” паст ва баландда, у ер-бу ерда кўкарган бошқа дарахт ва буталар ҳам қўшилиб кетарди. Қизилча ҳамма жойда, ҳатто боши узра эгилган қоянинг кун тушмаган ерида ҳам, тошлар орасида тасодифан йиғилиб қолган бир ҳовуч тупроқнинг устида ҳам илдиз отаверади. Муҳими, қишда ҳам уни совуқ урмайди.

Қиш оёқлаб қолганди. Музаффар қоялар ва жарликлардан қурқмасди. Отасининг “Кузингга қараб юр” деганини ҳам эшитмади. Қулоғи остидан бояғи гаплар кетмасди. Оёқларини жар лабида осилиб турган буталарга тираб, метин девордан туртиб чиққан қорли харсангларни оралаб илгарилаб борарди. Кун қиёмга етиб, кунгай қоя остидаги кичкина сўқмоқни ёритгунча ишлади, ердан одам бўйи кўтарилиб турган қўзиқулоқ, қизилча тупларини синдириб ташиди, дасталаб боғлади.

Пешин маҳали гор ичида эски ўчоқ ёнида ўрнатилган тошлар устига утириб, ота-бола жимгина тамадди қилишди. Музаффарнинг кўзи бир нуқтага маъносиз қадалган эди. Хаёл билан оғзидаги луқмани эсидан чиқарган эди, гўё. Отаси буни сезса-да, индамади.

Эрталабдан бери отга юкланадиган емишни тайёрлаб булишган эди. Ниҳоят, Ҳусанали гап бошлади:

– Ҳуш, энди нима қиламиз?

– Балки нариги дарага ўтармиз?

– Йўқ, у ерда ҳеч нарса йўқ. Пастда, анави қоянинг тушида қизилча мўл бўлиши керак.

– У ерга тушиб бўлмайди.

– На илож? Балки арқон билан тушармиз?

Музаффарнинг назарида бошқа йул йўқ эди. Уроқни белбоғига қистириб, тараддудланди.

– Тўхта, – деди отаси, – арқоннинг учини манави дарахтга боғлаш керак. Яхшиси пастга ўзим тушаман. Чунки арқонни тортиб олишга менинг кучим етмайди. Сен ўзинг тепадан арқонга боғланган новдаларни тортиб олаверасан.

Ҳусанали ўроқни ўғлидан олиб, ўзининг белбоғига қистирди. Арқоннинг учини ўзи кўрсатган зирк танасига маҳкам боқлади, иккинчи

учини пастга тушириб юборди. Бир оз ўтгач, яна нимадир эсига тушиб, арқоннинг учини йигиб олди-да, белига боғлади. Кейин арқонга ёпишганича, қоянинг тик, ойнадек музлаб сирпанчиққа айланган деворларига оёқ тираб, пастга эна бошлади. Бир оздан сўнг у куздан йўқолди. Музаффар фақат қўш зирк дарахтининг танасига осилиб, пастга буйласагина, отасини кўра оларди.

– Торт, – деди бир оздан кейин отаси. Овоз қояларга урилиб, акс садо берди. – Бу ерда икки-учта отнинг юки бор.

Музаффар арқонни тортди. Ундан ям-яшил новдаларни бушатиб, яна пастга туширди. Ўзи ҳам эгилиб қаради, отаси хирмонжой кенглигидаги текис майдончадаги қизилчаларни бир бошдан уриб борарди. Ундан пастроқда тубсиз жарлик қорайиб куринарди. Унга қараган одамнинг юраги орқасига тортиб кетиши тайин эди. Аммо, йигитнинг назарида шу жарликдан ёруғ бир йўл очилгандек бўлди. Икки йил ҳарбий хизматни утаган соҳил буйидаги кичкина қасаба, казармалар ва унинг яқинидаги ёпиқ сув омборининг қоровули яшайдиган муъжазгина кулба кўз ўнгида жонланди. Уйнинг ёнида икки-уч туп тут ва анжир ўсиб турарди. Унинг соясида илондек буралиб турган ингичка ичакдан тиниқ, муздек сув фавворадек отилиб турарди. Аскарлар машқлардан ҳориб-чарчаган, қизиб кетган пайтларда шу сувдан чанқоғини қондиргани келишар, сув пуркаб ётган ичакни яланғоч тушларига тутиб, ҳузур қилишарди... Кейин... Музаффар қоровулнинг деразасидан мудом уни таъқиб этиб турадиган, мулойим табассумли бир жуфт маъсум кўзни хотирлади. Ана шу соҳир нигоҳлар таъсирида у икки йилнинг қанчалик суръат билан утиб кетганини сезмади.



“Йўқ, кетаман, бари бир кетаман, бу ерда қолмайман!” Шу аснода қулоғи остида отасининг таҳдидли гаплари жаранглади. “Ҳали сен билан бошқача гаплашаман, ит!” Бирдан Музаффарнинг қони тунғиб қолди, бояги хотираларидан ҳам, қиш кунларидан ҳам, ўзидан ҳам уялиб кетди... Ҳозир яшил боғламларни онгсиз равишда тортиб чиқарар, арқонни бўшатиб, тезлик билан отасига узатарди...

– Торт, бу охиргиси! – Отасининг бу гапи уни сергак торттирди. Арқонни бўшатиб олди, аммо пастта туширмади. Уловларни йўлга тайёрлади. Эгар-тўқимини созлади. Шу чоқ отаси чақириб қолди:

– Қаерга йўқолдинг, ҳов бола? Арқонни туширмайсанми? Мен қандай чиқаман бу ердан? Музлатиб ўлдирмоқчимисан?

Музаффардан садо чиқмади. У аввал отнинг айилини тортди. Бу сафар қариянинг овози янаям чуқурроқдан эшитилди.

– Музаффар, қайси гурдасан?

Эшакнинг айили маҳкам тортилди.

– Музаффар деяпман! Отинг учкур, қанисан?

Овоз қояларга урилиб, дарани ларзага солди. Музаффар йўлак буйлаб уловларни оҳиста етаклаб борарди. Кейин, эҳтиёткорлик билан зиркларга яқинлашди. Отаси жарлик лабида умидсиз тепага қараб турарди. Тушаётган оқшомнинг совуғиданми, тепага кўп қарайверганиданми, кўзлари қисилиб, ҳатто ёшлангандек эди. Қоятошлар бағридаги олачалпоқ қор парчалари каби унинг қорамтир юзларидаги оқ соқоли аниқ ажралиб турарди.

– Ҳа, нима дейсиз. Сизни чиқариб олишга арқон йўқ. Юкка қўшиб, отнинг белига боғлаб юбордим.

– Жинни-пинни бўлдингми? Мени арқонсиз қандай тортиб оласан?

– Сизни чиқариб нима қиламан? Қолаверинг!

– Нима?! Уйлаб гапираяпсанми?! Бу нимаси?!

– Гап битта! Сизни чиқариб ололмайман. Қўлингиздан келса, узингиз чиқаверинг. Сизга шунча ялиниб-ёлворганим етар. То бояги гапингиздан қайтмас экансиз, чиқариб бўлман.

У шундай дея узоқлашди. Туқайзордан чиқиб олди. Катта йўл бошланди. Оқшом қаҳратонида ўрмондаги сукунат қулоқни тешгудек бўларди. Музаффар шу тариқа анча юрганидан кейин илк бор ортига ўтирилди. Ичкаридан аллақандай гулдираган овоз эшитиларди. Унга куп ўтмай Буздорнинг улиши ҳам қушилди. Ит уз эгасини ташлаб кетмаганди.

Отасининг жарлик лабида тепага боқиб турган умидсиз, ёшли кўзларини эслаб, кўнгли бузилди. Яна бир-икки қадам ҳайвонларнинг ортидан юриб, кейин эшакни йўл четидаги бутага боғлади. Отнинг юкини тушириб, жировни туқайзор тарафга бурди.

Ҳусанали ота чақиравериб чарчаган, овози чиқмасди. Буздор зиркнинг тагида туриб, пастга қараганча чўзиб увиллар, думини тинимсиз ликиллатарди. Отнинг туюқ дупурини эшитган ит ортига бурилди ва Музаффарни куриб, у томон ўзини отди.

Музаффар қоянинг лабига келиб, пастга энгашди.

– Ота, мени яхши биласиз, тишлаган еримни узмай қўймайман. Ўзингиз менга шуни ўргатгансиз. Бугундан ўша гапни оғзимга олмайман, деб қасам ичинг! Бўлмаса, акамнинг арвоҳи ҳаққи, сизни чиқазмайман.

Отаси бошини кўтармади:

– Падарингга лаънат! Бўпти, Худо ҳаққи қасам ичаман! Арқонни ташла!

Музаффар ориқ, чуваккина отасини музлаб қолган қуллари билан арқонни белига қандай боғлаётганини кўриб турарди. Кейин қария оҳиста тепага кутарила бошлади. Ўгли осонликча уни чиқариб олди. Кейин отнинг жиловини отасига тутқазди-ю, ўзи орқасига қайрилди.

## СИНГИЛ

Мен бу уйнинг шабада тез-тез йўқлаб турадиган баланд, салқин айвонини ҳам, ёнғоқ ёғочидан қурилган чорхари хоналарини ҳам, ота-онасидан эрта ажралиб, уруш йилларида бир-бирининг пинжига тиқилиб жон сақлаган ака-сингилни ҳам кўрмаган эдим. Булар мен туғилмасимдан аввалги гаплар.

Эсимни таниганимдан бери ўша, кўҳна хирмон-жойнинг кунгай тарафида, беҳи дарахтлари орасида дўмпайиб турган харобаларни кўрганман, холос. Бироқ негадир бу харобанинг ёғочлари ишлатишга яроқли бўлса-да, уларни ҳеч ким ташиб кетмаган. Уй одамларнинг кўз ўнгида кундан-кун кичрайиб, кўримсиз тепаликка айланиб борарди.

Бу кимсасиз ҳовли биз, қишлоқ болаларининг уйин майдончасига айланганди. Ёзда бу ерда кунимиз чиллак, эшакминди уйини, қишда яхмалак отиш билан ўтарди.

Бу уйнинг ҳақиқий эгаси билан орадан йиллар утиб, Бокуга ўқишга келганимда танишдим. Шаҳарда бирор танишимиз бўлмагани учун менга бир пайтлар қишлоғимиздан бош олиб чиқиб кетган, мен умримда кўрмаган бир кишини қидириб топишимни айтишганди. У шаҳар атрофидаги қасабалардан бирида яшашини, уша атрофларда

уни танимаган-билмаган одам кам топилади, дейишганди. Ростдан ҳам олдимдан чиққан биринчи одамдан сўрашим билан у менга маданият саройи орқасидаги маҳаллани кўрсатиб юборди.

Икки қаватли тош уйларнинг ҳовлисида, да-рахтлар панасида бир тўда аёл гурунглашиб ўтирарди. Уларнинг ёнига бориб, Сурхайни қидираётганимни айтдим. Аёллар орасидан мулойим юзли бир аёл ажралиб чиқди:

– Менман Сурхай!

Унинг бу ҳазилидан дугоналари кулиб юборишди. Кейинчалик Сурхайни, эрксиниб эрининг ўрнига ўзини кўрсатган Мина хонимни яхши таниганимдан сўнг, нима сабабдан бундай деганини тушуниб олдим.

Уруш йллари ва ундан кейинги вақтларда касб-ҳунар мактабларига олиб келинган, билиб-билмай ёмон болаларга қўшилиб, ножўя йўлларга кириб қолган Сурхайни бу йўлдан Мина чиқариб олган, сонга қўшганди.

Биринчи кўришганимда бу аёлнинг юзида акс этган мулойим табассум ҳали-ҳануз эсимдан чиқмайди. Эҳтимолки, Сурхайни залолат кўчасидан олиб чиққан куч ҳам унинг ана шу жозибали табассуми булгандир?

Ўша куни Сурхай уйга кеч қайтди. Кайфияти яхши эди. Кейин билсам, ҳақиқий футбол жинниси экан. Ўша куни уйин уни қувонтирадиган натижа билан тутаган экан.

Эшик олдида Мина унга нимадир деди. Кейин Сурхай мен тарафга қучоқ очиб келди:

– Қани-қани, жиян, хуш кепсан! Қадамингга ҳасанот.

Шу-шу у билан тоға-жиян буп кетдик.

Сурхай деганлари эти устихонига ёпишган, озгин юзларини эрта ажин босган, аммо мард,

тутган еридан кесадиған, уттиз уч-уттиз турт ёшлардаги чапани бир киши экан. Гапираётганида қошлари кутарилиб тушар, худди қайсидир ролни маҳорат билан уйнаётган актёрни эсга соларди.

Қишлоқ, эсида қолган одамлар ҳақида азбаройи соғинч ёки қизиқишдан эмас, шунчаки мени гапиртириш учун сураётгани сезилиб турарди.

– Уйимизни қандай топдинг?

– Сўраб-сўроқлаб келавардим.

– Зийрак бола экансан.

Камтаринлик билан бошимни эгиб, кулимсираб қўйдим. У шу тариқа таниган-билганларини бирма-бир суроқлаб чиқди. У қишлоғимизнинг наинки одамлари, балки кучалари, дарахtlари, далалари, қир-адирлари, тоғ этагидаги қоялару унгурларни, булоқларини бирма-бир эсга олар, худди куни кеча қишлоқдан чиқиб келганга ўхшарди.

Мина менинг фикримни ўқигандай изоҳ берди:

– Нега ҳаммасини бунчалар аниқ эсда сақлаганидан ажаблман. Касб-ҳунар мактабидан қочиб, анча пайт қишлоқнинг қир-адирларидан бекиниб юрган бу. Ахийри, кунларнинг бирида ўзи қайтиб келди.

– Ширкатнинг раиси мен туфайли одамларни сиқувга ола бошлагач, ўзим қайтвордим. Қочиб юрганимдан нима наф чиқарди?

У бошини эгиб, бир зум жим турди, кейин менга юзланди:

– Бизнинг уйимиз бузилиб кетгандир?

– Эгасиз уй бошқа нимаям бўларди? – яна гапга аралашди Мина.

Назаримда Мина Сурхайнинг кечмиши, қишлоғи, таниш-билишлари ҳақида ҳамма нарсани яхши биларди.

– Уй-жой, қишлоқ ўз йўлига. Мен фақат синглимни уйлаб сиқиламан. Нима бўлди? Қаёққа опкетишди? Ўлдими-қолдими, билолмайман...

Унинг сингlisi борлигини энди эшитишим эди. Кейинги суҳбатларимизда ҳам у сингlisi ҳақида жуда кўп гапирадиган бўлди. Шу-шу Сурхай билан ака-ука киришиб кетдик.

Менинг келишим Сурхай ва қишлоғимиз ўрта-сида узилган ришталарни қайтадан улаб борарди.

Уни, ота-онасини таниган кексаларнинг кўпи раҳматли бўлиб кетган. Ўзининг айтишича, уни қишлоқдан қувиб чиқарганларнинг, муштдек норасидаларни ҳам зўрлаб қурилишларга, ота-онасидан ажралганларни етимхоналарга жунатганлар ҳам у ерни тарк этган, уларнинг ўлик-тиригини биладиганлар ҳам қишлоқда жуда оз қолганди.

Энди эса, бир пайтлар у бош олиб чиққан қишлоқ унинг кўз олдида қайта жонланган, гарчи “У ерда менинг кимим бор”, деса-да, қишлоққа боргиси келаётганини яширмасди. Бу ҳақда гап очганида, кўзларида сирли бир қайғу зуҳур этар, нигоҳлари сўлгин бир умид билан порларди:

– Балки синглимнинг бирор дарагини топарман? Балки архивлардан, идоралардан сўраб-сўриштириб кўрсаммикин?

Суҳбатларимизнинг аввалию охири шу эди. Сингlisини бир умр йўқотганига ҳануз ишона олмас, менинг келишим, қишлоқ билан боғлиқ хотираларнинг уйғониши унинг ярасини ҳам янгилаган эди. Унинг сингlisi билан боғлиқ суҳбатларнинг ҳамгин инъикоси Минанинг аввалги эридан бўлган қизи Малоҳатнинг, Сурхайдан туғилган жажжи Моҳирнинг ҳам юзларига чукарди.

Гуё бу уйда ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, сингил ҳам яшаб келар, унинг қачонлардир топилишига ҳам умид кўзи билан қарарди.

– Ҳозир йигирма олти ёшга кирган бўларди. Агар соғ-саломат бўлса, алақачон бир хонадон-

нинг бекаси бўлгандир? Болалари ҳам бордир? Ҳозиргача турмуш қурмаслиги мумкин эмас. Болалиқдан жуда чиройли қиз эди.

Кейин Сурхай йигирма бир йилдан бери хаёлида сақлаб келаётган беш ёшли сингисининг кўринишини тавсифлашга тушарди. Бу тасвирлар шу қадар ойдин ва жонли эдики, ҳаммамиз уни куришимиз билан таний олардик, гўё.

Сурхайнинг озгин, содда юзларига, қалин қошлари остидан одамнинг юзига эмас, худди юрагига қадалган кузларига қараб, ўзининг айтишича, унга жуда-жуда ухшаб кетадиган Қизилгулнинг қиефасини тасаввур қилиш қийинмасди. Сурхайнинг гапларидан сунг кўз олдимда ҳамиша акасининг соғинчи, ҳасрати билан яшаётган, кўзлари гам-гусса ва интизорлик билан тўла, саранжом-саришта, ақлли бир жувон гадаланарди.

Бир куни Сурхай курган тушини ҳаяжон билан гапира кетди:

– Бир четда сесканиб турганмиш. Чақирсам, келмасмиш. Сенга нима керагим бор, шунча пайт мен билан деярли ёнма-ён яшаб келдинг, лекин бир марта сўроқлаб бормадинг. Энди нима ҳам қилардинг мени, дермиш...

Чиндан ҳам унинг назарида Қизилгул шу яқинларда яшаётган бўлиши керак эди. Балки шу қасабада, балки Боқунинг бирор туманида... Ахир уни ҳам эртами-кечми шу тарафларга олиб келишлари лозим эди. Яна қаерга ҳам олиб кетишлари мумкин? Агар бошқа мамлакатга олиб кетишганда ҳам, бари бир ақлини таниб, ўз юртига келиши керак эди. Тугилган қишлоғи, тумани, ота-онасининг исми эсидан чиққанда ҳам, Боқуни унутиб юбориши мумкинмас. Балки исмини ҳам ўзгартириб юборишгандир? Ахир уруш пайтлари бунақа чалкашликлар куп бора юз берганди.

– Ҳозир ҳам қаердадир унга дуч келиб қолсам, уни танийман. Ҳатто ўн йилдан кейин ҳам танийман.

Назаримда, у ҳар куни шаҳарга бир илинж, умид билан чиқарди. Кўзлари ҳамиша ҳар томонга нигорон кезарди. Унинг уйида яшаб юрган кезларим менда ҳам Қизилгулнинг соғ-омон эканига, шу яқинларда яшаб келаётганига ишонган эдим. Шаҳарга чиққанимда ҳам қиз-жувонларга қараб, уларнинг юзларидан Сурхайга ухшаш қирраларни излашга одатлангандим.

Бу орада кириш имтиҳонлари ҳам тугади, талабалар сафидан ҳам жой олдим.

Ўқишга кирган куним Сурхай уз ваъдасига кўра бу қувончли воқеани нишонлашга алоҳида ҳозирлик кўриб қўйган экан. Ҳамма дастурхон атрофида жам булиб утирганда Сурхайнинг бир оз кайфи ошиб қолди.

– Эрта қишлоққа жунайман. Уч-тўрт кун туриб келаман. Хуп десангиз, бирга бориб келамиз.

– Бўпти, – деди Сурхай дангаллик билан. – Агар сен билан бормасам, кейин боролмаслигим мумкин.

...Қишлоқда менинг ўқишга кирганимдан кўра кўпроқ Сурхайнинг қайтиб келгани катта шов-шувга сабаб бўлди. Қишлоқнинг катта-кичиги “Карвон кўрди”га йигилиб кела бошлади. Сурхай таниганларини танир, танимаганларнинг кимлигини биздан сураб оларди. У кетганидан кейин тугилган болаларни эса, ўз фаҳми билан таниб олишга уринарди:

– Бу фалончининг ўғлига ухшайди. Буниси пистончининг қизими, дейман? Манави бола фалончилардан бўлса керак...

Бир кун ичида бутун қишлоқ билан қайта танишиб чиқди, десаям бўлади. Эртадан кечгача қишлоқ кўчаларини кезиб чиқди. Одамлар орасида,



мактаб ҳовлисида, бекорчи ёшлар тупланадиган ялангликда бўлди. Шу тариқа уч-тўрт кун ўтди. Фақат кечқурунлари тунагани бизникига келарди.

Чеҳраси анча очилиб, шаҳардаги жиддий, қошқовоқли қиёфасидан асар ҳам қолмаганди. Фақат эски уйларидан оғиз очмади. Узоқдан бўлса-да, ўша харобага кўзи тушган бўлиши керак. Иложи борича ўша томонларга камроқ утишга ҳаракат қиларди.

Бир куни қарасам, кўчада уни Аваз оқсоқол гапга солиб турган экан.

– Худога шукур, куринишинг яхши, ўзингни кўрмасак ҳам, униси-бунисидан эшитиб турамиз. Урушни бошлаганнинг уйи куйсин, болам. Ҳам-манинг юрагида бир доғ қолдириб кетди. Энди йилда бир марта бўлсаям келиб тур. Ўз ота юртинг, уй-жойингни тузат...

– Бунақа ота юртнинг менга нима кераги бор? Кимим бор бу ерда? Уй-жойни кимга қолдираман? Ака-укам, қариндошим булмаса...

– Унақа дема, бу қишлоқнинг бари сенга қариндош.

– Шу эски хароба сизга қолаверсин. Кимга хоҳласангиз беринг. Уй-қурадим, бошқа қиладими? Ана, богимиз жойида турибди. Ер-суви яхши...

– Сен-чи? Эшитишимча оиланг, угил-қизинг бор экан.

– Қиз меникимас, онаси билан келган. Отаси ўлган.

– Сен катта қияпсанми, уям сенинг боланг. Ўғлингнинг она бир синглиси. Улар келадими-келмайдими, бари бир ота-онангни чироғи ўчиб қолмасин бу ерда.

– Бу ерда чироғим аллақачон ўчиб кетган. Уни сиз учирдингиз... Бўлмаса, келардим ҳам, ҳовли-жой ҳам қилардим. Етим, ҳеч кими йуқ, дединглар.

Унга оила қуришни ким қўйибди, дединглар. Бола-ликдан бешиккerti қилинганимизга қарамай, Фаражнинг қизини қушни қишлоққа узатдинглар. Оқсоқоллик ҳам шунақа бўладими?

Аваз ота лабларини қимтиб, жим қолди.

– Ҳалиям эсингда экан-да, – деди ниҳоят жимликни бузиб. – Бизда нима айб? Қизнинг отаси раҳматли отанга берган лафзида турмади. Сенинг эса юриш-туришинг... Улик-тиригинг маълум бўлмагач, олиб утирармиди? Қизини узатди-қўйди-да!

“Фаражнинг қизи” ҳақида энди эшитиб туришим эди. Бу ҳақда аввал Сурхайнинг ўзи ҳеч нарса демаган. Сурхай қишлоқдан ўн уч, ўн тўрт ёшида чиқиб кетган бўлса, Фаражнинг қизи билан “олди-берди” қилишга қачон улгура қолдйкин? Балки орада яна бир-икки бора қишлоққа келиб-кетгандир? Хуллас, кейин ҳам бу тугрида оғиз очишни эп курмадим.

Ўша оқшом Сурхай анчагача уйимизга қайтмади. Ўзим ахтаргани чиқдим. Йўлни қисқартириш учун ўша, эски вайрона ёнидан утиб борардим. Тепалиқдан кимнингдир қорасини кўрдим. Ҳар қалай, уни Сурхай деб уйладим. Адашмабман. У қачонлардир зинапоя вазифасини ўтаган. Ҳафсала билан моҳир сангтарош томонидан силиқлаб йўнилган оппоқ тош устида хаёл суриб утирарди. Мени куриши билан урнидан турди.

– Бари бир қишлоққа қайтиб, бу ерда бир иморат қураман!

Бу қарорга у қай даражадаги тараддуд ва тахайюл натижасида келганини билмасдим. Сурхайнинг юзида нимадир йўқотганини эндигина англаган одамнинг саросимаси акс этарди.

...Сурхай қишлоқда юрганида кексалардан, ёши катта одамлардан сингисининг тақдирини сў-

роқлаб юрди. Аммо, бирор умидбахш сўз эшитмади. Деярли ҳамма тафсилотлар бир-бирига ўхшаб кетарди. Акаси касб-ҳунар мактабига кетганидан кейин синглисини тумандан келиб болалар уйига опкетишган. Кейинчалик туман марказидаги болалар уйи ёпилиб, болалар бошқа муассасаларга тарқатиб юборилган. Кейин ҳеч ким қизчанинг тақдири билан қизиқмаган...

Сурхай туман марказига ҳам бориб келди. Нима иш қилганини айтмади. Келиши билан Бокуга қайтишимиз кераклигини айтди.

– Юр, кетамиз, ҳали сени ҳам бориб, ётоқхонага жойлаштириб келишим керак.

Қайтдик. Дарслар бошланди. Сурхайнинг уйига тез-тез бориб турардим. Бир куни борсам, таъби хира тортиб ўтирибди. Сўрашган бўлдим.

Қишлоқдан қайтганидан бери шунақа безовталаниб қолди, дея эрининг ўрнига жавоб берди Мина.

Уша куни Сурхай мени ётоқхонага юбормади. Ҳаво изгирин ва совуқ эди. Ёмғир симиллаб турарди. Газда кабоб пишириб едик.

– Шу пайтгача не-не идораларга бош уриб бормадим. Ном-нишони йўқ. Ишли одамман. Ҳар доим югур-югурга вақтим йўқ. Хат ёзай десам, савод ҳаминқадар...

Шундай қилиб, ойда бир-икки марта Сурхайнинг уйига мактуб ёзиш учун келадиган бўлдим. Туман архивига, ҳарбий комиссариатга, эски болалар уйларининг ўзимиз гумон қилган манзилларига... Қиш бўйи ёзган хатларимизнинг кўпи жавобсиз қолди. Келган жавобларда ҳам тайинли гап йўқ эди. Ахийри хатбозликдан ҳам Сурхайнинг ҳафсаласи пир бўлди. Иш купайдими, ё умиди тамом узилишидан қўрқдимми, ҳар қалай, синглисини қидирмай қўйди. Мен ҳам ўз

ишларим билан булиб кетдим. Шу тариқа орадан беш йил ҳам ўтди-кетди. Сурхай оғиз очмаса-да, мен Қизилгулни тез-тез ёдга олар, лекин биринчи курсда ёзилган мактубларнинг бесамар кетганини ўйлаб, умидсизликка тушардим.

Уша пайтларда илмий-тадқиқот институтларидан бирида ишлардим. Шанба-бозор кунлари вақт топиб, Сурхайнинг ёнига ўтиб турардим. У ҳам менинг келиб-кетишимга ўрганиб қолган, шунинг учун анча пайт бормаи қолсам, мендан ранжиб қўярди.

Бир гал Сурхай фронтда топишган дўстларнинг учрашуви ҳақида қайсидир газетада ўқиб қопти. Шу-шу яна унинг юрагида сўнаёзган умид учқунлари қайтадан аланга олди. Яна у ер-бу ерларга хат ёзишга киришдик. Аммо, бу галги изланишларимиздан ҳам наф чиқмади. Бу эса, Сурхайнинг руҳиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Баъзан Мина уни юпатиб, таскин берган бўларди:

– У пайтларда синглинг ёш бола эди, биров уни фарзандликка олгандир. Балки уз исмини, тугилган ерини эсидан чиқариб юборгандир? Турт-беш ёшли боланинг эсида нимаям қоларди?

Сурхай эса кескин бош чайқарди:

– Йўқ, синглим жуда зийрак эди. У кунларни унутиб ҳам бўлмайди. Ақлини таниган қизча эди. Етимликда, совуқ ўйимизда оч-наҳор жавдираб тонг оттирардик. Бечора уша пайтданоқ тақдирга тан берганди. Бирор марта йиғлаганини, шикоят қилганини эслолмайман. Унинг кўзларида ўн беш-ўн олти ёшли қизнинг нигоҳларини кўрардим. Ишонаманки, у соппа-соғ, унга ҳеч нарса бўлмаган.

Қизилгулнинг тақдири мени ҳам тез-тез безовта қиладиган бўлиб қолди. Ишда, дўст-таниш орасида шу ҳақда сўз очардим. Шунда оғай-

ниларимдан бири телевизордан бериладиган ҳарбий кўрсатувга хат ёзишни маслаҳат берди. Ижара уйимизда телевизор йўқлиги учун шундай курсатув борлигини билмасдим.

Сурхайга ҳеч нарса демасам-да, кўрсатувга хат ёзиб юбордим. Бунақа хатлардан кўпини ёзганим учун бирор иш беришига кўзим етмасди. Аммо билардимки, ишдан қайтган Сурхай телевизорнинг ёнидан жилмайди. Бу хатни ўқиб эшиттиришганидан албатта хабар топиб, лоақал хурсанд бўлади.

Ростдан ҳам икки ҳафта утиб, мактубни ўқиб эшиттиришди. Ўша курсатувни Сурхай ҳам кўрибди. Албатта, ўз ҳаёти, қадарли кечмишини телевизордан, олий рутбали бошловчининг тилидан эшитиш Сурхай сингари оддий, умри заводнинг бетон деворлари орасида ўтаётган камсавод одам учун катта гап эди.

Кейин мен таътилга чиқиб кетдим. Қайтиб, институтдаги ишлар билан андармон бўлиб, икки ойгача Сурхайнинг олдига боролмадим. Кейинги боришимда Минани биринчи маротаба кўрган жойимда, хотин-халаж даврасида учратдим. Мени одатий хуш табассум билан қарши олди.

– Хуш келибсан. Сурхайнинг сингиси топилганидан хабаринг борми?

– Наҳотки, – турган еримда қотиб қолдим. – Нега аввалроқ айтмадинглар?

– Билмадим, Сурхай сенга айтиши керак эди-ку!

Мина жим қолди. Унга саволомуз тикилдим. Назаримда бу хушхабарни у алақандай нохуш оҳангда айтгандек эди.

Нимадир узгариши керак эди. Беихтиёр кўз олдимда сингисининг топилганидан қувониб, эсдан огаёзган Сурхайни кўз олдимга кел-

тирдим. Гуёки, йиллаб не-не машаққатлар билан қидирилган улкан хазина кутилмаганда оёқ остидан чиқиб қолгандек эди. Ич-ичимдан қувонч тошиб келарди. Ўзимни катта бир хайрли ишнинг бошида турган қаҳрамон одамдек ҳис қилардим. Ҳозир Сурхай чиқиб, беҳад хуррамлик ила қарши олади, маҳкам бағрига босиб, миннатдорчилик билдиради. “Жиян, синглимни сен топиб бердинг. Кам булма, умрингдан барака топ”, дея алқайди...

Қайтиб, Минадан Қизилгулнинг қандай, қаердан топилгани, шу пайтгача қаерда яшагани, ким топиб келтиргани, ҳамма-ҳаммасини бутун тафсилоти билан сўраб олгим келди. Аммо, уйга киргандан ҳаммани бир бошдан саволга тутиш одобдан эмас. Бу пайтда Мина яна хотинлар даврасига қайтиб, тамомила бошқа бир мавзуда баҳсга киришганди.

Икки қаватли уйнинг зиналаридан юқорилаб, таниш уй қўнғироғини босдим.

Эшикни Сурхайнинг узи очди.

– Ке, жиян, дарагинг йўқ? Анчадан бери йўқламай қуйдинг?

Назаримда, у ҳаммадан аввал ўз қувончини мен билан баҳам куриши керак эди. Ечиниб, даҳлизга утганимда орқамдан келиб секин пичирлади:

– Минани ҳовлида курдингми? Сенга ҳаммасини айтгандир?

– Муборак булсин, синглингиз топилибди.

– Ҳа, топилди, лекин...

– Нима, лекин?

– Кейин... кейин гапириб бераман, ҳозир юр, сени таништириб қўяй.

Сурхай билан олдинма-кейин ошхонага кирдик. Кичкина ошхонада, идиш-товоқ тула шкаф ва хонтахта ўртасида аранг жойлаштирилган стулда бир аёл буришибгина утирарди. Мени кўриб

қўзгалди. Унга қарарканман, кўз олдим қорайиб кетди. Минанинг овозидаги яширин кадарни ҳам, Сурхайнинг лоқайд, совуқ жавобларини ҳам энди тушунгандек булдим. Қаршимда столдан салгина баландроқ, қийшиқ қўл-оёқлари билан қандайдир жонлиқни эслатадиган, букри, пахмоқ сочлари орасидан фақатгина кўзлари, тишларининг оқи ажралиб кўринадиган бир мавжудот утирарди. Бир қарашда кимдир унинг тана аъзоларини булаклаб ташлаган-у, кейин яна шошма-шошарлик билан бирлаштириб чиққанга ўхшарди. У менинг қай аҳволга тушганимни пайқамай, инсон табассумига ўхшамайдиган, фақат қизиқиш ва ҳадиксирашга мойил бир кулимсираш билан қўл узатди.

Шу пайт хонага Мина кириб келди ва ўзига хос вазминлик, мулойимлик билан:

– Танишинглар, бу Қизилгул, Сурхайнинг синглиси, бу эса... – дея мени унга таништирди.

Қизилгул нималарни ўйлаётгани, нималарни ҳис қилаётгани сезилмайдиган ночор чеҳрасидаги суник табассумида бир лаҳзагина мамнуният ифодаси қалқди. Кейин эса, юзи нимадандир уялгандек бир оз қизаринди. Бошини қуйи солиб, яна бурчакка қисилди.

Биз хонага қайтдик. Сурхайга нима дейишни билмасдим. Жим телевизор томоша қиларканмиз, нимагадир ўзимни айбдордек ҳис қила бошладим. Кейин овқат сузиб келинди. Бир қадахдан ароқ ичилгачгина, Қизилгулнинг қандай топилганини сурашга жазм этдим. У Боку қасабаларидан бирининг номини айтди. Чиндан ҳам бу қасаба Сурхайнинг уйига яқин эди. Тўқувчилик комбинатининг ётоқхоналаридан бири ҳам шу ерда жойлашганди. Қизилгул ҳам ўша ётоқхонада яшаркан, кимдир кўрсатувда ўқилган мактубни эшитиб, қизни акасининг уйига олиб келибди. Сурхай сигарета тутатиб, уйчан гап қотди:

– Бечоранинг бошига анча-мунча мусибатлар тушибди. Болалар уйини тумандан Бокуга кучириб келишаётганда тоғ йулида машина ҳалокатга учраган. Болаларнинг кўпи ҳалок бўлган, Қизилгул омон қолган. Аранг оёққа тургазишибди. Шўрликнинг умри касалхонада утибди. Мияси қаттиқ чайқалган экан. Отидан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Ҳатто мениям эслолмади. Тузукроқ гапиролмайди ҳам.

Ўша оқшом Сурхай кўпроқ ичгани учун фикрларини жамлолмай қолганди. Ҳамма уйқуга ётганидан кейин ҳам у билан суҳбатлашиб утирдик. Ўшанда яна гап Қизилгулга бориб тақалди, бу гал бояқиш ака кўз ёшларини тийиб туролмади. Унинг йиғлаганини фақат ушанда кўрганман.

Мен нима дейишни, уни қандай юпатишни билмасдим. Тушундимки, унинг ҳаёти тамомила ўзгарган, бутунлай бошқа бир оқимга тушган эди. Болалик хотиралари тутаган эди. Йиллар давомида юрагида яшаб келган умидлар сўниб бўлганди.

– Менинг синглим шунақамиди? Энди дардимни кимга айтай, жиян? Кимнинг ёқасидан тутай? Бечоранинг аҳволини қара!

Сурхай гапираётиб, тез-тез даструмоли билан кузларини артиб қўярди.

Саҳарлаб чиқиб кетиб, бир неча ой Сурхайнинг уйига келолмадим. Вақт топганимда ҳам, қандайдир ҳис мени йўлдан қайтарарди. Бир гал Сурхай билан стадионда учрашиб қолдик.

– Юр бизникига.

Боришга рози булдим. Бир оз безовта кўринарди. Назаримда ниманидир сураб қолишимдан қурқаётгандек эди. Шунинг учунми, ўзи гап оча қолди.

– Ҳалиги... Қизилгул кетди.

– Нимага?



– Ётоқхонадан қизлар келиб опкетишди. Бир-икки марта қочиб кетганди. Энди бутунлай кетди. Ўзим қайтиб келма, дедим. Мен аввал ҳам унинг синглим эканига шубҳаланган эдим. Ким билсин, шу баҳона менинг иссиққина, тинчгина уйимга кириб олмоқчи бўлгандир?

Унинг елкасидан тоғ ағдарилган эди, гўё. Юрагим санчди. Назаримда уни биринчи марта кўриб турардим. Эртаю кеч синглисининг исмини тилидан қўймай келган Сурхай шу эмасмиди?

– Туғриси, ўзинг айт, менга ўхшамасди-ку!

Мен бор-йўғи бир неча дақиқагина курган ўша ночор қиёфани кўз олдимга келтиришга уриндим. Пахмоқ, чигал сочлар. Бадбашара юзлар. Йуқ, у Сурхайнинг синглиси эди. Ҳозир анигини айтолмайман-у, лекин қизнинг юзларида Сурхайга тортадиган алақандай чизгиларни курганман. Унинг Қизилгул эканлигини қалбан ҳис этганман. Ҳа, у Сурхайнинг бир қориндан талашиб тушган синглиси эди.

– Уйдан ҳар куни нимадир йўқолади, нимадир синади. Ўзинг ўйла, кимлиги, қанақалигини номаълум бир бегонани уйимда қандай олиб ўтираман?

Сурхайнинг ўз сўзларига ўзи ҳам ишонмаётгани сезилиб турарди. Фақат изоҳ этиш мушкул бўлган бир ҳис уни узоқ вақт қидириб топган жигарбандидан юз ўтиришга мажбур этаётганди.

У ўз синглисидан уялди.

Сурхайга нима дейишни билолмадим. Аммо, юрагимда нимадир чирт узилганини ҳис этдим...



Энди Сурхайнинг синглиси ҳақидаги суҳбатга нуқта қўйилган, гўё сингил улган эди.



---

## **КОМИЛ АФСАРЎҒЛИ**

Комил Мамедов (Афсарўғли) 1951 йил 1 мартда Жаброил туманида таваллуд топган. Ёзувчи ва журналист. Юзга яқин ҳикоя ва романлари чоп этилган. Асарлари рус, турк, ўзбек тилларига ҳам таржима қилинган. Озарбойжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Давлат телевидениесининг Халқаро алоқалар бўлими бошлиғи лавозимида хизмат қилади.



---

## ҚОН ҲИДИ

Қон ҳиди дайди итларни ўзига тез жалб этарди. Улар оч ва ташна кўзларини қон тўла ўрага тикканча қимир этмай туришар, дам-бадам сўлакларини оқизиб, тилларини осилтиришарди.

Чамаси, бу хароба, бадбўй қушхонада ҳаммасига Шами балогардон эди. Болалигидан ота-онасининг югур-югурлари, илму амалларига қарамай, шўрлик Шамининг ақли ноқислигича қолди. Аслида Шами бўлмагани билан бу ерда жониворларни сўйиш ишлари тўхтаб қолмасди.

Шами анчадан бери бу қушхонанинг эгаси Ҳомиддинга кўмаклашиб келади. Яратган уни ақлдан қисган бўлса-да, куч-қувватдан сийлаган. Бир ўзи уч киши амаллаб йиқитиши мумкин бўлган буқаларни бир мушт билан ағдара оларди. Шу боис, у қишлоқда “Шами ҳўкиз” деган лақаб ҳам орттирган.

Қушхонага янги олиб келинган семизгина буқача Ҳомиддиннинг қонталаш кўзларига бефарқ қараганча кавш қайтарар, бу пайтда Ҳомиддин эговни тополмай хуноби чиқаёзганди.

Ниҳоят гудрана-гудрана эговни ҳам, ўткир пичоғини ҳам, гўшт майдалайдиган болтасини ҳам топди. Қассоб пичоқни чаққонлик билан чархларкан, чироқнинг хира ёруғида ҳам унинг ўткир тиги ярақлаб кузни олар, эговга ишқаланаётган пичоқ одамнинг гашини келтирувчи ғалати овоз чиқарарди. Ишга киришишдан олдин Ҳомиддин осмонга қараб, нималарнидир пичирлади, чамаси мол сўйишда ўқиладиган дуо булса керак.

Буқача эса ҳамон бепарволик билан кавшар, елпигичсимон думи билан сағрисига қунаётган пашшаларни ҳайдар, қаршисидаги бу бешафқат

кимса унинг қонига ташна эканидан беҳабар эди. Буқачанинг шохлари ўткир, пешонасидаги учбурчак қашқасини айтмаса, таранг қилиб боқилгани учунми, танасидаги билқиллама эт ва ёр мумдек қоп-қора ялтироқ терисини ёриб юбораман дерди.

Унинг шу кўриниши ҳамон пичоқ чархлаш билан машғул қассоб Ҳомиддиннинг ҳам завқини келтирди шекилли. Эговни ташлаб, сағрисига шапатилаб қўйди:

– Ваҳ-ваҳ, манавини буқа деса бўлади! Гуштиям ипакнинг ўзи бўлса керак, еган одамнинг бадани яйрайди-да!

Шама қушхонанинг дим ҳавосида терлаган пешонасини кир енги билан артаркан, буқачадан кўз узмай гўлдиради:

– Ҳомиддин, қара, жуда чиройли буқача эканми?

– Наҳ сувратнинг ўзгинаси дейсан, – ўзи билмаган ҳолда унинг гапини маъқуллади Ҳомиддин.

Шама қушхона эшиги олдида ўсган ўтлардан бир тутам юлиб, жониворнинг тумшугига тутди. Буқача Шаманинг кафтидаги майсаларни тили билан чаққон илиб оларкан, унга миннатдор термилганча яна кавшанишга тушди.

– Юрагинг тош сенинг, Шама, тош, – тунгиллади қассоб. – Бечорани нимага алдайсан? Унга берган емишинг ошқозонига тушмай туриб, мен унинг ишини битираман.

– Ҳомиддин, наҳот шунақа чиройли буқачани ўлдиришга кўзинг қийса? Унга раҳминг келсин, ўлдирмай қуя қол! – ялинди Шама.

– Ҳазиллашяпсанми, – эрмаклади қассоб. – Одамлар оч, уларга гушт керак. Сен бўлсанг, қаердаги бир молга раҳминг келса? Гапни купайтирмай ишга кириш.

Қассоб қон ва нажас юқли пешбандини боғлаб, молга қисилиб келди. Яқинлашаётганини курган жонивор бир нохушлик ҳидини сездими бетоқатланиб, арқонни узишга чоғланди. Аммо бу ҳаракати зое кетгач, норозилик билан мўлақ қўйди.

– Ўчир овозингни, – ушқирди қассоб, негадир сунъий дағаллик билан. – Гапини қара-я! Биласанми, Шами, у нималар деяпти?

– Сен буларнинг тилини тушунасанми? – соддалик билан сўради Шами. – Нима деяпти?

– Тушунганда қандоқ? Айтишга тил бормаиди Ярамас, ҳайвон! Мен-ку, майли, ёшимни яшаб бўлдим. Аммо, манави шўринг қургур нотавон болани нимага қаргайсан? Уни шундоқ ҳам Худс қаргаган бўлса? Бутун авлоду аждоди билан қўшиб қаргайсанми?

Ҳомиддиннинг ҳийласи иш берганди. Шамининг ранги оқариб, кейин кўзлари газабдан қисилиб кетди. Қўллари мушт бўлиб тугилди.

– Вой, ярамас, вой ҳукиздан тарқаган. Ҳали мени ота-онамниям қўшиб қаргадингми? Улар сенга нима ёмонлик қилувди? Ҳозир сенга курсатиб қуяман.

У бор кучини туплаб, ҳукизнинг гарданига мушт туширди. Буқача шаталоқ отса-да, йиқилиб тушмади. Бундан баттар газаби қўзиган Шами жониворнинг манглайига, яғринига аямай мушт ёғдира кетди. Буқача огрикдан нолигандек чўзиб мўлади.

– Вой ҳайвон, Шамини жинни деяпсанми? – баттар қитмирлиги тутди Ҳомиддиннинг. – Э, чидаб турибсанми? Дарров моягидан бураб торт, йиқилади.

Қассобнинг ўзи ҳам четда туришни истамади, жониворнинг бурун катаklarига қўлини тиқиб, омбурдек қиса бошлади. Икки нозик еридаги аёвсиз огриққа дош беролмаган жонивор ниҳоят гурсиллаб ерга қулади. Шурлик буқа бўғзига тиг қадалган чоғда жонини халос қилмоққа уриниб, овози борича бўкирди.

Жониворнинг бўғзидан отилаётган қон фаввораси пасайиб, жон талвасасидаги ҳаракатлари заифлашгани сари Шамининг ҳам қаҳри сўна бошлади. Ниҳоят, успирин унинг оқариб қолган жонсиз кўзларига тикиларкан, баданига титроқ югурди. Худди буқача “мени сен бугизладинг” дегандай унга таънали боқиб турарди.

Қон урани тўлдириб, торгина ирмоқча орқали қушхона эшиги олдидан оқиб ўтувчи ариққа қушила бошлади. Дайди итларнинг бири ариқнинг қондан қизара бошлаган жилдироқ сувини ютоқиб чалпиллатишга тушди. Аммо, бундан унча қониқмадими, яна жунлари тўкилган ярғоқ думини ликиллатганча орқага чекинди. Унинг шериклари эса ўз улушларини кутиб, қушхона эшигига таънали боқиб туришарди.

– Эй, худобеҳабар-а, қара, ҳукизнинг калласи қибладан оғибди. Ўгириб қўй, гуноҳига қолма тагин!

Ҳомиддин учун молни қай тариқа сўйиш бари бир булса-да, виждонини сал булса ҳам поклаб олиш учун шундай деганди. Шами итоатгўйлик билан буқанинг думидан судраганча бошини ай-тилган тарафга ўнглади.

Қассобнинг қўллари жониворнинг янги, иссиқ қонига обдан беланганди.

– Ваҳ, бунинг қонини қара-я! Қўлни куйдираман дейди-я! Бу қонни худди қимиздек ичса ҳам бўлади. Минг дардга даво.

– Мен ҳам ичсам, тузаламанми? – маъсум, умидвор кузларини хожасига тикди Шами.

Ҳомиддин бунақа саволни кутмагани учун шошиб қолди. Назарида чиндан ҳам ана шу қонни ичса, Шами тузалиб кетадигандек эди. Борди-ю, у тузалгудек бўлса, икки дунёда ҳам бу сассиқ қушхонага, Ҳомиддиннинг ёнига қайтиб келмаслиги аниқ. Шунинг учун тезроқ бу қонни итларга бериб тугатиш керак.

– Э, Шами, гап-да буям, – тишларини гижирлатганча гапиришга тушди Ҳомиддин. – Ҳозир шундоғам ақллилар купайиб кетган, кесак отсанг, дононинг бошига тушади. Аслида жиннилар дунёдаги энг бахтиёр одамлардир, агар билсанг. Жиннилар билан ҳатто давлатнинг ҳам иши йўқ. Қандай жоҳиллик қилсанг ҳам, биров сени обориб қамамайди. Баъзан сенинг ўрнингда бўлиб қолгим келади, Шами!

Шами эса, унинг гапини эшитмаётгандек эди:

– Қандай чиройли ҳукизча эди, пешонасида қашқасиям борийди, – беозор мингирлади. Ҳомиддинга қараб қўйди-да, яна ўз иши билан машғул бўлди.

“У нега бунчалар мулойимлашиб қолди? Энди бу ерга бошқа келмай қуйса-я! Унда мен текин, беминнат ёрдамчини қаердан топаман? Уни бу йўлдан қайтариш керак”.

Шамининг бу ерда қиладиган бошқа иши қолмаганди. У индамай ортига бурилиб кетаётганида, Ҳомиддин тўхтатди.

– Шами, буқанинг калласи сеники. Олиб бор. Онанг ҳам суюниб қолади. – Ҳомиддиннинг бўғиқ, журъатсиз овози унинг бу ҳиммати ўзига қимматга тушганини англадиб турарди.

Шами илтифотсизлик билан хурсинди-да, буқанинг бошини шохидан тутиб, елкасига орт-

моқлаганча қушхонани тарк этди. Унинг ортидан қудди мунчоқдек қонли излар қолар, бу қон томчилар буқанинг бошидан эмас, баайни унинг юрагидан томаётганди.

Шамининг бутун кийимлари, аъзoi бадани қонга беланган, кўз ёшлари эса юзларини ивитиb борарди:

– Шундай чиройли буқачани сўйган қулларинг акашак бўлсин, илойим, Ҳомиддин, – дея мингирларди узига узи. – Сенга улдирма, дегандим, бари бир сўйдинг-а? Энди қушхонангга қайтиb келмайман. Энди ҳеч қачон сен сўядиган молларни йиқитмайман. Сенинг ёрдамчинг бўлмайман энди.

Унинг қадам товушлари итларни сергак торттирди. Бутун аъзoi баданидан қон ҳиди анқиб кетаётган йигитнинг орқасидан бир гала ит эргашди. Куп ўтмай бутун дара эт ва қон талашаётган итларнинг ваҳшиёна шовқинига тўлди.

## ОҚЛОВ

Хом гишtdан тикланган бир қаватли коммунал турар жой биноси қасабага кираверишда тикланган эди. Узоқдан қараганда, станциянинг эҳтиёт йўлагига киритиб қўйилганча эсдан чиқарилган вагонни эслатарди бу уй. Эшиги энсиз даҳлизга қараб очиладиган торгина пастқам хоналар вагон купеларидан фарқланмасди. Бу ошиёнларда умргузаронлик қилаётганлар баайни гам-қайгудан йироқдек кўринар, ҳар қандай қийинчилик ва машаққатга сабр қилиб келишар, бир-бирига ака-ука, опа-сингилдек меҳрибон эдилар.

“Жилдом” дея ном олган бу мискин қароргоҳ аҳли эртанги кунга қандайдир умид билан боқар, гуё бир кун келиб бу нутилган “вагон-уй”ни чор



тарафга пишқириб чопаётган поездлар ёрқин келажак сари олиб кетадиганга ўхшарди.

Абутолиб амаки ҳам урушдан қайтганидан бери шу ерда, “жилдом” хоналарининг бирида танҳоликда кун кечирарди. Бир эшикдан кириб чиқадиган қўшнимиз эди у киши.

Азондан, паровоз пишқиригини эслатувчи бир овоз мени уйқудан уйготарди. Деразадан муралаганимда, Абутолиб амаки кўнжи узун этигини чўтка билан ишқалаб тозалаётган буларди. Этиги ярқираб тургани учун бир неча ерига солинган ямоқни ҳам пайқаш қийин эди. Шу тарзда ҳар куни эрталаб Абутолиб амакининг ортидан термилганча ишга кузатардим. Тош пиллапоялар оша пастлаб тушаркан, аввал кўнжи узун этиклари, тўппонча қистирилган энли камари, елкаларидаги қизил погони, охирида ҳарбийча қора телпаги кўринмай кетар, худди ерга ботиб кетаётганга ўхшарди. Шундан кейингина ҳовли бола-бақранинг бақирчақирига, шовқин-суронига тулиб тошарди. Гоҳида болаларча қизиқиш билан дераза оша Абутолиб амакининг хонасига бўйланардим. Сурп парда тўтилган, ним қоронғи, торгина хона менга худди айиқ яшайдиган унғурдек ваҳимали, шунингдек, аллақандай сирли ва сەҳрли кўринарди.

Энкаведе — маҳалламизда катталар касби-корига кўра унга ана шундай лақаб қўйишганди. Биз болалар орқаваротдан уни Энкаведе амаки деб атардик. Бу лақабнинг маъносини тушунмасак-да, эшитганимизда нечўқдир ваҳимага тушардик.

— Келяпти, Энкаведе амаки келяпти.

Клубга олиб чиқувчи тош зинапоянинг бошида турган “соқчи”нинг хитоби уйин билан машғул болаларнигина эмас, қари тутнинг тагида гап сотиб утирган хотин-халажни ҳам ин-инига кири-тиб юборарди.

Зинапоя ортидан аввал Абутолиб амакининг қизил юлдуз қадалган қоракўл телпаги, кейин тунд башараси, узунасига қирмизи тасма ўтган погонлари, энли камари, охирида ярқираб турган қўнжли этиклари куринар, гўё ердан ўсиб чиқаётганга ухшарди.

Қош-қовоқли, юзлари чутир бу одам пайдо бўлиши билан маҳалламиздаги об-ҳаво тамомила узгарарди. Жимлик чукарди. У тенги катталарнинг ҳам ундан узини олиб қочиши бизнинг юрагимиздаги таҳликани янада орттирарди. Мурғак тасаввуримизда бу одам уч бошли аждар тимсолида жой олганди. У уйига кириши билан болаларнинг овози тамомила ўчарди. Ўйнаётган ўйинларимиз ҳам чала қолиб кетарди. Катталар кечаси ухламай хархаша қилаётган болакайларни Абутолиб амакининг оти билан қурқитишарди.

– Ухла, бўлмаса, Энкаведега айтаман, сени опкетади.

Назаримизда, у чиндан болаларни ўзининг — уч бошли аждар маконига олиб кетишга қодир эди. Ҳатто... бир гал олиб кетди ҳам. Кимни дейсизми? Зобута холанинг ўғли Фармон безорини. Хабар маҳаллага тезда ёйилди. Хотинлар чекка-чеккада ўзларича висирлашарди:

– Бечора мужаррадгина бола эди. Энди уни нима қилишаркин?

– Энкаведега ҳам боққан бало бордир.

– Йўғ-э, у бечораям нима қилсин. Ушла деган булса, ушлаб кетгандир-да!

Абутолиб амакини оқлаб гапиришганини илк марта ўшанда эшитганман. Фармон бир отлиқ чегарачининг чарм хуржунини ўғирлаб, ундан ўзига этик тиктирган экан. Яна бир-икки ножуя ишлари бўлган экан, ҳозир аниқ эсимда йуқ.

Ўша куни қари тутнинг тагида фақат Зобута хола қолганди. Абутолиб амаки зинапоя бошида пайдо бўлиши билан Зобута холанинг бомбадек портлаб, қиёмат кутариши бир пайтга тўғри келди.

– Сен бир етимни қақшатган бўлсанг, сени Худойим қақшатсин! Отаси фронтда душманга қарши урушиб, жон берган. Сенам ушанга ухшаб мард, ориятли бўлганигда қайтмасдинг. Ўша ерда ўзингни панага олиб юргансан. (Биз у пайтда Абутолиб амакининг бадани душман уқидан илматешик бўлганини билмасдик).

Зобита хола бисотидаги бор қарғишларини тукиб-сочарди. Абутолиб аёлнинг дийдиёсига қулоқ солмай, безътибор утиб кетолмади.

– Зобута. Тушунсанг-чи, ўғлингдаям айб бор-да! Мактабни битирганига икки йил булди, бир ишнинг бошини тутгани йуқ. Ўғирлик, безориликдан бошқасини билмаса. Уям бошқаларга ухшаб...

Зобута хола унинг оғзидагисини ёқасига ёпиштирди:

– Ўв, менга қара. Энкаведемисан, гурмисан, ермисан! Сен фарзанд нималигини қаердан билардинг? На оиланг, на бола-чақанг бор, Худо қаргаган бепушт зормандасан!

Абутолиб амаки ҳам ундан бунчалик андишасизликни кутмаганди, чамамда. У бир чайқалиб, ҳатто йиқилиб тушишига ҳам оз қолди. Аммо, ҳеч нарса демай, оғир қадамлар билан уйига кириб кетди.

Бир куни ён қушнимиз Мурод аканинг эшиги тақиллаб қолди. Бу овоз биргина мени уйготиб юбормаганди. Аммо, биров юрак ютиб чироқни ҳам ёқмади, ташқарига ҳам чиқмади. Мурод аканинг эшигини тақиллатган Абутолиб амаки эди. Ёнида қуролланган бир миршаб ҳам бор эди. Деразага яқин туришгани учун уларнинг овозини бемалол эшитиш мумкин эди.

– Мурод, тез кийиниб чиқ, сени чақиришяпти. Биз билан кетишинг керак.

– Ярим кечаси-я, тинчликми старшина?

Саволни бемаврид, ноурин санагани учунми, Абутолиб амаки индамади. Бир оздан сўнг аста гап қотди:

– Устингдан чақув бўлганга ухшайди, ошна.

– Нималар деяпсан, қанақа чақув? – Мурод аканинг овози титраб кетди. Кимдир гугурт чақиб папирос тутатди. Чамаси, Абутолиб амаки бўлса керак, бир икки марта ожиз йўталгани ҳам эшитилди.

– Замон ёмон, ошна, – афсуснамо овозини эшитдим. – Ўзинг биласан-ку. Тушунган одамсан? Балки тилинга эҳтиёт булмагандирсан? Оғзингдан бирор ножўя гап чиқиб кетгандир? Ё булмаса...

– Абутолиб, урушда бирга хизмат қилганмиз. Мени яхши биласан-ку! Алдам-қалдам ишларга аралашмаслигимни ҳам биласан, ахир.

– Биладан, ошна, биладан. Ҳаммаси эсимда. Окопда битта шинелга ўраниб тонг оттирганимиз ҳам эсимда, ҳарбий қисм орқага чекинаётганда битта ўзинг фашистларнинг йулини кесиб чиққанингни ҳам унутганим йўқ. Ўлимдан ҳам қўрқмагансан ушанда.

Кейин жимлик чўқди. Сукутни яна Абутолиб амаки бузди.

– Худди орадан беш йил эмас, беш кун утганга ухшайди. Пайти келиб, шунақа пайтда эшигингга келишимни қаердан билай? Хизматчилик-да, ўзинг биласан-ку, мени кечир, ошна... Бўпти, биз бора-верамиз. Эрталаб нарсаларингни йиғиштириб, ўзинг борарсан. Иссиқроқ кийимларингни олишни унутма.

Уша куни тонг ҳам бошқачароқ отди. Катталар у ер-бу ерда тупланганча пичирлашиб нималарнидир муҳокама қилишар, овозларини чиқаришга ҳам қўрқишарди. Маҳалла аҳлининг бу тушқун кайфияти бизга — болаларга ҳам таъсирини утказган эди. Фақатгина Зобута холанинг шовқини оламни бузарди:

– Ўз кўзларим билан кўрдим-а, тусингни ел олгур Энкаведе, туртта қуролланган миршаб билан келди. Мурод бечоранинг қўлларини орқасига қайириб, чаккасига милтиқ тираб олиб кетишди-я, уйинг куйгурлар. Ҳаммаси ўша балога учрагур Энкаведенинг иши. Ҳали бу кетишда бутун маҳаллани сотиб, авахтага тикади бу одамфуруш шипиён.

– Ёлгон, ёлгон бу, унақамас, Мурод аканинг қўлини қайириб кетишмади. Эрталаб ўзинг борасан, дейишди. Катта одамлар ҳам алдар экан-да, – узимни тутиб туролмадим... Аммо, менинг гапимга ким ҳам қулоқ соларди? Бир-иккитаси турткилаб танбеҳ берган бўлди:

– Тек ўтирсанг-чи, зумраша, катталарнинг гапига аралашма.

Кейин бир ўзим болаларни йигиб, кеча тунда эшитганларимни уларга гапириб бердим. Уша вақтларда кўп нарсага ақлимиз етмаса-да, шуни билардикки, Абутолиб амаки ёмон одам эмас, одамларни ушлаб келишни буюрадиган, авахтага соладиган катталар бор. Ҳаммасига айбдор ана ушалар. Бора-бора қувлашмачоқ, бекинмачоқ, уруш-уруш ўйнаётганимизда клуб биносига олиб чиқадиган зинапоя бошида соқчи қўймайдиган бўлдик.

Бир куни футбол ўйнаётганимизда мен тепган копток тўппа-туғри Абутолиб амакининг деразасига урилди-ю, чилпарчин қилди. Уйида экан,

билмабмиз. Болалар тум-тарақай булишди. Мен эса турган еримда тошдек қотгандим. Борлиқ ўлик сукунатга чўмганди. Назаримда ҳозир Абутолиб амаки қулида туппонча билан чиқиб келадигандек, кинодаги каби қўлимни қайириб олиб кетадигандек эди. Кузларим жиққа ёшга тўлган, аммо киприкларим орасидан қуйи оқишга улгурмаганди.

Эшик очилиб, Абутолиб амаки кўринди. Қўлида деразани синдириб кирган копток. Оҳиста менга яқинлашди ва коптокни тутқазиб, ортига қайтди. Кейин эгилганча йўлда сочилган шиша синиқларини теришга тушди. Кўз ёшларим юзларимни ювиб, қўлимдаги коптокни ҳам ивита бошлаганини кейинроқ сездим. Мен сассиз, энтика-энтика йигладим, аммо бу йиги асло қўрқув нишонаси эмасди.

Навруздан уч-тўрт кун аввал шаҳардан усти ёпиқ, кумушранг, узун автодукон келарди. Уни маҳалладаги каттаю кичик интизорлик билан кутарди. Қишлоғимизга байрамни ҳам ўша машина бошлаб келарди, гўёки. Машина келиб тўхташи билан унинг олдида Чинорқудуққа қадар узундан-узоқ навбат пайдо бўларди. Машинада ёғ, ун, қанд, гуруч, турли матолар сотиларди. Аслида бу моллар ўзимизнинг дўконларда ҳам бор эди. Аммо, катталарнинг айтишича, автодуконда келадиган хонгуручдан дамланадиган паловнинг мазаси, ҳиди бошқача булармиш. Уша куни Мурод аканинг оиласидагилардан бошқа ҳамма дўкондан ул-бул харид қилди.

Шу куни бутун маҳалламиз бўйлаб хонгуруч паловининг хушбўй ҳиди таралди.

Бу йилги Навруз маҳалламизда аввалгидек файзли, фараҳли эмас, алақандай сўник, сокин кечди. Ер тақсимоти идорасида ишлайдиган Шо-

мил отанинг угли Ориф ҳовлида чордана қуриб, тор чертиб қушиқ айтмади, буни ҳеч ким ундан илтимос ҳам қилмади. Биз болалар турли хил байрам ўйинларини ҳам уйнамадик.

Ҳамма байрамни ўз уйида узича нишонлади. Биз ҳам оиламиз билан дастурхон бошида яхши ниятлар қилиб Йилбошини қарши олаётган эдик.

Шу чоғ дераза тагидан иккита шарпа ўтиб кетди. Куп утмай, эшигимиз оҳиста очилиб, хонамизга иккита қалпоқ келиб тушди. Онам кулимсираганча қалпоқларга ширинлик, қизилга бўялган тухум солиб, эгаларига қайтарди. Мурод аканинг кичкина угли ичкари кириб, ҳовлиққанча гапира кетди.

– Дилора хола, отамни қўйворишибди. Боягина уйимизга кириб келди.

Боланинг қувончи ичига сизмасди. Бу хабарни эшитиб, биз ҳам севиндик, албатта.

Гарчи Мурод аканинг қайтганини бутун маҳалла эшитган булса-да, кеч тушгани, ҳамма байрамни нишонлаётгани учун “Карвон кўрди”ни эртага қолдиришган эди.

Ўша оқшом бутун маҳалла аҳли бир умид чироғи ёғдусида уйкуга кетди.

Зулматга бурканган сукунат пардасини ярим тундаги қичқириқ ёриб ўтди. Мурод аканинг эшиги олдида қуролланган миршаблар туришарди. Хотини, болаларининг ялиниб-ёлворишига ҳеч ким қулоқ солмади. Бечорани энсасига милтиқ тираб опкетишди. Бу сафар Зобута хола айтгандек, қўлини орқасига қайириб олишганди.

Ўша кечаси Абутолиб амаки ишда эди. Одатда навбатчиликдан тонг саҳарда қайтиб келарди. Негадир уша куни қайтмади. Унинг йўқлигини ҳазм қилолмаётгандим. Ўйинга киришиб кетган бўлсак-да, ора-сирада зинапоя тарафга қараб

қуярдим. Худди зинапоя ортидан Абутолиб амаки-нинг юлдузли телпаги кўришиб қоладигандек эди. Кун бўйи унинг йулидан кўз узмадим.

Катталарнинг гапларига қулоқ солиб эшитдимки, Навруз куни кечқурун Абутолиб амаки авахтанинг эшигини очиб, Мурод акани чиқариб юборибди. Эртаси куни маҳбусларни “этап”га қўшиб жўнатишмоқчи экан. Бечора охирги кун, яъни байрамни оиласи бағрида утказсин, дегандир-да! Фақат шунинг учунмикан? Йўқ, албатта. У Мурод акани яхши танирди. Айби йўқлигиниям биларди. Биз болалар ўзимизча бир нарсага ойдинлик киритган эдик: агар ҳамма авахтаоналарнинг калити Абутолиб амакининг қўлида бўлганда, у бегуноҳ маҳбусларнинг ҳаммасини уйларига қўйиб юборган бўларди...

Ўшандан бери Мурод акани ҳам, Абутолиб амакини ҳам ҳеч ким кўргани йўқ. Фақат, Сталин ўлганидан кейин орадан бир неча йил утиб, Мурод аканинг уйига почтадан бир парча қоғоз келди. “Ишида жиноят таркиби бўлмагани сабабли Мурод Козим ўгли Муродов оқлансин (ўлиmidан кейин)”.

Агар Абутолиб амакининг ҳам оиласи, бирор яқин одами бўлганида, унга ҳам ана шундай бир парча қоғоз жўнатишарди, албатта. Фақат битта нарсадан тасалли топардик: биз болалар Мурод ака ва Абутолиб амакининг устидан анча йил аввал оқлов ҳукмини уқиб бўлгандик...







---

## **ВОҶИФ СУЛТОНЛИ**

Воқиф Вердиев (Султонли) 1958 йил 26 мартда Курдамир туманининг Шоҳсеван қишлоғида туғилган. Озарбойжон Давлат университетининг филология факультетини битирган. Узоқ йиллар педагогика соҳасида фаолият юритган. Айти пайтда мазкур университетнинг “Замонавий Озарбойжон адабиёти” кафедрасида профессор. Филология фанлари доктори. “Сўнган юлдузлар”, “Инсон денгизи”, “Озарбойжон уфқлари” сингари бадиий ва публицистик асарлари нашр этилган. Озарбойжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



## ҚУМРИ НАВОСИ

Мироншоҳ отаси Амир Темурнинг назарига тушган, шуҳрати бутун Шарққа ёйилган машҳур бастакор Абдулқодир Мароғийнинг янги асарини тингламоқ учун муҳташам анжуман ташкил этди. Бастакор бир ой аввал ёзган асарининг қул-ёзмасини унга тақдим этиб, тортинибгина кичик бир анжуман утказишни суранганди. Ҳукмдор мамнуният ила розилик билдирган, уша ондаёқ унинг боғчасида мисли қурилмаган ҳозирлик ишлари бошлаб юборилган эди.

Икки ойдан ортиқ давом этган қурилиш ва таъмирлаш ишларида Табризнинг энг машҳур уста ва ҳунармандлари жалб этилди. Айни дамда боғча беҳад фусункор манзара касб этган, ранг-баранг гулларнинг атридан бош айланар, жозибасидан кўз қамашарди. Нақшинкор йулақларда бежирим табриз гиламлари тушалган, ҳар қадамда ўрнатилган фонуслардан таралган шуълалар кечаси ҳам худди кундузгидек чор-атрофни чароғон этарди.

Бир оздан кейин мажлис бошланишидан дарак бериб, енгил мусиқа садолари янгради. Гарчи кечалари бу ерда айш-ишратлар тез-тез утказилсада, боғча яқин орада бундай катта тараддудни курмаганди. Бунинг боиси ҳаммага маълум эди: бастакорнинг янги асари Амир Темурнинг суюкли набираси, Мироншоҳнинг ўғли Султон Халилга бағишланган эди.

Мироншоҳ усмирлик ёшига қадам қуйган ўғлини утган ёзда Мовароуннаҳрга, соҳибқирон Амир Темур ҳузурига жунатганди. Мақсади ўғлининг кўзларини очиш, жаҳонгирнинг сиёсат ва фотиҳлик борасидаги сабоқларидан баҳраманд этиш эди. Бироқ, кўп ўтмай соҳибқирон Султон

Халилнинг саройдаги жориялардан бири — Шодимулкка кўнгил қўйиб, салтанат ишларига қизиқмай қўйганини Мироншоҳга етказган, бир муддат йигитчани Табризга, ўз отасининг ҳузурига жўнатишни маъқул кўрганди.

Мана, икки ойдирки, Султон Халил Табризда истиқомат қилаётир. Ҳар куни Самарқандга қайтиш учун изн сўраса-да, Мироншоҳ турли баҳоналар билан ўглини йулдан қайтарар, ҳаммаси вақт ҳукмида эканига ишонарди.

Саройда уюштирилаётган бу мажлис ҳам Султон Халилни оз бўлса-да, чалғитишга қаратилган эди.

Неча кундирки, Абдулқодир чексиз безовталик ила машқ қилар, узи ёзган мусиқанинг гузаллигидан ҳайратини яширмаган чолғучилари билан асарни қайта-қайта ижро этишарди.

Ҳар гал ижрони маълум бир жойида тўхтатиб, янги оҳанглар, янги тузатишлар киритар, ушбу кўйни мукамал мусиқий асарга айлантириш учун кўлидан келганича ҳаракат қиларди.

Аммо борлигини сариқпечак мисол ўраб олган безовталик унга тинчлик бермас, қўлларига тушов солар, ҳаяжонини тобора оширарди. “Ишқилиб чолғучилар унинг кўнглига ёқадиган тарзда ижро этишсин-да! Шунча садди-басга яраша ҳукмдорга маъқул келсин!”

Мусиқа севикли ўглига бағишлангани учун уз аъёнлари ила мажлисга ташриф буюрган Мироншоҳ боғчанинг юқори қисмида қурилган тахтига кутарилишдан аввал ижрочиларга яқинлашиб, сўрашган бўлди.

Ҳукмдорни олисдан кўрган, мовий яктак кийиб, бошларига зарҳал қалпоқ кўндирган ижрочилар оёққа қалқиб, мунтазир туришарди. Мироншоҳ

бир хил кўринишдаги сарой мусиқачиларининг ҳар бирини шахсан танирди, фақат биттасини танимади. Бу хонанда йигитни бастакорнинг ўзи асар ижроси учун атайин таклиф этганди. Ҳукмдор тахтига чиқишидан аввал мусиқачиларнинг ёнига келишидан мақсад ҳам янги йигит билан танишмоқ эди.

Озгин жуссали, бугдойранг, хушбичимгина хонанда Мироншоҳ билан юзма-юз келганида таомилга кўра тиз чўкиб, бошини эгиб турди. Мироншоҳ ўрнидан туришга ижозат берди:

– Уғлим, Озарбойжоннинг қаеридансан? – деб сўради.

– Мароғаликман, – деди йигит.

– Сенам мароғаликмисан?

Абдулқодир таъзим ила бир қадам олдинга чиқди:

– Ҳукмдорим, Мароғада туғилган ҳар бир инсоннинг гўзал нафаси бўлур!

Мироншоҳ хонандага ижозат бериб, Абдулқодирнинг қўлтиғига кирди ва аъёнлари қуршовида уни тахт томон бошлади.

Ҳукмдор тахтига жойлашиб олгач, хонандаю созандалар унинг қаршисидан саф тортдилар. Ҳукмдорнинг унг тарафида угли Султон Халил, чап тарафда тахтнинг ёнига қўйилган курсида бастакор ўтирар, ҳамманинг бутун диққат-эътибори чолғучиларда эди. Оҳиста ўз чолғуларини созлай бошлаган ижрочилар бастакорнинг ишорасини кутишарди.

Зиёфат аҳли боғчада тўшалган гиламлар устида ўтириб олишганди. Хизматчилар қўлларидаги кумуш косалар билан меҳмонларга хушбўй шарбат ва қизил шароб, хилма-хил ширинликлар улашишарди.

Бастакор Мироншоҳнинг ижозати ила ижрочиларга ишора берди. Зариф мусиқа садолари кечанинг сукутини бузди. Сарой мажлислари анъанасига кўра аввал Амир Темур, кейин эса Мироншоҳ шарафига басталанган куйлар чалинди. Кейин раққосалар хиром этди.

Бир оз танаффусдан кейин Султон Халил шарафига битилган “Навои Қумри”нинг ижро этилиши маълум қилинди. Бир муддат боғчага сирли сукунат чўкди. Бояги хонанда йигитнинг ғайриоддий овози янграши билан мажлис аҳли бу овоз сеҳрига мафтун бўлиб қолди.

Уд худди ер остида қолиб кетган маҳкумлар сингари нола қилар, танбур навоси қонун садоларига қоришиб, ажиб бир таронани яратган эди. Хонанданинг нафис ижроси эса ҳар бир уйғоқ юракни сел қилишга қодир. Бутун анжуман ана шу соҳир оҳанглар измида эди. Нозик торлардан таралаётган гузал унлар қоронгилик бағрига сингиб, кечани сокин аллаларди...

Бу Абдуқодирнинг ҳозирга қадар яратган ижод намуналари орасида энг яхшиси эди. Унинг ўзи ҳам айна дамда дилрабо куй ва оҳанглар қанотида еттинчи фалақда сузиб юрарди.

...Абдулқодир Қумрининг муҳаббатини умрининг энг гуллаган дамларида елиб утган шаббодага қиёслар, фақат фожиа билан тугаган бу савдонинг қадарли хаёлларини ҳар доим узидан йироқлатишга уриниб келарди. Бирор марта исмини айтиб чақирмаган бўлса-да, у гузал чиндан қумрига — митти, хушалҳон қушчага ўхшаб кетарди.

Бастакор аввал бу илоҳий севгисига қайтишни, Қумрини ёдга олишни истаганди. Бироқ бу севгининг ҳадик ва ҳаяжонидан қурқарди ҳам. Уша қизнинг муҳаббатига лойиқ эмаслигини, ун-

га муносиб жавоб беролмаслигини ўйлаб, бу севгидан ўзини олиб қочган, бу муҳаббат самара бермаслигини ўйлаб, ўзини, келажагини алдаганди у.

Кейинчалик бунинг имконсизлигини тушунди. Самарқандда яшаган йиллари Қумрини ўйлаб, тунларни бедор ўтказадиган бўлди. Ватани, яқинларининг соғинчи уша қизнинг тимсоли қиёфасида намоён бўлар, уни ҳаяжон ва андуҳга соларди.

Қишлоқма-қишлоқ, юртма-юз кезиб Қумрини излади. Уни топиш умидида Самарқанддан Бағдоду Арбилгача булган жойларни кезиб чиқди. Гўёки у қиз ҳеч қачон бу ёруғ оламда булмаган, тугилмаган, яшамагандек эди. Шу тариқа Амир Темурнинг неварасига бағишланган бу асар ўзи билмаган ҳолда “Навои Қумри”га айланганди.

Абдулқодир бу қушиқни қўлига қалам олиб ёзмаганди. Бу оҳанглар унинг руҳидан, қалбидан сизиб, илоҳий ижод маҳсули ўлароқ майдонга келганди. У барча ҳисларини, туйғуларини борлигидан сиририб, куйга айлантирганди. Бу қушиқ эмасди. Мусиқа эмасди. Уни эшитиб бўлмасди. Тинглаган одам борки, руҳи, бутун борлиги титроққа тушар, инсон эканини, дард ичида тугилиб, ўлгунча қайғу кўланкасида яшашини англаб етарди.

Ҳозир мусиқани тинглаган ҳар киши унинг садолари, оҳанглари ичида яширинган илоҳий ишқни туяр, бу севгининг буюклиги, азамати ва қудратини тан оларди.

Бастакор Қумрининг сарой боғчаси яқинидаги ҳарамда, қоронги ҳужранинг қалин пардали деразаси ортида утирганидан, бу маҳзун сасларни юрак қонига сингдираётганидан беҳабар эди. Йил-

лаб ахтаргани — узидан бир неча қадам нарида, чақирса овоз етадиган жойда пинҳон эканини қаердан ҳам билсин у шўрлик? Билмасдики, айна дамда соҳир куйнинг ўзига аталганини англаган қиз ўз ёғида ўзи қоврилар, номсиз ҳислар ҳароратидан тобора эриб борарди.

Бу илоҳий таронанинг қудратига таслим бўлган Мироншоҳнинг қалбидан йиллар давомида эгаллаб олган қаҳр ва кибр ғуборлари тузғиб, уларнинг урнини аллақандай софлик, бегуборлик ола бошлаганди. Унинг қулоқларига шу нафис оҳанглардан бошқа нарса кирмас, кўзлари ноаниқ кенгликларга маҳзун термилиб қолганди.

— Ким билсин, бизнинг қисматимиз қандай яқун топаркан?

Беихтиёр унинг лабларидан учган бу сўздан Абдулқодир ажабланди. Бу қандай сўз бўлди? Наҳотки қудратли ҳукмдор, буюк фотиҳнинг ўғли ўз қисматидан хавотирда бўлса?

...Илкис Мироншоҳ тахтидан қалқиб туриши билан мусиқа тўхтаб қолди. Ҳали мусиқа таъсиридан чиқолмай турган мажлис аҳли ҳам саросима ичида ҳукмдорга тикилди. Мироншоҳ бояги, мусиқа тинглаётган чоғдаги ҳалим қиёфасини буткул унутганди. Қатъият чақнаб турган кўзлари бастакорга қадалди:

— Бу қушиқ кимга аталган?

Бастакор кутилмаган саволдан узини йўқотиб қўйди. Аълоҳазрат нега буни энди сўраяпти? Асар унинг ўғлига аталганини шоҳ билмасмиди? Агар билмаса, бу кеча, тараддуд ким учун курилди?

У узини имкон қадар қўлга олишга тиришди:

— Шаҳзода жавонмард Султон Халилнинг шарфина ёзмишам, онҳазрат!

— Не жасорат ила менга ёлгон сўйларсен?

Абдулқодирнинг хаёлига ҳам келмаган бу айб-лов уни тамоман шошириб қўйди. Ранг-қути ўчди, нима жавоб беришни билмагани учун жим қолди.

– Бу асар муҳаббат ҳақидадур!

Мажлисда тош сукут ҳукм сурарди. Ҳамма на-фас олишга ҳам қўрқиб, суҳбатнинг қандай якун топишини кутарди. Одамлар буюк бастакорнинг Мироншоҳ газабига учраганидан афсуслана бош-лаган эдилар.

– Қушиқни қайтадин ижро этингиз! – деди Аб-дулқодирга юзланаркан.

Яна боғ узра мусиқанинг оромбахш садолари оқа бошлади. Ҳукмдорнинг юзига қайта бошлаган мулойимлик ижрочиларга ҳам илҳом бахш этди.

Султон Халил ҳам узига бахшида этилган му-сиқанинг сеҳридан маст эди. Бу соҳир садолар отасининг насиҳатлари ила бирмунча совиган ҳис-ларни яна аланга олдирганди. Самарқандда қолган Шодимулк бегимнинг ишқи яна унинг борлигини ўз измига солганди.

Ё Раб! Бу бастакор унинг дилидан утган туй-гуларни қандай сизди экан? Унинг ишқ қиссасини Абдулқодирга ким етказди экан?

Йигит ботинини остин-устун қилаётган бу саволларнинг азобидан узини қўярга жой то-полмасди. Бу мусиқани ҳозир Шодимулк ҳам эшитганида эди. Қизиқ, у ҳозир нималар қилаётган экан? Нималарни уйлаётган бўлса? Бобоси уни ўлдириб юбормоқчи ҳам бўлганди. Бир амаллаб уни улимдан асраб қолди. Энди унинг ҳаётини ким қуриқлайди? Нега уни ажал остонасига қўйиб келди. Йўқ, айти дамда у Шодимулкнинг ёнида бўлиши керак. Шарт.

Султон Халил ўрнидан туриб, сездирмай маж-лисни тарк этди. Энди ҳеч қандай куч уни висолга



элтувчи йулдан қайтара олмасди. Мусиқа унинг-да қалбини афсунга солган, ўз изми-ихтиёрига олганди. У яширин йул билан саройдан чиқиб, отига минди. Арғумоғига қамчи босиб, ўзини худди тилсим каби ўзига тортаётган Самарқанд сари юзланди.



...Мусиқа тутагач, Мироншоҳ асар хусусида ўғлининг фикрини билмоқ учун унғ тарафига ўтирилганида ҳеч кимни кўрмади. Кўнгли бир нохушликни сезгандек, дарҳол хуфиябошини чақриб ўғлининг қаердалигини сўради. Кўз очиб юмгунча ташқарига чиқиб қайтган хуфиябоши Султон Халил отига миниб, саройни тарк этганини маълум қилди. Аҳволни тушунган Мироншоҳ соқчилар сардорига шаҳарнинг барча дарвозаларини, чиқиш йулларини ёпиб, ўғлини ортга қайтаришни амр этди. Аммо, энди бундан наф йўқ, Султон Халилнинг оти қанот чиқариб учганди.



---

## **КОМРОН НАЗИРЛИ**

Комрон Исмоил ўгли Назирли 1958 йил 19 июнда Астара шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. 1980 йилда Озарбойжон Давлат чет тиллар институтини битирган. Озарбойжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. “Севги эртаги”, “Қадрдонлар орасида”, “Шайтон ёғдуси”, “Комадаги одам” сингари асарлари чоп этилган. Дунё адабиётининг бир қатор улмас асарларини она тилига таржима қилган. Филология фанлари номзоди.



## ҚЎРҚИНЧЛИ МУҲАББАТ

“...Озодлик деганлари шуми? Турган-битгани қўрқув ва таҳлика-ку!” Бу сўзларни кўнглидан кечирган новча, қотмадан келган одам адоқсиз қишлоқ йулида кетиб бораркан, бутун борлигини қамраб олган ваҳимадан халос бўлмоққа ошиқарди. Бир оз аввал миясидан бошқача уйлар кечаётганди. Ҳаммаси қабристон тарафга бурилганидан кейин бошланди. Ногоҳ кимдир уни орқадан чақиргандек бўлди. Угирилиб қаради. Ҳеч зог кўринмасди. Яна уша овоз. Бу сафар жуда яқиндан эшитилди. Яна одам қорасини кўрмади. Юришини секинлатган пайти ортидан қадам товушларини эшитди. Кескин ҳаракат билан қайрилиб боқди ва...

Худо ҳаққи, нимадир кўрдими-кўрмадими, худди юрагининг ичига биров бир парча муз тиқиб қўйгандек бўлди. Кейин эса қўрқувдан узини йуқотди.

Турмадан чиққанлар озодликда юрганлардан кўра жасурроқ бўлишади, қўрқув, ваҳима каби ҳисларга уринсиз нарсалардек қарайдилар. Илгари у ҳам шунақа деб уйларди... Шу оқшомга қадар. Аввалига орқадан овоз эшитганида қарагиси ҳам келмаганди. Чунки бу паллада кимдир у билан ҳазиллашишга журъат этолмаслигига амин эди. Аммо, сўнгги маротаба орқасига угирилиб, измаиз келаётган фариштасифат, ўзидан икки баравар узун, оппоқ либосга бурканган қанотли мавжудот унга етай-етай деб турганини кўрди-ю, оёқларига титроқ кирди, баданини совуқ тер босди. Шундан кейин орқасига қайрилмади ва қочишга тушди. Таҳлика ичида паст овозда сўкинганини ҳам сезмай қолди. Ҳибсдалигида ҳам бунақа қўрққан пайтини эслолмайди. Қамоқда кечган ўн беш йиллик умри давомида биров унинг изига тушишга

журъат қилолмаганди. Бироқ, шу муддат ичида бунақа баҳайбат ва антиқа, қанотли одамга дуч ҳам келмаган эди. Ўзи бу махлуқ қаердан пайдо бўлиб қолди ва нима учун унинг пайига тушдийкин?

Қишлоқ йули унча узоқ эмасди. Аммо, қоронғи бўлгани учунми, жуда чузилиб кетгандек туюлди. Бахтга қарши уч кундирки қишлоқда чироқ йуқ эди. Кеча кечқурун турмадан чиқиб, киракаш машинага ўтирганида ҳам қишлоққа тун ярмидан оққанда кириб боришни кузлаганди. Одамларнинг кузига кўринмагани маъқул. Бирортаси кўриб қолгудек бўлса, “Мирзаматнинг угли бор-ку, Заҳиманинг нишонлиси Ёварни пичоқлаган йигит, уша турмадан қайтибди” деган овоза бир зумда бутун қишлоққа тарқалади. Ҳар хил гап сузлар кўпаяди: “Нега қайтибди? Қайси юз билан қайтибди?” Ахир роппа-роса ун беш йил олдин судда ҳам қариндош-уруғлари унга роса маломат қилишганди-ку: “Бизни шарманда қилдинг, юзимизни ерга қаратдинг, битга қизни деб одам ўз амакиваччасини ҳам улдирадими?”

Рост, Заҳиманинг унда кўнгли бор эди, аммо Ёвар орага тушди-ю, иш бузилди. Ота-онаси қизини Ёварга берадиган булди. Қизнинг кўнгли билан эса ҳеч ким ҳисоблашиб утирмади. Ёварнинг катта акаси Илёс, онаси Куброхоним шу қизни келин қилмасак қўймаймиз, деб икки оёқларини бир этикка тиқиб олишди. Шундан кейин эса... орада хунрезлик юз берди. Қариндошлар орасида қон даъвоси тушишига унинг ўзи сабабчи бўлди. Суд пайтида қизнинг, Ёварнинг акалари унга “Турмадан чиқсанг, қишлоққа қайтиб ўтирма, бу ерда сени тирик қўймаймиз”, дейишган эди.

Йул-йулакай ҳаммасини ўйлаб келди. Бироқ, қишлоққа кеч қайтишининг ўн беш йил аввалги суд залидаги таҳдидларга ҳеч қандай алоқаси йуқ

эди. У энди ҳеч бир бандадан қурқмайди. Қамоқ унга қурқмасликни, жасурликни ургатди. Дийдасини қотирди. Турмадаги сафдошлари унга бежиз “Темир одам” деган лақаб қўйишмаганди. Чунки асаблари темирдек мустаҳкам эди. Темир одамни маҳв этишга кимнинг қуввати етарди? У биринчи навбатда Заҳимани кўрмоқчи эди. Ахир севгисини ўн беш йилки, юрагида ардоқлаб, сақлаб келарди. Энди уша тутқун муҳаббат ҳам эркинликка чиқмоқни истайди. “Менинг қалбимда ҳам, миямда ҳам фақат эркин, озод севги яшайди. Мен қишлоққа уша севгини деб келяпман”.

Боя қабристонга етгунича ана шундай ширин, сирли ҳислар қуршовида қушдек учиб келди. Қишлоқда фақат бирров онаси билан кўришади, холос. Заҳимани олиб, шу оқшомнинг ўзида Россияга жўнайди. Ёнида билети ҳам бор. Бўлмаса, бу ерларга қайтиб келмасди ҳам. Уни қишлоққа судраган ҳам ана шу севги. Озодликдан ҳам ширинроқ булган севги. Қизиқ, ҳозир Заҳима нима қилаётган экан? Баъзан миясига турли нохуш ўйлар келар, шунда юраги газаб ва нафратга қоришган рашк билан тулиб тошар, кимдир айни чоғда Заҳима ҳақида бирор ёмон гап етказгудек бўлса, уни пичоқлашга ҳам тайёр эди. У ўз муҳаббатини бир йўла ўлдириш ёки қайта тирилтириш шавқида ёнарди, вассалом.

Йўл ҳам тугай демасди. Ғалати. Худди чиридоқлар ҳам ухлаётгандек, итлар, мушуклар, шоқоллар ҳам кўзга кўринмайди. Тиқ этган садо йўқ. Ҳаммаёқ соқов сукунат, басир зулмат қўйнида. Қишлоқ ҳам шунақа улимтик бўладими?

Шу фурсатда бояги қурқинчли куланка уни чақирди:

– Шу пайтгача биров мендан қочиб қутулмаган. Тухта!

Темир одам яна қўрқиб ортига боқди. Ҳеч ким кўринмасди. Қоронғи, кимсасиз йўлнинг қурқуви янада шиддатли тус олди. Қадамлари бир оз секинлашди. Йўқ, орқадан кимдир келаётганди. Кимнингдир залворли қадам излари уни зимдан кузатиб келарди.

“Бу нимаси? Мен алаҳсираяпманми ёки кимдир мени таъқиб қияптими? Ёварнинг қасосини олмақчимми?”

– Сенга айтяпман, тухта! Мендан қочолмайсан!

Яна ўша овоз. Кўринмас овоз! Ё Раббий! Бу овоз қаердан келяпти, ўзи?

У дафъатан қадамини тезлатди. Оғзидан учаётган сўкишлар ҳам қалтислашди.

– Вой энангни... Мендан нима истайсан ўзи, лаънати? Менга топшириб қўйганинг бормиди, даюс? Сенга айтяпман, мени тинч қўймайдиган бўлсанг фалон-пистондақа қиламан, – дея гуёки ўзига таскин бермоқчидай сукинди.

Қара-я! Ўн беш йил турмада “авторитет” булган одам, келиб-келиб қишлоқ йўлида бир куланкадан қўрқиб утирса-я? Ким ўзи бу куланка? Кундуз бўлганида-ку, нақ энасини кўзига курсатиб қўярди-я! Башарасини эзгилаб, ичагини бошига сала қилмасмиди?

Мана, ўз ҳовлисининг дарвозасига ҳам етиб келди. Дарвозани бир зарбада очиб, ўзини ичкарига олди. Бу уларнинг ҳовлиси, бу ерга ҳеч қанақа кўланка-пуланка келолмайди. Ҳар қалай ўз уйинг — улан тўшагинг-да! Темир одам хом гиштдан тикланган пастак уйнинг чап тарафидаги тутнинг бир шохини синдириб олди-да, орқасига ўгирилди. Йўл бўйи унинг кетидан қолмай келган қўрқинчли куланкадан ном-нишон йўқ.

Темир одамни совуқ тер босди. “Мен яхшигина алаҳсирадим, чоғи”, дея уйлади. Уйнинг тоғ томонга қараган (тоғ сарисидаги) деразадан заифгина

шуъла кузга ташланарди. Темир одам ёш боладек кувониб кетди. “Онам ҳали ухламабди”.

Эшикни очиб, ичкари кирди. Онаси бурчакдаги сандиқ ёнида, эски чорпояда ётган эди.

– Ойи, мен келдим. Ойи деяпман, туринг ўр-  
низдан.

Онаизор устидаги адёлни жаҳд билан улоқти-  
риб, турмоққа чоғланди. Темир одам тиз чўкиб,  
онасининг оёқларидан қучди.

– Ойижон, мен қамоқдан чиқдим.

– Айланиб кетай болагинамдан. Онагинанг ўр-  
гилсин, бир оғиз хабар қилмапсан-да, а? Ўн беш  
йилдан бери йўлингга кўз тикаман-а, қузичоғим.  
Бу қоронги зимистонда қандай келдинг, ўг-  
лим. Уч кундан бери тукни узиб қуйишган. Гу-  
ристондаги гурчуп були-иб утирибмиз-да, болам.  
Кундузгинада кемапсан-да, онагинанг қоқиндиқ.

– Ойи-и, нимадан қўрқаман? Ёш боламанми?  
Айтганча, Заҳима яхшими? Қаерда ҳозир?

– ...

– Нега жимсиз ойи? Нима... эрга тегиб кетдим?  
Кимга?..

– ...

– Ҳозир ёриламан, ойижон, гапирсангиз-чи?

– Заҳима... қушни қишлоқда, – деди онаизор  
аранг ўзини қўлга олиб.

– Демак... тегиб кетибди-да! Кимга тегди? –  
Темир одам газабдан ўзини босолмай ер муштлади.

– Анави... раҳматли амакиваччанг... Ёварнинг  
акасига... Илёсга! – онанинг овози титраб кетди.

– Оҳ ярамаслар, беномуслар! Мен ҳали у ит-  
ваччага кўрсатиб қуяман. – Шундай дея ўйдан  
ўқдек учиб чиқди.

– Онанг ўлсин болам, қаёққа? Худодан қўрққин,  
жон болам. Яна бир балони бошламагин, жон ўғлим.  
Тухтасанг-чи, вақти бемаҳал қаёққа кетдинг?

Темир одамнинг қулоғига бу гаплар етиб бормади. Ошхонада осиглиқ турган гўшт чопадиган болтани олиб, шартга кўздан йўқолди. Бояги қўрқувдан урвоқ ҳам қолмаганди. Унинг кўзлари йўлбарсникидек ваҳшиёна чақнаб зулмат бағрига санчилди. Шу лаҳзада ўша беномуслардан бирига дуч келгани ҳамона чопиб ташлашга аҳд қилганди.

Номус туфайли қамоққа тушганларга турмада айрича муносабатда бўлишади. Онаси, синглиси ёхуд хотинини оёқости қилганларнинг адабини бериб, панжара ортига тушганларга ҳамиша алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатишади. Турманинг ана шундай ёзилмаган қонунлари кишига ўзгача кучқувват бағишлайди. Бемалол нафас оласан, ҳатто ўзингни қамоқда эканингни ҳам унутиб қўясан, иззат-ҳурматинг жойида бўлади, дахлсизлик ҳуқуқинг таъминланади. Темир одамнинг жинояти бошқача хусусиятга эга эди. Очиги, унга аввалига қандай мақом беришга ҳам иккиланиб қолишди. Темир одамни нимага қамашганди ўзи? Бир қарашда унинг жинояти номус категориясига туғри келмасди. Бу ҳолатни шунчаки қотиллик дейиш мумкин эди, холос. Қамоқдаги дастлабки ойлар Темир одам учун бир оз қийин кечди. У қотилликни нима учун, ким учун содир этганини ҳам аниқ-тиниқ изоҳлаб беролмаганди.

“Разборка” узоққа чўзилди ва ниҳоят, Темир одамнинг иродаси ва кучи соясида турма ҳаётининг ёзилмаган қонунлари қаторига қўшимчалар киритилди: севги туфайли содир этилган жиноятлар ҳам номус категориясига киритилсин. Заҳимага булган телбавор муҳаббати уни ўн беш йил муддатда озодликдан маҳрум этди. Ўн беш йил. Валлоҳ-биллоҳ, бу ўн беш йилда дунё ва ундаги нарсалар бир неча бор турланди, аммо унинг



Заҳимага бўлган севгиси бир мисқол ҳам озайгани йўқ. Унинг қалбида биргина ният бор: уни қидириб топиш ва у билан қўшилиб Россияга қочиш. Тугри, бир неча марта қишлоққа хат ёзди (гарчи, хат ёзишни жини суймаса-да), аммо жавоб қайтмади. Ё хатлар етиб бормаган, ёхуд унга етказишмаган. Нима қипти? Кутиш лозим. Унинг назарида Заҳима ҳам худди шундай фикрда бўлиши, эрга тегмаслиги, уни кутиши лозим эди. Унга “ҳа” деганди, севгисини қабул қилганди, “севаман” деганди. Лекин ота-онаси Темир одамдан кура бойроқ, саводлироқ бўлгани учун қизни зурлаб Ёварга унаштирдилар. Ёварни улдирди, эҳтимол, бошқа одам бўлганида ўлдирмасмиди? Ёвар курабила туриб ўз амакиваччасига нисбатан номардлик қилгани учун жазосини олди.

Энди унинг акаси номардлик қипти. Темир одамнинг лаблари титрарди. Тун зулматида кўзига Заҳимадан бўлак ҳеч ким кўринмасди.

Илёсларнинг уйи қишлоққа кираверишда, тегирмоннинг унг тарафида эди. Тегирмондан бир неча юз метр нарида кичкина бир емакхона бор эди. Емакхона ҳовлисидаги манқал учирилган бўлса-да, у ердан тутун буруқсиб турар, аллақандай бадбўй ис куйган гушт ҳидига қўшилиб атрофга тараларди. Афтидан, бир оз аввал бу ерда кимлардир ўтириб овқатланган, суяк-савоқларни ён-атрофга иргитишганди. Яқин-орадаги қишлоқ чиқиндихонасидан келаётган нохуш ислар кунгилни оздиргудек буларди. Бу ис емакхонанинг ёнидан ўтиб кетаётган Темир одамнинг асаб торларини таранглаштириб юборди. Керакли ҳовлини топиб боргач, эшикни зарб билан тепиб очди. Айвонга қанчалик шиддат билан отилиб чиққан булса, кутилмаган шовқиндан ичкари уйда ухлаётганлар шунчалик тез оёққа туришди. Илёс

ич кийимда бир қўлида мойчироқ билан эшикни очар-очмас, бир мушт билан ерга думалади. Темир одам эса қичқириб юборди.

– Ҳароми, ҳозироқ сени бурдалаб ташлайман.

Мойчироқ ерга тушиб чил-чил синди. Уй ичидаги палос ёна бошлади. Уйда бир зумда қиёмат қупди. Заҳима нима ҳодиса юз берганини тушунолмай қолди. Уйга бемаврид бостириб кирган бегона одамнинг нияти эрини ўлдириш эканини пайқаб, қурқув ва даҳшат ичида жойидан сапчиб турди. Аввалига болаларини уйлаб, ўзини уларнинг устига отди. Бу одам ким бўлишидан қатъи назар уларни ўлдириш учун келгани аниқ эди. Бемаҳалда бошқа ким ҳам бировнинг эшигини бузиб кирарди?

Илёс Темир одамнинг болта ушлаган қўлидан маҳкам чангаллаб олганди. Темир одам яна бор овозида бўқирди:

– Беномус итвачча! Сени ўлдираман!

– Заҳима шундагина бу овоз эгасини таниди ва олдинга отилди, кучи борича қичқирди:

– Уни ўлдирма! Қонсираган бўлсанг, мана, мени чоп!

– Сен болаларни олиб қочсанг-чи! Аждарни чақир, бу ит ҳаммамизни ўлдирмоқчи!

Хонада яккама-якка олишув бошланди. Заҳима яна чинқирди:

– Бизга раҳминг келсин, эримни ўлдирма!

Шу тобда атроф ярақлаб кетди. Чироқ ёнганди. Ҳамма турган ерида бир зумгина қотиб қолди. Заҳима Темир одамнинг кузларига тик боқди:

– Мана мен! Шу керакмиди сенга? Ўлдирма уни!

Темир одамни, гуё ток ургандек бўлди. У чап тиззасини ҳушсиз, юзтубан ётган Илёснинг елкасига босганча, болтани унинг боши узра кутариб

турарди. Қулидаги қуролни эндигина мўлжалга уришга чоғланган пайти чироқлар ёнди-ю, дафъатан Заҳиманинг очиқ сийнасига кузи тушди. Юрагига кимдир игна қадагандек булди. Аввалига Заҳимани танимади, бошқа уйга келиб қолдиммикин, деган хаёлга ҳам борди. Аммо, рупарадаги аёл Заҳима эди. Ун беш йил аввалги соҳибжамол, кокили тупигини ўпган, хипчабел, офатижон малак эмас, жин чалгандек куримсиз бир аёл турарди қаршисида. Фақат унинг овозигина ўзгармай қолганди. Ана шу овоз уни тўхтатиб қолди.

Аёлнинг қоқсуяк елкалари, маъносиз, ич-ичига ботиб кетган кўзлари атрофидаги сон-саноқсиз ажинлар, юзларини тўсиб турган паришон сочларисидаги оқ толалар қўққисдан ёниб қолган чироқ нурида унинг бутун вужудини илма-тешик қилиб юборди. Ерга тўшалган палоснинг ловуллаб ёнаётгани, олов болалари тарафга сурилиб бораётганини курган Заҳима бирдан ҳамма нарсани унутиб, чинқириб йиғлаётган болаларини ташқарига олиб чиқмоққа ошиқди, аммо кучи етмади. Олов эса худди оч буридай, бу торгина кулбада боягина дунёнинг ишларидан беҳабар ётган, кейин олатасирдан уйғониб, кўз олдиларисидаги даҳшатли сахна қаршисида дир-дир титраётган болаларни ютмоққа чоғланган эди. Эрини беҳуш, болаларини ночор аҳволда курган Заҳиманинг боши айланиб кетди ва уйнинг ўртасида мувозанатни йўқотиб, йиқилиб тушди.

Темир одам шу аснода мумдай эрий бошлади, қўллари бушашди. Заҳиманинг пахмоқ, оқ оралаган сочлари суяклари чиқиб турган очиқ елкаларини бекитмоқчидек беҳол тулганарди. Пешонасидаги ажинлар, юз-кўзларисидаги ғам-ғусса, сўлгинлик унинг ўтган ун беш йил давомида муддатидан анча аввал қарий бошлаганини кўрсатарди. Те-

мир одамнинг ўн беш йил аввалги муҳаббати ҳам бирданига кексая бошлади ва унинг ичида ўзига ҳам маълум бўлмаган ғалати бир туйғу бош кутарди.

Ахир, шу севги эмасмиди, умрининг энг гуллаган ун беш йилини панжара ортида кечиришга мажбур қилган куч? Ё Раб, у гузал, парирухсор Заҳимадан асар ҳам қолмабди-ку? Бу не бало эди? Ахир, инсоннинг ақлдан озиши ҳеч гап эмас экан. Наҳотки, шу таъвия довруғи етти иқлимга дoston бўлган малаксиймо Заҳима бўлса?

Заҳима ҳозиргина унга нима деди? “Севгимиз ҳаққи ҳурмати, уни кечир, дедими? Ё Аллоҳ, энди нима қилмоқ керак?”

Бирдан ҳамма-ҳаммаси бошқача тус олди. Парвардигорнинг ҳикматини кўринг! Темир одам куз очиб юмгунча Заҳимани қўлида кутариб, ҳовлига тушди. Уни астагина қудуқ ёнига ётқизиб, яна осмонга ўрлаётган аланга ичига узини урди. Болаларнинг юракни ларзага келтиргувчи қичқириқлари қудуқ ёнидаги тарашалар устида абгор ётган Заҳимани ҳушига келтирди. Аёл жон ҳолатда ўрнидан туриб, ихтиёрсиз фарёд солди:

– Вой до-од, мусулмонлар, болаларим куйиб кул бўлде-е-е! Ёрдам беринглар! Болалари-и-м!

Аммо, шу аснода курдики, Темир одам ҳар икки боласини қўлтиғига қистирганча уйдан чиқиб келяпти. Салгина илгари бу хонадонга қотил қиёфасида келган бу одам энди халоскорга айланган эди. У туппа-туғри қудуқ тепасига келиб, болаларни Заҳиманинг қаршисига ўтқизиб қўйди. Аёл икки жигарбандини бағрига босганча, пайдарпай ялаб-юлқашга тушди. Бу манзарани кузатиб турган Темир одамнинг қовоқларига куз ёш қадалиб ачиштира бошлади ва индамай дарвоза тарафга одимлади. Аммо, Заҳиманинг ногаҳоний ноласи уни тухтатиб қолди.

– Вой до-од! Болаларим етим қолди! Ким бор, қутқаринглар! Дадаси-и-и-и!

У бир лаҳза тараддуланиб қолди. Кейин бир оз ўйланиб тургач, илкис ортига қайтди ва яна тўппа-тўғри оташ бағрига ўзини урди. Ҳамон беҳуш ётган Илёсни кўтариб, ташқарига олиб чиқди ва Заҳиманинг оёқлари остига иргитганча, ўзини лаънатлаб кўчага отилди.

Илёснинг уйи ўт ичида қолганди. Сал бўлмаса, олов нариги хонага ҳам утаёзганди. Қишлоқ аҳлининг деярли тенг ярми шу ҳовлига тўпланган, ҳеч ким нималар юз бераётганини англолмасди. Эркаклар ёнгинни ўчиришга уринишар, аёллар Заҳимага тасалли бериб, болаларни овутишар, баъзилар эса Илёсни ўзига келтириш учун юзига шапатилашарди. Қўққисдан Илёс ҳушига келди. Сакраб турди-да, ҳали олов туташмаган нариги хонага ўзини урди. Куп утмай қўшотар милтиқни кўтариб чиқди. Одамлар унинг нима қилмоқчи экани тушунолмай туришарди, бошқалар эса ҳамон ўт ўчириш билан машғул эдилар. Заҳима эрининг мақсадини пайқаб, унинг йўлини тўсди. Ялинчоқ овозда пичирлади:

– Нима қилияпсиз, у бизни қутқариб қолди-ку!

– Йўлимдан қоч, қанжиқ, – қора қўзгундек ҳурпайиб олган Илёс милтиқ қўндоғи билан хотинининг елкасига айлантириб урганида, шурлик аёл орқаси билан йиқилди.

Ёнаётган уйдан шиддат ила узоқлашаётган Темир одамнинг бўғзидан кутилмаган ҳайқириқ отилиб чиқди. Ҳунграганча йиглаб юборди. Қаёқ-қа бораётганини ўзи ҳам билмасди. Дунё ва ундаги бор нарсаларни буралаб сукар, орқасига қарамасдан тез-тез юриб борарди. Севги йуқ нарса экан! Ёлгон экан! Ҳамма нарса қўрққулик экан. У фақатгина севгидан қўрқмасди. Ё Рабки, у ҳам мудҳиш ва қўрқинчли нарса экан. Демак, дунёда

озодликдан ҳам қўрқинчли нарса бор экан-да? У севги, ҳа севгининг ўзгинаси...

Кутилмаганда... Темир одамнинг кулгиси келди. Ўз-ўзидан кула бошлади.

Боя қишлоққа келаётганида уни изма-из таъқиб қилган шарпа яна ортида пайдо булганини ҳис қилди. Аммо, бунга аҳамият бермади. Бир мартагина орқасига қараб қўймадиям. У кулар, уятсиз сузлар билан сукинарди.

Кел, келавер, қани қўлингдан нима келаркин, Шайтон! Мен сендан қўрқадиганлардан эмасман. Энди мен учун ҳамма нарса кексайган, ўз маъносини, гузаллигини, тароватини йўқотган. Севги ҳам қариркан-да, севги ҳам ўларкан-да? Севги ҳам қўрқинчли тус оларкан-а? Темир одам худди ўз-узига гапираётгандек ғалати овозда ғулдираб борарди.

Буни қара-я! Шайтоннинг куланкаси! Хеҳ, одамни жа қўрқитиб юбординг-ку? Оладиганимни олиб булдим бу дунёдан, энди мени нима қилмоқчисан?

Худди шу аснода орқадаги куланка тарафдан иккита уқ овози эшитилди. Темир одам юзтубан ерга қулади ва қайтиб урнидан турмади.

## УЧ МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЮРАК

“Боинг” ердан узилди ва тахминан бир неча сониядан кейин унинг остига, яъни йўловчилар утирган салоннинг тубига таг тарафдан каттакон тош отилиб кетгандек булди: самолёт енгилгина силтанди. Йўловчиларнинг аксарияти силтаниш сабабини билганлари учун ҳеч ким самолёт ҳавога кутарилганидан кейин ғилдиракларнинг букилиши асносида эшитиладиган бундай шовқинга эътибор ҳам беришмади.

“VIP” аталмиш салонда нари борса, саккиз-туққиз киши кетаётганди. Салонни қоқ ўртасидан бўлиб турган нозик, сариқ ипак парда орасидан салоннинг нариги томони одамлар билан лиқ тўла эканини кўриш мумкин эди. Нариги тараф бир оз арзонроқ чипта олган йуловчилар учун эди. Вип-салоннинг сўл тарафидаги иллюминаторнинг зиҳига тирсагини қўйиб кетаётган малласоч гўзал аёл салгина аввал яхши ният билан хайрлашган Ерга — Нью-Йоркдек муҳташам ва азим шаҳарни бағрига олган муаззам Ерга тикиларди.

Унинг рўпарасида қулай ва кенгиш ўриндиқда хавфсизлик камарини маҳкам боғлаб олган, буйни узун кўйлак кийган кўзойнакли киши ерга кўз учида бўлса-да, қарашга қўрқарди: худди ўриндиққа михлаб қўйилгандек, жойидан қимирлолмасди. Бояги гилдираклар овози унинг ичини ҳам қаттиқ силкиб ўтгандек эди, ёнидан ўтган кузатувчи қизга:

– Мисс, э глэс оф ватэ плиз, – дея гализ талаффузда инглизчалаб мурожаат қилди.

– Олдингиздаги тортманинг тугмасини босинг, жаноб! У ерда ҳамма нарса бор, – кузатувчи қиз туркча жавоб қайтариб, нариги салонга ўтиб кетди.

Кўзойнакли киши кичкина, думалоқ кўзларини ҳозир уйғонган одамдек бир-икки марта пирпиратиб, қаршисидаги тортмани биринчи марта кўрди. Кейин эсига тушди: ахир бу Американинг самолёти-ку! Ўн йилдан бери шу тугмадан фойдаланиб келади, нега ёдидан кутарилди экан.

Тугмани босиб, тортмани очди: унда қуш сўтидан тортиб турфа хил ичимликларгача, қора, қизил икрадан қирғовул гўштигача, гоз жигаридан қилинган паштету хилма хил бутербродларгача бор эди. Устига “Жон дармони” деб ёзилган маъ-

данли сув идишининг оғзини очди. Бу сувни жуда ҳам соғиниб кетган эди.

Унинг қаршисидаги гўзал жувоннинг хаёли самолёт каби ҳалиям кук юзига сочилиб кетган оппоқ, тўда-тўда булутлар бағрини ёриб, юксакларга парвоз этарди. Шу боис эрининг қурққанини, чўнтагидан рўмолча чиқариб, пешонасидаги совуқ терни артиб ташлаганини курмади. Стюардесса қизнинг қачон ёнидан утганини, эри билан қисқача гаплашганини ҳам сезмай қолди.

Кўзойнакли киши сувдан бир қултум ичиб, ўзига келгандек бўлди ва бу ваҳимали овоз ҳар доим эшитавериб, қулоғи урганиб кетган гилдирак товуши эканини англади. У сунгги ўн йилда неча маротаба ва қай юртларга учганини билмайди. Лекин, бундай ҳолатга биринчи марта тушиши.

Кўзойнакли кишининг қулоқлари бошқа нарсани эшитганди. Унинг кичкина, қисиқ кўзлари ҳам бошқа нарсаларни кўрган эди. Бирданига кўзойнакли кишининг кўксига совуқ оралагандек бўлди. Беихтиёр қўлини кукрагига олиб борди. Шу топда унинг чап сийнаси узра салқин шабада елиб ўтди, гўё. Бу салқинлик бир зумда унинг вужудини эгаллаб, жунжика бошлади.

У олтмиш олти йиллик умри давомида бунақа нарсани ҳис этмаганди. Унинг аввалги, икки ой олдинги юраги ҳам бунақа тушуниксиз совуққа учрамаганди.

Эридан йигирма беш-уттиз ёшлар чамаси кичикроқ булган гўзал малласоч хоним катта, хуррам ва шаҳло кўзларини Ердан узди ва эҳтимолки, дунёдаги энг гўзал бу кўзларни ўша оппоқ, тўда-тўда булутлар чарчатиб қуйганди. Кейин дафъатан эрига ўтирилди.

– Сенга нима бўлди, Миша, – суради хавотирли оҳангда. (У эрини турмуш қурганидан бери Миша



деб чақирарди). Аслида эрининг исми Мамад булса-да, турк паспортида Меҳмет, рус паспортида Михаил, Америка паспортида Майкл, француз паспортида эса Мишель деб ёзилган эди.

– Ҳеч... Шунчаки юрагим увушиб кетди, – дея ҳалиги киши румолчаси билан пешанасининг терини артди.

Хотини бошқа ҳеч нарсани сўрамади ва булутлар тупини шиддат билан ёриб бораётган самолёт қанотларига юзланди. Аёл қанотларнинг силлиқ парвозидан, қалин булутлар орасини омонсиз ёриб бораётганидан қалбида чексиз завқ уйғонганини ҳис қилди. Бу завқ унга кечаги оқшомни эслатди.

Кеча кечқурун Лас-Вегасдаги энг машҳур юрак дўхтирларидан бири Пол Жексон ташкил этган кузатув маросимида врачнинг ўзи аёлни рақсга таклиф этгани ва эри Мамаднинг бунга назокат ила рухсат бергани, кейин ўша қари, аммо жушқин ва эҳтиросли дўхтир аёлнинг белидан қучиб, уни меҳрли ва сирли нигоҳлари ила кўмиб ташлагани ёдига тушди. Эҳтимолки, айни лаҳзада аёлнинг оқ ва маъносиз чеҳрасига дунёнинг энг гўзал табассуми қунди.

Ўшанда аёл умрида қора меҳнатга урилмаган, идиш-товоқ, кийим-кечак юлмаган нозик қўллари врачнинг елкаларига қўйди. Табиийки, профессор Жексон бундан бағоят мамнун бўлди.

– Мен сизнинг афсонавий гузалигингизга ва иродангизга қойилман, – дея кекса профессор мамнуниятини шу тарзда ифода этишдан чекинмади ва дарҳол қўшиб қўйди: – Озарбойжоннинг барча хотинлари сиздек гўзалми?

Аёл хаёл билан бўлиб, унинг охирги гапларини англаёлмай қолди ва ноқулай вазиятга тушмаслик учун:

– О йэс, сэр, – дея англизчалаб жавоб қайтарди.

Аёл эрининг юрагини уттиз-утгиз беш ёшли америкалик йигитники билан ўта моҳирона ал-маштирган бу машҳури жаҳон шифокорга сўнгсиз миннатдорлик ҳиссини ифода этишдан ожиз эди.

– Сизнинг эрингиз сабр-тоқатли ва жасоратли одам экан. Шунча амалиётга матонат ила бардош берди.

– Ўзингиз ҳам жуда довюрак одам экансиз, доктор. Афтидан, бу жасоратингиздан аёллар билан рақс тушаётганда моҳирона фойдаланар экансиз.

– Фақатгина гузал ва бардошли аёллар билан рақс тушаётганда жасоратли бўлиб кетаман, – кулди профессор.

– Биз сизни Бокуда кутамиз, – суҳбат мавзусини ўзгартиришга тиришди аёл. – Албатта, борасиз-а?

– Бораман, албатта, бораман, Озарбойжонни курмаганман. Келгуси йил бошқа бирор ишим чиқиб қолмаса, меҳмонга боришим аниқ.

– Профессор, сизга яна бир бор ташаккур билдирмоқчиман. Ҳаммаси учун. Сиз эримга қайтадан ҳаёт бағишладингиз. Худди ўзим ҳам қайта туғилгандекман. Сиз унинг бундан кейин камида яна ун йил яшашига кафолат бердингиз. Лекин яна бир нарсани сўрасам майлими?

Аёл бир лаҳза сўзсиз қолди.

– Буюринг, истаган нарсани сўрайверинг. Сизни безовта қиладиган ҳар қандай масала буйича савол бераверинг.

Аёл мамнуният билан кулимсиради ва бир қадар дадилланди. Бошини ўзидан анча ёши катта врачнинг елкаси узра эгиб, секин сўради:

– Эрим мен билан...

Профессор қаттиқ кулиб юборди. Унинг кулгисини сал нарироқда профессорнинг дўстлари

даврасида киви виносини ичиб утирган аёлнинг эри ҳам эшитди. Юз биринчи қаватни ўз измига олган классик мусиқа садолари бу кулгини эритиб юборолмади ва профессор айтдики:

– Албатта, азизим, албатта. Фақат сиздек гўзал аёл билан ҳозирча ойда бир марта...

Бу сафар ҳар иккови кулиб юборди ва рақс шу билан тугади. Бугун Нью-Йоркдаги ҳовлиларидан аэропортга қадар “Лимузин”да худди шу ҳақда кула-кула гаплашиб келишди. Мамад саквояжларни аэропорт ходимига топшираётган занжи ҳайдовчига ҳозиргина пул қирқадиган машинанинг оғзидан чиққандек қарсиллаб турган ўнга юз долларлик купюрани узатиб, назокат ила деди:

– Марҳамат, бу пулга бола-чақангизга ул-бул олиб борарсиз.

Шунда ҳалиги занжи ҳам Мамаднинг хотини қулидан ўшиб, рози ҳолда кетди. Аёл чет элларда эрининг ҳиммати ошиб-жўшиб кетишини куп кўрган бўлса-да, ҳар доим буни ҳайрат ила қабул қиларди. Самолётга мингунча эр-хотин шу тариқа анчагина пулни совуриб бўлишди.

...Мамад ҳануз юрагини чангаллаб борар, у айни дамда хотини ҳақида уйламасди. Ниҳоят, у ҳам узи тарафдаги иллюминатордан ташқарига боқа бошлади. Ҳали булутларнинг орасидан Ер тамомила йўқолиб кетмаган эди. Ён узра тикилган осмонупар бинолар, уларнинг пойида ўрмалаётган машиналар игнанинг тешигидан утадиган даражада кичрайиб борарди. Бора-бора улар кўз илғамас даражада майдалашиб, кўздан гойиб булди.

У энди Боку ҳақида ўйларди. Ўйлардики, ҳали олдинда узун йўл турибди. Бу йўл осмон йулидир. Самода на бекат бор, на светофор. Ер эса аллақачон кўринмай кетган. Ана шуниси хавфли, кўрқинчли. Ҳа, агар баландликка чиққан бўлсанг

ва юксакликдан ҳеч нарсани курулмасанг, бу жуда қўрқинчли. Шу қўрқув унинг бутун жонини ва сийнасида уриб турган американча юракни ҳам титратиб турарди. Балки шунинг учундир, энди унинг кукларга учишга ҳаваси қолмаганди. Бу парвозлар уни ҳолдан тойдирганди.

Утган йили ҳам хизмат сафаридан қайтаётганди. Бехосдан юраги хуруж қилиб қолди. Самолёт Парижга қундирилди. Шифохонага олиб боришди. Врачлар юрагингиз яроқсиз ҳолга келибди, алмаштириш керак, дейишди.

Шундан кейин эр-хотин янги юрак қидиришга тушишди. Лас-Вегасдан топишди. Яхшиямки, Полнинг клиникасида лас-вегаслик бир йигитнинг юраги ҳали сотилмай турган экан. Ҳаммаси осон кўчди. Аммо, айна дақиқаларда Мамад озарбойжонлик эркак сингари фикр юритар, америкалик каби ҳис этарди. Хотини сураб қолди:

– Миша, юрагинг қалай?

– Отдай.

Бирданига Мамаднинг кайфияти кўтарилиб кетди ва унинг дилини гаш қилиб турган чучмаллик ҳам йўқолди-қолди. Агар нариги тарафда утирган галстукли ишбилармон киши ёки хотинининг орқасида утирганча “Вашингтон Пост”ни варақлаётган ёшгина йигит ёхуд бурчақдаги креслоларда нима ҳақдадир гап сотаётган италиялик чол-кампирлар бўлмаганида, хотинини рақсга тортган бўларди: худди Полнинг уйидагидек.

– Уч милёнлик юрак булади-ю, отдай бўлмасинми? Ўзинг ҳам худди йигитлардек кўриняпсан кўзимга. Бокуга боргунча ўзингни сақла. – Хотини эрининг кўнглидаги гапларни уққандек айёрона кўз қисиб қўйди.

– Соғиниб кетдим... – деди эр эҳтиросли паст овозда.

– Меними?

– ...

– Нега илжаясан? Ёш юракни орзу қилардинг. Ниятингга етдинг. Энди... нима қилмоқчисан?

– Сара, Бокуга қўнишимиз билан туғри Марда-конга кетамиз.

– Тинчликми?

– Борсак, биласан.

– Қундуз-чи?

– Қундуз ойнинг ун туртинчисида келади.

– Йўқ, кеча Лондон билан гаплашдим. Уйда йўқ экан. Мира айтдики, дарсдан ҳали қайтмабди. Билетни ун иккинчи кунга олган.

Қундузни утган йили уқишга юборишган. Аёл Лондондан углига уй олиб берганидан кейин бир ҳафталик дам олиш учун Руминиянинг Канстанция шаҳрига учди. У бу шаҳарни жуда ёқтирарди.

Чарчаганди. Қора денгиз соҳилида бир оз кунгил ёзмоқчи бўлди. Истироҳатнинг иккинчи куни “ёввойи пляж”да Мира исми румин қизи билан танишди. Қиз иссиқ қум узра онадан энди тутилгандек ястаниб ётарди. Унинг тавсифлашга тил ожиз бўлган бадани, сийналари, оёқлари аёлни мафтун этди. Шу кунга қадар у ўзини дунёдаги энг гузал аёл деб биларди. Румин гузали қаршисида бу фикри ботил эканини тан олди.

Маълум бўлишича, Мира ўзига иш қидириб юрган экан. Яна қаердан — Англиядан. Аёл дарҳол унга Лондондаги уйида хизматчилик қилишни таклиф этди. Қиз ойлик иш ҳақи учун беш минг фунт-стерлингга рози бўлди. Эртаси куни шу вақтда Мира Лондонда, Қундузнинг қўйнида нозланиб ётганди. Аёл углига шундай гузал хизматкор топиб берганидан бағоят шод эди.

– Майли, унда Нувхонидаги уйимизга борамиз. — Мамаднинг кўзлари порлаб кетди.

– Нега энди?

– Борсанг биласан-да!

Аёл кулимсиради. Эрига бошдан-оёқ назар солди. Кейин пичирлади:

– Яхшиси, аэропортдан бира-тула Нефттошга учамиз. Бир кеча уша ердаги уйимизда қоламиз. Денгизнинг уртаси... Сокин тулқинлар...

– Йуқ, азизим. Буни орқароққа сурамиз. Чуқур-юртдаги уйимизга борамиз. Эршодга айтамиз, Қундузга келганимизни билдирмай туради. Эртаси куни Бокуга қайтаверамиз-да!

– Бупти, жаноб уч милён долларлик юрак эгаси.

Эркак мамнун булиб бош ирғади ва Бокуга қадар Чуқурюрт ҳақида ўйлаб кетди.

...“Боинг” қунишга ҳозирланарди. Мамад энди оқ куйлак ва галстукда эди ва деразадан пастга боқарди. Самолёт Ерга яқинлашаркан, унинг юраги яна безовта ура бошлади. Самолётнинг тезроқ ерга қунишини истарди. Қуниш йўлаги ва самолёт орасидаги масофа қисқаргани сари ердаги бинолар, йўл четидаги дарахтлар, кучалардаги машиналар катталаша бошлади. Унинг кўз ўнгида ҳамма нарса секин-аста улғая борди. Ва умрида биринчи дафъа юқорига кўтарилган сайин ердаги нарсалар кичик, бачкана ва маъносиз булиб қолишини англаб етди. Лекин Ерга яқинлашган сари ҳар бир нарса катталашади, мазмун-моҳият касб эта боради. Тавба! Кўкдаги маъносиз бушлиқ наҳот зериктириб қўймаса? “Жуда бездим, тезроқ қўна қолмайдими?”

Қунишди. Уларни аэропортда кутиб турганлар орасида мухбирлар ҳам бор эди. Мухбирлар ҳид билган каби унга савол кетидан савол ёғдира кетишди:

– Жаноб вазир, операция қандай ўтди?  
– Юрагингизни алмаштиришгандан кейин ўзингизни қандай ҳис этяпсиз?

– Шифокорлар сизнинг яшаб кетишингизга кафолат бердиларми?

– Юрак алмаштириш қанчага тушди?

– Уч миллион доллар пулни қаердан олдингиз?

Бу саволларнинг баъзиларига хотини жавоб берарди. Мамад ёрдамчилари ва мухбирлар ихотасида шошила-шошила уни кутиб турган шахсий вертолётни томон борар, ора-сира Саранинг қўлидан тутиб, ўзи томонга тортарди. Кейин ёрдамчиларидан бирига юзланди:

– Қундуз келиши билан уни кутиб ол ва уйга бошлаб кет, эрталаб биз шаҳарга қайтиб келамиз.

Вертолёт ердан узилди ва яна кўкка парвоз қилдилар. Фақат фарқ шунда эдики, вертолётнинг ойнасидан ҳамма нарса аниқ-тиниқ куринарди: одамлар, қўй сурувлари, дарахтлар, уйлар, бинолар, катта-кичик чодирлар тикилган қочоқ манзилгоҳлари ва ҳоказо.

Бокуда ва Чуқурюртга қадар йўл бўйи курганлари кўз унгидан яшин тезлигида ўтар ва ҳар замонда Сарага дер эдики: “Валлоҳи, Эршод тўғри айтаркан, кезмоққа қурба, ўлмоққа Ватан яхши, деб...”

Пилот боши билан тасдиқласа ҳам, у аслида бошқа нарсани уйларди. Тахминан мана бунақа: “Бунини Эршод эмас, ундан минг йиллар бурун отабоболаримиз айтган” ёхуд “Пулинг булса, ҳамма жой сенинг Ватанинг, пул билан ҳамма нарсани, ҳатто сенга ўхшаб юракни ҳам алмаштириш мумкин”.

Вертолёт туппа-тўғри ҳовлининг ўртасига қунди. Эр-хотин тушиши билан яна ҳавога кутарилди. Чуқурюртда уч қаватли ҳашамдор дала-

ҳовлининг хизматкори, қорамағиз, истараси ис-  
сиқ қиз уларни тавозе ила қаршилади. Маммад  
жиддий қиёфада бош ирғаб унинг саломига алик  
оларкан, чўнтагидан ўн доллар чиқариб, қизга  
узатди:

– Сона хоним, сен бундоқ қил. Бугун меҳмон-  
хонага бориб ёт, эрталаб ўн бирларда келарсан.  
Бу кеча бизга халал беришинг мумкин.

Сона хоним пулни олмади. Ич-ичидан хожа-  
сини қарғади: “Юзингни ел олсин, илойим. Эр-  
талабгача улигинг чиқсин. Икки ойдан бери йў-  
лингни пойлайман, уйингни қуриқлайман. Итдек  
садоқатим учун сендан эшитганим шу бўлдим?  
Юрган йўлингни йитиргин, илоё”.

Кейин лабларини қимтиганча, хайр-хўшсиз ку-  
чага чиқиб кетди. Мамад Сарага утирилди.

– Қорни тўйиб қопти, чоғи. Чет элликларнинг  
маданиятига қара-ю, ўзимизнинг одамларга боқ.  
Тавба қилдим-эй! Одамга ухшаб яшагилари ҳам  
келмайди. Эртагаёқ лаш-лушини қўлтигига қис-  
тириб юбор. Қорасини учирсин!

Сона хоним эртаси куни келмади. Тўғрироғи,  
саҳарлаб бутун мамлакатга жуда нохуш бир хабар  
ёйилди. Газеталарнинг биринчи саҳифаларида  
тахминан қуйидаги сарлавҳалар пайдо бўлди:

“Озарбойжон вазири юрак хуружидан вафот  
этди”. “Вазирнинг американча юраги уришдан  
тўхтади”. “Ҳаво нозирига ҳаво етишмади”. “Сара  
хоним америкалик шифокорни судга бермоқчи...”







---

## ЭЛЧИН ХУСАЙНБЕЙЛИ

Элчин Хусайнбейли (Қорачуха) 1961 йилнинг 23 декабрида Жаброил туманида туғилган. 1989 йилда Москва Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. “Балиқ одам”, “13-ҳаворий — 141-Дон Жуан”, “Шоҳ Аббос”, “Рақсга тушаётган ўғлон”, “Метро водийси” сингари китоблари чоп этилган. “Юлдуз” адабий-бадиий журналининг бош муҳаррири.



## ЎТИШ ДАВРИНИНГ ТОВУҒИ

Мен ўтиш даврининг одамиман. Бу даврининг ҳамма қоидаларига амал этаман. Электр ҳақининг ҳам туртдан бирини тўлайман, шунинг учдан бирини ҳисоблагичдан ўчириб ташлайман. Албатта, инсоф билан. Эшикка келган “электрчилар”нинг ҳам бола-чақаси бор. Давлатга қийин бўлмасин дейман. Тугри, ўтиш даврига оид вазифаларим бу билан битмайди.

Ўтиш даврининг одами сифатида эшик қоққан одамнинг кимлигини билиш учун тўйнуқдан мўралайман. Чунки ўтиш даврининг одами уйига келган одамнинг кимлигини билиши керак. Сув, канализация, газ пулини йиғиб юрадиганларнинг ҳаммасини танийман. Ҳар гал битта баҳона билан уларни орқага қайтараман. “Ўйнинг эгаси уйда йуқ”.

Эшик одамлар учун аксилробита, эҳтимолки, робита воситаси ҳамдир. Яхшиям эшик бор экан. Бўлмаса, лулиларга ўхшаб пул йиғиб юрган одамлар кўз очиргани кўйишмасди. Улар эшик ортида туриб, ўтиш даврининг талабларига мувофиқ менга “ишонадилар”.

Яъни, ишонишга мажбурдирлар. Ўтиш даврининг боласига нима дея олардилар? Нима, бизам қонун-қоидани билмаймизми? Уларни ҳам ўзимиз тузганмиз-ку? Ўтиш даврининг конституциясига, депутатларига... ҳаммасига ўзимиз овоз берганмиз. Фуқароларнинг суз ва мулк эркинлигини ўзимиз қўллаб-қувватлаганмиз.

Баъзида ўтиш даврининг тушларини кўраман. Тасодифан топиб олган бир дипломат долларни сарфлашга тушаман, падарлаънати шунақа тез тугаб қоладики... Одамнинг оч-яланғоч қариндошуруғи, хеш-ақрабоси, таниш-билиши бўлганидан

кейин шу-да? Кўрган тушларимни хотинимга умуман айтмайман. Булмаса, пулни беҳуда харжлаганим учун кунимни кўрсатадики, бунақа тушни кўрганим учун минг пушаймон буламан ва бундай туш кўрмасликка минбаъд қасам ичишим мумкин.

Пул масаласи — оғир масала. Чунки бизнинг оилада алмисоқдан бери, туғрироғи мен ақлимни таниганимдан буён пул таъминотини туғри тушунмаганлар ва пулга худди эртақдек қарашган. Шунинг учун булса керак, мен тушимда топиб олган пулларимни ҳам тез сарфлаб юбораман, ҳаммаси эртақка айланади. Мен эса субҳдан шомгача, шомдан яна субҳгача (агар уйда бўлсам) хотинимга келгусида бойиб кетишим, уни пулга кумиб ташлашим ҳақида мароқли эртақлар айтиб бераман, ишонади бечора.

Гангстерлик амалиёти, олий мартабали одамлар билан учрашувлар, сулув қизлар қуршовидаги базму жамшидлар ҳам тез-тез тушимга кириб туради. Булар ҳаммаси бир оқшомлик роҳатим маҳсулидир.

Мен бунақа тушларни куп кўраман. Кўрмасам ўзим ташкиллаштираман. Купинча кўрадиган тушларим аввалдан тузилган сценарий асосида бўлади. Гоҳи-гоҳида аҳмоқона ҳикоялар ёзиб тураман. Сиз эса уларни соддалик билан ўқиб чиқасиз. Сиёсатчиларнинг дазмолланган гапларини ўқигандан кура, менинг ёзганларим қизиқарлироқ эмасми?

Баъзида мухолифатнинг пикет, митингларида шунчаки ҳуштаквозлик учун чиқиб тураман. Шунчаки эрмак-да буям. Имтиҳонлардан ўтиш учун домлаларга пора ҳам узатиб тураман.

Ана энди мақсадга кучдик. Биламан, сиз ақлли ўқувчи сифатида (менинг ўқувчиларимнинг

ҳаммаси ақлли одамлар) боядан бери тишингизни-тишингизга босиб, гапнинг индаллосига утишимни кутяпсиз. Туғри топдингиз, ҳикоям пора ҳақида. Хуллас, бир муддат нафас ростлаб, янги сатрга, асосий масалага ўтсак булар...

Бир куни эрталаб уйқудан турдим. Гапимни таҳрир қилишга уринманг. Ўзи камдан-кам ҳолларда эрталаб уйғонаман. Бўлмаса куннинг исталган пайтида кўз очишим мумкин. Бу дафъа эрта турдим. Аниқ эсимда, сут, қатик, қаймоқ сотадиган холаларимиз бутун “дўм”ларни бошларига кўтариб бақириб-чақиритарди. Биз тарафда бу опаларимиз ҳар қандай хўроз ёки будильникнинг вазифасини аъло даражада бажаришади. Қўлим билан оғзимни бекитиб чуқур эснадим. Одатим шунақа. Касбий денгизи устидан кутарилаётган ҳовурга боқдим. Шаҳар кучаларида утлаб юрган мол-қўйларга қарадим. Рефлектик (шунақа суз борми ўзи лугатда?) тарзда қишлоғимизни эсладим. Маза қилиб қичқиргим келди — овозим чиқмади. Қўлимни киссамга солдим. Уйимиз тагидан ўтиб кетаётган аравакашга қарадим. Уям бир вақтлар одам эди, энди аравакаш бўлди. Шу пайт унинг ҳар доим гапириб юрадиган ва мен кўрмаган кабобхонаси эсимга тушиб, оғзим сувланди.

Яна чалғиб кетдим. Утиш даври-да! Мақсадга ўтиш учун аллақаерларда утлаб кетишга туғри келади. Уша куни эрталаб мени телефонда сурашди... Йуқ, шу ерда янглишдим. Анчадан бери пули тўланмагани учун телефонни узиб қўйишган. Демак, қўнғироқ эшикники экан. Мен яна одатимга уйғун ўлароқ туйнукдан мураладим. Бу одам янги эди.

Эшик очилиши билан қўлимга бир телеграмма ушлатди... Ҳа, телеграмма экани аниқ. Чунки мен имзо чекиш учун анча вақт қалам ахтарганим

эсимда. Костюмимнинг киссаларини ағдариб ташладим. Хотинимнинг сумкасини ҳам титкиладим. Нима қилай, унинг қош қалами билан қўл қўйишга мажбур булдим.

Эрта уйланса шунақа бўлади. Хотиннинг борлиги ана шундай мушкул вазиятларда қўл келади. Телеграммада икки оғиз гап бор эди: “Соат учда автобусни кут”. Имзонинг кераги ҳам йуқ. Телеграммани укам жунатган. Моддий, хотиним айтмоқчи, гуманитар ёрдамни онам юборади. Бу галги ёрдам асосан куркадан иборат бўлиши керак. Шунга келишганмиз.

Ол-а, курка деганим товуқ булиб чиқди. Тўрванинг ичида кафтдек бир қоғоз ҳам бор эди. Жиянимнинг дафтарида йиртиб олишган бўлса керак. “Айланай болам, курка тополмадим, кучим шунга етди... Менга қайтишда копток ола келинг”. Охирги гапни жияним ёзган. Ажи-бужи ёзувини танийман.

Товуқ ҳам товуқ экан-да! Патлари ҳурпайиб, ранги-қути учиб, тумшуғи худди йиглашга мойил боланинг лаб-лунжидек бир ёнга осилиб турибди. Худди қизил қалам билан чизилган, ёмғирнинг тагида икки кун тургач, офтобда қуритилган суратга ўхшайди-ей!

Автобус билан уйга қайтаётганимда товуқ қуқ-қисдан тўрвадан учиб чиқди-да, узини гаплашиб кетаётган икки қизнинг оёқлари орасига урди. “Бу кимнинг хўрози?” дейишди... Йуқ, товуқ дематилар. Хўроз-да! Гарчи ноўрин булса-да, бу англашилмовчилик менга ёқиб тушди. Қаддимни роз тутиб, гурур билан “меники”, деб қўйдим. Юзимдаги табассум уйга кетгунча сўнмади.

Товуқни кўриши билан хотинимнинг лаби чўччайди: “Бу қанақа товуқ узи? Пуф деса ўлади-ку, еб булармиди буни?!”

“Ишинг бўлмасин, – дедим, – ҳалиям сен егин деб олиб келганим йуқ. Ейдиган одамнинг ҳам шўри бор экан. Утиш даврининг товуғи шунақа бўлади, дедим энсам қотиб”.

Ҳаммаси ўша болаларни деб бўлди. Уларга мен пора беролмайман, деб айтдим-ку, бўлмаса? Ўзи бу курка... йуғ-э, товуқ тарих ўқитувчимизга аталган. Икки кун илгари ётоқхонага курсдошларимдан китоб сўраб туриш учун боргандим. “Китобнинг нима кераги бор? – деди курсдошларим, – уй қурадиган одам тарихни бошига урадим?” Бошқалари ҳам бу гапни қўллаб-қувватлашди. “Ундан кўра юзта-юзта қиламиз, юр. Зачўтканинг ичига бели синмаган унталик қистирсанг, масала ҳал”. Мен пора беролмайман, дедим. Унда совга олиб бор, дейишди. Улар курка олиб боришни маслаҳат беришди. Шайтон йўлдан уриб, уларнинг гапига кирдим.

...Товуқнинг оёғидан каравотга боғлаб қўйдим. Тагига битта газет ҳам тушадим. Ҳар ҳолда, меҳмон, бизникига ҳар куни келиб турибдими? У менга, мен унга термилиб чарчамаймиз.

Бир-бирмизга ўхшаб кетамиз. Икковимизнинг ҳам ранги-руймиз сулгин. Аёлларга маза. Ҳар қандай қурум босган юзни упа-элик билан эпақага келтиришади. Шўрлик эркаклар. Биз ҳам шунақа қилсак бўлади-ю, лекин дарров “анавинақа экан” деб шубҳаланиб қолишади. Аҳа, зур фикр келди. Товуқниям яхшилаб пардоз қилсам-чи? Одам энг яхши қарорни ўз-ўзи билан гаплашган пайтда чиқаради.

Товуқни қариндошларимиздан ҳам қизганган ҳаммомга олиб кирдим. Манави хотиннинг шампуни. Бунақа нарсани товуқнинг авлоду аждоди кўрмаган. Лекин хотин куриб қолса борми?

Ҳозир хотин дарсда. Булғуси дўхтир. Манави унинг лаб буёғи. Тумшуқларини қизарттирдим. Бу бошқа гап. Кейин товуқни иситкичнинг устига қўйдим. Бечора совуқдан дир-дир титрайди. Қишда совуқ урган-да бечорани. Анави хотиннинг фени. Оҳ, зўр булди-да! Товуқ эмас, нақ товуснинг ўзи бўлди. Ўзим ҳам у ер-бу еримни тўғрилаб, патлари оппоқ, момиқ, бабақи, юзлари қип-қизил товуқни қўлтиққа урдим-да, домланинг уйига югурдим. Одамлар унга қараб дедилар: “Кетворган товуқ экан-да ўзиям”.

“Ўйинчоқ булса керак-да”. “Йўғ-е, ана тирик-ку”. Қараб-қараб шундоқ сулув... товуққа ҳайфим кеп кетди, лекин на илож? Омонатга хиёнат қилиб бўлмайди. Товуқ — домланики.

Индамайгина борарди жонивор. “Ярим кило бўлса керак” уйладим ўзимча. Жуда енгил-да! Ҳа энди, қишлоқнинг товуги-да! Буёғи ошпазнинг маҳоратига боғлиқ.

Эрталаб ҳаммадан олдин аудиторияга кирдим. Улар менинг юзимда қониқиш аломатини кўриб, ишим жойида эканини тушундилар ва маъноли кўз қисдилар. Мен улардан рози эдим...

Маррага ҳам етиб келдик. Домла аудиторияга кирди. Одати шунақа улгурнинг. Имтиҳонни ҳамманинг кўз олдида олади. Битта-битта чақириб сураш йуқ.

Хонанинг у ёғидан бу ёғига томон юриб, ҳаммани бир-бир назардан кечира бошлади. Битта оркестр кам. Юришлари шунақа шахдамки... Товуқ ёқибдими, дейман. Бардамлиги шундан. Пора одамни шунақа бардам, тетик қилиб қўяди.

Аудиториянинг ўртасида туриб, кўзойнаги тагидан юзимга синчков тикилди. Ўзимда йуқ хурсандман. “Албатта, мен олиб бордим, домлажон!” Ичимда айтдим буни. Уйидагиларга ҳеч

нарса демаган бўлсам-да, ўзи ҳаммасини тушунибди. Менга анча тикилиб тургач, мамнун бош ирғаб қўйди.

Шу пайт кутилмаганда (ростдан ҳам ҳеч ким кутмовди, ҳамма ғалабани мен билан баҳам кўришга ҳозир турарди) домланинг юзи буришиб кетди:

– Кеча анави фоҳиша хотинга ухшаган пасон товуқни уйимга ким олиб борувди, пичоққа етмай жон берди шурлик...

## ЁМФИР

*(Бу аслида кино булиши керак эди)*

Дарахтлар орасидан кўриб турганингиз — бизнинг қишлоқ Алиқули бўлади. Манави эса бизнинг қабристон. Яъни, қишлоқнинг “ташриф қоғози”. Ундан сал нарида яна бир қабристон бор. Ажабланманг. Дунёда бундан ҳам ажабтовур қишлоқлар бор. Энди бизнинг қишлоққа қолганда қитмирлигингиз кўзимай турсин-да. Ҳа, биз томонда иккита қабристон, битта “ташриф қоғози” бор. Чунки одамларимизнинг озодлиги бошланадиган ер қишлоқнинг кираверишида. Бу ғарибгина қабрлар ўз ажали билан ўлган ҳамқишлоқларимизга тегишли. Наригиси эса ўз ажали билан ўлмаган одамларга тегишли. Ҳар иккисининг ўз қоровули бор.

– Ўв, Али, жа кузингни ёғ босиб қолибдими? Қизингни узатибсан, тўйга ҳам айтмадинг.

Бу ўз ажали билан ўлганлар қабрини қуриқлайдиган Етим Али бўлади. Қизини эрга берган эса нариги қабристон қоровули Узун Али. Маълум бўладики, Узун Али қизини эрга берганида Етим Алини тўйга айтишни унутган. Яна адашиб-нетиб юрманг. Бизнинг қишлоқда купчиликнинг оти Али.



Бу лақабларни эса уларни бир-биридан ажратиш учун эмас, ижтимоий мавқеига кура беришган.

Анави куриб турганингиз ўртанча амаким Етим Алининг уйи. Анави эса амакимнинг ижод маҳсули — ўгли бўлади. Ҳамма қишлоқдошларим каби амакимнинг ҳам мол-ҳоли, эшак-араваси, бола-чақаси ва табиийки, хотини бор. Амакимнинг ёнидаги ҳовли катта амакимники. Лекин, кинода сиз уни курмайсиз. Олдиндан шунга келишганмиз. Катта амаким жуда эҳтиёткор одам, унинг бунақа ишларга, яъни кинога тушишга тоби йуқ.

Куйлагининг олд чўнтагига ручка қистириб олган анави олифтанамо бола ўртанча амакимнинг катта ўгли. Яқинда уйланган, шундан бўлса керак, анча очилиб қолган.

Ручкасига эътибор берманг. Бечора амакиваччамнинг ёзиш-чизишга ҳечам ҳуши йуқ. Беш ҳарфли отини ёзганида саккизта хато қилади. Куйлаги ҳам амакимники. Эсимни танибманки, шу ручка шу куйлакнинг чўнтагидан тушмайди. Эҳтимол, бу ручка олинганидан бери бирорта ҳарф ёзмагандир. Ручка унинг илмга, демократияга хайрихоҳлиги белгисидир.

Ҳовлининг бир четида хурознинг патини юлаётган жувон амакимнинг янги келини, яъни Узун Алининг қизи бўлади. Манави эса амакимнинг қушниси Качал Али. У эрталаб ҳовлига чиқиб, эски, шалоқ курсига ўтирганча эснаяпти. Унинг бу эснаши эшик олдида ётган итнинг пашша тутаётган пайтига тўғри келади.

— Хотин, бу қушнимизникида нима таҳлика?

— Билмайсизми, Етим Али қиз неварасининг туғилган кунига бораркан.

— Қайси... ҳалиги Бокуда министр бўлиб ишлайдиган куёвининг уйига борарканми?

– Ўгли министир эмас. Министирнинг помуш-ниги.

– Э, нима фарқи бор? Бари бир бизнинг қишлоққа бир тийинлик нафи тегмаса... Ўзи кимга тортди бу бола?

– Кимга бўларди? Дадасига-да! Ҳар-ҳар замонда тилвизордан гапириб туради-ку!

Яна амакимнинг ҳовлиси. Бу қора мўйловли йигитни биласиз. Амакимнинг “фирт” этиб бурниданми, бошқа жойиданми тушган бу йигит, бояги Узун Алининг қизини чимилдиққа олиб кирган. Ҳозир ўша келинчак ана, хўрознинг патини юляпти. Халати остидан оппоқ тупиқлари кўриниб турибди. Шу чоқ келинчак эрининг ҳарис назарини пайқаб, нозли ибo билан этагини пастроқ туширади.

Амакиваччам Рум Қайсаридек виқор билан эшак тарафга юради. Эшак уни кўриши билан орқа угириб шаталоқ ота бошлайди. Амакиваччам бунга парво қилмай, эшакни тўқимлайди.

Мана, амакимнинг ҳаммоми. Амаким чумил-япти. Хотини унинг ягринини ишқалаяпти. Амаким айтади:

– Куёвинг олдида уятли булдик. Бир ўзимизни курсатиб қўймасак, булмас.

– Куйинманг. Бегона эмас-ку. Мана, йўлга чиқяпсиз-ку! Борсангиз, роса суюниб қолади. Битта товуқни димлаб ҳам бераман. Келин тозалаяпти. Узоқ йул. Билиб буладими? Ана Машади Нисобек. Уям ўглиникига кетаётганида яхши овқат емаган экан, йўлда йиқилиб ўлибди, бечора.

Амакимга бу гап ёқмайди, ёмон қараганини кўриб хотини ҳам тилини тишлайди, индамай елкасидан сув қуяди.

Бирдан амакимнинг кичкина ўгли эшикни очиб, “дада” дейди.

– Тур йўқол, пишириб қўйибдим сенга?

Кичкина амакиваччам эшакнинг ечилиб қочгани ва дорга осилган кўйлакнинг енгини чайнаётганини айтмоқчи бўлади. Сиз кўп утмай, шу эпизодни кўрасиз. Қиёмат-қойим кўпади. Бир амаллаб кўйлакни эшакнинг оғзидан тортиб олишади.

Амаким етти йил аввал ўз қизини катта акасига, яъни боя мен отини тилга олган эҳтиёткор амакимнинг бадқовоқ олим ўглига берган эди.

Мана, ўша калондимоғ куёв кабинетда курсида ястаниб утирибди. Катта бир вазирликнинг масъул ходимларидан. Ўзининг айтишича, бош қашишга кўли тегмайди.

Шунинг учун ўглининг туғилган кунини ҳам шаҳарда нишонламоқчи. Олдидаги қоғозларнинг қалашганидан иши ҳам куплигини пайқаш мумкин. Ҳозир телефонда гаплашяпти. Тахминан мана бу гапларни айтяпти:

– Ҳа, ҳа. Йўқ, ҳамма нарса етарли. Шукур. Ҳа, ҳозир бош қашишга ҳам вақт йўқ. Йўг-э, қанақа ресторан? Бизники бунақа нарсаларга қизиқмайди. Айтганча, бир уйимизни куриб кетишса ёмон булмасди. Эҳтимол, аҳволимизни куриб, каттароқ, яхшироқ уй беришса. Биласан-ку, менинг бошқа бир режам ҳам бор. Ҳа, шунга ўхшаш. Яна кўрамиз-да, сўз беришган-ку!

Манави амакимнинг кичкина супрақоқди боласи. Қўшнининг қизи сочига тақиб юрган арча уйинчоғига қизиқиб қараяпти. Уни авайлаб, силаб ҳам куради.

– Бу нима?

– Ёмғир.

– Ёмғир? Қаердан олдинг?

– Акам Бокудан олиб келди.

– Бокуда ёмғир шунақа бўларканми?

Яна амакимнинг ҳовлиси. Қайсари Румга келбат берадиган амакиваччам (Худо бўйдан ҳам берганда!) эшакни ҳозирлаб қўйган. Амаким бир неча йил илгари иш ҳақи урнига жамоа хўжалигидан берилган костюмни кийиб олган. Костюмнинг энглари ва шимнинг почалари калталиги билиниб турибди. Лекин топ-тоза. Соқоли амакимни зиёлисифат курсатиб турибди.

Софдил, содда амакимнинг хотини, келини, угли ва қўшнилари уни кузатгани чиқишган.

– Қизимга айтинг, болани шамоллатиб қўймасин. Худо хоҳласа, суннат тўйини қишлоқда қиламиз, – дейди амакимнинг хотини.

– Менга ёмғир олиб келинг, – дейди амакимнинг кичкина қизчаси.

Амаким, унинг ўгли ва юкли эшак йўлда. Амаким эшак устида худди саркардалардек мағрур кетиб бораётир. Йўл-йўлакай қўни-қўшни билан хайр-хўш қилади.

Мана амаким автобусда.

Бу ер амакиваччаларимнинг “саккизинчи”даги икки хонали уйи. Оёғида жун пайпоқ кийиб олган, бошига рўмол ўраган бу жувон амакимнинг қизи. У ошхонада кечки зиёфатга тадорик қўрипти. Амакимнинг ўгли айтишига қараганда, кечқурун вазир муовини ҳам келармиш.

Бу аёл эса амаким қизининг қўшнисини, борингни, хизматкори деса ҳам бўлади. Юз-кўзига чизиб ташланган бу эрка болакай амакимнинг невараси, бугун туғилган қўни нишонланадиган Ўрхон бўлади...

Амаким минган автобус ва амаким. У ёнидаги ҳамроҳига алланималарни кула-кула гапириб кетяпти. Қўлини ҳавода муаллақ тутиб ниманидир курсатяпти. Неварасининг бўйи бўлса керак.

Мана, дала уртасидаги емакхона. Йўловчилар шу ерда тушиб, тушлик қиладилар. Амаким автобусдан тушади. Шу чоқ саватидаги товуқ учиб чиқади ва қақақлаганча ўзини қамишзорга уради. Амаким унинг орқасидан югуради. Юки қулида, елкасида ямоқ хуржун, товуқни қувади.

Қамишзорни узоқ айланади. Товугини тутиб олгунча анча вақт ўтади. Амаким миниб келган автобус жўнаб кетади ва унинг ўрнига худди ўшанга ўхшаган иккинчи автобус келиб тўхтайди. Пешлавҳасидан кўринади, бу автобус пойтахтдан амакимнинг туманига кетяпти. Товуқ тухум қўйиб, қамишзордан чиқади. Қоқоқлаб амаким тарафга келади. Амаким уни ушлаб, саватига солади.

Кўриб турибсизки, амаким бошқа автобусга минади. Буш уриндиқлардан бирига ўтиради. Олдиндаги одам билан бир оз суҳбатлашиб, унинг ҳамюрти эканини билади.

– Ие, қай тарафларда сураймиз, ошна?

– Бокудан келяпмиз-да!

– Биз бўлсак Бокуга кетяпмиз, – дейди гурурланиб.

– Унақада нимага бу автобусга чиқдингиз?

Амаким адашиб қолганини тушунади. Хуржунини елкасига ташлаб, автобусдан тушади.

Шаҳардаги барча хонадонлардаги каби амакиваччаларим уйи ҳам темир эшикли. Ҳозир шу эшикнинг кўнғироғи чалинади. Амакимнинг қизи шоша-пиша рўмолини тўғрилаб, эшикни очади. Бусағада амаким кўринади. Амакимнинг қизи аввал ўзини йўқотиб қўяди, кейин ўзини отасининг қучоғига отади.

Салом-алиқдан кейин амаким қишлоқ, сигирбузоқ, қозон-товоқдан гапиради. Невараси Урхонни қучоғига олиб ўтиради. У билан бекинмачоқ ўйнайди. Шифонернинг ичига кириб бекинадилар.

Амакимнинг ўгли келади ва қайнатасини кўриб, ҳафсаласи пир бўлади.

Амакимнинг ўгли хотини билан нариги уйга ўтиб, алланарсаларни муҳокама қиладилар. Куп ўтмай, амакимнинг қизи келиб отасига айтадики, шаҳар одатига кура туғилган кунни нишонланаётган боланинг бобоси бекиниб ўтириши керак. Зиёфатнинг охирида уни меҳмонларга “сюрприз” қилиб кўрсатишади. Амаким “сюрприз” нима-лигини билмаса ҳам, зарур, бамаъни нарса эканини билиб, бунга рози бўлади.

Ҳозир амаким шифонерда, меҳмонлар келишган. Ўйин-кулги, хурсандчилик. Ўрхон секин шифонер эшигини очиб, бобосининг ёнига киради ва унинг қучогида ўтиради.

Кўриб турибсизки, зиёфат авжида. Меҳмонлар еб-ичиш билан машғул, қадаҳлар жаранглайди. Турда савлат тукиб ўтирган киши “замминистр”. Даставвал, унинг шарафига қадаҳ кутарилади. “Катта” виқор билан бош ирғаб кўяди. Навбат Ўрхонга келади. “Қуш бўлсин, қафасда бўлмасин”, “Катта йигит бўлсин”, “Ота-онасининг бахтига соғ бўлсин” ва ҳоказо. Меҳмонлардан бири мажлис қаҳрамонини сурайди.

Ўрхон йуқ, ҳамма безовта. У ёқ-бу ёқни қидира бошлайдилар. Меҳмонлардан бири тасодифан шифонер эшигини очади. Ўрхон амакимнинг қучогида ўтирибди. Амаким меҳмонларга қараб кула бошлайди. Сарик-мирик тишларини кўрдингизми?

Ўрхон ҳам, меҳмонлар ҳам унинг кулгисига қўшилади. Амакиваччамнинг қош-қовоғи амакимнинг кулгисини кесади.

Зиёфат нима билан тугагани унча аҳамиятли эмас. Саҳар. Амаким вокзалда. Тутунчасини олдига қўйиб очади. Янги келини кеча тутунчасига

солиб берган товуқнинг бир сонини сугуриб ейди. Кутиш залидаги телевизордан амакимнинг ўглини курсатишади. У нима ҳақдадир куйиб-пишиб гапирди. Амаким мамнун жилмаяди. Кўзлари ёшланади. Атрофдагиларга ниманидир тушунтиради. Олдида утирган йиртиқ кўйлакли бир кимса унга яқинлашади. Амакимнинг кулгиси ва емагига қўшилади, товуқнинг яна бир оёгини олиб гажий бошлайди. Амакимнинг хурсандчилиги давом этади ва тугунчасини янги таниши тарафга суради. Яна уч-тўрт киши амакимнинг ҳимматидан баҳраманд бўлади.

Амаким ташқарига чиқади. Ёмғир ёғиб турибди. Амаким ёмғирга қараб севинади. Кичкина қизчасининг буюртмасини эслайди. Кейин кулимсираб-кулимсираб вагон (автобус ҳам булиши мумкин) тарафга кетади.

## БУҚА

Сиз умрида салом бермаган одамни курганми-сиз? Шахсан мен кўрганман. Башир одамга умуман салом бермайди. Салом тугул, озгин, кўримсиз қад-қомати билан шунақа юриб қуядики, гўё Ғарб билан Шарқ орасидаги чегарани шу белгилаб берган ёхуд Шуро ҳукуматини шу одам ағдарган-ов, деган хаёлга ҳам борасиз. Фақат қовогидан қор ёғилиб туради. Эҳтимол, хотинидан эрта ажраганидан ёки бўлмаса ўглининг узоқда эканидан ДАРДИ ИЧИДА бўлса керак. Ҳар ҳолда, бировнинг кузига бақрайиб қараб, гуддайиб утиб кетади.

Мени майда гаплиқда айблашингиз ҳам мумкин. Лекин, бу фақат менинг фикрим эмас-да! Баширнинг салом бермаслиги деярли ҳар кунни қишлоқда муҳокама этилади. Агар шўрлик америкалик бўлганида унинг масаласи алақачон

халқаро доирага кутарилган бўларди. Қишлоқда эса ҳар ким ҳар хил тахмин ва фаразларни ўртага солса-да, якуний хулосага келинмаган эди.

Чунки қишлоғимизда салом беришни болаликдан ўргатиб борадилар. Яъни, салом — тарбиянинг боши. Қишлоқ хотинларининг баёнотига кўра, Башир кечаси ажина, жинлар билан олди-берди қилармиш.

Айтсам ишонмайсиз, мени лофчига ҳам чиқарасиз, аммо ҳақиқат шуки, Башир бир марта менга салом берди. Тасаввур қиляпсизми? Умрида бировга кулиб қарамаган, қоқсуяк елкасида олтимиш йилнинг юкини орқалаб юрган оқсоқол мен билан саломлашди. Энди бу рупарангиздан чиқиб қолган бегона одам чўнтагингизга юзта “кўки”дан солиб, кўз қисиб кетгандай гап эди. Бу ҳол сизни қанчалик таажжубга солиши мумкин булса, мен ҳам ҳозир ана шундай ҳолга тушиб қолгандим.

Ўшанда аравага хашак юклаётган эдим. Эсим оғиб, аравага юкланган хашак боғларини қайтадан ерга тушира бошлаганимни ҳам сезмабман.

Аввалига йўлни кесиб ўтиб, боғ томонга тушиб келди. Бошини у ён-бу ёнга ҳам бурмай, туппатўгри келиб тепамда турди. Асли уни курганим ҳам йўқ эди. Фақат қуриган ўт-алафларни янчиб келаётган қадам товушларини эшитдим. Сигарет ҳиди келиб турган нафасини унғ қулоғимнинг тагида ҳис этдим. Шошиб қолдим.

– Салом жиян. Чарчамаяпсанми? – деб сўради шивирлаб.

У менинг таажжубдан олайиб кетган кўзларимга ҳам қарамади. Қўлидаги “Астра” сигаретини саргайган бармоқлари орасида ўйнатиб, чўнқайиб тутнинг соясидан жой олди. Анча пайт жим қолди. Бир-биримизга тикилиб қолдик. Ҳозир ўз ҳолига ўзи ҳайрон эди, худди тўсатдан тилга кирган соқов сингари. Бир пайт ерга қараб гап бошлади.



– Ўша тарафларда бизнинг угилни ҳам кўриб турасанми?

Боя айтганимдек, Баширнинг угли қишлоқдан кетганига кўп бўлди. Аскарликдан қочиб, ҳозир Россиянинг қайси бир шаҳрида дайдиб юрганини эшитувдим.

– Йўқ, – дедим, – мен бошқа шаҳарда тураман.

Бир оз яна жим қолди. Унинг кейинги гаплари сизга ҳам галати туюлиши мумкин.

– Бу қандай қариндошлик бўлди? Қанақа амакиваччасизлар? Наҳот мусофирликда бир-бирингизнинг ҳолингиздан хабар олмасангиз?

Унинг саволдан кўра кўпроқ таънага ухшаб кетувчи бу гаплари мени тамоман шошириб қўйди.

Менинг ҳам ўзимга яраша ақл-ҳушим бор. Беш йил бекорга университет тупроғини ялаганим йўқ. Кимсан Доно бобонинг невараси бўлсам. Аҳа!!! Бармоқ урнига кетмон дастасини тишлаб, уйга толдим. Масала равшан. Башир отанинг саломи бежиз берилмаганга ухшайди. Демак, унинг угли менинг амакиваччам, ўзи менга амаки бўп чиқади. Уйга бориб, яна сўраб кўриш керак. Қарияни куттириб қўйгим келмади:

– Гап ундамас, биз бошқа-бошқа шаҳарда турамиз, – дедим.

– Ораларинг бизнинг уйдан Алиаскар маҳсидўзининг дўконича борми?

– Йўқ, – дедим, – анча узоқ.

– Унда Ҳумбат семизнинг уйигача экан-да? Ҳа, майли, соғ булсаларинг бас. Бу оғайнингни шу йил бошини иккита қилсам девдим, – дея гапираётиб ўрнидан турди ва сигарет ҳиди уфуриб турган нафасини юзимга ёпиштирди. – Ҳукиз ҳам тайёр. – У кейинги гапини қулогимга энгашиб айтди, – Пулини бериб қўйганман, – шундай деб қўшни боғда утлаб юрган молларни кўрсатди. Орасида

битта ола тана ҳам куринарди, — лекин бир ишда ёрдамнинг керак, жиян.

Қизиқ, унга қанақа ёрдам беришим мумкин? Совчилик бўлса, бу ишни дадамга айтган буларди. Нима бўлганда ҳам, фавқулодда салом менга қимматга тушишини англадим. У ҳам менинг аҳволимни тушунди, чамамда.

— Биласанми, мен анави танани ҳам олганман, ҳам олганим йўқ, — деди пичирлаб.

— Тушунмадим, бу нима деганингиз? — сўрадим истар-истамас.

— Манов молларнинг эгасини танийсан-а? Мамадали раис. Қишда қор сўрасанг бермайди. У билан келишган эдик — мен унга қишда хашак бераман, у эса битта тана бериши керак. Ўтган қишда хашакнинг ҳаммасини унга бердим. Энди эса гирромлик қиляпти. “Биз келишган пайтимизда ҳали кичкина эди. Энди катта бўлди. Бу зотдор таналардан. Унинг каттаришига сенинг хашагинг эмас, зотдорлиги сабаб, уни молбозорга чиқариб сотмоқчиман”, дейди. Кейин яна фикри ўзгарди, “Бунақа зотдор тана ҳеч кимда йўқ, уни уруғлиққа опқўяман, сенинг ўша дайди болангни деб шунақа зур молни сўйиб юбориш увол”, дейди аблаҳ.

Пул қутуртирган буни. Лафзидан тонгани майли, боламини дайди деди-я! Сен ўқиган одамсан! Ёзиб-чизиб турармишсан, ўзинг айт, бу қанақа бедодлик? Сен шу ишда менга ёрдам қилоласанми?

Қишлоқда раисликка умуман алоқаси булмасад, ширкатда юқорироқ лавозимда ишлагани учун шу номга сазовор бўлган Мамадали тоғани яхши танирдим.

— Қанақа ёрдам?

— Гап шундаки, эртага қишлоқ оқсоқолларининг мажлиси булади. Ҳаммаси унга ён босади.

Биласан, у ҳозирги ҳукумат одамлари билан яхши таниш. Органда қариндошлари ишлармиш. Мен бир бесавод одамман, ёнимда турсанг, ҳаммаси сендан қурқади.

Унинг гапларини ҳали идрок этиб улгурмасимдан, “Демак, борасан-а?” деди-да, кетиб қолди. Нима қилишни билмай қолдим. Шўрлик умрида биринчи марта бировга салом бериб, унга ҳасби ҳолини айтган, инчунин, мени ўзига яқин тутиб, катта одам билиб ёрдам сўраганди. Шуни ҳисобга олиб, эски клубда утадиган йиғилишга йўл олдим.

Аввалига тананинг эгаси, Мамадали раис гапирди. Масалани ўз фойдасига ҳал этишларини сўраб, навбатни Баширга берди. Башир ҳам ўз навбатида танани бузоқлигидан яхши билиши, унинг тарбиясига катта улуш қўшгани, ўз томорқасида ўтлаб катта бўлгани ҳақида шунақа тўлқинланиб гапирди, ҳатто кўз ёш қилиб ҳам олди ва чўнтагидан кир рўмолча чиқариб, ёшини артди.

Бунақа оташин нутқ учун ҳар қанча қарсак чалинса бўларди. Чунки у мажлис аҳлининг эътиборини тула-туқис ўзига қаратган эди. Депутатликка номзоди қўйилган бўлса, ҳамма унга овоз бериши тайин эди. Фақат, Мамадали бирикки йўталиб қўйгач, мажлис аҳли сергак тортиб унга қаради.

Мамадали қани сен гапир, дегандек Мамиш чўпонга ўтирилди. Мамиш чўпон айтдики, тана ошиб борса, элик манатлик ем егандир, лекин ҳозир бу танани бозорда камига беш юз манатга пулласа бўлади. Анча-мунча гап-сўздан кейин яна Мамадали сўз олди. Гап бошлашдан илгари ҳаммага бир-бир кўз ташлаб чиқди. Энг охири унинг нигоҳлари Баширга қадалди. Башир ўзи утирган стул баробарида кичрайиб қолгандек эди.

Мажлис аҳлининг бир кузи Баширда бўлса, бир кузи Мамадалида эди. Бу узоқ муддат давом этган жимликдан кўпчилик Мамадали Баширга раҳм қилиб танани унга берар, деган хаёлга борганди.

— Биласизки, мол — ўз оти билан мол. Тилла ёки олмос эмас. Топилади. Шунинг учун бу масалада бош қотириб, ҳаммани ишдан қолдириш ярамайди.

Бу гаплардан кейин яна бир муддат жимлик чўкди. Башир ҳам секин-секин каттара бошлади. Кузларида миннатдорлик учқунлари чақнай бошлаган, мамнун нигоҳлари билан ҳамқишлоқларига боқарди. Бир-икки менинг тиззамни ҳам нуқилаб қўйди. Чамаси, боғда Мамадалининг унвонига ўзи ёғдирган таънаю маломатлардан хижолат чекарди. Клуб ҳам алланечук ёришиб кетгандек бўлди. Чуқур нафас олиб, Мамадали яна сўзида давом этди:

— Гапнинг қисқаси, ола сигирнинг боласини Баширга берсам. Бир-икки ойда катта бўлади. Иншооллоҳ, кузгача буқага келади. Келгуси йилда битта эркак бузоқ туғиб берса, масала ҳал. Уғлини бемалол уйлантирса бўлади.

Мажлис аҳли ҳам Мамадалининг бу таклифини маъқулладилар. Йигилиш тугагач, Мамадали менга бир тиржайиб, ёнимдан ўтиб кетди.

Баширнинг газаби қайнаган эди. “Молхонангга ут қуяман, сигирларингнинг ҳаммасини бурдалаб ташлайман”, дерди асабий оҳангда. Унинг бу дағдағалари туман судига қадар давом этди. Шикоят аризасини ҳам менга ёздирди.

— Ёз, онасини эмсин, бу Мамадалини қулоқ деб ёз, ёт унсур де. Советларнинг душмани деб ёз.

— Башир амаки, — дедим, (Ўзи мени жиян дейди-ку!) — Совет тўмом бўлганига ўн йилдан ошди. Энди ҳукумат янги бўлган.

– Ҳукумат янги бўлса, суд, прокурор эски, йигирма беш йилдан бери ишлайди, ҳаммасини танийман. Ёз, жиян. Ўтган йил қишлоқнинг ҳамма экин ерига галла эктирди. Пулини эса киссага урди. Куёви ҳокимиятда порахўрнинг бири, ўгли олибсотар.

Хуллас, Башир менга бир қулоч мактуб ёздирди ва қоғозни тўрт буклаб, йиртиқ камзулининг кўкрак чўнтагига солиб, туманга кетди.

Шу билан қишлоққа кейинги йилнинг кузагида келдим. Богимиздаги қуриган хас-хашакни йиғиштириб юргандим. Башир яна боғнинг бир четидан ўтиб қолди. Ўзи олдинда, орқасидан ўзидай озгин бир гунажинни эргаштириб, алланарсаларни гулдираб борарди.

– Ҳа, Башир амаки, нима бўлди? – деб сурадим.

Жавоб бермади ва асабий қул силтади. Бир-икки қадам юриб, ортига қайрилди.

– Тамом бўлди, – деди.

“Нима тамом бўлди, салом-аликми?”, дегим келди. У бир оз юриб яна тўхтади. Юзимга тик қаради.

– Ҳаммаси сотилган, итваччалар, – деди. – Сенга ҳам қойил эмасман. Бу ит эмганларнинг орасида бир узимни ташлаб кетдинг.

– Нима бўлди ўзи?

– Нима буларди, ўғлим уша томонда бир ўрис маржага уйланди. Унга унашилган қиз бошқаси билан қочиб кетди. Мен эса буқа қидиряпман, буқа! Анави итдан тарқаган ҳам буқасини гунажинимга яқин йулатмайди, – деди ва хириллаб кулди. Кейин гунажинини кўрсатиб, – манави қирчангидан қайси овсар буқа баҳра топарди, – дея кула-кула йулида давом этди.

Баширнинг оёқлари остидан Мамадали раиснинг инсофи қадар енгилгина чанг кутарилди.

## АНОР

Ўша кун аниқ ёдимда қолган. Ўзи ҳар бир кунни соат ва дақиқаларигача эслаб қолиш қобилиятим йуқ. Ўшанда қарийб бир кунни ҳожатхонада ўтказган эдим. Бу жой билан уйимиз орасини эртадан кечгача қадамлаб ўлчаб чиққанман ушанда. Бундан бир иш чиқмасди. Бувим шу куни кечгача мен билан қарғана-қарғана шу йулдан неча марта қатнади. Мениям, анорниям, эккан одамларниям авра-астарини ағдариб чиқди. Мени — “ижод қилганлар”ни-ку, сўкса булар. Чунки уларнинг фатвоси билан қишлоққа жунатилганман.

Лекин, мен жудаям яхши курадиган анор энди мени жуда қийин аҳволга солиб қуйганди. Мен билан тинимсиз олишарди, гуё.

Анорни жуда яхши курардим. Чунки унинг қип-қизил, йирик ва серсув доналарининг сувини болаларнинг юзига сачратишдан мароқлироқ иш йуқ бу оламда. Яқинда мактаб ҳам бошланади. Аслида мактаб анча олдинроқ очилиши керак эди. Негадир, уша йил кечроқ бошландими ёки анор ҳали пишиб етилмагани учун дарсга боргим келмадими... Хуллас, эсимда йуқ-да! Кучага чиқа олмасам, анчадан бери уйлаган орзумга етол-маслигимни уйлаб сиқилардим. Чунки болаларнинг оппоқ куйлагига анор сувини сачратишни жуда ёқтирардим. Менга энг ёқадигани эса шунақа ҳунар курсатганимдан кейин бошландиган томошалар эди. Мен “қонга белаган” болаларнинг ота-оналари ва уқитувчилар бечора бобом билан бувимни уртага олишарди.

Ўшанда мен ҳақимда айтилган таъриф-ларнинг ҳаммаси эсимда қолмаган. Эслайдиган гап ҳам эмас. Шуниси эсимда қолганки, бу туполонда

менинг барча инсоний хислатларим таҳлил қилинар, мен феълимга кура тенгдошларимдан кескин фарқ қиламан ва асосийси, ҳамма мендан қурқарди.

Дарвоқе, менга қишлоқда “Шака” деб от қўйишганди. Ўша пайтлар “Гул ва тош” фильми жуда машҳур эди. Мен бу кинони илк марта қўшни қишлоқда курганман. Ўшанда клуб оғзи-бурни қадар одам билан тулиб-тошганди. Бўйим паст бўлгани учун клубнинг деразасига чиқиб томоша қилгандим. Ҳаммаси жуда қизиқ эди. Айниқса, ниҳояси томошабинларни қаттиқ ҳаяжонга соларди. Шака уз итининг орқасидан Шанти олиб кетилган тарафга югуриб кетарди...

Одамларнинг қий-чувини эшитиб, улар Шаканинг итидан ҳам тезроқ югуриб, Босс дегич амакининг тит-питини чиқариб келишга тайёр туришганини англаш қийин эмасди. Ўша фильмни кўриб, кўпчилик ёшлар Шакага тақлидан юриштуришга, кийинишга, унинг уришиш усулларини қўллашга утиб кетишганди.

Шака монанд машқлар натижасида бировларнинг оёқ-қўли синар, ҳазил зилга айланиб, ростакам мушглашув бошланиб кетарди.

Айтгандай, мен қишлоққа фахрий сургунга жўнатилганман. Сабаби менга боғлиқ эмасди. Чунки мен бирор жиддий гуноҳ қилганим ҳам йуқ. Фақат бир марта қўшнимизнинг деразасини синдирдим. Бир марта (ўзи ҳар гапни айтиб бўлмайди, акс ҳолда менинг ҳусни одобимга шубҳа туғилиши мумкин) муаллимамининг аллақерига яширинча қарабман. Иннакейин, укамнинг оёғини осмондан келтириб дарахтга боғлаб қўйдим. Албатта, бундан катталар хабар топиб, укамни қутқариб қолишди.

Алам қилгани шу булдики, менинг бу ҳазилларимни ҳеч ким тушунмади. Ҳатто мени жуда яхши курадиган бобом ҳам. Ҳа, айтганча, бир гал қушнимизнинг мушугини ушлаб, думига олов бериб юборганимни айтиш эсимдан чиқибди. Яна анчасини эслолмадим. Аслини олганда, буларнинг бирортасини ёмон ниятда қилганим йуқ. Менимча буларнинг ҳеч бирини ёмон иш деб булмайди.

Қишлоққа сургун вақтини меҳмон булиб келган амакиваччамни денгиз бўйига элтиб, адаштириб келишим тезлатиб юборди. Бунга ҳам уша амакиваччамнинг узи айбдор. Мақтанчоқликка бало борми? Нима эмиш, ҳамма нарсани, ҳатто умбалоқ отишни ҳам мендан яхши билармишлар. “Э, менга нима”, дедим-у, туриб-туриб алам қилди. Рост-да, бу ҳунарда менга етадигани йуқ. Меҳмонлар олдида ўз маҳоратимни кўрсатаман деб, куп бор калтак еганман.

Жаҳлим чиқиб, севимли амакиваччамни денгиз қиргоғида қолдириб, узим бекиниб олдим. Кейин эса бир четда шаҳар кўчаларида келаётган машиналарни томоша қилиб утиравердим. Сунг уйга қайтдим. Ёмон иш булгани йуқ. Севимли амакиваччам ҳам йуқолиб кетмади. Бари бир топиб келишди.

Ўшанда, адашмасам, етти ёшларда эдим. Бир гап булди дегунча бувим менинг ёнимни оларди: “Ҳали бу гудак булса, куп нарсага ақли етмайди” дерди. Тугри айтарди бувим, бу фикрга узим ҳам қушиламан.

Ўша йил ёшим етгани учун биринчи синфга бордим. Аввалига ҳаммаси бир зайлда кетаётганди. Бир куни қулим қичиб қолди ва панжамнинг буёғини олд партада утирган Кунгил исмли қизнинг оппоқ бантигига артдим. Нима қилай, ўз



куйлагимга артишим керакмиди? Уйдагиларнинг қўл кирини кийим-бошга артмаслик тўғрисидаги панду насиҳатлари жон-жонимдан утиб кетганди ва буни амалда қўллаб кўргим келди. Уйлайманки, бу ишим фақат таҳсинга лойиқ булиши керак эди. Эсимда, ўша куни онам мени кучоғига олмади, отам эса мени балқонда ётишга мажбур қилди. Таътил бошлангач, отамнинг фатвоси, бувим ва бобомнинг таклифи билан мени қишлоққа жўнатдилар. Ўзи бобом ва бувим бизникига келиб қолишса, дарров қишлоқни соғиниб қолишар ва тезроқ уйга отланиб, мени ҳам опкетилари келарди.

Рост, қишлоққа бадарга қилишларидан олдин узларича тор доирада йиғилиш ўтказилди. Менинг таржимаи ҳолим, кўшни қизнинг этагини кутариб қочганимдан тортиб, мушукнинг думини ёқиб юборганимга қадар булган фаолиятим қисқача таҳлил қилинди.

Эс-эс биламан, отамнинг қаршисида унинг ҳамма гапларини бош ирғаб тасдиқлаб утирган эдим. Очиги, унинг гапларида ҳақиқатга яқин фикрлар кўп эди, мен бундан ўзимча зарур хулосалар чиқарар, ўз хатоларимни тушунгандек бўлардим. Масалан, қўлимни Кўнгилнинг оқ бантигигамас, бинафшаранг кофтасига артсам, ранги билинмасди. Муаллиманинг алақасига синфда ҳеч ким қолмаган пайти, дарсдан кейин ҳам қарасам буларди-ку? Мушук масаласига келсак, бу менинг юксак маҳоратимдан дарак беради. Унинг думини ёқиб юборганимдан пушаймон эмасман. Чунки (гарчи бу томоша менга манзур бўлса-да) унинг ўзи ҳам мен ёқтирган чумчуқларни ушлаб ер эди. Ана шулар ҳақида уйлаб турган пайтимда отам устимдан чиқарилган ҳукми уқий бошлаган эди.

Бошқа нарса менинг гашимга тегаётганди. Онам ҳадеб бошимни силаб, пешонамдан упаверар, бу эса фантазияларимнинг ривожига ва отамнинг гапларини бош ирғаб тасдиқлашимга халал берарди...

Ҳозир эса ҳожатхонада утириб, ўша кунларни орзиқиш билан эслаяпман. Аслида қишлоқ менга жуда ёқарди. Чунки бу ерда менинг ўзимга яраша обрў-эътиборим бор эди. Ҳеч ким мушугимни пишт деёлмасди. Мен шаҳардан ўзим билан бир уйинчоқ туппонча олиб келгандим. Болалар ўшани бир марта отиб кўриш учун мени аравага солиб сайр қилдиришга, қулларини осмонга кутариб отдек кишнашга, эшакдек ҳанграшга тайёр эдилар. Умуман, ҳаммаси яхши эди. Гоҳида қишлоқда туғилмаганимдан афсусланиб ҳам қўярдим.

Ҳозир қорним бураб оғрияпти. Ортиқча куч сарфлашдан наф йўқ. Бизнинг уйдан анча наридаги майдончада болалар футбол уйнаяпти. Менсиз уйиннинг қизиғи ҳам булмаса керак. Чунки уларнинг бор-йўғи кичкина резина коптоклари бор. Катта чарм туп эса фақат менда бор эди, болалар унга худди Пеленинг оёғи теккан тупдек қарашарди.

Ўзим уйнамаган пайти тупни уларга бермасдим. Мен уйнайдиган булсам, капитан бўлишим шарт эди. Тўғрироғи, менинг шартим шунақайди. 11 метрли жарима тупини ҳам фақат мен уришим керак эди ва бунга майдоннинг қайси томонида йиқилишимнинг аҳамияти йўқ эди. 11 метр масофани эса ўзим майда қадамларим билан улчардим. Менинг тўпимни қайтариб қолган дарвозабон уйиндан чиқариларди. Борди-ю, туп нотўғри кетиб қолса, қайтадан тепардим. Қоида шунақанда! Чунки тупнинг хато кетишига кутилмаганда

эшакнинг ҳанграши, ит ҳуриши ёки кимнингдир чуқурроқ нафас олиши сингари арзимас ҳодисалар сабаб бўларди.

Баъзида жаҳлимни чиқаришса, индамай тупни қўлтигимга уриб, майдонни тарк этардим. Мени яна қўлга олиш учун каттароқ мукофот тикилиши лозим эди. Табиийки, мен унчалик содда бола эмасдим. Одатда, мен уйнаган жамоа, албатта, ютиши керак эди, акс ҳолда эртаси куни тўпимни бермай қўйишим мумкин бўларди.

Албатта, бу ҳангомалар ҳамма вақт тинч муроса йўли билан кечмасди. Мен уз мавқеимни ҳимоя қилиш учун унча-мунча куч сарфлашга мажбур бўлиб қолардим.

Ўшанда мен жуда ҳам зерикардим. Темирйулнинг четларида тушиб қолган сигарет қолдиқларини болалар менсиз териб олишадиган бўлди. Йўқ, мен-ку, умуман чекмасдим... ўшанда. Бироқ, сигарет қолдиқларини эрталаб териб келиш фақат менинг ишим эди. Кашанда болалар ҳар куни менинг атрофимда гирдикапалак бўлишарди. Мен эса бу қолдиқларни уларга сотардим. Аввалига ҳаммасини бир нархда сотавердим. Кейин узунқисқалигига қараб нарх қўядиган бўлдим. Насияга оладиганлар ҳам бўларди, олма, ёнғоқ, анорга алмашадиганлар ҳам... Ҳар ҳолда менга ҳам бир нима қоларди-да. Бу даромаддан ташқари бобом ҳар ой пенсиясидан менга бир сумдан берарди.

Бир гал мен наमतнинг тагидан яна бир сум топиб олдим. Пул бобомники эди. У кексайиб қолган, ҳамма нарсага эътибор қилавермасди. Ҳар доим пулни турт буклаб қўярди. Буям уники эканига шубҳам йўқ. Аввал ўша пулни қидириб анча ивирсиди, кейин эса ёдидан кутарилди. Ўша пулга нима олганим ҳам эсимда йўқ.

Қишлоғимиздан анча нарида темирйул станция-си бор эди. Мен уйдагилардан аразлаб кетиб қолсам, биринчи бўлиб уша ёққа қочиб борардим ва ўз қочишимни “сценарийлаштирадим”. Ана шундан кейин мени қанча ваъдалар билан ялиниб-ёлвориб уйга олиб келишарди. Мени ортга қайтариш жараёнида шурлик бобом анча азият чекарди.

Ҳар жойда булганидек, уша ерда ҳам битта қиз бор эди. Борингки, мен уни севардим ҳам дейлик. Чунки ҳар гал уни кўришим билан қўлимда нима бўлса — ботқоқликдан тутиб олган қурбақа бўладими, дарахт танасидан терган қуртларим бўладими, ҳаммасини иргитиб, кафтимнинг лойини шимимга артардим-да, сочларимни текислашга тушардим. Уша кунни ҳам мен ҳожатхонада ўтирганча уша қизни эслаган ва ҳозиргидек соғинган эдим.

Бувим бўлса ҳалигача мен билан анорнинг гўрига гишт қаламоқчи бўларди. Қаршимда ўтирганча менга ачиниш билан қараб қўярди. Менинг эса ташқарига чиққим йўқ эди...



Уша пайтлар қишлоқда ҳамма нарса бор эди. Уларнинг ҳаммаси эсимда қолмаган. Эсимда қолганда нима? Вей, узи мен нималарни валақлаб ўтирибман. Сизга ҳар гапни айтавераманми? Боринг-э!



---

## ЯШАР

Яшар Алиев 1963 йил 3 майда Бокунинг Амиржон туманида тугилган. Озарбойжон Давлат университетининг журналистика факультетини битирган. Бир қатор давлат муассасаларида масъул вазифаларда ишлаган. Озарбойжон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Айна пайтда “Ҳазар” адабий-бадий журналининг бош муҳаррири. “Етти ҳикоя”, “Бури”, “Ўгил” сингари асарлари чоп этилган. 1991 йилда унинг сценарийси асосида “Девор” номли бадий фильм суратга олинган. Хуан Руйфонинг “Педро Парамо” романини озар тилига ўтирган.



## АЙРИЛИК

Она-бола саҳарлаб йулга чиқишганди, юраве-риб чарчашгани боис оёқларидан мадор кета бошлаганди, иккиси ҳам бир оғиз гапирмасдан борарди.

Она қош қораймасдан туриб манзилга етиш лозимлигини, акс ҳолда ўгли ёлғиз қайтса, йўлда турли йиртқичларга рўпара келишини ўйлаб, сўнгги кучини тўплаб бўлса-да, олга интиларди. Ўғил эса уз онасидан, сўнгги кунларда бошига қанчадан-қанча кўргиликларнинг тушишига сабаб бўлган бу аёлдан тезроқ қутулмоққа ошиқарди. Эл-юрт ичида обрусидан бир пул бўлди, одамларнинг кўзига кўринишга уялиб қолди. Чунки одамлар унинг онаси армани эканини энди яхши билишади.

Аллоҳ қайси айби учун унга бундай қисматни раво кўрди? Йўқ, унга бу зулми Аллоҳ эмас, ҳар кун сиймоси кўз ўнғидан кетмайдиган отаси етказмадими? Агар ўша пайтлар қишлоқнинг барча йигитлари каби уз қавмидан ҳалол сут эмган бир мусулмоннинг боласига совчи юбориб ўйланганида, шўри қуриб бир армани қизга рўпара келмаганида бундай савдолар йўқ эди.

У боядан бери жим келаётган онасининг юзида азобли оғриқ нишонасини кўрди. У оқсаб бораётганини сездирмаслик учун оёғи эмас, юзи билан юриб борарди, гўё.

Ўтган ёзда қушни аёлнинг ўгли арманилар билан бўлган урушда нобуд бўлганди. Аёл қушни-синикига ҳол сўрагани чиққанида марҳумнинг онаси унинг оёғига қўлига илинган темир парчаси билан айлантириб солди. Аёл иссиқ устида оғриқни сезмади, овозини чиқармай уйига қайтди. Бақириб-чақиргандан не наф? Ўтган ишга савлот. Уни ҳам тушуниш керак, бир кунда ҳам

углидан, ҳам эридан ажралиб ўтирибди. Кичкина қизи билан бир ҳафтача уй кунжида беркиниб, халойиқнинг кўзига кўринмади. Ҳозир ҳам ярадор оёғи қақшаётган она уйдаги касал қизини ўйларди.

Қизалоқ бир неча кундан бери иситмалаб ётарди. Тунов куни уни келиб кўрган дўхтир ҳам “Хавотирга ўрин йўқ, шамолламаган, ҳаммаси утиб кетади, нимадандир қаттиқ қурққан, унинг ёнида баланд овозда гапирманг”, деб кетди.

Анчадан буён жимгина келаётган она ўглига “Қизимга ҳушёр бўлинглар” дегиси келди, аммо ниманидир мулоҳаза қилиб, индамай ярадор оёғига зўр берди.

Йигит синглисини ҳам ўйлади. Бекорга шошилди-да! Синглисининг соғайишини кутса бўларкан. Эҳтимол, ҳозир синглиси уйғониб, иситма аралаш онасини чақираётгандир, куйиб-ёнаётгандир?

Э, ўлиб кетмайдими? Ҳамма кулфат ўша қизчанинг дунёга келиши билан бошланди-ку? Тугилиши ҳамоно икки оламни бир-бирига қориштириб юборди. Бу вақтга қадар онасининг армани эканини биров юзига солмаган эди. Ҳозирга қадар қишлоқ аёллари онасининг номини ҳурмат ила тилга оларди. Қишлоқнинг азасида онасидек ёниб-куйиб йиғлайдиган, туйида ундан-да зиёд рақс тушадиган аёл йўқ эди.

– Тезроқ юрсангиз-чи, тошбақадек судралмасдан!

Бу таҳқиромуз сўз тилидан қандай учганини ўзи ҳам билмай қолди. Аслида у онасининг оёғи оғрияптими-йўқми, шуни сўрамоқчи эди. Она зўрға қадамларини тезлатди.

Ё Раб, энди онаси унга ишониб ташлаб келган синглисига ким қарайди? Онаизор қизини қанчалик севишини сўз билан ифодаламоқ қийин. Шу

қиз туғилгунча ўглининг бир тарафини кемтик кўрарди. Оилада қиз туғилгач, унинг бағри тўлди. Қиз ана шу кемтикликни тўлдирди. Она эндигина ўзини мутлақ бахтиёр сеза бошлаганди. Бироқ, икки фарзандининг унга эҳтиёжи йўқлигини яхши биларди. Улар бир-бирига суяниб-таяниб улғайиши мумкин эди.

Эри булса, усиз бир кунини утказиши мумкин. Хотини борми-йўқми, энди унга фарқи йўқ. Болалари учун ҳам унча ёниб-куймайди. Агар Аллоҳ унга ун фарзанд бериб, еттитасини қайтариб олса ҳам, у бундан заррача гам чекмасди. Йигирма йил бир том остида яшаб, эрининг насабини яхшилаб ўрганган эди у. Ҳу, бир пайтларда, жуда истаб қолганида, “Қани, бўл!” деб қуяр, ушанда ҳам жавобни илҳақлик билан кутиб ўтирмасди.

Ҳозир ҳам яхши биладики, ўгли уни бу ерларда ташлаб қайтгач, эри ундан хотини қаерга йўқолгани ҳақида сураб ўтирмайди. Худо умр берса, орадан уч, беш, ун йил утса-да, хотини қай манзилда гоийб бўлгани билан қизиқиб ўтирмайди. Чунки у эркак ўз ёнида ким ётгани билан ҳам иши бўлмасди. У ҳаётни фақат узидангина иборат деб биларди, холос. Буни аёл эри билан бир ёстиққа бош қўйган кундаёқ сезганди.

– Отанга эҳтиёт бул!

Отаси ўзи ким эдики, уни эсга олсин?

Туғриси, йўл жуда узайиб кетди. Эрталаб уйидан чиқаётганда қош қораймасдан уйига қайтишни кузлаганди. Ҳисобдан адашганга ухшайди. Кун аллақачон ботган, аммо онасининг қишлоғи ҳали-вери кўринай демасди. Ногоҳ ўғилнинг юрагини ваҳима чулғади. Рост-да, ярим кечаси уйига қандай қайтади?

Йўқ, бу йўл бунчалик узоқ эмасди. Бир пайтлар бобосини кўриб келиш учун бу йўлдан онаси



билан кўп бор ўтишган. Ҳар доим кун қизимай туриб, она-бола манзилга етиб келишарди. Бугун эса йулнинг адоғи кўринмайди.

– Намунча имиллайсиз, юрсангиз-чи?

Бу гал ўғилнинг овози боягидек қаҳрли чиқмади. Бу оҳангда бояги иддао ва ғазаб сезилмасди.

Балки ҳалиям кеч эмасдир? Балки ҳали ҳам ортга қайтмоқ, ҳаммасини бошдан бошламоқ мумкиндир? Балки орқага қайтиш учун ҳали кеч эмасдир, деган уй кечди ўғилнинг хаёлидан. Бир пайтдаги каби она-бола бирга ортга қайтишса, нима қипти? Ҳатто “Она, юринг, уйга кетайлик” дейишига оз қолди. Аммо, аёлнинг кечагина айтган гапи эсига тушиб, бу ниятидан қайтди.

– Нега бу бечораларни ўз уйида тинчгина яшагани қўймайсизлар? – деганди онаси бир кун илгари.

Бу гапдан кейин ўғилнинг кўзига уйқу келмади. Кечаси билан тушақда тўлғана-тўлғана тонг оттирди.

“Қайси бечоралар? Наҳотки, миллатимизнинг ашаддий душманларини бечора атамоқ мумкин?”

Кимнинг уйида? Ахир бу бизнинг ўз уйимиз, ўз еримиз эмасми?”

Кун ёриша бошлаши билан онасини уйғотиш учун унинг ётоғига келди. Аёлнинг кузлари очиқ эди. Бояги гапни айтганидан буён то ётоғига киргунича у бир огиз ҳам гапирмаган, ўғли келиб уйғотишини билгани учунми, кута-кута тонг оттирган эди. Ўғли тепасига келиб тўхтаганини кўргач, индамай ўрнидан турди. Кийим бошини тугрилаб, жимгина ўғлининг олдига тушди.

“Нега бу бечораларни ўз уйида тинчгина яшагани қўймайсизлар?” Ўз уйида ҳамма нарсани тартибга солиб келган саранжом-сарашта аёл уйламай айтиб юборган бир огиз сўзи туфайли ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборишини

билгани учун кечадан бери ич-этими еб ётарди. Лекин, бўлар иш бўлган, гишт қолипдан кучганди. Энди сабр косаси тўлган ўглига ҳеч гап кор қилмаслигини биларди. Хуллас, субҳи содиқда ўша уйдан бошланган бу йўлнинг охири куринай демасди. Она олдинда, ўгил орқада борардилар.

Ўгил тушундики, энди кеч, онасини ўзи билан қайтариб кетолмайди. Кета кетгунча йул ҳам ёмғирда юмшаб қолганга ўхшар, поёнсиз денгизга айланган эди, гўё. Она-бола ана шу денгизнинг ўртасида туришарди. Икковининг анчадан бери ҳаловат топмаган жони тоқатдан айрилган, юра-юра ҳолдан тойган онасини елкасига кўтариб, денгизни ортга қайтариш бу нотавон фарзанднинг қулидан келмасди.

– Тезроқ юринг, – деди ўгли. Бу гал унинг овозида қаҳр ва иддао эмас, нечукдир самимият бор эди.

Шу чоқ ўгил даҳшатли бир уйқудан уйғонгандек бўлди. Бу қандоқ гап? Ўз онасини олдига солиб қаерга олиб бормоқчи? Бу нарса унинг хаёлига қаердан келди?

Ногоҳ ўгилнинг вужудига бир титроқ оқиб кирди. Музлаб қолган юрагига ҳарорат ўрмалади. Шу чоқ қулогига дунёнинг нариги четидан бир садо келди:

– Онамни орқага қайтар!!!

Бу синглисининг овози эди.

Йигитнинг ичида нимадир портлагандек бўлди. Ахир синглиси ундан анча узоқда-ку, унинг овозини қандай эшитиши мумкин?

Тухтади. Онаси ҳам тухтади. Балки синглисининг бу нидосини онаизор ҳам эшитгандир?

– Синглингга ҳам эҳтиёт бўл.

Кейин онаси чироқлар гира-шира кузга чалиниб турган қишлоқ суқмоғи бўйлаб қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Онаси кўздан йўқолди, аммо зулмат ўз урнида қолди. Угил умрида қора рангнинг қанчалик қуюқ бўлишини биринчи дафъа куриб турарди. Демак, иш битди, ҳамқишлоқлари орасида юзини шувут қилган аёлдан биратула қутулди, энди ортига хотиржам қайтиши мумкин. Йигит вужуди алланечук енгиллашиб қолганини ҳис этди. У онасини эмас, бутун ўтмишини четга улоқтирган эди, гўё. Инсон юраги ҳамма нарсани бошқатдан бошлашга қодир.

Йигитнинг елкасидан тоғ қулагандек бўлди. Аллоҳ, узингга минг қатла шукур, дея пичирлади. У айнаи чоғда ичидаги ва ташидаги бор нарсалардан, нохуш ўй-хаёллардан тамомила қутулиб, бутунлай бошқа қиёфага кирмоқчи эди.

У келган йўлидан орқага қараб келаётганида тўғридан келаётган бурини кўриб тахтадек қотди. Жониворнинг қарашларида ваҳшийлик ва очлик нишонаси сезилмасди, негадир. Афтидан, у она-боланинг ортидан изма-из йўлга чиққан, йўл-йўлакай уларга ўрганиб қолган, шундан бўлса керак, ҳозир рупарасидан чиққан йигитга индамай ўтиб кетди.

Эрталаб онасини олиб йўлга чиққан йигит уйига қоқ ярим тунда кириб борди. Қишлоқнинг чироқлари алақачон ўчган, ҳеч бир тирик жон кузга чалинмасди. У ҳовлисининг дарвозасини ланг очиқ кўриб, донг қотди. Шундагина эрталаб она-бола ёлғиз ташлаб кетган, иситмалаб ётган синглиси эсига тушди.

...Шундан кейин нима булганини эслай олмайди.



---

## ТУРОЛ АНОРЎҒЛИ

Туrol Анорўғли Ризаев 1963 йилда Боку шаҳрида таниқли ёзувчи Анор Ризаев оиласида туғилган. Боку Давлат университетининг шарқшунослик факультетини битирган. Айни пайтга қадар Озарбойжоннинг хорижий мамлакатлардаги бир қатор элчихоналарида, жумладан, Ливия, Туркия, Саудия Арабистонида фаолият кўрсатган, мамлакатнинг Қувайтдаги фавқулодда ва мухтор элчиси. Рус, инглиз, араб ва турк тилларини билади. “Танҳо малак” номли китоби нашр этилган.



## СИНФКОМ САЙЛОВИ

Боқунинг жазирама ёзи ортида қолди. Қузнинг сарин нафаси билина бошлади. 1-“А” синф ўқувчилари мактаб ҳаётининг илк икки ойини ортида қолдиришди. Бу фурсат ичида китоб-дафтарларини олиб, ўқиш-ёзишни ҳам анчагина урганиб қолишганди.

Эшик очилиб, Хадича муаллима синфга кириши билан болаларнинг ҳаммаси оёққа турди. Муаллима болалар билан саломлашгач, стол ёнида туриб гап бошлади.

– Ўтиринглар. Бугун дарс ўтмаймиз. Уйда ўтган дарсларимизни такрорлаб келасизлар. Бугун синфком сайлаб олишимиз керак. Бу ҳақда сизга илгари ҳам айтган эдим, шекилли. Болалар, биласизки, биз демократик улқада яшайпмиз. Ҳар бир кишининг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи бор. Бугун шу ерда биринчи қадамни қуясизлар. Ўтган вақт ичида бир-бирингизни таниб олдингиз. Бугун сиз ўз ишончингизни қозонган дўстингизни, дугонангизни синфком қилиб сайлашингиз мумкин. Анави, синфда ишлаб юрган чилангар амакига эътибор қилманглар. У ўз иши билан банд. Биз ҳам ишга киришишимиз керак. Қани, ким менга айтади: синфком ўзи нима дегани? Нима иш қилади?.. Балли, ҳамма жавоб бермоқчи. Биринчи Жамила қул кутарди. Қани, қизим?..

– Синфком ўқитувчининг ёрдамчиси бўлади. Унга кўмаклашади.

– Туппа-туғри. Кейин-чи, Лола, сен айт.

– Синфком бур олиб келади. Синфнинг тозалигини назорат қилади.

– Жуда соз. Офарин. Али, сен нима дейсан?

– Синфком “стукач”лик қилади. Чақимчи ва лаганбардор...

Хадича муаллима кўзойнагини олиб, орқа партада ўтирган ўқувчига қаради.

– Нима? Бу гапларни сенга ким ўргатди?

– Отам.

Биринчи партада ўтирган қиз унга қўшимча қилди:

– Алининг отаси — “жулик”. Онам шунга дейди. Унинг дўконигаги колбасаларнинг ҳаммаси эски. У ердан олинган сутни қайнатса, ачиб қоларкан.

– Нима қипти? Менинг отам ҳам сенинг онангни “демагог” дейди.

Вазият издан чиқа бошлаган, ўқувчиларнинг суҳбати нохуш томонга йўналиб бормоқда эди. Хадича муаллима оёққа туриб, мунозарага қўшилди.

– Болалар, бу қанақаси, бунақа гапларни гапириш уят бўлади. Али, ўғлим, менга қара... Отанг бу гапларни ҳазиллашиб айтган бўлса керак. Масалан, бугун уйга бориб, “синфком сайладик” десанг, хурсанд бўлади. Сени мақтайди. Лайло, қизим сен ҳам бояги гапларинингни онангга айтиб берсанг, жуда уялиб қолиши мумкин. Болалар, битта гапни қулоқларингга қуйиб олинглар. Ҳеч қачон уйдаги гапни кўчага чиқарманглар.

Хадича муаллим зарда билан қўлини силтаб турган қизни турғизди.

– Ҳа, Жола, сен нима дейсан?

– Тўғри айтасиз, муаллим. Менинг отам ҳам ҳар куни уйда ҳукуматни сукади. Лекин, бизга бу гапларни кўчага чиқармаслигимизни айтади.

– Болалар, мавзудан узоқлашиб кетдик. Бугун синфком сайлаб олишимиз керак. Айтинглар, кимни сайласак бўлади?

– Алини!

– Лолани!

– Элдорни!

– Орифни!

- Матонатни!
- Ноила муаллимани!

Хадича муаллим таажжуб ила охирги таклифни илгари сурган болага қаради:

– Ўғлим, синфком сизнинг синфда уқийётган болалар орасидан сайланади. Мусиқа уқитувчисининг бунга нима алоқаси бор?

– Чунки, у даҳшат нарса. Калта юбкада ишга келади. Амаким уни курса улиб қолади. Мени мактабга олиб келган пайти Ноила муаллимани кўриб қолган экан. Мендан, бу жонон ким ўзи, деб сўраган эди.

– Жовид, ўғлим, ҳозир уйдаги гапларни кўчага чиқарманглар, деб айтдим-ку!

– Малим, бу гапни бизам уйда гаплашмадик. Амаким бу гапни менга кўчада, машинанинг ичида айтди-да!

– Бупти, демак таклифлар берилди. Номзодлардан бири Али. Алининг қайси сифатлари, хислатлари сизга маъқул? Хуш, Сомир бу таклифни сен берувдинг. Нега Алини танлаяпсан?

– Чунки, унинг иккита “телех”и бор. Ана, эшиқда пойлаб турибди. Кимни десангиз, сочиб ташлашади.

– Ўғлим, бу ишнинг тансоқчиларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Сиз синфдошингизнинг инсоний фазилатлари ҳақида гапиринг.

– Малим, Фомилни сайлайлик.

– Йўқ, уни сайлаб бўлмайди. У — экстремист. Оппозиция.

Хадича муаллима дарров музокарага қушилди.

– Биринчидан, бу нима деган гап? Биринчи синфда уқийдиган боланинг сиёсий мақоми буладими? Бунақа гапларни қаердан олдинглар?

– Ҳаммамиз бир хил кийимда келамиз. У бўлса, ҳар хил кийинади. Катта бўлса, вазир булармиш.

Хадича муаллима кулимсираб, фикрини билдирди.

– Вазир бўлса, нимаси ёмон? Эртага сизлар ҳаммангиз катта лавозимларда ишлайсиз. Таниқли фан ва маданият арбоблари бўлиб етишасиз. Бунинг учун ўқиш керак.

– Малим, Фарангизни сайлаймиз. Ўзиям, жа кетворган-да!

– Фарангизни сайламаймиз, у параллел синфдаги Метин билан юради.

– Йўқ, ҳеч ким билан юрмайман, билдингми?

Фарангиз бор овози билан йиғлашга тушди. Кейин эса урнадан туриб, ўзини эшикка урди. Кутилмаганда очилган эшикнинг тутқичи тансоқчилардан бирининг елкасига урилди. Оғриқдан унинг башараси буришиб кетди. Иккинчи тансоқчи ичкарига бошини суқиб, Хадича муаллимага юзланди.

– Ҳаммаси жойидами?

Хадича муаллима ҳам жуда тез фурсатда юз берган бу жараён олдида шошиб қолганди.

– Ҳа, ҳа, хавотир олманг. Ҳаммаси жойида.

Тансоқчи эшикни ёпди. Хадича муаллима асабий ҳолатда Меҳмонга юзланди:

– Уятсиз! Синфдошингни ҳам шунақа ҳақорат қиласанми? Уялмайсанми? Қизларга осилиш ўғил болага ярашмайди.

– Малим, директоримиз унда нимага ҳар доим хотинларга осилиб юради... Холам “у суюқ, гирт манъяк” деган эди.

Хадича муаллима қип-қизариб кетди. Мактаб директорининг хотинбозлиги ҳеч кимга сир эмасди. Муаллиманинг ўзи ҳам боланинг фикрини ичида қўллаб-қувватлаб турарди. Лекин, бу қадар ошкоралик...



– Болалар, келинлар, сайловларни давом эттирамиз. Сен Меҳмон, Фарангиздан узр сурашинг керак. Унинг кунглини ол. Ҳали утган ҳафта қилган ишингни нима деса бўлади? Ҳовлида туп уйнаб, деразани синдирдинг. Директор ота-онангни чақиртириб юборган эди. Сен кимни бошлаб келдинг?

– Вася амакини.

– Вася амаки сенга ким бўлади?

– Вася амаки ҳар доим уйимизнинг ёнидаги пивохона олдида утиради. Одамлардан пул тиланади. Кейин уша пулга буккунча ичади.

– Хуш, кейин нима қилдинг?

– Мактабда буфетдан овқат олиб ейишим учун берилган бир ширвонни Вася амакига бердим. Кейин уни отам урнига мактабга олиб келдим.

– Директорнинг ёнига-я?

– Ҳа, директор шикоят қилишни бошлади. Кейин Вася амаки менинг қулогимни буради. Кейин мен унинг оёғига тепдим. Кейин у мени “сукин син” деди. Мени нимага сўқади булмаса?

– Ўзинг ҳам уни отанг урнига мактабга судраб келибсан-ку? Қани кундалигингни бир курайчи?.. Ие, бу нимаси? Нега кундалигингда шунча буш варақ ташлаб кетдинг?

– Реклама учун жой қолдирдим. Ахир, газета-журналлар, телеканаллар рекламадан пул ишлаш учун буш жой қолдиришади-ку!

– Бу замоннинг болалари мени жинни қилиб қўйишади. Мақсаддан узоқлашмайлик. Нима деётгандик?

– Ноила хоним ҳақида гаплашаётган эдик, – деди Жовид қўлини кўтариб.

Хадича хонимнинг жаҳли чиқа бошлади:

– Вей бола, ҳали етти ёшдасан. Ноила хоним эса йигирма бешда. Сенга катталиқ қилади у.

– Менам узим учун сўраётганим йуқ. Амаким айтдики, мен уларни топиштириб қуйсам, велосипед олиб берармиш.

– Эртага ўша амакингни менинг олдимга чақириб кел.

– Малим, амаким сизни бошига урадими? Унга Ноила хоним керак. Сиз учун велосипед олиб бермайди менга.

– Булди, бас, етар!

Хадича муаллим узини тинчлантиришга уринаётганда эшик очилиб, Фарангиз куринди.

– Кирсам майлими? Кечирасиз, сиздан сўрамай ташқарига чиқиб кетганим учун. Ҳожатга кетувдим.

Муаллима қизга яқинлашди. Бошини силаб, мулойим товушда деди:

– Тушунаман, қизим, бор жойингга ўтир. Фақат, Меҳмон сенга бир нарса демоқчи эди. Қани, Меҳмон, нима демоқчисан?

Муаллиманинг ишораси билан Меҳмон оёққа турди.

– Фарангиз, сендан кечирим сўрамоқчи эдим. Лекин, сен бирдан ҳожатхонага кетиб қолдинг. Малим, узингиз айтувдингиз-ку, ҳожатхонага танаффусда боринглар, дарс вақти ўзингизни тутиб туринг, деб.

Болалар ҳиринглаб кула бошлашди. Фарангизнинг кўзлари ёшланди. Яна тезлик билан синфдан югуриб чиқди.

Хонанинг эшиги очилиб, тансоқчилар хонага бош суқишди ва атрофга кўз югуртиришди.

– Муаллима, тинчликми? Манави қиз ҳар икки дақиқада бир йиғлаб ташқарига чиқади?

Хадича муаллима энди жавоб бериш учун оғиз жуфтлаган пайтда гапга Алининг ўзи қушилди:

– У қизнинг томи кетиброқ қолган. Сизлар ҳам ҳар замонда ичкарига суқилиб, эркин сайловларга соя соляпсиз. Синфкомликка номзодлардан бири менман.

Тансоқчилар ташқари чиқиб, эшикни ёпишди. Муаллима таажжуб ила Алига тикилди:

– Сен бунақа гапларни қаердан ўргандинг?

– Сайловлар ўтказилганда телевизорда эртадан кечгача шунақа гапларни гапиришарди.

– Ҳа... Энди тушундим. Али, сен утир, Меҳмон сен яна ишни чигаллаштирдинг. Синфдошинг қайтиб келса, ортиқча гап қилма. Кечирим сўра, тамом. Тушундингми? Яхши. Болалар, демак, ол-тита номзод илгари суриляпти. Али, Лола, Элдор, Ориф, Фарангиз ва Матонат. Ҳа, Жовид, нима дейсан? Вой айтдим-ку, Ноила хонимни синфком қилиб бўлмайдди. Энди ҳар бирингиз қайси номзодга овоз бериш учун аниқ бир қарорга келишингиз керак. Ҳар бир номзод ўзи ҳақда доскага чиқиб гапириб берсин. Истаган саволингиз бўлса беринг, марҳамат. Аввал қизлардан бошлаймиз. Қани, Лола, чиқ доскага!

Лола чиқди. Кейин синфдошларига қараб гап бошлади.

– Менинг отим Лола. Биринчи синфда ўқийман. Ҳамма дарслардан беш оляпман. Муסיқа тинглаш, рақс тушишни ёқтираман. Мени сайласангиз, синфда тозаликни сақлашга ҳаракат қиламан.

Хадича муаллима мамнуният билан болаларга юзланди:

– Саволларингиз бўлса, марҳамат, бераверинглар. Қани Гулнора, тур, нима саволинг бор?

– Лола, сен қайси гулни ёқтирасан?

Лола саволга жавоб бермоқчи бўлганида синфхона эшиги очилди. Фарангиз уялиб-қимтиниб синфга кирди. Хадича муаллима ўрнидан туриб, унга яқинлашди. Кейин қовоқ уйиб, Меҳмонга қаради. Меҳмон ҳам ўрнидан турди:

– Фарангиз, мени кечир, лекин...

Хадича муаллима шогирдининг гапини қоқ ярмида бўлди:

– Бўлди, шу етади, Фарангиз катта қиз. Сенинг узрингни қабул қилди. Утир қизим жойингга. Хуш, давом этамиз. Қаерда тўхтагандик?

Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Кўзлари ёшга тўлган Садоқат исмли қиз қичқира солиб, ташқарига отилди.

Эшик оғзида ишлаётган чилангар норозилигини билдирди:

– Болалар, жойингизда утирсангиз-чи! Сайловингизни тинчгина ўтказаверинг. Ҳар икки дақиқада эшикни очиб-ёпаверасизми? Ўзи сайлов дегани шунақа галва билан ўтади. “Вечни” ўртада бир ишқал чиқиб туради.

Хадича муаллима ҳам бу ҳолда шошиб қолди. Таажжуб ила болалардан сўради:

– Бунга нима бўлди? Ким хафа қилди?

Саволга Садоқатнинг партадоши Айтан жавоб берди:

– Малим, Садоқат ҳам синфком бўлмоқчийди. Лекин ҳеч ким унинг номзодини кўрсатмади.

Хонанинг эшиги очилиб, ичкарига иккита девдай тансоқчи кириб келди. Синфга чўккан сукунатни бир тансоқчининг йўгон овози бўлди:

– Муаллима, ўзи бу ерда нималар бўляпти? Ҳар уч-турт дақиқада эшик бир очилиб, битта бола йиғлаб чиқади? Нима безовталиқ? Рухсат берсангиз, қаршилиқ бўлмаса, биз ҳам ичкарига кириб, сайловларга кузатувчи бўлиб қатнашсак?

Хадича муаллима нима қиларини билмай қолганди. Ҳар қалай, бу икки барзангига рад жавоби беришни ўзига эп курмади:

– Марҳамат, фақат жим ўтиришингизни сўрайман.

Икки барзанги орқадаги кичик парталарга аранг сиқилишиб ўтирдилар. Хадича муаллима назоратни яна ўз қўлига олишга тиришди:

– Хуш болалар, қаерга келгандик?

Гулнора саволини такрорлади:

– Лола, сен энг кўп қайси гулни ёқтирасан?

– Атиргулни.

Хадича муаллима столининг орқасига ўтди. Кузойнагини тақиб, болаларга юзланди:

– Лолага бошқа саволингиз бўлмаса, иккинчи номзодга утамиз. Ҳа, Жайрон, нимани сурамоқчисан?

– Малим, мен сизга савол бермоқчиман.

– Эшитаман.

– Нега келинлар оқ куйлак кийишади?

– Оқ ранг покликни, иффат ва тугриликни, эзгулик ва софдилликни, севги ва муҳаббатни билдиради, қизим.

– Малим, бўлмаса нима учун куёвлар қора кийим кийишади?

– Ҳмм... Ҳалиги... Болалар, мақсадга утамиз. Кимнинг навбати? Матонат, кел. Ана шундай. Қани, ўзинг ҳақингда гапир.

– Менинг отим Матонат. Менинг отам вазир. Уйимизда бир ит бор. Мен итимни яхши кураман. Дарсларимни бажариб булиб, уйинчоқларимни уйнайман. Китоб ўқийман. Менга саволинглар борми?

Гулнора қулини кўтариб, савол берди:

– Сен энг кўп қайси гулни ёқтирасан?

– Мен энг кўп атиргулни ва қалампиргулни ёқтираман.

– Балли, қизим. Бор утир. Энди Фарангиз чиқсин. Қани, болам гапир-чи?

– Мен ҳақсизлик ва ёмонликларни ёмон кураман. Туҳматчиларни ёқтирмайман. Синфком бўлсам, ёлгончиларни, туҳматчиларни муаллимимизга айтиб бераман. Саволингиз борми?

– Сен энг кўп қайси гулни ёқтирасан?

– Мен энг кўп атиргулни, қалампиргулни, кейин картошкагулни ёқтираман.

Хадича муаллима гапга аралашди:

– Ана, болажонлар, кўрдингларми? Қизимиз режаларни аниқ айтиб берди. Энди йигитларимизга утамиз. Қани, кел-чи, Али. Гапир, синфком бўлсанг, нималар қиласан?

– Биринчидан, отам бутун синфга ресторанида зиёфат беради. Малим, сизам борасиз. Иккинчидан, синфхонамизга туриқ палос тушаттираман. Учинчидан, отам бутун синфга янги стуллар олиб беради. Туртинчидан...

– Сен худди сиёсатчиларимизга ўхшаб гапир-япсан. Бу ишларнинг синфкомликка нима алоқаси бор? Отанг мактабга ёрдам бермоқчи бўлса, сен синфком бўлмасанг-да бу ишларни қилаверади.

– Йўқ, малим. Отам, сен сайланмасанг, бу ишларнинг нима кераги бор, деб айтди. Яна айтдики, сайлангунча ваъда беравер, асосийси сайланиш, у ёғи унча муҳим эмас.

Муаллима нима дейишни билмай, яна синфга юзланди.

– Болалар, саволингиз бўлса, марҳамат.

– Мен савол берсам бўладими? – Жовид муаллимидан тасдиқ жавобини олиб, ўрnidан турди. – Али, ресторанга Ноила муаллимани ҳам чақирасанми?

– Чақираман.

– Менинг амаким ҳам келса бўладими?

– Албатта, бўлади. Нега бўлмасин?

Жовид хурсанд бўлиб, кафтларини ишқалади. Кейин ёнидаги қизнинг қулогига пичирлади:

– Мен Алига овоз бераман.

Кейинги саволни Гулнора берди:

– Али, сен энг кўп қайси гулни ёқтирасан?

– Ҳаммасини, ваъда бераманки, мен синфком бўлсам, синфга ҳар кун янги гуллар опкеламан.

– Жуда яхши, ўғлим. Ўтир. Қани Элдор, сен чиқ!  
– Муаллима, мен синфком бўлишни истамайман. Овозимни Фарангизга бердим.

Орқа партада ўтирган тансоқчилардан бири кулимсираб, шериги билан кўз уриштирди:

– Ҳозирги болалар жуда абжир бўлиб кетишган. Биз бу ёшда жуда бўш-баёв бўлганмиз. Қара, битта гап билан қизни қўлга олди-қўйди.

Ўзини эшитмасликка олган Хадича муаллима уқувчисининг фикрига муносабатини билдирди:

– Болалар, бу жуда ихтиёрий иш. Ўртогингиз истамаса, уни мажбур қилолмаймиз. Энди кимнинг гали? Ҳа, Ориф, доскага чиқ. Нима дейсан?

– Менинг отим Ориф. Уйда телевизор кўришни, ҳовлида туп тепишни яхши кўраман.

– Ўғлим, катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан? Отанга ўхшаб, математик бўлишни, фан доктори бўлишни, академияда ишлашни истасанг керак?

– Йўқ, мен амакимга ўхшаб созанда бўламан.

– Жуда яхши, мусиқага қизиқишинг баъзиларга ўхшаб Ноила муаллимага алоқадор эмасми?

– Йўқ, пулга алоқадор.

– Тушунмадим. Пулга мусиқанинг нима дахли бор?

– Менинг отам математик. Лекин, ҳар доим амакимдан қарз олиб туради. Амаким бўлса, институтни битиргани йўқ. Ўзи гармон чалади, туйларга боради. Куп пул топади. Менам амакимга ўхшаган бўламан.

– Ўғлим, пул ҳамма нарсани ҳал қилаверадими? Билим олиш керак. Агар яхши ўқимасангиз, аҳволингиз... мана! Мана шу одамга ўхшаб қоласиз, – дея эшик оғзида, ерда ўтирган чилангарни кўрсатди. Бутун синф шу томонга қаради. Муаллиманинг гапларидан ранжиган чилангар халтасини қултиқлаб, ташқари чиқиб кетди. Хадича муаллима

уни чақириб, ортидан кечирим сўраб қолса ҳам, вазият ўзгармади. Хадича муаллима чор-ночор эски мавзуга қайтди. Вазиятдан чиқиш учун сўзни Гулнорага берди.

– Ориф, сен энг кўп қайси гулни яхши курасан?

– Мен энг кўп наргисни яхши кўраман.

Ҳамма болалар биринчи партада бошини эгиб утирган Наргисга қаради. Шу чоқ хонанинг эшиги очилиб, қиммат фаранг атрининг ҳиди синфга таралди. Мактаб директори кириб келди. Ўқувчилар, тансоқчилар ва Хадича муаллима урнидан туриб, у билан саломлашдилар. Алибобо муаллим синф раҳбарига яқинлашди:

– Хадича хоним, бу ерда нималар бўляпти ўзи? Синфингиздан бир қизнинг йиглаб муаллимлар хонасига келганини, онасига телефон қилганини эшитдим. Кейин чилангар келди. Авзойи бузуқ.

– Алибобо муаллим. Бугун синфком сайлови ўтказаетувдик. Садоқат қизимизнинг номзодини ҳеч ким кўрсатмади. У кейин аразлаб кетиб қолди. Чилангарни эса мен хафа қилдим. Билмасдан, албатта. Кечирим сўрадим, аммо қулоқ солмади.

– Хадича муаллима, сизни бир дақиқага мумкинми?

Директор ва синф раҳбари биргалашиб синфдан чиқишди. Алибобо муаллим синф эшигини ёпиб, шоша-пиша гапга тушди.

– Вей, нима қиласиз бошимизга галва ортириб? Сайлов-пайлов деган гапни қаердан чиқардингиз? Одатдагидек, бир аълочи болани сайланг-қўйинг-да! Садоқатнинг онаси туман халқ таълими бўлимида ишлашини биласиз-а?

Шу чоқ синфнинг эшиги очилиб, тансоқчилар ҳам чиқиб келди:

– Биз, албатта, мактабингизнинг ишига аралашини истамаймиз. Лекин, Алини сайлашингизни



маслаҳат берамиз. Муаллим, биласиз, Оғабола катта бир холдингнинг раҳбари. Мактабингизга ҳам фойдаси тегади.

– Мени бу ишга аралаштирманг. Мана, синф раҳбари бор. Хадича муаллима, агар менинг маслаҳатим сизга керак бўлса, ё туман халқ таълими бўлимининг, ё мана бу холдингнинг боласини синфком қилинг.

– Алибобо муаллим, унда синфдаги вазирнинг қизини нима қилайлик? Номзодлардан бирининг отаси вазир экан.

– Билмадим, бошим қотиб қолди. Ўзингиз бир йўлини топинг. Менам синфга кириб утираман, қани, охири нима бўларкин? Қани, сизлар ҳам кинринглар. Ҳа, қизим, кел сенам. Отинг нима эди?

– Садоқат. Рухсатсиз чиқиб кетганим учун кечиринг.

– Ҳечқиси йўқ, қизим. Кир.

Ҳамма ичкарига кирди. Директор болаларга мурожаат қилди:

– Болалар, бу сайловларда ҳеч кимнинг кунгли синиб қолишини истамаймиз. Шунинг учун Садоқатнинг ҳам номзодини илгари сурамиз. Менда саволингиз борми? Нима дейсан, қизим?

– Малим, сиз қайси гулни ёқтирасиз?

– Нима? Эсинг жойидами, қизим? Ўзимнинг гулим чиқиб турибди. Менинг қайси гулни яхши кўришим билан сайловларнинг нима дахли бор? Муаллима сиз давом этинг.

Хадича муаллима гапга тушди:

– Болалар, мана синфдошларингизни эшитдиларинг. Номзодларнинг режалари билан танишдинглар. Энди сайловни бошлаймиз. Демак, гап бундай: исм-фамилияларни ўқиймиз. Сиз ўзингизга ёққан номзод учун қул кутариб овоз берасиз. Кейин овозларни санаймиз. Энг кўп

овоз туплаган синфком бўлади. Қани, Латиф, чиқ. Натижаларни доскага ёз. Биринчи номзодимиз Лола. Ким Лолага овоз беради? Офарин, яхши. Иккинчи номзод Матонат. Латиф, қўлларни санаяпсанми? Учинчиси Фарангиз. Жуда яхши. Туртинчи Али. Кейин ким қолди? Тўғри, Элдор синфком булишни истамади. Демак, охиргиси Ориф экан. Энди натижаларни кураимиз.

Хона эшиги очилди. Директорнинг котибаси кириб келди. Синфга кўз югуртириб, Алибобо муаллимни кўрди ва қичқирди:

– Алибобо Вайсалович, сизни шошилишч телефонга сўрашяпти.

Алибобо муаллим чиқиб кетди. Хадича муаллима директорсиз натижаларни эълон қилишни ўзига эп кўрмади. Шунинг учун гап бошлади:

– Болажонлар, сиз бугун биринчи бор демократик сайловлар иштирокчиси бўлдингиз. Демократия мана шу. Ҳали ҳақиқий сайловларда иштирок этишга ёшингиз етмайди. Аммо, сиз биринчи қадамни ташладингиз. Мустақил давлатимизнинг келажаги сизнинг қўлингизда. Шунинг учун ҳар доим демократияга содиқ қолишингизни, шу йўналишда фаолият кўрсатишингизни истаيمان. Сиз бизнинг умидимиз, эртанги кунимизсиз. Сизни бугунги сайлов билан табриклайман. Мана, бу сайловда сизнинг катта амакиларингиз кузатувчи булишди. Энди сўзни уларга берсак.

Хадича муаллима тансоқчиларни доскага чиқарди. Тансоқчилар бир оз ўнғайсизланиб, болаларга юзланишди. Биринчи тансоқчи гап бошлади:

– Вообщем, масала равшан. Қўлийлани кутариб овоз бердийла. Яхши бўлди. Демократия бўлди. Ҳақиқий сайлов точний машинақа бўлади. Энди биза нимаям дердик. Ҳамма нарса как надо ўтказилди, шу!

Иккинчи кузатувчи гап бошлади:

– Ман кузатувчи сифатида айтишни истардимки, сайлов пайтида ҳеч қандай қонунбузарликларга йул қуйилмади. Европа Иттифоқида ҳам бунақа одил сайлов бўлмаган. Битта бола “самоотвод” берди. Автоматически, сайловларга кирмади. Бу сайлов энг юқори стандартларга...

Хонанинг эшиги очилиб, тансоқчининг сузлари қоқ ярмидан кесилди. Директор ичкарига кирди. Доскадаги натижаларга қаради. Кейин юзини Хадича муаллима ва тансоқчиларга утириб, деди:

– Сизлар мен билан бир дақиқа ташқарига чиқинглар. Болалар, сиз шовқин кутармай туринглар. Биз ҳозир келамиз.

Хадича муаллима ва тансоқчилар залга чиқарчиқмас, директор шовқин сола кетди:

– Шу сайловларингиз бошга битган бало бўлди. Аввал туман халқ таълими бўлимидан телефон қилишди. Кейин ишга шаҳар халқ таълими бўлими аралашди. Охирида вазирликдан ҳам қўнғироқ қилишди. Ҳатто Марказий сайлов комиссияси ҳам масалага аралашиб, ишимизнинг гайриқонуний ва хато эканини айтди. Бюллетенлар тайёр эмас. Сайловчилар рўйхатга олинмаган. Хориждан бетараф кузатувчилар иштирок этгани йўқ. Сайловнинг легитимлиги аниқмас.

Тансоқчиларнинг бири суҳбатта аралашди:

– Буларни томи кетиб қопти ўзи. Була “ухлаш-яптими”, ўзи? Худди депутат сайлашяптими дейсан.

Директор норози оҳангда уларнинг овозини бўлди:

– Сизнинг эса гапиришга умуман ҳаққингиз йўқ. Расмий кузатувчилик васиқасини олганингиз йўқ. Рўйхатдан утмагансиз. Кузатувчимиз, деб қулоққа лагмон осасизлар.

– Үв, Брат, қанақа лагмон, қанақа васиқа. Бошийзга от тепганми сиззи. Гаплашасанми ув. Чиқ буёққа...

Иккинчи тансоқчи биринчисини тинчлантиришга уринди:

– Алишка, не надо! Бизани ўз ишимиз бор. Нима қилса қилувмийдими? Бизга нима?

– Бу нима деганинг. Огабола Вайсаловичга нима дейсан? Ҳўглини қонуний йўл билан синфком қилиб сайлашди-ку. Бу қурумсоқ ишни бузаяпти.

– Мен билан бунақа гаплашишга ҳаққингиз йўқ. Икковингиз ҳам мактабдан чиқиб кетинг. Йўқса, полиция чақираман.

– Үв, нималар деяпсан? Сан манга “понт” билан гапирмагин, хупми? Гапинг борми, чиқ, чеккада гаплашамиз. Полицияни сан эмас, ман чақираман. Үв, Гоша, бу фармазоннинг машинасини ДАНдаги болаларга топшир, штрафнойга босишсин, кейин мияси жойига келади. Ман билан мунақа тонда гаплашмагин, а так синдираман ув!

– Алишка, тинчлан...

Сухбатга Хадича муаллима ҳам қушилди:

– Бас қилинг. Болалардан ҳам баттарсиз. Шошманглар, вазиятдан қандай чиқамиз?

Алибобо муаллимнинг боши қотиб қолганди. Бунинг боиси қўнғироқларми ёки тансоқчиларнинг сўзларими, билиб бўлмасди. Сениқ нигоҳ билан муаллимага каради.

– Билмадим. Яна уч дақиқадан кейин телефон қилишади. Ичкари кириб, болаларга бирор нима деб туринг. Чиндан ҳам Европадан кузатувчи чақирмаймиз-ку! Овоз бериш ошкора ўтди. Бюллетен-муллетен йўқки, бирор бало қилсак. Тфу, тентакка ухшаб, ҳамма натижаларни доскага ёзиб қўйибсиз. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Боринг,

болаларингизга бир нима деб туринг. Менам юқоридагилар билан маслаҳатлашиб кўрай.

Хадича муаллима эшикни очиб, синфга кирди. Болалар оёққа турди. Муаллима уларни утқизиб, жойига утирди ва кузойнагини тақди. Қаршисида утирган болаларнинг самимий кузлари билан туқнашди. Юзага келган вазиятни болаларга қандай тушунтирса экан? Дунёда адолат ҳеч қачон устун булолмаслигини буларга қандай айтсин? Қонун-қоидалар китобдаги каби татбиқ этилмаслигини қай тарзда билдирсин? Бир оз уйлаб, кейин гапга тушди:

– Болалар, айтганимдай, бугун илк демократик имтиҳон топширдинглар. Жуда зур бўлди. Бироқ, ҳали демократик тамойилларга утишимизга анча фурсат бор. Сайлов ҳам осон масала эмас. Бу жуда мураккаб жараён. Сайловчиларнинг сенга ишониши, сенга овоз бериши, сени яхши кўриши етарли эмас. Буни тўғри тушунинглар. Натижа тасдиқдан ўтиши лозим. Биз сайловларни ўтказиб бўлдик. Албатта, дастлабки натижалар маълум. Аммо, расмий натижани эълон қилиш учун бир неча кун кутишимиз керак бўлади. Буни юртимиздаги юқори идоралар, халқаро ташкилотлар ҳам тан олиши керак. Қоидаси шунақа. Тушундингларми?

1-“А” синф ўқувчилари бир овоздан “йўқ” деб жавоб қайтаришди. Хадича муаллима болаларга боқиб, чуқур оҳ тортди ва “очиғи бу ишларни менам тушунолмадим”, деди.

Мактаб кўнғироғи чалинди.

## РАШОД МАЖИД

Рашод Мусайиб ўгли Мажидов 1964 йилда Ағжабади туманида туғилган. Боку Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Бир қатор асарлари хорижий тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Айти пайтда “525-газет” газетасининг муассиси ва бош муҳаррири. Шу билан биргаликда Озарбойжон Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўйича масъул котиби. “Ҳали вақт бор”, “10 сентябрь” сингари бир қатор китоблари чоп этилган.

## 10 СЕНТЯБРЬ

Госпиталдан чиқиб, машина томон юрди. Эскигина “06 Жигули” сени саксон олтинчи йилда, шўро замонида муҳандис бўлиб ишлаб юрган кезларда, заводда навбатда туриб олганди.

Олд эшикни очиб, “такси” деб ёзилган пешлавҳани олди-да, машина томига ўрнатди.

Шифохонага жарроҳ билан кўришиш учун келганди. Ўртанча қизини операция қилиш керак. Қайси духтир билан гаплашмасин, оғзидан уч юз долларнинг иси келади. Ҳарбий жарроҳларнинг бири эски бир оғайнисини таништириб қўйди. “Ҳам ишининг устаси, ҳам кўзи туқ одам” дея тавсиф ҳам берди.

Гапи чин чиқди. Юз эликка кунди. Яна ёрдамчиларига элик долларча харжласа — иш битди ҳисоб. Юз элик “куки”ни нари-бери қилиб топди. Духтирлар операция қилмаса бўлмаслигини айтишгач, бола-чақасининг ризқини қийиб бўлса-да, шунча пул йиғиб қўйганди. Яна эликни қаердан топса буларкин?

Ундан-бундан қарз-қавола қиларман, деб ўйлади. “Замонасига ут тушсин, бировга оғиз очишга ҳам бетинг чидамайди. Пули борда ҳиммат йуқ, ҳиммати борда пул”.

Метронинг “Наримонов” бекатига етган пайтда оиласидан бирров хабар олиб утгиси ҳам келди. Аммо, ҳар доим одам олиб кетадиган бекатда бошқа машина йўқлигини кўриб, фикридан қайтди. Етти йилдирки, бу бекат унинг ишхонасига айланган. Ўн етти йил ишлаган, ҳатто давлат мукофотларини ҳам олган завод бора-бора қуввати камайиб, ёпилиб кетди. Етти-саккиз ой у ер-бу ердан иш қидирди. Ҳаракатлари зое кетгач, бутун умидини машинага

тиқди. Қушниси Ислоннинг маслаҳати билан киракашлик қилишга утди. Ислон бир пайтлар донғи кетган маданий моллар базасида ишлаган. Топиш-тутиши яхшийди. Қуни-қушни сураган нарсани омбордан уз нархига келтириб берарди. База ёпилгач, Ислон тижоратга қул уриб кўрди, иши терс кетиб, катта зиён кургач, қулогигача қарзга ботди. Амаллаб қарзларидан қутулгач, нон пулини машина кетидан топа бошлаганди.

Олдинига Ислоннинг таклифини қайтарди. Кейин рози бўлишдан бошқа иложи қолмади. Бошида ёмон уялди. Баъзида машинага таниш-билишлари, собиқ ҳамкасблари чиқиб қоларди. Пул олиш ноқулай. Бора-бора кўниқди. Бекатдан янги “ҳамкасблар” — янги дўстлар орттирди. Улар орасида ҳукумат ходимлари, дўхтирлар, муҳандислар бор эди.

Машинанинг ойнаси чертилгач, хаёли бўлинди. Ажнабийлар экан. Бири пакана ва семиз эркак, иккинчиси ўрта бўйли озгин аёл. Қўлларида бир нечта тула халта бор эди. “Плиз, плаз” деганча орқа эшикни очди. Хотин амаллаб шаҳар томон боришларини тушунтирди. Машина метро қаршисидан бурилиб, Москва даҳаси томон учиб кетди. Кузгудан эркакнинг лунжлари тинимсиз силкинаётганини кўрди. “Булар овқатни яхши ейишади”, ўйлади у. Халтадан чиқараётганида курдики, кавшаётган хўраги пахлава экан. Аслида бу амрикон пахлавани чайнамай ютаётганди.

Яқинда тикланган паст биноларни айланиб утиб, аёл курсатган балад, чиройли иморат ёнида машинасини тухтатди. Аёл олдиндан тайёрлаб турган битта ўн минг манатликни узатиб, “сах ол” (соғ бўл) деди. Тушиб, эшикни очди. Эркакни жағи ҳалиям тинмасди. Халталарни қўлтиғига аранг жойлаб, эшикдан чиқди. Эр-хотин “сэнк ю”



деганча янги бино тараф кетдилар. Машинани ўз уйи томонга бурди.

Чоғроққина ҳовлида яшашарди. Отаси ўша замонларда, ўгли энди уйланган кезлари мол-қўйини сотиб, шўронинг етти минг рублига олиб берганди. Ичма-ич икки хонаси, торгина ошхонаси, битта машина аранг сигадиган майдон-часи бор эди. Ҳовлининг бир кунжида ўзи кичкина бир ҳаммом, бир холижой қуриб олди. Заводда неча йил навбатда турди. Бир хонали уй берар булишганди, нозланди. Уч болам билан битта катакка қандай сигаман, деди. Озроқ чидасам, уч хонали уй оламан, деб юрди. У бўлди-бу бўлди, ҳукумат ўзгариб, завод ҳам ёпилди. Энди “ул” дейди узига узи. Ўша пайт бир хонали уйга бўлса ҳам илиниб қоларди-да, ҳарна!

Эшигига етиб, сигнал берди. Хотини дарвозани очди. Одатда пешин маҳаллар машинасини ҳовлига киритмасди. Ҳозир бир оз тамадди қилиб, бирпас мизғиб олгиси келди. Хотини дарвозани ёпди. Икки кузини эридан узмасди.

Хотинига ҳарбий дўхтирнинг гапини айтиб берди. Сал чиройи очилди аёлнинг. Ошхонада еганини еб, орқа ётоққа утди. Хонанинг деразаси қушнининг ҳовлисига очиларди. Қозон-товоқнинг тақ-туқи, сувнинг шириллаши ухлагани қўймасди. Аммо, бу гал нечукдир ҳаммаёқ жимжит. Хотини қушнилари оғоҳлантирган куринади.

Хотини авваллари завод боғчасида тарбиячилик қиларди. Шўро даврида боғчада ҳам сиёсий китоблар буларди. Ҳукумат ағдарилгач, кимдир Эрондан келтирган кирилча алифбодаги китоблардан турт-бештасини боғчага ҳадя қилганди. Завод тугаб, боғчанинг эшигига қулф тушди. Хотини боғчадаги ўша китоблардан битта-икки-тасини уйга олиб келди.

Хотинининг соатлаб китоб ўқиб утириши унга ғалати туюларди. Аёл тез-тез Қуръондан, Муҳаммад пайгамбарнинг ҳаётидан гапириб қоларди. Унинг кофирларга бериладиган азоблар ҳақидаги афсоналари эркакнинг юрагига ваҳима соларди. Шундай пайтда хотинининг сепсандигига тўрт буклаб яшириб қўйган фирқа паттаси ёдига тушарди. Ўн икки йил қўмфирқа аъзоси бўлди. Ҳар ой маошидан бадал тулаб турди. Улар 20 январда Бокуга қўшин киритиб, тинч аҳолини қонга ботирган пайти фирқа паттани йиртиб отгиси келди. Яна фикридан қайтди. У айб фирқада эмас, Горбачёвда деб биларди. Шунинг учун фирқа паттасини сақлаб қўйди.

Кун келиб Елцин фирқа фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарди. Ўшандаям паттани ташламади. У уша замонларнинг ортга қайтишига ишонарди. Шундай катта мамлакатнинг жимгина йўқолиб кетишига ишонмасди.

Авваллари хотинининг динга қизиқишини ҳам ўткинчи санарди. Лекин уйдаги диний китоблар сони орта борди. Хотини уйда ҳам бошига румол ураб юришга ўтди. Қўшни хотин-халаж ҳам тез-тез унинг уйига кириб-чиқиб турарди. Кун сайин бегона аёллар ҳам уйига серқатнов бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида хотини бир қизиқ гап айтди. Аёли тушида оқ саллали бир нуроний чолни кўрибди. Унга чол жимирлаб турган олтин косада нимадир ичирибди. Эрталаб туриб, у узида ғалати аломатларни сеза бошлабди.

Хотинидаги бу узгаришларни ишсизлик, пулсизлик ва камбағалликдан билди. Хотинини бирикки яхшилаб уришиб берди. Уйга бегоналарни умуман киритмасликни айтди.

Бир кун Ислом уни бир пиёла чойга чақирди. У Машҳадга бориб келгач, ичишни ташлаган,

анча босилиб қолган, калтагина соқол ҳам қўйиб, масжидга қатнай бошлаганди. Ислом ундан бор гапни эшитиб, уни тинчлантирди. Ҳар бандага бундай каромат насиб этавермайди, деди. Уйингга илинж билан келган аёлларни ноумид қайтарма, майли, хотининг уларнинг ҳожатини чиқарсин, савоб бўлади, деди. Ислом унинг ўзини ҳам йўлга солар бўлди. “Ичишни ташла, ҳажга бориб кел, фирқа паттангни йўқот, у уйда бундай ножоиз нарсаларни сақлаш ҳаром”, деди.

Бошида Исломнинг гапларига унча эътибор қилмади. Кейин хотинининг гайриоддий хислатларига ўзи ҳам ишона бошлади. Бир куни аёл ўртанча қизининг касал бўлиши ҳақида туш курганини айтди. Икки ҳафтадан кейин ростдан ҳам қизини дўхтирга кўрсатар бўлди. Қизча кундан-кун озиб борар, ҳеч нарса емасди. Дўхтирлар унинг битта буйраги ишдан чиққани, шошилиш чора куриш лозимлигини айтишди. Шундан, у хотинининг янги хислатига ишонди, ҳатто унга бир оз қўрқув билан қарай бошлади.

...Кўзини очган пайтда хотини бурчакдаги қутининг ичидан ниманидир қидирарди.

– Мошоолоҳ. Яхши ётиб турдингизми?

Соат бешга яқинлашиб борарди. Юз-қулини ювиб, уйга қайтди. Стол устида бир стакан чой ва сариқ тусли аёллар сумкаси турарди.

– Бу нимади, хотин?

– Қизларингиз мошиннинг ичидан топибди.

– Очиб кўрдингларми?

– Очишган экан, қулларидан олиб қўйдим, ёпиб шу ерга опкеб қўйдим.

Сумканинг оғзини очди-да ичидагиларни бир-ма-бир стол устига қўя бошлади. Аёл тик турганча унинг ҳаракатларини қизиқиш билан кузатарди. Қизлари ҳам эшик олдида буйинларини чузганча

оталари томон бўйлашиб турарди. Ўртанчи қизнинг юзига табассум югурди. Тароқ, кредит чиптаси ва... ўн етти дона бели синмаган юзталиқ доллар, иккита эллиқ мингталиқ, бир даста ўн минг ва мингталиқ манатлар.

Энг аввал кўз олдига ажнабий эркакнинг луқиллаб турган жағлари келди.

– Боя мошинимга эр-хотин амриконлар минувди. Ушаларники бўлса керак. Уйларини биламан.

Қизлар эшик оғзидан кетдилар. Хотини Ҷтаканни қулига олди.

– Совиб қопти. Бошқа опкеламан, – деди.

Радиодан сунгги хабарлар ўқиларди. Бокуга Қорабоғ арманилари келганмиш, эртага 11 сентябрь куни кетишаркан. Қорабоғ Озодлик ташкилоти вакиллари норозилиқ намойиши ўтказибдилар ва ҳоказо...

Чойни ичиб, сумкани олди-да, уйдан чиқди. Дарвозани очиб, машинага ўтирди. Ҳовлидан чиқаркан, хотинига дарвозани ёпишни тайинлади. Хотини дарвозанинг бир тавақасини ёпаркан, эри эшитадиган товушда “улардан ёруғлик чиқадиганга ўхшамайди”, дея пичирлади. Хотинининг муз каби совуқ сузлари боягина ичига оқиб кирган илиқлик узра ёйилди. Уша илиқлик нималигини энди тушунди. Ҳозиргина у бояги семиз кишининг хотини уни куриши билан қувониб кетади, ўн еттита юзталиқнинг ҳеч бўлмаса биттасини кармонидан чиқариб, суюнчи дея қулимга тутқзади, эртагаёқ ҳарбий духтир билан ҳисоб-китоб қиламан, деб турганди. Хотинининг бу гапидан кейин юрагига гашлик оралади.

Машинани метро яқинидаги бекатга қўйди. Яна учта машина турарди. Ҳайдовчилар йўловчи кутаётганда машинанинг ичи қизиб кетмасин

учун эшикларни очиб, ўзлари дарахт соясида гаплашиб утирардилар. Акиф билан “дўхтир” уни кўришгани ҳамона оёққа қалқдилар.

– Иккита амрикон, ким билсин, сени қидириб келишди-ёв. Визитка ҳам ташлаб кетишди. Ёнида тилмочи ҳам борийди. Ўзларининг айтишича, қизил Жигулига утиришган экан, хотиннинг сумкаси мошинда қоп кетибди, шопирнинг сеникидай қопқора мўйлови бракан. Ўша сен бусанг керак-да? Ўв, сумкасида бирор нарса бор эканми, ўзи?

Энди жавобга оғиз жуфтлаганида “дўхтир” тилга кирди:

– Бе, бўлмаса, шунча йулга овора бўлиб келармиди? Улар майда-чуйда нарсаларга узини уринтириб утирмайди, ҳей! Камида мингта “кўки”дан бордир-ов? Обориб берсанг, индамай юз долларини сенга илинишади. Ҳей, акаси жонидан, битта зиёфатга тушдинг-а?

– Мингдан куп, мошинимда турибди. Ўзи обориб бермоқчи буп турувдим.

Акиф ташрифномани узатди.

– Манзилни биламан, – деди, лекин визиткани олди. Инглизча битикларга тиши утмади. Фақат “Жим” деганини ўқий олди, холос. Ёрлиқ орқасида схема чизилган, яшайдиган уйининг 11-қаватига белги қўйилганди.

– Яна ҳақ бермай қочиб қолмагин-а?

Улардан осонликча қутулиб бўлмаслигини биларди, шунинг учун:

– Хотиржам булларилинг, юзта чузса, ҳақ бериш мендан, – деди.

Машинани Баксовет томон ҳайдади. Мана, бояги бинога ҳам етиб келди. Темир панжарали бино эшигига яқинлашиб, визиткани кўрсатди. Қора кийинган, қотма қоровул куз учида визиткага қараб, жойига қайтди. Ким биландир телефонда

гаплашиб, “ўн биринчи қаватга чиқасан, кутиш-япти сени”, деди. Машинадан сумкани олиб, лифтга кирди.

Даҳлиздаги икки эшикнинг бири қия очиқ турарди. Ичкаридан овоз келарди. Эгилиб, очиқ эшикдан муралади. Бояги семиз эркак уни курган заҳоти “плиз, плиз” деганча, қучогидаги пахмоқ кўппакни сийпалай-сийпалай даҳлизнинг орқа тарафига ўтди. Жимлик чўкди. Кўп ўтмай эркак кириб кетган хонадан бояги хотин чиқиб, унга яқинлашди. Сумкани олиб очди, ичига кўз югуртирди. Кейин кармонни очиб, долларларни санади. “Тўғри”, деди ва қўлидаги шақилдоқ пулларни силкитди:

– Бунга Жим и-ит олмоқчи, биласан? – деди тучмал талаффузда.

Кейин пулларни сумканинг ичига солиб, қўлини чўзди:

– Соғ бўл, джу-уда хурсанман.

Семиз эркак яна қучогидаги итини ялаб-юлқаб, тиржайганича бу хонага ўтиб кетди. Йўл-йўлакай ниманидир кавшаб борарди.

Ҳафсаласи пир бўлиб, аёлнинг қоқсуяк кўлларни сиқиб қўйди-да, ташқари чиқди. Лифт тугмасини босди. Кўз олдига аввал хотини, кейин қизининг касалванд чеҳраси келди. Кейин дарахт соясида гурунглашиб ўтирган шопир оғайниларини ёдга олди. “Келтириб бермасам буларкан, уйлади ўзича, менинг машинамда қолиб кетганини ҳеч ким исботлай олмасди-ку?” Кейин хаёлига паққос урилган бу фикрдан ўзи уялиб кетди.

Эшик очилиши билан қаршисидан чиққан кичик бир лайча акиллаганча унинг оёғига ёпишди. Капалаги учди. Лайчанинг ипидан ушлаб олган ёшгина йигит истеҳзо билан “кўрқма, индамайди”, деб қўйди. Эшик оғзида янги Жип турарди. Очиқ

ҳаводан бир тўйиб нафас олди-да, машинага ўтирди.

“Бу юлгичлардан бизга наф йуқ”. Анчадан бери сиёсий гурунгларга қўшилиб қолса, шўро даврини, ўрисларни мақтаб кетарди. Амриқонинг нефтимизни аёвсиз талаётгани, фақат ўз манфаатларини уйлаётгани ҳақида тинимсиз гапирар, фикрини исботлаш учун қатор мисоллар ҳам келтирарди. Ҳозир умрида илк бор унга рўпара келган амриконларнинг бу муомаласи улар ҳақидаги тасавурларини яна ҳам тиниқлатди. Ошналари билан дардлашиб, юрагини бўшаттиси келди. Метро яқинида, қадрдон дарахт ёнида тўхтади.

Бари суюниб қарши олди. Акиф сўради:

– Ишлар қалай, жигар? Бирор нима ундирдингми?

– Ҳа, – деди, – юзта беришди.

– О, яхшигина эрийдиган бупсан-ку? – бу гапни “дўхтир” айтди.

– Мошинни қўйиб келсам, майлими?

– Нима, биз билан сенам отмоқчимисан, – сўради Акиф.

Машинани дарвоза оғзида қолдирди. Ичкарига кириттиси келмади. Эшикдаёқ хотини “Қалай бўлди?” дея сўради.

– Сенинг айтганинг бўлди.

Пойабзалини ечиб, ётоқхонага ўтди. Сандиқни очиб, қизининг операцияси учун йиғиб қўйган пуллар орасидан унта ун мингталиқни олиб, чўнтагига солди. Яна сандиқнинг оғзини яхшилаб бекитди.

Туфлисини кияётганида хотини сўради:

– Йул булсин?

– Кечроқ қайтсам керак. Жўралар билан утиришимиз бор эди.

Хотинининг юзида норозилик аломати зуҳурланди.

Акиф эшик олида турарди. Машинасига бориб утирди.

– Мошинингни қўйиб кетмоқчийдинг-ку?

– Мен ичмайман, духтир билан оласанлар.

Ҳар доим утирадиган кафега келишди. Ташқаридаги столлар буш эди. Жойлашиб, кабоб буюришди. Ун дақиқа ўтмай, “духтир” ҳам келди. Воқиф аслида болалар шифокори эди. Лақаби ўшандан қолган. Тиббиёт олийгоҳини битирган. Бир-икки йил ишлагач, тушум кам, дея ўзини савдога урган, Исломга ўхшаб, зиён кургач, шу касбни танлаганди.

Акиф эса, тарих факультетини битириб, анча вақт академияда ишлаган, ҳатто илмий иши ҳам ҳимояга тайёр эди. Шўро қулагач, “бор-э” деди-ю, машинага утириб, киракашликка ўтди. Беш йил-дирки, тўртта гилдиракнинг кетидан оила тебратди.

Биринчи қадаҳни унинг, оиласининг ва касал қизининг соғлиғи учун олдилар.

Кейин Акиф ва “духтир”нинг соғлиғи учун қадаҳ кутардилар. Шиша охирлаб қолган эди. Ўзи ичмаса-да, қадаҳсуз айтгиси келди:

– Шу қадаҳни ўз сиҳатимиз, ўз халқимизнинг соғлиғи учун олинг. Мен ҳар доим бу амриконларнинг бизга бир чақалик нафи йуқлигини айттардим. Бугун яна бир бор амин бўлдим. Ким булмасин, йуқ жойдан топилиб келган бир минг етти юз долларининг юзидан кечарди-ку? Аммо улар бир червон ҳам бермади. Улар менга отасидан қарздор одамга қарагандек қаради. Ўрис булса берарди, немис булса берарди, – у бир оз пешонасини қашиб, қўшиб қўйди: – борингки, армани булсаям, берарди. Бу ... амиркон бермади.



Духтир билан Акиф жойларида бир-бирига қараганча қотиб қолишди. Кейин бараварига дастурхон устидаги совиган қуйруқ ва лўлакабларга тикилишди. У эса ҳамон гапида давом этарди:

– Ажабланманг, оғайнилар! Мен бу зиёфатни сўзимнинг ростлигига амин бўлганим учун бер-япман. Насиб бўлса, боламини бир амаллаб операция қилдираман. Шу пайтга қадар уша туллак амриконлардан ҳеч бўлмаса биттаси билан юзма-юз келишни истагандим. Мана, курдим. Ва ҳаммасига ишондим. Улар гулдек бир мамлакатни таг-тути билан йуқотдилар. Ичимизга нифоқ солдилар. Ишсиз, кучсиз қолдирдилар. Ҳозир ҳам бизни талаб ётишибди. Нефтимизни сув текинга олиб кетишяпти. Бизни эса одам урнида куришмайди... Сарсон, битта ароқ...

Акиф нимадир демоққа чоғланганди, улгурмади:

– Ичаман, қуй, бугун тўйгунимча ичаман.

...Кафедан чиқишганда соат бирга яқинлашган эди. Акиф аввал уни, кейин духтирни элтиб қўйиши керак эди. Дарвозанинг олдида тўхтадилар. У йўл-йўлакай бояги мавзуда гапириб келди. Акиф зўрга уни гапидан тўхтатиб, машинадан туширди.

– Мошинингни ўзим ичкари киритиб қўяйми?  
– сўради Акиф дарвоза олдида турган машинага имо қилиб.

Эътироз билдирди. Чўнтакларни пайпаслаб, калитни қидирди. Тополмай, ичкари кирди. Хотини шовқиндан уйғониб, ҳовлига чиққан эди.

– М... мо-ошин-н-ни...қуяве-ер, қ-қоп к-кетав-версин ташқ-қарида-а, у-ўлмайди-и-и!

Хотини машина ташқарида қолмасин, ўтган бор, қайтган бор, деб айтмоқчи бўлди. Кейинги пайтларда машиналарнинг олд ойнаклари, гидиракларини ўғирлаб кетиш ҳоллари кўпайган.

Унинг ичкарига кира солиб, кийим-пийими билан ўзини ётоққа урганини кўриб, индамади.

– Хафа бўлманг, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, – деди хотини унга юзланиб. У эса аллақачон тара-шадек қотган эди.

Саҳар пайти миясида турган қаттиқ оғриқдан уйғониб кетди. Хотини унинг қаршисида тушак устига ўтириб олганди.

– Ёмон туш кўрибман, катта-катта бинолар ёниб, култепага айланаётганмиш.

– Мошинга қараб қўйдингми?

– Жойида турибди.

– Қизинг қалай?

– Яхши. Лекин... кўнглим ниманидир сезяпти.

Барака топгур, шу заҳри заққумни ичманг!

– Бўпти, энди ичмаганим бўлсин. Эртадан ма-читга бораман. Тавба қилдим, – дея бошини ёстиқ-қа буркади.



---

## УЛВИ БУНЁДЗОДА

Улви Юсуф ўгли Бунёдзода 1969 йил 23 сентябрда Гўйча вилоятининг Босаркечар тумани Касаман қишлоғида туғилган. Озарбойжон Давлат чет тиллар институтида таҳсил олган. Уқувчилик йилларидан бошлаб шеър, ҳикоя ва таржималари мамлакат нашрларида чоп этила бошланган. Араб, форс, рус, ўзбек тилларини мукаммал билган. Улвининг талабалик йиллари мамлакатнинг нотинч, долғали даврига тўғри келди. 1990 йилнинг 20 январида Шуро қўшинлари Боку шаҳрида ўтказилган тинч намоийшни шафқатсизларча бостирган чоғида фожиаи ҳалок бўлган. Бокудаги Шаҳидлар хиёбонига дафн этилган. Қисқа умри давомида салмоқли ижод намуналарини мерос қолдирди.



## САДОҚАТ

Бу ривоятни бувимнинг тиззасига ўтириб тинглаганман. Нақл қилишларича, араб саҳроларидан бирида оқ “кулоҳ”ли баланд бир қоя бор эмиш. Узоқдан қараганда, у бошига оқ рўмол ўраб олган қора кийимли гўзал қизни эслатармиш. У қора отнинг белига миниб, бир оз олдинга энгашганича елиб бораётганга ўхшармиш. Гўзал от устида бораркан, кўзларини бекитаёзган рўмолини бир қўли билан нари суриб, ортига ташвишли нигоҳ ташлаётир... Яқинлашиб борганингиз сари қиздан ному нишон қолмасмиш, қаршингизда виқор-ла ўшшайиб турган улкан қоядан бўлак...

Йўқ, бу воқеани менга эски хотираларим эмас, айнан кўзларим эслатди, кўзларим...

\* \* \*

Энтикиб самога термилдим. Гапиришга сўз тополмасдим.

– Садоқат, – дея пичирладим у томон бир оз суриларканман. – Қара, саҳнага қанча кўзлар тикилиб турибди.

Қиз аввал менга, кейин мен қараган тарафга боқиб жилмайди:

– Бир жуфт, икки жуфт, уч жуфт...

У кўкдаги юлдузларни, мен эса, ердаги — яшил кинотеатр саҳнасига қадалган кўзларни санай бошладик. Бирдан Садоқат болаларча бегубор ҳайрат билан кўкда сузиб юрган Ойга ишора қилди:

– Қара, унинг шошиб келишини!

Ойга қарамадим. Садоқатнинг юзига боқдим. Назаримда Ой ҳам нурини, худди тўй атри мисол қизганмасдан ана шу зебо юзларга сочарди. Фақат

унинг кўнглини оғритиб қўймаслик учун истар-истамас кўкка бўйландим. Чиндан Ой қаёққадир шошилаётганга ухшарди. Кўп ўтмай, шуълалар бошқача жилоланиб, концерт бошланди. Ой-юлдузлар билан хайрлашиб, саҳнага кўз тикдик.

Садоқат билан ёнма-ён ўтириб, концерт томоша қилаётганимга ишонгим келмасди. Иш нимадан бошланганини эслашга уриндим. Ҳа, ҳаммаси ўзимга ўзим яхшилаб танбеҳ берганимдан кейин бошланди.

– Йигитга ухшасанг-чи, бундоқ, – дедим, – гапинг бўлса, боргин-да, дангал айт-қуй. Қачонгача тиши оғриган бемордек, тонг отгунча тўшагингда тўлғаниб чиқасан. Кўп уйлаган, оч қолади. Эртагаёқ бориб, масалани кундаланг қуй!

Эртаси куни ҳамма маърузалар қулогим остида кечаги хитобнинг такрори булиб жаранглади. Охирги пара тугаши билан ҳаммасини яна бир карра мулоҳаза қилиб, Садоқатнинг ёнига бордим. Нимадир ёзиб утирарди.

– Садоқат, – дедим журъатимни туплаб. – Овозим титраганини сездим. Бошини кўтарди. Жим турганимни кўриб, кулимсиради. Кейин дафтарларини йиғиштириб, сумкасига жойлаштира бошлади. Унинг кетиб қолишидан қўрқиб, фикримни тамомлашга ошиқдим.

– Садоқат, сенга гапим бор эди, балки бир оз... шошилмай турарсан?

Сўзларим ўзимга шу қадар қуруқ ва кулгили туюлдики, нима қилишни билмай, юрагимнинг дукиллашига қулоқ тутдим. Назаримда бу сокин аудиторияда ҳозирнинг ўзида момақалди роқ гулдираб, тўфон турадигандек эди. Бехос, Садоқатнинг овозидан ўзимга келдим. Чамаси

у исмимни тилга олди. Кейин эшик тарафга одимлади. Балки у ҳеч нарса демагандир? Балки нимадир деган бўлса-да, эшитмагандирман? Э Худо! Одам деган шунақа ландавур бўладими?

Энди яна уни қачон холи топа оламан? Яхшиямки, ўзи тўхтади. Аввалига исмини айтди, кейин:

– Бугун шошиб турувдим, – деди. – Таклиф этилганман. Бормасам булмас.

“Қаёққа шошиляпти? Ким қаерга таклиф қилдйкин? Сурасам, туғри булармикин? Нега юрагим бунча безовта?”

– Садоқат қаерга... бормоқчийдинг?

Жавоб қисқа ва лунда бўлди:

– Яшил кинотеатрга.

“Яшил кинотеатрга? Ким билан боради? Демак... Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Буниям сўрасам бўлмас...”

– Бугун бадий ҳаваскорлик жамоаларининг концерти эди. Опам ҳам чиқиб қушиқ айтади. Унга, албатта, бораман, деб сўз берганман.

Безовталигимни юзимдан ўқидими, ҳар қалай, ана шундай, атрофлича маълумот берди. Елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Куз олдим хиёл равшан тортди. Демак, опаси уни концертга таклиф қилган. Мен ҳам борсам бўлармикин? Садоқат билан бирга. Аммо, чипта масаласи... Борадиган бўлсам, икки кишига чипта олишим керак. Чунтагимга қўл солдим. Бармоқларим тимирскиланиб, пул қидира бошладилар. Чақалар бир-бирига урилиб, жиринглаб кетди. Уч манатли пулим бўлиши керак эди. Қаерда қолдйкин? Манави қоғоз парчаси бўлса керак.

– Нима деддинг? – Садоқат кўзларини сузиб, менинг тушуниксиз гўлдирашимдан маъно излади. Узимча нималардир деган бўлсам керак?

– Шу...

– Нима шу? Нега бунча талмовсирайсан, овсар?  
Гапирсанг-чи, жавоб кутяпман.

– Шу... менам борсам, қаршимасмисан?

Индамай ерга қаради. Яна упкаларим тўлиб бушашди. Ростдан чўнтагимдаги пул уч манат-лимикин? Балки бир манатлидир? Эрталаб бирор нарсага пул сарфламаганмидим?

– Қаршимасман, кетдик. Бари бир уйга борадиган бўлсам, концертга кеч қоламан. Тугри бораверамиз. Синглимнинг таклифномаси сенга насиб қилган экан...

...Ҳозир опам чиқади. Эшитдингми? Унинг исмини эълон қилишди.

Қулимга кимдир тегиб кетгандек бўлди. Сесканиб Садоқатга қарадим.

– Уйготиб юбордимми?

Жавоб ўрнига айбдорона илжайдим.

Қизарган юзларидан, думалоқ сийналари орасида бир-бирига маҳкам чирмашган бармоқларидан унинг ҳаяжонда эканини пайқаш мумкин эди. Унинг ҳолати менга ҳам таъсир қилди. Қисқа-қисқа нафас оларканман, гоҳ саҳнага, гоҳ Садоқатга тикилардим. Саҳнадаги қиз малоҳат ила куйларди.

Олқишлар бошланди. Мен ҳам ҳамма қатори ўрнимдан туриб, қарсак чалар, залдаги томошабинларнинг олқишига ҳамоҳанг қичқирар, Садоқатнинг опасини саҳнага чорлардим. Кейин Садоқат ёдимга тушди. У тарафга угирилдим. Ва... кўз олдимда ўт чақнагандек бўлди. Садоқат кўзим аралаш юзимдан упиб олди. Концерт қачон тутаганини эслолмайман. Гарангсиб қолгандим. “Нефтчилар” проспектига тушдик. Садоқат менинг қулимдан тутди.

– Мени кечир, – деди бошини қуйи солиб.

Ҳаяжондан узимни йуқотиб қўйгандим. Нимадир демоқчи эдим, имкон бермади. Тухтаб, йўлимни кесди.

– Мана, етиб ҳам келдик.

Чиндан ҳам етиб келибмиз. (Садоқатнинг уйини яхши билардим). Тек қотганча у билан қай тахлит хайрлашиш ҳақида уйлардим.

– Нима ҳақида уйлаётганингни, менга нима демоқчи эканингни ҳам биламан. – Садоқат кўзларини дафъатан ердан юзимга қадади. Унинг негадир овози титраб, томчидек лаблари орасидан сизиб чиқди. Кўзларим юмилди. Назаримда турган еримиз асфальт йўлак эмас, баҳор ёмғиридан сунг камалак инган чаманзор эди. Булутлар орасидан мўралаган қуёш нурлари остида майсалар устида туриб қолган шаффоф томчилар олмос зарраларидек тиниқ шуъла сочарди. Биз ана шу гузаллик қўйнида ёлғиз эдик. Садоқат қўлларини кенг ёйганча чаманзор узра худди камалакни бағрига босмоқчидек югуриб борарди. Унинг янгроқ овозидан майсалар, чечаклар титраб, бағридаги томчиларни пойига дурдек тўкарди. Бирдан ҳушёр тортдим. Садоқатнинг титроқ лаблари оҳиста пичирларди.

– Мен унаштирилганман... Қаллигим яқинда хизматдан қайтади.

Кўз олдимда зулмат қуюқлаша бошлади. Қулоқларим остидан унинг қадам товушлари олислаб борарди. Бора-бора “тақ-туқ” товушлар ҳам йўқолиб, қулогим том битгандек бўлди.

Уйқудан уйғонгандек, у кетган тарафга олазарақ қарадим. У рўпарадаги қора тошдан қурилган баланд бино ёнида мендан кўз узмай турарди. Кулакула қўлидаги оқ даструмолини силкитиб, мен билан хайр-хушлашаётган эди. У тарафга югурдим. Ёнига етиб борганимда ҳайратдан тош қотдим. Кимдир бехос юзимга тарсаки туширгандек бўлди. Қиз турган ерда қора тошдан тикланган шу бино юксалиб борарди.



## ИНСОН

Кекса файласуф соҳил буйидаги хиёбонда денгизга яқин қўйилган уриндиқлардан бирининг ёнида тўхтади. Бармоқлари билан оқ, жингалак сочларини тараб, билинар-билимас хурсинди. Кузлари номаълум нуқтага қадалганча қотди. Кейин “Эҳ дунё, дунё” деганча уриндиққа чукди.

У машҳур олим, дунёга донги кетган академик эди. Жамиятни тараққий эттириш борасида доҳиёна фикрлари ила элга танилган, жилд-жилд китоб ва дарсликлар яратган эди. Уғил-қизлари ҳам ота изидан бориб, илм йулини танлаган эдилар. У ҳамманинг назарида бахтиёр инсон эди.

Кекса файласуф ҳаммага ухшаб фикрламасди. Ҳозир ҳам денгизга термилганча, босиб утган йули, дунёи дуннинг ўткинчи ва бевафолиги ҳақида ўй сурмоқда эди.

– Амаки, Худо йулига хайр қилинг!

Кекса олимнинг қаршисида етти-саккиз ёшлар чамасидаги юпун кийинган бир бола қул чўзиб турарди.

Олим аввал нима қиларини билмай турди. Болани қувиб юборишни ҳам, беш-тўрт танга садақа бериб жунатишни ҳам билмасди. Ногоҳ бу гудак билан суҳбатлашиш, уни бу нолойиқ, йулдан қайтариш фикри туғилди.

– Бу ёққа кел, болам! Ўтир ёнимга.

Бола индамай унинг айтганини қилди.

– Отинг нима?

– Инсон.

– Нима? Шунақа исм ҳам буларканми?

– Билмасам.

– Бу исмни сенга ким қўйган? Инсон узини бунчалар ерга урмаслигини айтмаганми онанг?

– ...

Қариянинг кайфияти бузилди. У суҳбати қур олмаслигини англаб, боланинг жавобини бериш учун чўнтак ковлади. Аксига олиб, майда тополмади. Кейин гуноҳкор қиёфада боланинг юзларига тикилди. Унинг нигоҳлари лоқайд эди. Кетиш учун ўрнидан турди. Бироқ, кекса файласуф болани қуруқ қул билан қайтаришни истамасди. Ҳамёнини чиқариб, ун манатлик тутқазди.

– Анави музқаймоқ сотаётган аёлга обор, майдалаб берсин. Бир манатини ўзингга опқоласан. Қолганини опқочиб кетмассан, ҳар қалай?

– Опқочиб кетаман!

Қариянинг жаҳли чиқиб, пул тутган қўлини тортиб олди. Ҳайрат билан боланинг кўзларига тикилди. Боланинг қиёфасидаги аввалги бефарқ ифода йуқолмаганди.

– Бўлмаса, бор, ишингни қил, Инсон!

Бола қимирламай тураверди. Қариянинг гаши келди. Болани сукиб, ҳайдамоқчи бўлди. Унинг кузларида аллақандай мавҳум бир учқун чақнаб турарди. Бу учқун қариянинг ҳам кўнглига недир қур солгандек бўлди. Фикридан қайтди. Ҳамон қулида тутиб турган пулни яна болага узатди, бу гал мулойимлик билан гап қотди:

– Майли, болам, олақол. Ҳаммаси сенга!

Бола пулни олиб, қариядан узоқлашди. Олим анчагача фикрини бир жойга жамломай турди. Қизиқ, боланинг нимаси уни ўзига бунча боғлаб олдийкин? Нега унинг юраги бирдан бу қадар юмшаб кетди? Бу марҳамат ҳиссимиди ёки газаб? Кимдан, нима учун газабланиши керак? У болани дарров жўнаторганидан хийла афсусланди. Ўнгу сўлига қайрилиб қаради. Бола кўринмасди. Кейин яна бошини эгганича ўзининг хаёлий оламига гарқ бўлди.

...Кўп ўтмай, қадам товушларидан сергакланиб, бошини кўтарди. Қаршисида бояги болакай турарди. Аввалига қувонди, кейин таажжубланди. Яна бир лаҳзадан сўнг ич-ичдан газаб тошгандек бўлди. Болага қараб бақириб берди:

– Ҳа? Яна нимага келдинг? Тинчгина ўтиргани қўясанми, йўқми?

Қария зарда билан туриб кетмоқчи бўлди. Болакай қулини нимдош шимининг чўнтагига солиб, бояги ўнталикни чиқарди ва қарияга узатди:

– Манг, амаки, олинг пулингизни!

Кекса файласуф ҳайратдан қотиб қолди.

– Нега? – суради паст овозда.

– Ойим “Обориб бер, бу одамнинг пули бизга керакмас, ўзига кафанлик олсин”, дедилар.

– Онанг қани? – қариянинг юраги музлаб кетгандек бўлди. Ўрнидан турмоқчи эди, бели зирқираб кетди.

– Ана, кетяптилар-ку!

– Бор, тез бориб, онангни қайтариб кел! – деди қариянинг ҳаяжондан нафаси бўғзига тиқилиб.

– Келмайдилар, ойим сизни қаргадилар-ку!

– Онангни оти нима?

– Наргиз.

“Наргиз” — файласуф хаёлга толди. Наргиз! Бу исм файласуфнинг, виждонидаги қора доғ мисол муҳрланиб қолган.

...Саккиз йил илгари ҳеч кими йўқ, узоқ қишлоқдан келган бир қиз ўглининг тўрига илиниб қолганди. Албатта, ўгли ҳам бир оз ёшлик қилган, ҳирсини жиловлай олмаган. Қизнинг бўйида бўп қолган... Иш ҳатто судлашишгача бориб етди. “Адолат” судининг “адолат”ли қозиси машҳур файласуфнинг ҳурмати юзасидан, нозик одамларнинг аралашуви туфайли “одилона” қарор чиқарди. Наргиз ҳурматли бир оиланинг номига

иснод туширгани, тухмат қилгани учун бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

...Кекса файласуф суд ҳукмини қайта тинглаётгандек бўлди. У сесканиб, бошини кўтарди. Бола онасининг орқасидан кетиб борарди.

– Инсон! – Кекса файласуфнинг овози соҳил бўйлаб ёйилди.

Бола орқасига утирилиб қаради. Лекин йўлидан қайтмади. Қариянинг наздида бола билан бирга юрагининг бир парчаси узилиб бораётгандек бўлди. У она-болани орқага қайтариш учун ҳамма нарсага ҳозир эди. Лекин, Наргиздан ҳам, Инсондан ҳам у анча илгари, бундан саккиз йил муқаддам ўз ИНСОНлигини йўқотган дамдаёқ жудо бўлган эди.



Инсон унинг келажаги эди. У келажагини йўқотганди. Хўш, унинг ўрнига нима топди? Кекса файласуф яна қўллари билан оқ сочини таради. Ўнг қулида турган ўнталик кафтини худди чўгдек куйдирарди...



---

## ИЛГОР ФАҲМИЙ

Илгор Пошоев (Фаҳмий) 1975 йилда Боку яқинидаги Зира қишлоғида туғилган. 1997 йилда Боку Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Шоир, ёзувчи, драматург ва таржимон. Озарбойжон Ёзувчилар уюшмасининг таржима шўъбаси ҳамда “Юлдуз” журналининг бўлим мудирининг “Аквариум”, “Ўзим гўзалми ёки сен?”, “Чамбилбел тулкиси”, “Боку тарихидан коллаж” номли шеърининг ва насрий асарлари чоп этилган. “Актриса” романи ўзбек тилида чоп этилган. Бу асар асосида суратга олинган фильм “Канн” фестивалида ҳам иштирок этган.



---

## УЧРАШУВ

Аввалига унинг оғзи қурий бошлади. Аста-секин тили тахтага айланиб, танглайига қапишди. Ютинмоқчи бўлди, уддасидан чиқолмади. Бориб, эски ташландиқ ҳовлининг ўртасидаги булоққа энгашиб, сув ичмоқчи бўлди, ўрнидан туролмади. Аранг кўзларини очди. Оёқларини қидирди. Тавба, нега оёқлари кўринмаяпти? Қўли билан пайпасламоқчи бўлди. Ажабо, қўллари қани? Қўрқиб кетди. Болалигида тенгқурлари билан баъзан чигирткани тутиб, қўл-оёқларини узиб ерга ташлашар, бир-икки соатда шўрлик чигиртка чумолиларга ем бўларди. Ушанда жўралари билан бу ҳолатни завқ-шавққа тўлиб томоша қиларди. Балки Худодан қайтиб, унинг ҳам қўл-оёқларини қирқиб, қурт-қумурсқага ем қилиш учун ташлаб кетишгандир?

Дафъатан онасининг гапларини эслади: “Болам, ташқарида ухлама, итлар оёқ-поёгингни гажиб кетмасин...” Ким билсин, оёқ-қўллари уни ташлаб, ювингани кетган бўлса-я! Аҳмоқона фикр.

Бирдан чирилдоқ бир овоз қулоғига чалинди. Кимдир гижжак чалаётирми? Чирилдоқ сас қулоқларини тешиб юборгудек даражада кучая бошлади. Ич-ичидан сўкинди: “Ҳе, онасини... гижжак чалишни билмас экансан, чийиллаб мияни ачитишга бало борми?” Товуш баттар кучаяверди, у қулоқларини маҳкамлаб беркитди. Бармоқлари қулоғига теккач, қўллари қайтиб келганини пайқаб севиңди. Оёқларини пайпаслади. Шукур, оёғи ҳам жойида. Яна деворга суянди. Чинқириқ аста-секин азон овозига айланди. Масжид яқин эди. Зурга бошини кўтариб, уша тарафга боқди. Қизиқ, масжид ҳам одамга ўхшаркан. Гумбази каллага, деразалари икки кўзга, иккита минора

эса нажот сўраб тепага кўтарилган қўлларга ўхшаб кетди. Шу чоқ ҳуши минора тепасидаги муаззинга кетди. Қизиқ, шу чоқ масжиднинг “боши” қичиб қолса-да, “қўллари” билан қашимоқчи бўлса, муаззиннинг ҳоли не кечарди?

Азон саси тинди. Қош қорайиб келарди. Кўчанинг нариги тарафидан келаётган машина овозидан сергак тортди. Шалоғи чиққан “Запорож” тариллаганча унинг ёнидан ўтиб кетди-да, нариги кучага бурилди. Ўзича “Запорож”га ачинди. Жониворнинг тили бўлганда, “Шунча йил миниб жонимни олдинг, лоақал энди тинч қўй, тўкилиб адо бўлдим-ку”, дея эгасини сўкиб берган бўларди. Чиндан ҳам бу машина алақачон нафақа ёшига етган.

Нафақа деганда отаси эсига тушди. Отаси ҳам худди ана шу эски “Запорож”га ўхшайди. Аллақачон куч-қувватдан кетиб, мункилаб қолган эса-да, қилтилаб ишга бориб келади. Нафақага чиққиси йўқ. Бошқа нимаям қиларди бечора? Оиласини ким боқади? “Қизларимни чиқарсам, кейин дам оларман” деганди.

Оиласини эслаб, хомуш тортди. Яна кўзларини юмди. Ҳамма нарсани унутишга чоғланди. Бир оз шу ҳолатда ўтирди. Қадам товушлари эшитилди. Кимдир салом берди. Аранг кўзларини очиб, ён-верига аланглади. Биров кўринмади. “Ҳамсоя-ҳақлардан биридир-да, ҳовлидан ўтиб кетди-ёв” дея хаёлланди. Яхши бўлмади. Одамни назар-писанд қилмайди, бурни осмонда, деб ўйлашади энди. Маҳалла-қўй халқи ёмон-да! Ҳамма нарсани гап қилишади.

Кимдир куча чирогини ёқди. Чироқ ундан 20 қадамча нарида бўлса ҳам ёруғлик кузларини қамаштирди. Беихтиёр кўзларини юмди. Бурни қичимсиради. Яна амаллаб куз очди. Сесканди,

бурнининг учида қўниб турган йирик бир чивин унга бақрайганча тикилиб турарди. Бир оз шундай тургач, чивин қўллари билан юзини ишқалай бошлади, ора-орада унга қараб-қараб қўярди. Чивин унга охириги иш жойидаги бошлиқни эслатди. Тавба, одам чивиндан ҳам жирканчлироқ бўларкан-да! Яхшиям у ерда кўп ишламади. Қочди. Бечора отаси уни неча марталаб ким-кимларга ялиниб-ёлвориб ишга жойлаштирди. У бўлса, нари борса бир-икки ой ишлаб, қочиб кетарди. Йўлини тополмади-тополмади-да!

Кутилмаганда, бурни каттара бошлади. Бурнига қўшилиб, чивин ҳам катталашди. Калласи бу улкан бурунни кўтаролмай қуйи эгилди. Баҳайбат чивин беўхшов тилини чиқарганча уни эрмаклай бошлади. Бу не кургилик, ҳатто чивин ҳам устимдан кулаётир, дея укиниб қўйди. Яна чивиннинг кўзларига термилди. Шу тобда чивиннинг кўзлари унга жуда-жуда таниш, қадрдон туюлиб кетди. Ҳа, бу ўша, ўшанинг таниш шаҳло кўзлари эди. Кўзларига ишонмади. Ахир, бу худди ўшанинг ўзи, дунёга келиб, дунёни таниб, фақат бир мартагина бутун борлиги билан севгани — ўша қиз эди бу. Бошқача бўлиши мумкин эмас. Аста-секин қизнинг юзларидаги чизгилар ҳам тиниқлашди. Қанчалик ақлга сиғмас, гаройиб бўлса-да, ажабланмади. У аввалдан қизнинг келажagini сезгандек эди. Дафъатан кўзларини пирпиратди, негадир қўрқди. Йўқ, қиз ҳеч қаёққа кетмаган эди. Ўша ҳолатда жимгина унга термилиб турарди. Охирида чиндан унинг борлигини ҳис эта бошлади. Авваллари шу қиз учун ҳаётини ҳам беришга тайёр эди, қизни уйламаган бирор кун бўлдимми? Ана шулар хаёлидан кечиб, баданига титроқ югурди ва бу титроқдан чекинмоқ учун яна деворга суянди. Аммо, шу аснода назарида



девор қулаб тушадигандек, ўзи эса тошлар орасида қолиб ўладигандек туюлди. Ўрнидан туриб, гандираклаганча қиз тарафга юрди. Қиз жойидан қимирламас, худди таслим булганини билдирмоқчидек, қўлларини тепага кўтарганча унга сокин тикилиб турарди. Қиздан бир қадам берида тўхтади. Қўллари билан қизнинг нозик вужудини қучмоқ истади. Олти йил олдингидек қизнинг чинқиришидан, юзига тарсаки тортиб юборишидан қўрқди. Аммо, қизнинг вазмин ва хотиржам қиёфасидан бу сафар бирор оғир сўз айтилмаслигини англади. Қавариб, қорайиб кетган қўллари билан қизнинг юзларини силади. Қиз қаршилиқ курсатмади. Унга янада яқинлашди. Илиқ нафаси юзларига урилди. Қизнинг белидан қучди ва оҳиста бошини нафис елкасига қўйди. Кузларини юмганча, шу алфозда бир неча сония қотиб турди. Аммо, илкис ичида бомба портлагандек бўлди. Анчадан бери қуриб турган оғзи сувланди. Дафъатан тилга кирди. Ҳайқирди:

“Ҳа, нега келдинг, согиндингми? Ё сиқилиб кетдингми? Энди эсингга тушдимми, ё эринг уйдан ҳайдадими? Сен нима деб уйловдинг? Пули, бойлғи учун теккандинг, охиригача бахтли яшайман, деб ўйлаганмидинг? Аслида сени ўлдирса яхши бўларди. Мени назарга илмадинг, бойваччани танладинг. Сени бахтли қила олишига ишондинг. Нима бўлди? Олти ойдан кейин қайнатангни ушлаб кетишди. Сен утирган уйни ҳам пуллаб, ўша фирибгарни турмадан чиқардилар. Энди олти жон булиб, иккита хонага тиқилиб ўтирибсанлар. Ҳа, нима бўлди яна? Ўшанда мен қанчалар қақшаган эдим, уволим тутибди-да! Энди йўқсилликдан қийналиб, менинг ёнимга келдингми? Кечиради, деб ўйлаганмидинг? Чучварани хом санабсан. Сен одам эмассан. Сен... Сен... бевафосан, одам эмассан...”

Бирдан нафаси қисилди. Йиғлагиси келди. Қизни қучоғига олиб, ҳунграшга тушди.

“Оҳ, мен сени ўзимдан, ўз ҳаётимдан ортиқ севардим. Бутун боримни фидо қилишга тайёр эдим-а! Нега мен билан қолмадинг? Нега? Ахир, сен уни ҳам севмасдинг-ку! У ҳам сени севмаганди, бунга ишонаман. Нега турмуш қурдинглар? Эҳ, менинг ҳам ҳаётим сен туфайли барбод булди. Орадан куп йиллар ўтган бўлса-да, ҳар кун сени эслайман. Тушимда ҳар куни сени кураман. Менда қолиб кетган биргина суратингни упувераман, упувераман”.

У гапираркан, кўз-ёшлари ёноқларини ювиб борарди.

“Кетганингдан кейин ҳеч қачон уйланмасликка сўз бердим. Сўзимда турдим ҳам. Чунки сендан бошқасини севолмайман. Бу менга боғлиқ эмас, қўлимдан келмайди. Неча бор ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим. Ота-онамга раҳмим келди. Дардимни ҳеч кимга тушунтира олмайман. Олти йилдан бери ичимда сақлаб юрибман. Яхшиям ўзинг келдинг. Қурбонинг бўлай. Энди ҳеч қаёққа кетма. Мени ёлғиз қолдирма, жоним, ёлвораман...”

Икки аёл гаплашганча ҳовлига кириб келишди. Улардан бири иккинчисининг гапини бўлди:

“Анави йигитни кўряпсизми? Қўшнимизнинг ўғли. Тупша-тузук оиланинг фарзанди. Отаси бинойидек ўқитувчи. Афсус, ўзи анча нобопроқ бола чиқди. Ҳар кун шу ташландиқ ҳовлига кириб олганча нашами, “гера”ми, бир бало чекади. Кейин мана шунақа девона бўп қолади. Ҳайтовур, ота-онасининг шўри бўлди, бу дардисар”.



Йигит эса ҳовлининг ўртасидаги қари тутнинг танасини қучганча ҳўнг-ҳўнг йиғларди.



---

## АЗИЗА

Азиза Алиқисмат қизи Лалаева 1986 йил 20 февралда Нахичеван шаҳрида зиёли оилада тугилган. Болалигидан шеъриятга, ижодга меҳр қўйган. Боку Давлат университетининг фалсафа факультетини битирган. “Мактуб” номли тўплами нашр қилинган. “Юлдуз” журнали, “525-газет” газеталарида ҳикоя ва мақолалари чоп этилган. Озарбойжон иқтидорли ёшлари ташкилотининг раҳбари, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



---

## САРХУШ

У кичкина телевизорнинг тугмасини босди. Телевизор бир оз пирпираб, хонага кўжиш шуъла таратди. Бунақаси ҳозир ҳеч кимда йуқ, ўйлади ўзича. Қаерданам бўлсин? Бундан йигирма йил илгари чиқарилган оқ-қора рангли матоҳнинг кимга кераги бор?

Лаблари буришиб пичирлади:

– Ё Раббий, ўзинг мадад бер!

Ўзини тошдек қаттиқ эски диван устига ташлади. Стол тагида бир неча кундан бери турган ярим шиша ароқнинг оғзидаги тиқинни тишида очиб, икки-уч қултум ютди-да, тамшаниб қўйди. Кичик болишни буклаб, бошига қўймққчи булганида димоғига ўгли Тўғрулнинг сўт аралаш ҳиди урилди.

Хотини Судоба боласини қўлтиқлаб отасиникига кетиб қолмаганида, бутун унинг етти ойлигини нишонлаган бўлишарди.

Роппа-роса етти ой илгари Судоба унга оталик бахтини раво кўрганди. Исмини ҳам Судобанинг ўзи қўйган. Эри ҳам бунга қаршилиқ курсатмади. Эр бўлиб унга нима қилолдим, ҳеч бўлмаса ўглига ўзи истаган отни қўяқолсин, деди.

Бир пайтлар ўғил курсам, отамнинг исмини қўяман. деб юрарди. Судоба бир гал, “Отангиз нима иш курсатган ўзи?” дея кесатганидан кейин, дами ичига тушиб кетди. “Бир етимнинг пешонаси шўр бўлса, шунчалик бўлар-да!” дея хаёлланди ва вақтни билиш учун қул соатига қарамоқчи бўлди. Шу чоқ соатини икки кун илгари ун кундан бери йигилиб қолган беш минг манат қарзидан қутулиш учун нон дўконига тошширгани эсига туширди. Кулгиси қистади. Тўғриси, уни ҳамма телбага чиқариб қўйган. Буни юзига айтмасалар ҳам, орқаваротдан уни савдойи деб билишларидан у ҳам воқиф.

“Ростдан ҳам шунақадир?” деган хаёлга борди.

Нақ сувнинг ичида ётиб-туриб юрган одамни ким ҳам жинни демасин?

Тошқин бутун қишлоқни сувга гарқ этаётганди. Кундан-кунга кўтарилиб бораётган сув сатҳи у яшаётган ғариб кулбани кичик бир оролчага ўхшатиб қуйганди. Тўрт ойдан бери сув ўртасида қолиб кетган, хом гиштан тикланган бу бошпанаси бир пайтлар унинг кўзига ҳашаматли қаср бўлиб кўринарди. Ҳозир эса зах тортиб ивиб кетган деворлар йиқилишга маҳтал турарди.

“Ўзимам ғалатиман, уйлади у, бу ерда Судоба қандай қилиб яшаши мумкин эди? Уч ойлик чақалоғи-чи? Уйда егулик йўқлиги, пул йўқлиги учун она шўрликнинг сийнасида сут қочиб кетгани рост-ку? Шўрлик Судоба, ҳозир нима қилаётган экан-а?”

Тўғрулни эслашга тиришди. Юзини куз олдига келтиролмади. Фақатгина кузлари юмуқ гудакнинг тили билан оғзидаги сургични чиқариб ташлагани ёдида қолган. Бечора чақалоқ шунақа чинқириб йиғлардики, эшитган одам ҳозир жигари ёрилиб кетади, деб ўйларди. Кейин ёдига Судобанинг қарғишлари тушди.

– Ҳамманг, сенам, отанг ҳам қирғинга учрасаларинг бўлмасмиди?

Бу гап қулоғи остида жарангларкан, юзига совуқ сув сепилгандек бўлди. Жойидан ирғиб турди. Диванда утирганича телевизор сари эгилиб, унинг овозини кўтарди. Жини суймайдиган бир қўшиқчи аёл куйлаётган эди.

– Падарингга лаънат, қанжиқ! Атайин гашимга тегиш учун ҳар куни телевизорга пул бериб чиқадими дейман!

Бу фикрдан ўзининг ҳам кулгиси келди: “Қара-я, сени таниркан-да, гашингни келтирмоқчи бўларкан”.

Эҳтимол, таниши ҳам мумкин эди. Агар мактабни битирган йили пойтахтга бориб ўқишга

кирганида, ана шундай машҳур қизларни кўриши, улар билан танишиши мумкин эди.

Эҳ, етимлик қисмати шу булганидан кейин у қаерда-ю, Бокуга бориб институтда ўқиш қаёқда?

Яна нималар ҳақида фикр юритиши мумкин?.. Бошқа мавзу қолмадимикин? Турт ойдирки, мана шу диван устида, шу ойнаи жаҳон қаршисида яккаю ёлғиз уй суриб ётишдан бошқа иши йуқ эди.

– Кеча Нефтчилар туманидаги Кур дарёсидан қайиқда кесиб утмоқчи бўлган 16–22 ёшлардаги икки киши сувга чўкиб кетди. Уларнинг жасадлари ҳалиям сув тубидан қидирилмоқда.

16–22 ёшли... Сухандон қиз бунча совуққонлик билан гапирмаса? Тўғри-да, чўккан бўлса унга нима? Узи бир тарафда тошқинлар, бир тарафда қочқинлар миллатни қийин вазиятга солиб қўйди.

...Шу чоқ ич-ичидан азобли оғриқ турганини ҳис этди. Оғриқ кураги томон ўрмалади. Турмоқчи булди, мажоли етмади. Қўлини дивандан пастга тушириб, эски шолча устига тиради. Бор овози билан қичқиргиси келди, овози чиқмади. Нафаси етмаётганини ҳис қилди. Ё Раб, бу қандайин оғриқ булди?

Ўғли, ҳатто юзи ҳам хотирасидан сидирилиб кетган жигарбанди эсига тушди. Кейин хотини...

Узоқдан эса онасини кургандек булди. Бор кучини тўплаб, хонаси тарафга интилди. Аммо онаси унга яқинлашиши урнига тобора узоқлашиб борарди. Судрала-судрала айвонга чиқди. Ҳаво етишмаётганини сизди. Ҳовлига узанган зинапояга яқинлашди. Поғоналар устидан думалаб, бир неча ойдан бери ҳовли юзини босиб ётган кўлмакка қулади. Бир зумда бадани сув тагида қолди.

...Эртаси куни ойнаи жаҳонда, жумладан, Судобанинг ота уйидаги оқ-қора телевизордан ҳам ушбу хабар тарқатилди:

– Ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги кишининг жасади ўз ҳовлисидан топиб олинди. У спиртли ичимлик оқибатида нобуд бўлган деб гумон қилиняпти.

## ҚАТЛ

Ўшанда, бир қулида нон, иккинчисида товус патларидан ясалган пирпирак билан дунёга сигмай юрган бу рангпар, озгин ва оёқяланг болага вақти келиб денгиз соҳилида уч қаватли уйинг, айвонлари чор тарафга қараган ҳашаматли мулкинг бўлади, десалар, эҳтимолки, у таажжубланмасди. Бундан гурурланиб, “Самолётим ҳам бўладими?” деб сураган буларди.

Ундаги бу кибр, бу худпарастлик қаёқдан пайдо бўлдийкин? Буни ҳеч ким айтолмасди.

Мактабда ёмон уқимасди. Жанжалкаш, жангари ҳам эмасди. Аммо, ҳамма унинг тезроқ мактабни битириб, каттароқ уқишга киришини ёки Бокуда каттароқ ишга илиниб, бу қишлоққа қайтиб келмаслигини истарди.

У дунёга келган куни онаизорнинг ўзи дорулфано билан видолашганди. Аслида куплар бола ҳам ўлган бўлса керак, деб уйловди. Туққан хотиннинг атрофида гирдикапалак булиб, қурқувданми, ҳаяжонданми тили калимага келмай қолган доя хотин бир тарафга эътиборсизгина ирғитган митти гушт парчаси кутилмаганда шундоқ фарёд солдики, хонадагиларнинг эсхонаси чиқиб кетаёзди. Бу қичқириқдан жони узилаётган аёл ҳам бир сесканиб кетди. Сунгги бор кузларини катта-катта очганча омонатини тошширганди.

Бу воқеани қишлоқдаги катта-кичик биларди. Чақалоқнинг чилласи чиқмай, ҳали бу суз-суҳбат тугамай, қишлоққа отасининг ҳам майитини олиб келишганда, баъзилар уни туман марказида машина уриб кетганини айтди, баъзиларнинг айтишича, катта йулда жасади топилган, кимлигини билишолмай, уликхонага олиб боришган, таниш-билишлари хабар топиб, уни қишлоққа келтиришган.

Шу тариқа қирқ кунлик чақалоқни ким боқши масаласи кўндаланг чиқди. Ҳеч кимнинг бу бехосият чақалоқни катта қилишга юраги бетламади. Қариндош-уруғлар болани Бокудаги етимхонага элиб топширишга келишганида, Самоя исмли бир аёл индамай келиб, гўдак болани амакисининг хотини қулидан олди ва сассиз орқага қайтди. Сунгра орқасидан қадалган савол тўла кўзларга боқиб айтди:

– Эрим йўқ, отам, ака-укаларим йўқ. Балки шу бола менинг суянчигим бўлар.

Лекин бу бола емай егизиб, киймай кийгизиб катта қилган Самояга ҳам, узининг туғишган қавм-қариндошига ҳам суянчиқ бўлмади. Мактабни битирар-битирмас ҳаммадан юз утириб, Бокуга кетди. Самоя ҳам бундан ортиқча ранжиб утирмади.

– Бировнинг қорнидан тушган бола бошқага эл булармиди? Ҳозирги кунда ўз туққан болангдан оқибат кўрмайсан-ку! – Самоя лаблари титраб-титраб яна шуни ҳам илова қилганди: – Худонинг ёзгани шу экан-да! Тақдир...

Ушанда одамлар билгандики, Самоя болага берган нон-тузига рози бўлса-да, қисматидан рози эмас. Шу боис, ҳеч ким унинг ёнган юрагига мой ҳам сепмади, таскин ҳам бермади, ҳамма сукутга толди. Орадан йиллар утиб, унинг суратини газетда, ойнаи жаҳонда кўрганлар ҳам бу эски суҳбатга қайтмади. Самоя ҳам дунёдан утиб кетди. Аммо, ушангача бир кимса унинг ўзи билан олиб кетган гам-андуҳидан хабар топмади.

Бола эса улғайиб, ўсиб, кутарилиб борди. Уйланди. Шундай бир оиланинг қизини олган эдики, дунёдаги барча эшиклар унинг учун очилгандек эди. Лекин ҳеч ким билан чиқиша олмайдиган инжиқ хотини, бола-чақаси, қайин-буйинлари бир қулида бугдой нони, бирисида товус патидан



ясалған пирпираги булган бу болани сева олишмади. Буңда қандай сир бор эди?

Хотини бир неча йил илгари углига қушилиб хорижга кучиб кетганида бу ҳақда бир огиз маслаҳатлашиш нега ҳеч қайсисининг хаёлига келмаганини у тушуна олмасди. Уни шунчалик нутишган эдики, гүё бу одамнинг узи умуман ҳаётда бўлмагандек.

“Ўлиб кетмайдими бари”, уйлаганди ушанда, “Уй-жойим бўлса, давлатим умримнинг охиригача етиб ортса, менга яна нима керак? Ҳар қалай, улигим кучада қолиб кетмас”.

У ҳозир учинчи қаватда, айвонда утирганча ана шуларни хаёлидан кечирарди. Ва бу уй-хаёллар ичида баданини совуқ тер босганди. Орада кўнглига бир ёруғлик инар, кўп ўтмай, дарров сўниб қоларди. Аввалига совқотяпман, деб уйлади. Денгиз сабоси унинг юзларини сийпалагани сари совуқ тер ичига гарқ булиб борарди. Ич-ичидан қандайдир ҳароратни ҳис этса-да, аъзойи баданини титроқ тутиб, тишлари тарақлай бошлади.

“Мен ўзи нима учун бу ҳақда уйлаб қолдим? Нега буларни эслашим керак? Ҳаммаси олдинда-ку! Тезроқ тонг ота қолмайдими?”

Фикрлари ярмидан кесилди. Ҳаво етишмаётганини ҳис этди. Тавба, бу баландликда, денгиздан бор-йўғи 50–60 метр узоқда нима учун унга ҳаво етишмаяпти?

“Балки қон босимим ошгандир?” Миясига биринчи булиб урилган фикр шу бўлди. Шошилишчи шиппагини оёғига илиб, хонага кирди. Айланма зиналардан иккинчи қаватга тушди. Ётоқхонага ўтди. Дераза очиқ булгани учун узун ҳарир пардалар ҳаволаниб, уни қучоқламоқчи бўлганида кўнгли беҳузурланди. Узидан четга сурмоқчи булгани сайин пардалар уни янаям маҳкамроқ уз оғушига олмоқчи буларди. Бу не ҳаяжон бўлди?

Нега ҳамма нарса унинг гашига тегаверади? Пардани зарб билан узиб, ерга итқитди. Айвонга чиқди. Яна нафаси сиқилди. Денгиз томондан галати шовуллаш эшитиларди. Шамол тўхтаганди. Тўлқинлар ҳам тинган. Унда сукунат бағрини ёриб чиқаётган бу овоз қаердан келяпти?

Бу ерда ҳам ҳаловат топмади. Ётоқхонанинг айвонга очилган эшигини ҳам, бир неча кундан бери очиқ турган деразаларни ҳам ёпди. Гуёки уни маҳв этишга уринаётган ваҳиманинг йўлини тўсмоқчи бўлди.

Жойига узанмоқ истади. Каравотнинг устидаги чойшабни кутарди. Лекин каравотга ҳам утиролмади. Гуё каравотга ётса, уни сўнгсиз бир уйқу олиб кетадигандек. Хонада ундан бошқа яна кимнингдир борлигини ҳис қилди.

– Ким? – деб бақирмоқчи бўлди, овози чиқмади. Бугзига нимадир тиқилди, шекилли. Хириллашга тушди...

Йўқ, бошқа ёзолмайман. Қўлларим қалтираяпти. Кафтларим жиққа терга тўлган. Бу вазиятда бошқа давом этмоқ мушкул. Юрагим куксимга сиғмаяпти. Дукиллаб ураётганини эшитяпман.

“Кузларини юмди, худди уйқуга кетгандек. Улди...”

Шу икки жумлани ёзиб, тўхтатаман.

Бу қотиллик эди. Уни мен ўлдирдим. Дунёга келиши билан ўз волидасини улимга гирифтор этган бу кимсани мен ўлдирдим. Билмадим, кўриниши қанақа эди, буйи қанча эди? Фақат шуни биламанки, бу унинг учун жуда арзон ўлим бўлди. Лекин бу ҳақиқий қатл эди. Мен уни ўлдирдим...

Қўлларим титрайди...

## МУНДАРИЖА

### АНОР

Ваҳима .....	4
Қизил лимузин .....	46

### ҲИДОЯТ

Умрдан узун кеча .....	66
------------------------	----

### СОБИР РУСТАМХОНЛИ

Тош ранги .....	83
Қоялар орасидаги қасам .....	95
Сингил .....	106

### КОМИЛ АФСАРҲУҒЛИ

Қон ҳиди .....	122
Оқдов .....	127

### ВОҶИФ СУЛТОНЛИ

Қумри навоси .....	137
--------------------	-----

### КОМРОН НАЗИРЛИ

Қурқинчли муҳаббат .....	146
Уч миллион долларлик юрак .....	157

### ЭЛЧИН ҲУСАЙНБЕЙЛИ

Ўтиш даврининг товуғи .....	169
Ёмгир .....	175
Буқа .....	182
Анор .....	189

## ЯШАР

Айрилиқ ..... 197

## ТУРОЛ АНОРУҒЛИ

Синфком сайлови ..... 204

## РАШОД МАЖИД

10 сентябрь ..... 222

## УЛВИ БУНЁДЗОДА

Садоқат ..... 235

Инсон ..... 240

## ИЛҒОР ФАҲМИЙ

Учрашув ..... 245

## АЗИЗА

Сархуш ..... 251

Қатл ..... 254

---

Таржимон мазкур китобга киритилган ҳикояларни тўплаш ва саралашда  
кўрсатган ёрдами учун озарбойжонлик журналист Гулу Кенгерлига  
миннатдорчилик билдиради.

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(50зе)7

У-51

Умрдан узун кеча. Озарбойжон ёзувчилари ҳикоя-  
У-51 лари / Тарж. Р.Жабборов. – Т.: «DAVR PRESS» НМУ,  
2014. – 260 б.

ISBN 978-9943-4285-3-9

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(50зе)7

*Адабий-бадий нашр*

**УМРДАН УЗУН КЕЧА**

Озарбойжон ёзувчилари ҳикоялари

Бош муҳаррир Асрор Мўмин

Бош муҳаррир

уринбосари Рауф Субҳон

Масъул муҳаррир Хосият Ражабова

Мусаҳҳиҳ Лола Шаймова

Дизайнер Жаҳонгир Абдужалилов

Саҳифаловчи Азиза Ойназарова

Нашриёт лицензия рақами АI-№ 213

2013 йил 25 февралда нашриётга топширилди.

2014 йил 5 мартда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108<sub>1/32</sub> «Baltica APP» гарнитураси.

Шартли босма табоғи 13,65.

Нашриёт ҳисоб табоғи 9,05. Адади 1000 нусха.

868-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS" нашриёт-матбаа  
уйида тайёрланди.

"DAVR PRESS" НМУ МЧЖнинг матбаа бўлимида  
офсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156, Тошкент шаҳри,

Чилонзор тумани, 20-А даҳа, 42-уй.

Тел: + (99871) 120-1299;

Маркетинг бўлими: + (99871) 120-1233; 120-1202.

Web: [www.davrpess.uz](http://www.davrpess.uz)

E-mail: [davr-press@mail.ru](mailto:davr-press@mail.ru)



ISBN 978-9943-4285-4



9 789943 42854